

# ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ

Ж.Х.ХЎЖАЕВ



581.1  
X-98


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ж.Х.ХҰЖАЕВ

# ЎСИМЛИКЛАР

# ФИЗИОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган



ТОШКЕНТ — «МЕХНАТ» — 2004

Дарсликда ўсимликлар физиологияси фанининг ривожланиш тарихи, босқичлари, ҳужайранинг тузилиши, кимёвий таркиби, органоидлари, уларда кечадиган ҳаётий жараёнлар аҳамияти, биоэнергетиканинг асосий тушунчалари, биологик тизимлардаги энергия манбалари, фосфорланиш, донор-акцептор тизими ва биомембраналарниң роли таҳлил этилган. Фотосинтез моҳияти, нафас олиш жараёнининг аҳамияти, ўсимликларниң сув режими, уларниң илдиз орқали озиқланиш жараёнлари, танасидаги зарурий минерал элементларниң миқдори, уларга бўлган талаб, ўзлаштириш механизми, физиологик аҳамияти, табиий тупроқларниң унумдорлиги, ўғитлаш тизими, усуслари ва муддатлари мисоллар асосида ёритилган. Айниқса, ўсимлик гормонлари, уларниң ҳосил булиши, турлари, тузилиши, кимёвий таркиби, физиологик аҳамияти ва бошқалар кўрсатилган. Физиологик фаол сунъий моддалар, ўсимликларниң тиним ҳолатлари, ҳаракатлари ва уларниң физиологик асослари талқин этилган. Физиологик жараёнларни тасвирлашда Ўзбекистон ҳудудида етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик экинлари, экологик муҳит ва бошқаларга асосланилган. Ўзбек тилида тайёрланган ушбу дарсликдан олий ўқув юртлари биология факултетлари ҳамда қишлоқ ҳўжалик институтлари талabalari ва академик лицейларининг ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:** И.Х.Ҳамдамов – биология фанлари доктори, профессор;  
М.И.Икромов – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,  
биология фанлари доктори, профессор;  
С.Отақов – Тошкенг Давлат аграр университети доценти.

X ——————  
19060000-5  
M359(04)-2004 ——————  
эълонсиз, 2004  
M359(04)-2004

ISBN 5-8244-1616-8

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004 й.  
© «Mehnat» нашриёти, 2004 й.

## КИРИШ

Ұсимликлар физиологияси ұсимликлар танасида содир бұладиган ҳәеттің жараёнлар, мұраккаб қонунияттар ва ҳодисалар занжирини үрганувчи фандир. Фотосинтез, нафас олиш, сув режимі ва тириклик асосини ташкил этувчи бошқа ҳәеттің кечинмаларни үрганиш, таҳлил қилиш ва уларни одам үчун фойдалы томонға үзгартырыш, яғни юқори ва сифатлы ҳосил олиш мазкур фаннинг асосий вазифасы ҳисобланади. Шу маънода ұсимликлар физиологияси агрономия фанларининг назарий асосини ташкил этади. Чunksи физиология соҳасида эришилган қар бир ютуқ ұсимлиқшоносликда ҳам янги муваффақияттарға сабаб бұлади. Айниқса, кейинги йилларда бу соҳада эришилган ижобий натижалар: сувдан тежамкорлық билан фойдаланиш мақсадыда суфориш ишларини тартибли йүлга қўйиш, минерал ва органик үғитлардан самарали фойдаланиш, үсиш ва ривожланишни бошқариш, ташқи шароитнинг нокулай омилларига ұсимликлар чидамлилигини ошириш каби ишларнинг ҳаммаси ұсимликлар физиологиясининг ютуқларига асосланғанди.

К.А.Тимирязев ұсимликлар физиологиясининг мақсади ұсимлик танасидаги ҳәетті ҳодисаларни үрганиш ва тушуниш ҳамда шу йүл билан ұсимлик организми киши хоҳишига қараб үзгариши, ундағы ҳодисаларни тұхтата олиш ёки аксинча, рўй берищігә мажбур қилиш, хуллас, ұсимлики киши ихтиёрига бўйсундиришдан иборат, деб ёзган эди.

Ұсимликлар физиологиясида асосий иш усули тажрибадир. Физиолог ұсимлик ҳәеті ҳақида етарли даражада аниқ ва тұла тасаввур олиш, унга хос бўлған қарама-қаршиликларни очиш, уларни ұсимлик танасининг умумий ривожланишида қандай аҳамияттаға эга эканлигини аниқлаш мақсадыда лаборатория ва дала амалиёти усулларидан фойдаланади. Ұсимликтарнинг үсиш ва ривожланиш қонунияттарини табиий шароитда үрганишда комплекс кузатишлар олиб бориш катта аҳамияттаға эга. Чunksи ұсимлик ҳәетини табиий омиллар таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. К.А.Тимирязев айтганидек, физиолог экспериментал ёки назарий тушунчага эга бўлиш учун ҳәетті ҳодисаларнинг таҳлили билангина қаноатлана олмайди, у организм тарихини ҳам үрганиши керак.

Ұсимликлар физиологияси ботаника фанлари қаторига кириши билан бергә, ҳайвонлар физиологияси, биокимё, биофизика, молекуляр биология, микробиология, кимё, физика каби фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, уларнинг ютуқларидан фойдаланади, уз навбатида уларга таъсир этади. Кейинги йилларда кимё ва физика фанларининг замонавий усуллари: хромотография нишонли атомлар, электрон микроскопия,

электрофорез, дифференциал центрифугалаш, спектрофотометрия, рентгентузилма таҳлили ва бошқалардан фойдаланиш натижасида физиология фанида жуда катта ютуқларга эришилди. Бу усулларни қўллаш туфайли ўсимлик ҳужайрасининг мураккаб тузилиши, ҳужайра органоидларининг тузилмаси ва физиологик функциялари, ҳужайранинг моддаларни ўзлаштириш ва ажратиб чиқариш жараёнида мемброналарнинг аҳамияти ва бошқалар бирмунча пухта ўрганилди. Айниқса, ўсимликлар танасида қувватини тўплаш ва сарфлаш ҳақидаги тушунчалар кенгайди. Чунки ёруғликнинг электромагнит энергиясини органик моддалар таркибидаги эркин кимёвий қувватга айлантириш ва тўплаш яшил ўсимликларнинг энг муҳим таснифий хусусиятидир. Бу хусусияти билан яшил ўсимликлар табиатдаги барча бошқа тирик организмлардан фарқ қиласи ва Ер юзида ҳаётнинг барқарорлигини таъминлайди. С.П.Костичев (1872-1931) “Агар яшил барг бир неча йилга ишлашни тўхтатса, Ер юзидағи барча жонзор, жумладан, инсоният ҳам нобуд бўлади”, деган эди.

Ҳозирги вақтда биологиянинг турли соҳалари орасида ўсимликлар физиологияси алоҳида ўрин тутади. Янги-янги навлар яратишда, уларнинг ҳосилдорлигини оширишда, ҳосил сифатини яхшилаш ва сақлашда мазкур фаннинг аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўсимликлар физиологияси XVII-XVIII асрларда ва XIX асрнинг бошлирида мустақил фан сифатида шаклланди. Дастрлаб италиялик олим М.Малпиги (1675), инглиз Р.Гук (1665) ўсимликларнинг микроскопик тузилиши ҳақидаги таълимотни яратдилар. 1727 йилда инглиз ботаниги С.Гейлс ўзининг “Ўсимликлар статикаси” асарида бирқанча физиологик тажрибаларнинг натижаларини якунлаб, ўсимликларда икки хил оқимнинг мавжудлигини, яъни сув ва озуқа моддаларнинг пастдан юқорига ва юқоридан пастга қараб оқишини тасдиқлади. Ўсимликларда сувни ҳаракатга келтирувчи қуч илдиз босими ва транспирация эканлигини исботлади.

Инглиз Д.Пристли (1771), голландиялик Я.Ингенхауз (1779), швейцариялик олимлар Ж.Сенебе (1782) ва Т.Соссюр (1804) бир-бирларининг ишларини тўлдириш натижасида ўсимликларда фотосинтез жараёнининг мавжудлигини очдилар. Яъни ёруғликда яшил ўсимликлар карбонат ангидритни ўзлаштириб, углеродли бирикмаларни тўплаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

Ўсимликлар физиологияси тарихида 1800 йил бурилиш йили ҳисобланади. Чунки шу йили Ж.Сенебенинг беш томлик “Ўсимликлар физиологияси” китоби чоп этилди ва у ўсимликлар физиологиясининг мустақил фан сифатида туғилиши ва келажакдаги ривожланишига асос солди. Ж.Сенебе “Ўсимликлар физиологияси” атамасини таклиф этиш билан чегараланиб қолмасдан, бу фаннинг асосий вазифаларини, предмети ва усулларини аниқлаб берди.

Россияда ўсимликлар физиологияси XIX асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлади. Унга А.С.Фаминцин (1835-1918) ва К.А.Тимирязев (1848-

1920) асос солдилар. А.С.Фаминцин (1867) Петербург университете ташкил үсімликтердегі физиологияның кафедрасын ташкил этди ва 1887 йилда үсімликтердегі физиологиядан биринчи ўкув китобини єзди. Унинг асосий илмий изланишлари фотосинтез ва үсімликтердегі модда алмашинув жараёнларини аниклашга қарастырылған болады. А.С.Фаминцин тажрибалар натижасыда сұнъий ёруғлика ҳам карбонат ангирид үзлаштырылып, крахмал ҳосил булишини күрсатды.

А.С.Фаминцин үша даврда чөр Россияси Фанлар академиясы тизимидағы ягона үсімликтердегі анатомияси ва физиологияси лабораториясининг раҳбары болады. Шу лабораторияда 1892 йилда Д.И. Ивановский вирусларни қашф этди. 1903 йилда эса М.С.Цвет үсімлик пигментлари ва уларға яқын бұлған табиий бирикмаларни ажратиш учун хромотография үсулини ишлаб чиқти. Бу усул ёрдамида у хлорофиллни биринчи булиб хлорофилл “а” ва хлорофилл “б” га ажратти.

Үсімликтердегі физиологияның соңасыда Москва мактабининг ташкилотчеси К.А.Тимирязев бұлды. У 1870-1892 йилларда Петров деңгөнчилик ва ўрмон академиясининг (хөзирги К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хужалик академиясы) ва 1878-1911 йилларда Москва университетининг профессори булиб ишлади. Олим янги физик ва кимёвий үсулдарни құллаш натижасыда фотосинтезнинг мұхым қонуниятларини аниклашга мұваффақ бұлды, хлорофиллнинг физикалық ва кимёвий хоссаларини үрганишга катта ҳисса құшди. Фотосинтез ёруғлиқ жадал-лигига, спектрал таркибиға ва қуёш ёруғлигининг энергиясын боғлиқ эканлигини аник тажрибалар орқали исботлади. К.А.Тимирязевнинг “Үсімликтер ҳаёти” (1878), “Чарлз Дарвин ва унинг таълимоти” (1883), “Үсімликтер физиологиясынинг юз йиллик натижасы” (1901), “Үсімликтер физиологияси ва деңгөнчилик” (1906) ва башқа асарлари үсімликтердегі физиологияның ривожланишида алоҳида ажамияттағы ең мағыннейтілген шығармалар болады.

Үсімликтердегі экологик физиологияның асос солған олимлардан бири Н.А.Максимовдир (1880-1952). У үзининг шогирдлари (И.И.Туманов, Ф.Д.Сказкин, В.И.Разумов, Б.С.Машков, Л.И.Джапаридзе, В.Г.Александров, И.В.Красовская ва башқалар) билан биргаликта үсімликтердегі қишининг ноқулай омиллари таъсирига, қурғоқчиликка чидамлилік физиологияның үсіш ва ривожланиш, сұнъий ёруғлика үсіш каби жараёнларнинг назарий асосларини ишлаб чиқти.

ХХ асрнинг биринчи ярмидан үсімликтердегі физиологияның янада тез-роқ ривожланғанын көрсеткіші болады. Мураккаб физиологик жараёнларнинг биокимёвий механизmlари үрганила башланған. Жұмладан, фотосинтез (М.С.Цвет, 1903; Р.Хилл, 1937; М.Калвин, 1948-1956; Р.Эмерсон, 1943-1957; Д.И.Арнон, 1954; М.Д.Хетч ва К.Р.Слек, 1966 ва башқалар) ва үсімликтердегі нафас олиши (В.И.Палладин, 1912; С.П.Костичев, 1912-1927; Г.А.Кребс, 1937; Г.Калкар ва В.А.Белицер, 1937-1939; Л.Корнберг, 1957; П.Митчел, 1961-1966 ва башқалар) үрганилди. Үсімликтердегі үсіш ва ривожланиш жараёнларини идора қылувчи моддалар – фитогормонлар-

нинг очилиши ва ўрганилиши жуда катта ютуқ бўлди (М.Г.Холодний ва Ф.Вент, 1926-1928; Ф.Кегел, 1934-1935; М.Х.Чайлахян, 1937; Т.Ябута, 1938; С.Скуг, 1955; Ф.Эддикотт ва Ф.Уоринг, 1963-1965).

Дастлаб А.С.Фаминцин раҳбарлигига ташкил этилган ўсимликлар анатомияси ва физиологияси (кейинчалик биокимё ва ўсимликлар физиологияси) лабораторияси таркибида 1934 йили Москвада ўсимликлар физиологияси институти ташкил этилди. Институтга 1936 йилда К.А.Тимиризев номи берилди ва у ўсимликлар физиологиясини ўрганиш соҳасидаги энг йирик ва ягона марказга айланди. Таниқли олимлар А.А.Курсанов, М.Х.Чайлахян, П.А.Генкел, Ю.В.Ракитин, Р.Г.Бутенко, А.А.Ничипорович, И.И.Туманов, А.Т.Макроносов ва бошқаларнинг илмий фаолиятлари шу институт билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда эса Киев, Минск, Новосибирск, Кишинёв, Душанбе қаби шаҳарларда ҳам ўсимликлар физиологияси ва биокимёси институтлари бор. Барча университетларда ўсимликлар физиологияси кафедралари мавжуд.

Ўзбекистонда ўсимликлар физиологияси мустақил фан сифатида 1920 йил Ўрта Осиё давлат университетининг ташкил этилишидан кейин (Тошкентда) ривожлана бошлади. Университетда ўсимликлар физиологияси ва биокимёси кафедраси ташкил этилди.

Кейинчалик Самарқанд давлат университети ташкил этилгандан сўнг ўсимликлар физиологиси ва микробиология кафедраси очилди. Бу кафедралар ҳозир ҳам мавжуд. Улар ўсимликлар физиологияси фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон шароитида фитофизиологлар (А.В.Благовешенский, Н.Д. Леонов, В.А.Новиков, В.Шардаков, Н.А.Тодоров, М.Х.Ибрагимов, Н.Н.Назиров, С.С.Абаева, М.А.Белоусов, Х.Х.Енилеев, А.Имомалиев ва бошқалар) биринчи навбатда, гўза ва бошқа ўсимликларнинг ҳаётий жараёнларини кенг ўрганиб, назарий ва амалий хulosалар чиқардилар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ФА тизимидағи илмий текшириш институтлари (экспериментал биология, ботаника), Қишлоқ ҳужалик Академияси ва бошқа илм даргоҳларида академик-профессорлар тинмай изланиш ишларини олиб бормоқдалар. Умуман, республикамизда ўсимликлар физиологияси фани кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон фитофизиологлари бирлашмасининг таъсис этилиши (1989) ва 1991 йилда Тошкентда Ўзбекистон физиологларининг биринчи съезди ўтказилиши бунга яққол далил бўлади.

Ўзбекистонлик ўсимлик физиологларининг таклифига асосан, съезд муҳокама қўлган асосий ҳаётий жараёнларни (фотосинтез, минерал озиқланиш ва ҳосилдорлик, липидлар, ўсимликлар иммунитети, шўрликка чидамлилик, ривожланиш жараёнлари ва ташқи шароитнинг нокулай омиллари таъсирига чидамлилик, репродуктив аъзолар физиологияси, физиологик фаол моддалар таъсири ва бошқалар) ўрганиш, қишлоқ ҳужалик ўсимликларидан энг юқори ҳосил олишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ўсимликлар физиологияси фани олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

## I БОБ

# ҮСИМЛИК ҲУЖАЙРАСИННИНГ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Бутун үсимликларнинг асосий тузилма бирлигини ҳужайралар ташкил этади. Уларнинг тириклик ҳусусиятлари шу ҳужайраларда белгиланади. Чунки модда алмашинуви деб аталувчи ассимиляция ва диссимилляция жараёнлари, уларнинг бирлиги фақат ҳужайрадагина содир бўлади. Ана шу иккала жараённинг бирлиги тириклик деб аталувчи материянинг ҳаракат шаклини белгилайди.

Яшил үсимликлар ҳар хил органлар йигиндисидан иборат булиб, бу органлар ўз навбатида тўқималар ва ҳужайралар бирлашмасидан тузилган. Юксак тузилишга эга бўлган ҳар бир үсимлик организми мураккаб тизим сифатида бир-бири билан узвий равишда алоқада бўлган органлар ва функциялар йигиндисидан иборатдир. Бу бирликнинг асосини ҳужайралар ташкил этади.

### 1.1. ҲУЖАЙРАВИЙ ТАЪЛИМОТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Организмларнинг ҳужайравий тузилиши тўғрисидаги назариянинг яратилиши биология соҳасидаги йирик ютуқлардан биридир. Ҳужайра организмнинг асосий бир тузилма бўлгаги эканлиги тўғрисидаги маълумотлар XVII асрда вужудга кела бошлади. Дастроб 1665 йилда инглиз олим Роберт Гук үсимликлар тузилишини ўрганиш учун ўзи такомиллаштирган микроскопдан фойдаланди ва пукак тузилишини ўрганиш натижасида биринчи марта ҳужайра атамасини таклиф этди. XVII асрнинг охирида микроскопни янада такомиллаштирган голландиялик олим Антон Левенгук ва италиялик олим М.Малпигилар ифлос сув томчиларини кузатиш натижасида үсимлик ҳусусиятидаги бир ҳужайрали организмларни биринчи булиб кўрдилар.

Ҳужайра тузилишини ўрганган Роберт Броун 1831 йилда үсимлик ҳужайрасида ядро борлигини аниқлади ва бу ядро барча тирик ҳужайраларнинг зарурый қисми эканлигини тахмин қилди.

Организмларнинг ҳужайравий тузилиши тўғрисидаги таълимотнинг ривожланишида рус ботаник олимни П.Ф.Горяниновнинг (1796-1865) ишлари ҳам катта рол ўйнайди. Унинг 1834 йилда ёзган “Табиат тизими” номли асари бу соҳадаги муҳим манба бўлди. Мазкур рисолада у, асосан жонли табиатнинг ҳужайравий тузилиши ҳақидаги таълимотни илгари сурди, барча ҳайвон ва үсимликлар бир хил қонуният асосида, ҳужайралар йиғиндисидан тузилишини кўрсатди.

Хужайра назариясини умумий биологик назария сифатида 1839 йил немис олимлари ботаник Маттиас Шлейден ва зоолог Теодор Шванн янги ва юқори поғонага кўттардилар. 1840 йилда эса чех олими Я.Пуркене биринчи марта протоплазма атамасини таклиф этди.

Хужайра органоидларининг тузилиш хусусиятлари ва уларнинг физиологик функциялари ҳақидаги маълумотлар XX асрнинг бошларидан юзага келди. Бунга янги ва кучли қувватга эга бўлган биологик микроскопларнинг кашф этилиши, хужайрани организмдан тирик ҳолда ажратиб олиш ва текшириш, хужайрани фиксация қилиш усулларининг мукаммаллаштирилиши сабаб бўлди.

Айниқса, мамлакатимизда ўн минг марта катталаштирувчи электрон микроскопнинг яратилиши (1940 йилда А.А Лебедев раҳбарлигига) хужайра органоидлари ва уларнинг ултратузилмасини ўрганишда янги даврни бошлаб берди. Электрон микроскопнинг янги авлоди ва дифференциал центрифугалаш усули физика ҳамда кимё ютуқларидан фойдаланиш ҳақидаги таълимотни янгидан-янги маълумотлар билан бойитмоқда.

## 1.2. ХУЖАЙРА ТУЗИЛМАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

**ХУЖАЙРА МОРФОЛОГИЯСИ.** "Хужайра" атамаси юнонча "cytos"—хужайра сўзидан олинган. Ўсимликлар бир хужайрали — прокариотлар ва кўп хужайрали — эукариотларга ажралади.

Бир хужайрали организмларга бактериялар ва кўк-яшил сувўтлари мисол булиши мумкин. Бу хужайраларда шаклланган ядро бўлмайди. ДНК моддаси хужайра марказида маълум фазада тўпланган ҳолда жойлашган. Бир хужайрали организмларда метаболитик жараёнларнинг ҳамма функциялари шу битта хужайрада бажарилади.


Шаклланган мустақил ядрога эга бўлган кўп хужайрали ўсимликлар эукариот организмлар деб аталади. Кўп хужайрали организмларда ҳар бир тўқимани ташкил этувчи хужайрада модда алмашинув жараёнининг маълум бир функциялари бажарилади. Шунинг учун ҳам кўп хужайрали организмлар хужайралар йигиндисидангина иборат бўлиб қолмай. балки бутун бир организмни ташкил этувчи тўқима ва органлар йигиндисидан иборатdir. Улар функцияларининг ўзаро боғлиқлиги натижасида умумий метаболитик жараён рўёбга чиқади.

Ўсимликларнинг хужайралари шакл жиҳатидан икки гурухга бўлинади:

1. Паренхима шаклли хужайралар — буларга эни бўйидан, асосан фарқ қиласидиган хужайралар киради.
2. Прозенхима шаклли хужайралар — буларнинг бўйи энидан бир неча баробар узун бўлади.

Хужайраларнинг ҳажми хилма-хил катталикка эга бўлади. Масалан, асосий тўқимани ташкил қилувчи паренхима ҳужайралари 0, 015-0, 070 мм, прозенхима шаклдаги ҳужайралар эса узун булиб, ҳар хил ўсимликларда, ҳатто бир хил ўсимликларда ҳам ҳар хил бўлади — пахта толаси 65-70 мм, қичитқи ўтининг пўстлоқ толаси 80 мм бўлиши мумкин.

Ҳужайралар ҳажми, шакли ва бажарадиган функцияларига қараб ҳар хил бўлсалар ҳам, асосан умумий тузилишга эга. Яъни ҳар бир вояга етган ҳужайрада: пўст, цитоплазма, вакуола, ядро, пластидалар, митохондриялар, рибосомалар, пероксисомалар, эндоплазматик тур, мембраналар ва бошқалар бўлади (I-чизма).



I-чизма. Ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши шакли:


К.С.—ҳужайра пусти; П—плазмалемма; ПЛ—плазмодесмалар; ПЦ—пиноцитоз вакуолалар; Я—ядро; ЯД—ядроча; Я.М.—ядро мембранаси; Р—рибосомалар; ХЛ—хлоропластлар; ПС—пластида; КР—крахмал доначалари; ЭП.С.—эндоплазматик тур; Г.А.—Гольжи аппарати; М—митохондрия; ПР—пероксисома; МН—микро-найчалар; В—вакуола; Т—тонопласт.

**ҲУЖАЙРА ПУСТИ.** Ўсимликларнинг ҳужайраларида қаттиқ пустнинг бўлиши уларнинг ҳайвон ҳужайрасидан фарқ қиласидан белгиларидан бири ҳисобланади. Организмда ҳужайралар бўлиниш йўли билан кўпайди. Она ҳужайра бўлинаётган вақтда ундан ҳосил бўлаётган икки ёш ҳужайра оралиғида жуда юпқа тусиқ пайдо бўлади ва у она ҳужайранинг эски пусти билан қўшилиб кетади. Натижада пайдо бўлган иккала ҳужайра ҳам қаттиқ пустга ўралиб қолади.

Ҳужайра пусти асосан целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин моддаларидан иборат. Куруқ оғирлигига нисбатан целлюлоза 30 фоизни, гемицеллюлоза 40 фоизни, пектин моддалари 20-25 фоизни ташкил этади. Целлю-

лоза моддалари ҳар хил узунликка эга бўлган занжирсимон мицеллалардан тузилган. Ҳужайра пўсти асосан ичкаридан йўғонлашади.

Электрон микроскопда олиб борилган текширишларнинг кўрсатишича, ҳужайра пўсти тўрсимон тузилишига эга бўлиб, уч қаватдан иборатdir. Ички бирламчи қават аста-секин йўғонлашиш хусусиятига эга. Бунинг натижасида ўрта, иккиламчи қават ҳосил бўлади. Иккиламчи қават эса ўз навбатида  $S_1$ ,  $S_2$  ва  $S_3$  қаватларидан иборат бўлади (2-чизма). Ташқи қават учламчи қават дейилади.



2-чизма. Ҳужайра пўстининг тузилиши шакли:

I—бирламчи қават; II—иккиламчи (ўрта) қавати ва унинг  $S_1$ ,  $S_2$ ,  $S_3$  қатламлари;  
III—учламчи ( ташқи ) қавати.


Сунгги йилларда ўтказилган изланишлар ҳужайра пўстининг ҳам энзиматик фаол эканлигини кўрсатди. Яъни пўст таркибида инвертаза, фосфотаза, аскарбинатоксидаза ва бошқа ферментларнинг булиши унинг метаболитик фаоллигидан далолат беради. Бу ферментлар моддаларни қабул қилиш ва ҳаракатланиш жараёнларида, айниқса, катта рол ўйнайди.

Ҳужайра пўсти орқали сув ва сувда эриган кичик молекулали моддалар эркин, қаршиликсиз ўтиб, плазмолемма сатҳига боради. Лекин ҳужайра пўсти таркибида лигнин, суберин моддалари кўпайгандан ва кутикула қавати қалинлашганидан кейин эритмаларнинг диффузияси чеклана бошлайди.

**ҲУЖАЙРА МЕМБРАНИСИ.** Ҳужайранинг ташқи мұхит билан бўладиган алмашув муносабатлари ва протопласт ичидаги рўй берадиган ҳаётий жараёнлар маҳсус мембрана тизими орқали амалга ошади. Протопласт ва ундаги органоидлар мембрана қавати билан қопланган. Яъни ҳар бир органоид ҳам протоплазма каби ўзининг мембранныси билан тавсифланади. Ана шу мембранныси ёрдамида цитоплазмадан ажralиб туради.

Протопластни ташқи томондан ўраб турувчи мембрана (плазмолемма қавати) — ҳужайра мембранныси деб юритилади. У яримутказгич хусусия-

тига эга булиб, ўзи орқали сувни бемалол ўтказади. Лекин сувда эриган моддалар учун юқори даражада танлаб ўтказувчи түсиқ вазифасини бажаради. Айниқса, ҳар хил ионлар ва молекулаларнинг энергетик ва осмотик градиентга нисбатан эркин ҳаракатига түсиқ булиб хизмат қилади. Бундан ташқари мембрана энг муҳим метаболитик насос ҳамдир. Яъни ҳужайра учун зарур бўлган ионларни градиентта қарши фаол ўтказади. Мембраннынг бундай ҳусусиятлари ҳужайра учун кераксиз моддаларни ичкарига ўтказмай, фақат зарурларини ўтказишида беқиёс аҳамиятга эга. Демак, мемброналар ҳужайра метаболизми жараёнининг энг муҳим қисмларидан бири бўлган моддалар оқими ва энергиясини бошқаради: түсиқлик,



*З-чизма. Мембраннынг мозаик ва глобуляр тузилиши:*

А—мозаик тузилиш схемаси; Б—глобуляр тузилиш схемаси; 1—липидлар қуш қавати; 2—оқсил қавати; 3—гликолипидлар; 4—гликопротеинлар; 5—мембраннынг ташқи юзаси; 6—мембранинг ички юзаси.

транспорт, осмотик, энергетик, биосинтетик ва бошқалар. Мембраннынг бундай ҳусусиятлари фақат тирик ҳужайралардагина содир бўлади.

Мембраннынг асосий кимёвий таркиби жуда мураккаб булиб, у асосан липидлар ва оқсиллардан иборат. Липидлар таркибига асосан фосфор, сульфо- ва гликолипидлар киради. Биомемброналар қатлами 6-10 м.га тенг булиб, асосан липидларнинг қўшқават молекулаларидан туилган ва оқсил молекулалари унинг қатламлари орасига жойлашган. Мембраннынг элементар тузилишини Копи модели асосида қўрсатиш мумкин ( З-чизма). Бу модельга кўра, мембрана ҳажми поляр липидларнинг қуш қават молекулаларидан туилган ва оқсил молекулалари унинг қатламлари орасига жойлашган.

Мемброналарнинг шаклланишида асосий ролни гидрофоб боялар ўйнайди: липид-липид, липид-оқсил, оқсил-оқсил. Жумладан, мембра-

на таркибига тузилмавий оқсил, ферментлар, насослар, ташувчилар, ион каналлари вазифаларини бажарувчи оқсиллар ҳам киради. Натижада липидлар оқсиллар билан доимий алоқада бўлиб, гидрофоб бօғларни ҳосил қиласди. Мембрана оқсиллари ўртасида шакарларни, аминокислоталарни ташувчи оқсиллар борлиги ҳам аниқланган. Бу вазифани, асосан махсус ферментлар бажаради. Мембрана таркибида оқсиллардан ташқари айрим мураккаб углеводлар ва нуклеин кислоталари ҳам бор. Унда жуда юқори даражада сезувчи тизим (рецепторлар) ҳам жойлашган. Бу тизим орқали тирик ҳужайра ташқи шароит билан муносабатда бўлади. Ана шу тизим орқали ҳужайра органоидлари ҳам функционал алоқада бўлади. Мембраннынг энг муҳим вазифаларидан яна бири – ҳужайра протоплазмасида бўладиган кўплаб жараёнларни бошқариш ва умумлаштиришdir.

Умуман, мембрана протоплазма ва органоидларни фақат ўраб ва ажратиб турувчи қават бўлибгина қолмай, муҳим метаболитик вазифаларни ҳам бажаради.

**ЯДРО.** Ядро ўсимлик ҳужайрасининг энг муҳим органоидларидан биридир. Думалоқ ёки овал шаклида ва баъзи ҳолларда эса дуксимон, ипсимон бўлиши мумкин. Ўсимлик ҳужайраси ядросининг ўлчами ўртача 10 мкм атрофида бўлади. Кўпчилик ўсимликлар ҳужайрасида ядро битта бўлади. Ядро мембрана қавати билан ўраб олинади ва унинг ичидаги 1-8 донагача ядрочалар бўлади. Протоплазмадаги эндоплазматик тур ёрдамида ядро мембранны ҳужайрадаги барча органоидлар мембранны билан тугашган бўлади. Бунинг натижасида эса протоплазманинг умумий метаболитик функцияси тавсифланади.


Ядронинг асосий вазифаси шундаки, у ҳужайра, тўқима, орган ва бутун ўсимлик учун зарур бўлган барча физиологик, биокимёвий жараёнларни бошқариб туради ва ахборот маркази саналади. Ядро таснифий оқсилларни синтез қилиш ва ирсий белгиларни сақлаб, авлоддан-авлодга бериш дастури билан тавсифланади. Бу муҳим вазифанинг бажарилишида ядродаги ДНК асосий рол ўйнайди. Ядро асосини нуклеоплазма ташкил қилиб, унинг таркиби, асосан оқсиллар – ДНК (14 фоиз) ва РНК (12 фоиз) дан иборат. Ядрода булардан ташқари яна липидлар, сув, калций, магний ва бир қанча микроэлементлар мавжудлиги аниқланган.

**ЯДРОЧА.** Ядроча ядронинг доимий йўлдоши бўлиб, ёруғлик ва электрон микроскопларда жуда аниқ кўринади. Унинг сони, ўлчами ва шакли ўсимликларнинг турлари учун доимийдир. Ядроча ДНКнинг маълум қисмларида шаклланади ва мембрана қавати билан ўралмаганлиги учун унинг чегаралари аниқ кўринмайди. Таркибида сув камроқ бўлиб, 80 фоиз оқсил ва 15 фоиз атрофида РНК бўлади. Ядрочада РНКнинг миқдори цитоплазма ва ядродагига нисбатан кўпроқ бўлади, чунки ядроча

РНКни тақсимловчи асосий марказ саналади. Ядроча оқсил синтезида ва рибосомалар ҳосил булишида иштирок этади.

Умуман, ядроча хұжайрадаги генетик мағлұмот сақланадиган асосий марказ саналади.

**Эндоплазматик түр.** Мазкур атамани 1945 йил Портер жорий қылған. Эндоплазматик түр каналчалар, пулфакчалар ва цистерналарнинг ўзаро туташлигидан иборат мураккаб шохланган түр тизими эканлиги аниқланған. Бұу цитоплазмада көнг тарқалған ва мураккаб мембрана түзилмаси булып, асосан жуфт мембранны каналлар тизимини ташкил этади. Мембраннынг қалинлиғи 5-7 нм атрофида, каналларнинг ички диаметри 30-50 м.гача. Эндоплазматик түр каналининг ичи суюқлик би-



4-чизма. Плазмодесмаларнинг электрон микроскопик түзилиш схемаси (Robaras, 1968):

ЦС—марказий наид; ДТ—десмонайчалар; ЭР—эндоплазматик түр; ПЛ—плазмолемма; ПЛ—плазмодесма наиларидағы плазмолемма; ВП—плазмодесмаларнинг ички томони; КС—хұжайра пүсти.

лан тұла. Эндоплазматик түр мембранасининг юзаси силлиқ ёки грануляр (бұртмачали) булади. Силлиқ мембранада, асосан углеводлар, липидлар ва терпеноидлар ҳосил булади. Грануляр мембранада эса оқсиллар, ферментлар ва бошқалар синтез қилинади. Эндоплазматик түр мембранасининг айрим жойларыда рибосомалар ҳам жойлашған. Улар оқсилларнинг синтез жараёнини таъминлайды.

Эндоплазматик түр каналлари ядро мембраналари, плазмолемма билан ҳам туташған булади. Натижада у протоплазма ичидеги моддаларнинг ҳаракатини ва тақсимланишини таъминлайды.

Хар бир хұжайранинг эндоплазматик түрлари (плазмодесма или орқали) бошқа хұжайраларники билан ҳам туташади ва натижада умумий модда алмашув тизими вужудға келади (4-чизма).


**РИБОСОМАЛАР.** Рибосомалар эндоплазматик түрда жойлашған энг кичик органоидлардир. Улар 1955 йилда Палада томонидан очилған. Рибосомалар электрон микроскопда олинған чизмаларда думалоқ шаклда күриніб, диаметри 20-30 м.га тенг. Рибосомаларнинг ҳар бири иккитадан катта ва кичик бұлакчалардан тузилған. Каттасининг диаметри 12-15 нм, кичигиники эса 8-12 нм га тенг. Рибосома бұлаклары ядрочада синтез

бўлади ва цитоплазмага ўтади. Цитоплазмада эса матрикс РНК молекуласида рибосомалар шаклланади. Рибосомалар цитоплазмада эркин ёки эндоплазматик тур мемранасига туташган бўлади.

Рибосомалар ҳужайрадаги оқсил синтез қилувчи асосий манба ҳисобланади. Уларда ҳужайрадаги ҳамма РНКнинг 65 фоизи жойлашган, оқсил 50-57 фоиз, липидлар 3-4 фоиз атрофида.

Кейинги йилларда аниқланишича, рибосомалар фақат протоплазмада бўлмай, балки ядро, пластидалар ва митохондрияларда ҳам мавжуд, специфик оқсил синтез қилиш қобилиятига эга.

**ГОЛЖИ АППАРАТИ.** Эндоплазматик түрнинг маълум қисмларида жойлашган пуфакчали қатламлар Голжи аппарати дейилади. Улар эндоплазматик турдан узилиб чиқиб кетадиган пуфакчаларнинг ўзаро қўшилиши ва ўзгаришларидан юзага келади. Турли диск, таёқча ва бошқа шаклларда бўлиб, ҳар тўпламда бир нечтадан жойлашган (5-чизма). Мемранасининг қалинлиги 7-8 м.га teng. Ҳар бир ўсимлик ҳужайрасида бир нечтадан то юзтагача Голжи аппарати бўлиши мум-



5-чизма. Голжи аппаратининг шаклий тасвири:

1—дистал ёки секрет чиқадиган қисми; 2—асосий плазма қатлами; 3—поралар; 4—нуклеопротеидлар; 5—шаклланувчи қисми; 6—рибосомалар.

кин. Голжи аппаратининг мемранаси эндоплазматик тур ва плазмолемма мембаналарини туташтирувчилик вазифасини бажаради. Улар метаболитик жараёнда, яъни айрим моддаларнинг синтез қилиниши, ҳужайра пўсти, вакуола ширасининг ҳосил бўлишида ва ҳужайра учун кераксиз (шилимшиқ) моддаларнинг ҳужайрадан чиқариб ташланишида иштирок этадилар.

**ПЛАСТИДАЛАР.** Ўсимлик ҳужайралари пластидаларнинг бўлиши билан ҳайвон ҳужайраларидан фарқ қиласи. Пластида—юнонча “пластикос” сўзидан олинган бўлиб, шаклланган деган маънони англатади.

Цитоплазмада пластидалар ўзларининг қушқават мембаналари билан ажralиб турадилар. Улар думалоқ ёки овал шаклда. Юксак ўсимликларнинг барг ҳужайраларида 20-50 донагача учрайди. Пластидалар рангсиз (протопластлар, лейкопластлар) ёки рангли (хлоропластлар, хромопластлар) бўлади.

Ўсимлик хужайрасида уч хил пластидалар мавжуд: хлоропластлар, хромопластлар ва лейкопластлар.

**Хлоропластлар** – асосан яшил рангда (юонча “хлорос” – яшил сўзидан олинган). Таркибида хлорофилл ва каротиноидлардан иборат пигментлар бор. Мазкур органоиднинг асосий вазифаси шундан иборатки, унда фотосинтез жараёни содир бўлади. Шу сабабли у фотосинтетик орган ҳам дейилади (фотосинтез бўлимида буни кенгроқ қўриб чиқамиз).

**Хромопластлар** – (юонча “хрома” – ранг сўзидан олинган) сариқ, қизил ва қўнғир рангларда бўлиши мумкин. Улар ўсимликларнинг ер тусти ва ер ости органларида, ўсимлик гуллари ва мева хужайраларининг



6-чизма. Митохондрияниң шаклий тузилиши.

протоплазмасида учрайди. Хромопластларда каротиноидлар жумласига кирувчи пигментлар (каротин –  $C_{40}H_{56}$ , лютин –  $C_{40}H_{56}O_2$ , виолаксантин –  $C_{40}H_{56}O_4$ ) бўлади. Улар гултоҷ баргларида, айрим меваларда (апелсин пустлоғида, наъматақ, тарвуз, помидор, сабзи ва бошқаларда) учрайди. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил: думалоқ, эллипсоидсimon, учбурчак, кўп бурчакли, игнасимон, қиррали ва ҳоказо. Гулларнинг хромопластлар туфайли турли рангга кириши ва ҳашаротларни жалб қилиши биологик аҳамиятга эга. Чунки ҳашаротлар (уларни) четдан чанглатишни таъминлайди.

Лейкопластларда пигментлар бўлмайди (юонча “лейкос” – оқ сўзидан олинган). Шунинг учун ҳам улар рангсиз. Шакли асосан шарсимон. Таркибида крахмал ва оқсил доначалари бор. Ўсимликларнинг ҳосил қилувчи тўқималарида, ер ости органларида ва уругларида учрайди. Лейкопластларни 1854 йилда Крюгер топган. Улар қўшқават мембрана билан ўралган. Ёруғликда ички ламеллалар тузилмаси ривожланиб, яшил хлоропластларга айланиш хусусиятига эга.

**МИТОХОНДРИЯЛАР.** Митохондриялар ҳужайра протоплазмасидаги асосий органоидлардан бири бўлиб, улар асосан энергия манбаи ҳисобланади. Ўсимлик хужайрасида улар думалоқ, гантелсимон шаклда мавжуд,


диаметри 0,4-0,5 мкм ва узунлиги 1-5 мкм.га тенг. Ҳар бир ҳужайрада бир неча үнтадан то иккى мингтагача учрайди. Митохондриялар қалинлиги 5-6 нм.га тенг ташқи ва ички мембраналарга эга (6-чизма). Ички мембранаси қават-қават бўлиб жойлашади ва кристаллар деб аталади.

Модда алмашинув жараёнида роли жуда катта. Улар нафас олиш маркази, АТФларни ҳосил қилувчи органоид бўлганлиги учун энергия манбаи ҳисобланади. Энергиянинг ҳосил бўлишида ва кўчирилишида таркибидаги ферментлар (сукцин-оксидаза, цитохромоксидаза) асосий рол ўйнайди.

7-чизма. Ҳужайра мембрана тузилмалари орасидаги онтогенетик муносабат:

1—ядро пўсти; 2—эндоплазматик тўр; 3—рибосомалар; 4—инициал танаачалар; 5—митохондрия; 6—пластида; 7—сферосома; 8—

Голжи аппарати; 9—вакуола; 10—плазмолемма; 11—плазмодесма; 12—ҳужайра пўсти.



1961 йилда Грин ўсимлик ҳужайраларида митохондриялар ҳар 5-10 кунда янгиланиб туришини аниқлаган. Митохондриялар ДНК, РНК ва рибосомаларига эга бўлиб, ўзлари мустақил оқсил синтез қилиш қобилиятига эга.

Кейинги йиллардаги текширишлар натижасида митохондрия ва пластидалар бир-бiri билан генетик боғлиқ эканлиги аниқланди. Яъни ҳужайра ядросининг иккала мембранаси иштирокида қавариқ бўртмалар ҳосил бўлди. Ядро мембранадан узилиб чиққан пуфакчалар инициал танаачалар деб аталади. Улар ривожланиб митохондрия ва хлоропластларга айланади (7- чизма).

**ЛИЗОСОМАЛАР.** Лизосомалар ҳажми жиҳатидан митохондрияларга тенг, лекин солиштирма оғирлиги улардан кам бўлган органоидлардир. Улар асосан нордон ферментлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ферментлар қаторига нордон рибонуклеаза, нордон дезоксирибонуклеаза ва катепсинлар киради. Айниқса, оқсилларни, нуклеин кислоталарини, глю-

козидларни гидролиз қилишда иштирок этувчи ферментлар түпланган. Бу ферментлар ҳужайрадаги турли моддаларни сув ёрдамида парчалай олиши сабабли уларга лизосомалар деб ном берилген. Булар барча тирик ҳужайралар учун универсал органоид ҳисобланади. Улар ҳужайрадаги озуқа моддаларни ҳазм қылувчи орган сифатида ҳам қаралади. Лизосома ичиде борадиган ҳазм жараёни натижасида ҳосил бўлган аминокислоталар, нуклеотидлар лизосомалар мембранныси орқали диффузия қилиниб, топлазмага чиқади. Бу моддалар ҳужайранинг нафас олиш жараёнида макромолекулаларнинг биосинтезида қатнашади.

**ПЕРОКСИСОМАЛАР.** Протоплазмадаги сұнғти йилларда аниқланган да кичик органоидлардан бири пероксисомалардир. Пероксисома атамаси биринчи марта 1965 йилда ҳайвон ҳужайрасини ўрганиш натижасида Де-Дюв томонидан таклиф этилган эди. Буларнинг үсимлик ҳужайрасида ҳам борлиги 1968 йилда Толберт томонидан аниқланган.

Пероксисома ҳажми жиҳатидан митохондрияларга яқин туради. Үсимликларда асосан думалоқ шаклда бўлиб, диаметри 0,2-1,5 мкм. Улар мембрана қавати билан үралган, митохондриялардан кичикроқ ва кристаллари йўқ. Пероксисомаларда ёруғликда нафас олиш (фотодыхание) ферментлари кўпроқ. Шунинг учун ҳам улар баргларда кўп бўлади ва хлоропластлар билан доимий алоқа қиласи. Айрим олимларнинг фикрича, пероксисомалар эндоплазматик түр мембранныси сатҳида юзага келади ва ундан ажralиб чиқади.

**ГЛИОКСИСОМАЛАР.** Глиоксисомалар ҳам пероксисомалар гурӯхига киради. Бу органоидлар унаётган уруғ ҳужайраларида ҳосил бўлади. Уларда асосан ёғ кислоталарини ўзgartириб, шакар ҳосил қилишда иштирок этувчи ферментлар кўпроқ түпланади. Улар ҳажми жиҳатидан пероксисомаларга тенг ва эндоплазматик түр билан боғлиқ.

**СФЕРОСОМАЛАР.** Бу органоидларни 1880 йилда Ганштейн кашф этган ва “микросома” деб ном берган. Кейинчалик шаклига қараб, сферосома деб юритила бошланди. Шакли думалоқ, ёруғликни кучли сингдириш қобилиятли, диаметри 0,5-1 мкм. Эндоплазматик тўрдан ҳосил бўлади ва ажralиб чиқади. Танасида липидлар кўп. Шунинг учун улар липид томчилари ҳам дейилади. Сферосомаларда ферментлардан липаза, эстераза, протеаза, нордон фосфатаза, РНҚаза, ДНҚаза топилган. Уларда асосан фермент липаза кўп бўлганлиги ёғларнинг кўпроқ синтез қилиниши ва тўпланишига шароит яратиб беради. Бажарадиган функциялари лизосомаларнига ҳам уҳшаб кетади.

**МИКРОНАЙЧАЛАР.** Ҳужайра цитоплазмасининг ташқи қатламида найчасимон органоидлар жойлашган. Уларнинг узунлиги 20-30 нм. Деворининг қалинлиги 5-14 нм. Микронайчалар үсимликлар ва ҳайвон ҳужайраларида мавжуд органоидлар. Уларнинг қатлами мембранныдан иборат бўлмай, глобуляр макромолекулаларнинг спирал жойланишидан узилган. Ҳужайрадаги цитоплазманинг ҳаракати микронайчалар билан

боғлиқ деб тушунтирилди, чунки улар цитоплазманинг ҳаракатини вужудга келтирадиган алмашув жараённада иштирок этадилар.

**ВАКУОЛАР** – ўсимлик ҳужайрасининг тирик органоидидир. Ўсимлик ҳужайраларининг протоплазмаси таркибида жуда кўп сув бўлиши билан ҳайвон ҳужайрасидан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам ўсимлик ҳужайрасида вакуола тизими яхши тараққий этган.

Ёш ҳужайраларда вакуола ўрнига эндоплазматик тур каналларида жойлашган пулфакчалар бўлади. Ҳужайранинг вояга етиш жараённада бу пулфакчалар бир-бiri билан қўшилиб йириклиша бошлайди ва эндоплазматик турдан ажралиб, ҳужайра марказидаги йирик ва ягона вакуолага айланади. Уни ўраб турган мембрана эндоплазматик тур тонопласт, вакуолани тўлатиб турган суюқлик ҳужайра шираси дейилади. Вояга етган ҳужайраларнинг марказида ягона вакуола ҳосил бўлиб, унинг ҳажми умумий ҳужайра ҳажмининг 90 фоизигача етиши мумкин. Ҳужайра ширасининг 96-98 фоизи сувдан иборат бўлиб, унинг таркибида модда алмашиниш жараённада ажралиб чиқсан органик кислоталар, оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар, алкалоидлар, гликозидлар, ошловчи моддалар, ҳар хил тузлар, эфир мойлари, пигментлар ва бошқалар бўлади. Бу моддаларнинг вакуолада тўплана бориши ҳужайра ширасининг ҳам концентрациясини ошира боради. Ҳужайра шираси азотда нордон реакцияга эга суюқликдир. Кўпчилик ҳолларда pH 5, 0-6, 5, лимонда – 2, бегония ўсимлигига – 1 атрофида бўлади. Айрим ҳолларда эса кучсиз ишқорий реакцияга ҳам эга бўлиши мумкин (ошқовоқ, бодринг, қовун).

Вакуолаларнинг асосий биологик роли шундаки, улар ўзларида тўплаган концентрацияли ҳужайра шираси ҳисобига осмотик хусусиятларга эга бўлади. Бунинг натижасида эса ҳужайранинг сўриш кучи, тургор босими ва сув режими бошқарилади. Тирик ўсимликларда эса сувнинг ва минерал элементларнинг қабул қилиниши, ҳаракати ва тақсимланишини идора қиласи. Ҳужайрадаги модда алмашувидан ҳосил бўлган чиқинди маҳсулотлар ҳам (алкалоидлар, полифеноллар, стероид ва бошқалар) шу вакуолаларда тўпланадилар. Ўсимликларда ҳосил бўлган углеводлар ва оқсил моддалари ҳам ҳужайра ширасида захира ҳолда тўпланди. Умуман ўсимликларнинг турига, ҳужайра, тўқима ёки органларига қараб ҳужайра шираси ўзгариб туради.

**ПРОТОПЛАЗМА.** Протоплазма ҳужайра ичидаги цитоплазма ва органоидлар билан биргаликда бир бутунни ташкил этиб, унда метаболитик жараённинг мураккаб реакциялари содир бўлади.

Цитоплазма протоплазманинг асосий қисмини ташкил этувчи суюқликдир. Бошқа органоидлар асосан цитоплазма ичидаги жойлашади. Уларнинг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва ўзларининг функционал вазифаларини бажаришлари учун фақат цитоплазма ичидагина оптимал шароит бўлади. Ўсимлик ҳужайрасини тўлдириб турган цитоплазма учқаватдан иборатдир. Сирт томондан ҳужайра деворига ёпишиб турувчи

қавати—плазмолемма, яъни ташқи мембрана дейилади. Ички қавати вакуоладан чегараланиб туради ва у тонопласт ёки ички мембранани ташкил этади. Цитоглазманинг ўрта қавати мезоглазма дейилади. Ҳужайранинг метаболитик жараёнида иштирок этувчи барча органоидлар цитоглазманинг мезоглазма қаватида жойлашган бўлади.

Цитоглазма шилимшиқ, рангиз, тиниқ ва ярим суюқ ҳолатдаги модда. Солиширма оғирлиги бирдан юқори бўлиб, 1,025-1,055 га тенг бўлади. Ёруғликни сингдириш қобилияти ҳам сувдан юқоридир. У маҳсус тузилмавий тузилишга, яъни қовушқоқлик ва эластиклик хусусиятларига ҳам эга.



8-чизма. Элодея баргининг ҳужайраларида цитоглазманинг айланма ҳаракати:  
1—хужайра пўсти; 2—цитоглазма; 3—хлоропластлар; 4—крахмалли йодда буйлган хлоропластлар.

Протоплазманинг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, органик ва анорганик бирикмалардан иборат. Улар коллоид ва эриган ҳолда бўлади.

Карам барги мисолида ҳужайра цитоплазмасининг кимёвий таркибини қўйидагича кўрсатиш мумкин: оқсиллар — 63-64 фоиз, ёғлар — 20-21 фоиз, углеводлар — 9-10 фоиз ва минерал моддалар 6-7 фоиз. Тирик ҳужайра протоплазмасини 80 фоизгача сув ташкил этади. Уруғларда эса 10-11 фоизи бўлиши мумкин. Умуман протоплазманинг кўпчилик қисми сув, қолган қисмини қуруқ моддалар ташкил этади. Қуруқ моддаларнинг эса асосий қисмини оқсиллар ташкил қиласи.

**ЦИТОПЛАЗМАНИНГ ҲАРАКАТИ.** Тирик ҳужайра ичидаги цитоплазманинг доим айланма ва оқимсимон ҳаракат қилиб туриши унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Одатда протоплазманинг ҳаммаси ҳам бунда иштирок этмайди. Ҳужайранинг пўстига тақалиб турадиган қисми – плазмолемма ва тонопласт тинч туради. Протоплазмадаги органоидлар эса цитоплазмага қўшилиб пассив ҳаракатланади. Цитоплазманинг ҳаракат тезлигини органоидларнинг ҳаракатини куатиш ва ўлчаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Айланма (ротацион) ҳаракат одатда протоплазмаси ҳужайра пўстига яқин жойлашган, ўрта қисми эса катта вакуола билан банд бўлган ҳужайраларда кузатилади. Протоплазма гўё ҳужайранинг маркази атрофида айлангандай бир томонга қараб ҳаракатланади. Буни сув ўсимликлари – элодея ёки валиснериянинг ҳужайраларида кўриш мумкин (8-чизма).

Оқимсимон (циркуляцион) шаклида протоплазма ҳаракати талайгина ингичка оқимлар ҳолида ҳар томонга йўналган бўлади. Вақти-вақти билан ҳар бир оқим ўз йўналишини ўзгартириб, тескари томонга оқади. Қарама-қарши оқимлар ёнма-ён бўлади. Ҳужайраларнинг марказий қисмидаги оқимлар ҳам ўз жойларини ўзгартириб туради. Буни традесканциянинг чанг иплари тукларида, ошқовоқнинг ёш шохларидаги тукларида ҳам кўриш мумкин.

Протоплазманинг ҳаракати бирламчи ва иккиласмачи бўлиши мумкин. Зааралланмаган ва меъёрий шароитдаги табиий ҳаракат бирламчи ҳаракат дейилади. Иккиласмачи ҳаракат тинч турган протоплазмага ташқи таъсир, яъни ёндош ҳужайраларнинг заарланиши (кесиш, жароҳатланиш), ҳарорат, ёруғлик, кимёвий моддалар, электр токи ва бошқаларнинг таъсири натижасида тезлашади. Таъсир кучли бўлганда ҳаракатни тухтатиш ҳам мумкин.

Цитоплазма ҳаракати натижасида протоплазма ва органоидлар озуқа моддалар, кислород, сув ва минерал моддалар билан тўғри таъминланади. Протоплазмадаги органоидлар ҳам пассив ҳаракат натижасида ўзларининг функционал вазифаларини яхшироқ бажарадилар.

### **ПРОТОПЛАЗМАНИНГ ҚОВУШҚОҚЛИГИ ВА ЭЛАСТИКЛИГИ.**

Қовушқоқлик ҳужайра ҳаётидаги энг муҳим хусусиятлардан бири. У ҳужайранинг ҳаётийлигини ва биокимёвий фаоллигини белгилайди. Қовушқоқлик деб эритманинг шу эритмадаги заррачаларнинг ўзаро аралашишига тўсқинлик қилиш қобилиятига айтилади (молекулалар, ионлараро ва бошқалар). Қовушқоқлик протоплазманинг тузилмавий ҳолатини ва бу тузилмани тузувчи коллоид зарраларнинг ўзаро тортишув кучини белгилайди. Ўсимлик ҳужайралари протоплазмасининг қовушқоқлик даражаси уларнинг турларига ва навларига қараб ҳар хил бўлади ва ҳаётий жараёнида (жумладан, модда алмашинув, ҳароратнинг кўтарилиши ёки пасайиши) ўзгариб туради. Ўсимликларнинг экологик түруҳларида ҳам қовушқоқлик ҳар хил даражада, масалан, қурғоқчилик шароитига мослашган ўсимликларда мезофитларга нисбатан анча юқори, сув ўсимликларида эса аксинча анча паст бўлади.

Эластиклик ҳам протоплазманинг энг муҳим хусусиятларидан бири-дир. Эластиклик деб зааралланмаган тирик протоплазманинг шакли ўзгартирилганда у аввалги ҳолатига қайтиш хусусиятига айтилади. Плазманинг эластиклигини унинг жуда ингичка тола ҳолатигача узилмасдан чўзида олиш хусусиятида ҳам кўриш мумкин. Бу протоплазманинг маълум тузилмадан иборат эканлигидан далолат беради. Протоплазманинг сув билан арашмаслиги сабабли уни тоза суюқлик деб бўлмайди.

### 1.3. ҲУЖАЙРАНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Ўсимлик ҳужайрасининг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, органик ва анерганик бирикмалардан иборат. Улар ҳужайрада коллоид ва эриган ҳолда бўлади. Бу уларда тинимсиз борадиган модда алмашинув натижасидир. Метаболитик жараён натижасида ўсимликлар ўзини ўраб турган ташқи шароит билан маълум муносабатда бўлади ва даврий тизимда учрайдиган элементларниң кўпчилигини қабул қилиб олади. Мазкур элементлар ўзлаштирилиши натижасида ҳужайранинг органик ва минерал таркиби ҳосил бўлади. Шу элементлардан 19 таси тириклик жараёнининг асосини ташкил этади. Буларнинг 16 таси (фосфор, азот, калий, калций, олтингутурт, магний, темир, марганец, мис, рух, молибден, бор, хлор, натрий, кремний, кобальт) минерал элементлар гуруҳига киради. Қолганлари ( $\text{C}$ ,  $\text{H}$ ,  $\text{O}$ )  $\text{CO}_2$ ,  $\text{O}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  ҳолида қабул қилинади.

Ҳужайра таркибидаги 4 та элемент –  $\text{C}$ ,  $\text{H}$ ,  $\text{O}$ ,  $\text{N}$  органогенлар дейилади ва умумий миқдорининг 96 фоизини ташкил этади. Яъни ҳужайранинг куруқ оғирлигига нисбатан углерод – 45 фоизи, кислород – 42 фоизи, водород – 6,5 фоизи ва азот – 1,5 фоизи. Қолган ҳамма элементлар 5 фоизга тўғри келади. Ўсимлик танасида учрайдиган кўпчилик элементларнинг роли яхши ўрганилган.

Умуман, ўсимлик ҳужайрасининг ўртacha 80-85 фоизини сув ва қуруқ модданинг оғирлигига нисбатан 95-96 фоизини органик моддалар ташкил этади.

**ОҚСИЛЛАР.** Ўсимликлар ҳужайрасининг таркибий қисмини ташкил қилувчи органик моддаларнинг бири оқсиllibардир. Улар протеинлар ҳам дейилади. Бу юонча “*protos*” – бирламчи, муҳим демакдир. Оқсиllibар бевосита цитоплазма, ядро плазмасида, пластидалар стромасида ва бошқа органоидларда синтез қилиниши мумкин. Улар ўсимлик ҳужайраси таркибida углеводлар, ёллар ва бошқа моддаларга нисбатан камроқ бўлса ҳам, модда алмашинуви жараёнида асосий рол ўйнайди ҳамда цитоплазма ва барча органоидлар таркибига киради. Ёллар билан биргаликда мембраннынг асосий тузилмавий тузилишини ҳосил қиласди ва уларнинг танлаб ўтказувчанлигини бошқаради. Оқсиllibар ферментатив хусусиятга эга, яъни барча ферментларнинг асосини ташкил этади. Улар ниҳоятда хилма-хил функцияларни ба-

жаади, кимёвий таркиби мураккаб юқори молекулали коллоид бирикма бўлиб, аминокислоталардан ташкил топған.

Оқсилларнинг элементлар таркиби: углерод – 55-56 фоиз, водород – 6,5-7,3 фоиз, кислород – 21-24 фоиз, азот – 15-17 фоиз, олтингугурт – 0-2,4 фоиз. Мураккаб оқсилларнинг таркибида фосфор ҳам бор, бъязиларининг таркибида эса йод, мис, марганец каби элементлар ҳам учрайди.


Ўсимликларнинг ҳамма органларида оқсил бўлади. Лекин унинг мидори ўсимлик турларига ва органларига боғлиқ. Уруғларда (чигит, кунгабоқар ва бошқаларда) энг кўп учрайди. Ўсимликларнинг вегетатив органларида 5-15 фоизгача бўлиши мумкин.

Оқсилларнинг асосий хоссалари уларнинг молекулалари шаклига боғлиқ. Молекулалар эса шакл жиҳатидан икки хил фибрillяр ва глобуляр оқсиллар бўлади. *Фибрillяр оқсиллар*. Уларнинг молекулалари толасимон тузилишга эга. Бутун полипептид занжир бўйлаб бир-бири билан кундаланг водород боғлари орқали бирикади. Уларга сочдаги кератин, ипакдаги фибролен оқсиллари мисол бўлади. *Глобуляр оқсиллар*. Молекулалари шарсимон ёки эллипсоид шаклида. Уларга қўпчилик ўсимликлар, ҳайвоналар ва микроорганизмлар оқсиллари мисол бўла олади. Улар сувда эрийди. Қўпчилиги ферментлардан ва захира оқсиллардан иборат.

Агар оқсиллар молекуласига юқори ҳарорат, кучли ультрабинафша ва рентген нурлари, спирт, оғир металл тузлари таъсир этса, у ҳолда водород боғларининг узилиши кузатилади ва улар биологик хусусиятларини йўқотадилар. Бу ҳодиса денатурация дейилади (товуқ тухуми иситилганда қотиб қолиши бунга мисол бўлади). Оқсиллар кучли кислота ёки ишқор эритмасида қайнатилганда пептид боғлар узилиб, айрим аминокислоталарга парчаланиши мумкин.

Оқсиллар молекуласида пептид, водород, дисулфид боғлар мавжуддир. Пептид боғлар (- СО - NH -) оқсиллар молекуласини ташкил этган аминокислоталарни бир-бири билан боғлайди. Бир аминокислота карбоксилик гурухининг иккинчи аминокислотанинг амино гурухи билан ўзаро реакцияяги киришиши натижасида пептид боғлар ҳосил бўлади.

Оқсил гурухларининг айрим қисмлари ва полипептид занжирлар бир-бири билан водород боғлари орқали ҳам бирикади :



Кўпчилик оқсиллар таркибида (- S - S -) дисулфид боғлар ҳам учрайди. Инсулин молекуласида 3 та, рибоноклеазала 4 та дисулфид боғ бор.

Оқсил молекулаларида бирламчи, иккиламчи, учламчи ва тўртламчи тузилмалар мавжуд. Пептид боғлар (- СО - NH -) туфайли содир бўладиган полипептид занжирининг тузилиши бирламчи тузилма дейилади.

Водород боғлар туфайли ҳосил бўладиган полипептид занжирнинг спирал конфигурацияси (ташқи кўриниши) иккиласми тузилма дейилади.

Спирал тузилган полипептид занжирлар ҳар хил куч таъсирида фазода маълум шаклни олишга интилади. Оқсиллар молекуласининг фазовий конфигурациясини белгиловчи уч ўлчамли (бўйи, эни, ба-ландлиги) бундай тузилмалар оқсилларнинг учламчи тузилмаси дейилади. Уchlамчи тузилманинг ҳосил бўлишида бир қанча кимёвий боғлар иштирок этади. Буларнинг энг муҳими дисулфид боғдир. Оқсилларнинг биологик фаоллиги шу учламчи тузилмага боғлиқ. Шунинг учун ҳам оқсилнинг биологик функциясини аниқлаш мақсадида унинг учламчи тузилмасини билиш керак.

Оқсил молекуласи икки ва ундан ортиқ алоҳида полипептид занжирнинг ҳар хил боғлар ёрдамида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлиши тўртламчи тузилмани ташкил қиласди.

Ҳужайра таркибидаги оқсиллар оддий протеинлар ва мураккаб протеидлар бўлиши мумкин.

Оддий оқсиллар ҳақиқий оқсил дейилади, чунки улар фақат аминокислоталардан иборат ва эриш қобилияти асосида бир қанча гуруҳларга бўлинади. Сувда яхши эрийдиганлари – албуминлар. Булар ўсимликлар уруғида захира оқсил сифатида (буғдой, арпа, сули, нўхат) кўп ва бошқа органларида камроқ учрайди. Глобулинлар сувда эмас, туз эритмасида яхши эрийди. Булар дуккакли ва мойли ўсимликларнинг уруғида кўпроқ учрайди. 70 фоизли этил спиртида эрийдиган проламинлар ва кучсиз ишқорий эритмада эрийдиган глютеинлар фалласимонлар донида кўпроқ бўлади.

Мураккаб оқсиллар таркибига бошқа моддалар (металл атомлари ва ҳоказо) ҳам киради. Булар ҳам мазкур модданинг ҳусусияти асосида бир қанча гуруҳларга бўлинадилар :

**ХРОМОПРОТЕИДЛАР** – оддий оқсил билан пигментлардан ташкил топган. Ўсимликларда кўп учрайди ва биологик фаол ҳисобланади. Ўсимлик танасидаги фотосинтез ва оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этади.

**ЛИПОПРОТЕИДЛАР** – оқсиллар билан липидлардан ташкил топган. Ҳужайра мембралари ва ламеляр тизимнинг тузилишида иштирок этади. Цитоплазма ва ҳужайра органоидларининг тузилишида ҳам асосий рол ўйнайди.


**МЕТАЛЛОПРОТЕИДЛАР** – оқсиллар билан металл атомлари (Mg, Cu, Zn, Mo, Fe ва бошқалар) бирлашмасидан ташкил топган. Булар асосан ферментлардир (каталаза, полифенолоксидаза, нитратредуктаза, пероксидаза, аскорбатоксидаза ва бошқалар).

**ГЛИКОПРОТЕИДЛАР** – оқсиллар билан углевод хусусиятига эга бўлган бирикмалардан ташкил топган. Асосан ҳайвонлар организмида учрайди.

**НУКЛЕОПРОТЕИДЛАР** – оқсил ва нуклеин кислоталаридан (ДНК, РНК) ташкил топган. Барча тирик ҳужайралар, айниқса, ядро ва рибосомалар таркибида кўпроқ учрайди.

Шундай қилиб, протеидлар ҳужайранинг асосий тузилмавий ва функционал оқсиллари бўлиб, ҳаётий жараёнида катта аҳамиятга эга.

**АМИНОКИСЛОТАЛАР**. Оқсиллар таркибига кирувчи аминокислоталар ёф кислоталарнинг ҳосиласи бўлиб, таркибида карбоксил ( $\text{COOH}$ ) ва амин гурӯҳ ( $\text{NH}_2$ ) бўлади. Умумий формуласи :




Аминокислоталар ациклик (аланин, серин, цистеин, аспарагин, аргенин) ва циклик (тироzin, гистидин) гурухларга бўлинади.

Ўсимликлар таркибида 150 дан ортиқ аминокислота борлиги аниқланган. Шундан оқсиллар таркибига 20 таси киради: аланин, глицин, серин, треонин, валин, лейцин, изолейцин, цистеин, цистин, метионин, аспарат кислота, глютамат кислотаси, лизин, аргинин, фенилаланин, тироzin, триптофан, гистидин, пролин, оксипролин ва иккита амид (аспарагин ва глютамин).

**НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАР**. Тирик организмларда ирсий белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши ва оқсилларнинг биосинтези каби жаёёнлар нуклеин кислоталарнинг фаолияти билан боғлиқ. Улар дастлаб ҳужайра ядроидан ажратиб олинганлиги сабабли нуклеин (нуклеос – ядро) дейилган. Иккита гурухга бўлинади, ДНК (дезоксирибонуклеин кислотаси) ва РНК (рибонуклеин кислотаси).

Нуклеин кислоталар, айниқса, ўсимликларнинг ёш ва метаболитик фаол органларида кўп бўлади. Жумладан, ўсимликларнинг репродуктив ҳужайралари таркибида энг кўп учрайдиган кўкнор уруғпалласида 4,6-6,2 фоиз, кедр ёнғонининг мағзида – 6,8 фоиз ва кўпчилик ўсимликларнинг барги ва поясида 0,1-1 фоизгача.

Дезоксирибонуклеин кислотаси барча тирик организмлардаги ҳужайра ядроида жойлашган. Хлоропласт ва митохондрияларда ҳам мавжудлиги аниқланган. ДНКнинг молекуляр оғирлиги жуда катта – бир неча ўн миллиондан юз миллионгacha етади. Унинг молекуласида азот асосларидан аденин, гуанин, цитозин, тимин, углевод компонентларидан дезоксирибоза ва фосфат кислота бор (9-чизма).



9-чизма. Нуклеин кислоталарининг қисқача түзилмавиі шекли.

Рибонуклеин кислоталар ҳужайранинг ҳамма қисмидә учрайди. Уларнинг асосий қисми рибосомаларда түпланган. Ҳужайраларда, асосан уч хил РНК мавжуд: 1) рибосома РНК (р-РНК) рибосомаларда түпланған бұлади. Молекуляр оғирлигі 1,5-2 млн.га тенг. Ҳужайрада оқсиллар билан бириккан ҳолда учрайди. Умумий РНК нинг 800 га яқинини ташкил этади; 2) транспорт РНК (т-РНК), яъни ҳар бир аминокислотаны оқсил синтез қилинувчи жойға ташиш вазифасини бажаради. Молекуляр оғирлигі 25-35 мингга тенг. Умумий РНКнинг 15 фоизини ташкил этади; 3) Маълумотли РНК (м-РНК) ядрода синтез қилинади. Буларнинг асосий


вазифаси ядродаги ДНК молекуласидаги маълумотни рибосомаларга, яъни оқсил синтез қилинадиган жойга олиб боришдир. Умумий РНК нинг 5 фоизини ташкил этади. Молекуляр оғирлиги 1 миллионга teng.

Рибонуклеин кислоталарнинг кимёвий тузилиши ҳам ДНКнигага ўхшаб кетади. Фақат РНК таркибида тимин ўрнида урацил, дезоксирибоза ўрнида рибоза жойлашган (9-чиизма).

**ФЕРМЕНТЛАР.** Улар ҳужайранинг барча органоидларида булиб, оқсил асосга эга бўлган органик катализаторлардир. Ҳужайрада кечадиган модда алмашинувининг ҳамма томонларида иштирок этади. Ҳозиргача ҳужайрадан 100 дан ортиқ фермент ажратиб олиниб, уларнинг ҳаммаси оқсиллардан иборат эканлиги аниқланган.

Ферментлар бир компонентли ва икки компонентлиларга булинади. Биринчиси, оддий оқсиллардан, яъни фақат аминокислоталардан ташкил топган. Иккинчиси, мураккаб оқсиллардан ташкил топган, яъни улар таркибида аминокислоталардан ташқари. бошқа бирикмалар ҳам бўлади. Буларнинг оқсил қисми апофермент, оқсил бўлмаган қисми кофермент дейилади. Кофермент турли моддалардан иборат (металл ионлари, нуклеотидлар, гемин гуруҳлар ва бошқалар). Бу ферментларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар фақат оқсил ва оқсил бўлмаган қисмларнинг биргалигига комплекс ҳолда ферментатив фаолликка эга бўлади.

Ферментлар фақат тирик организмлардаги реакцияларда иштирок этади ва таснифлилик хусусиятига эга. Яъни ҳар бир фермент организмдаги маълум бир хил реакцияни катализлайди. Масалан, уреаза ферменти карбамидга, амилаза крахмалга, каталаза водородпероксидга ва ҳоказо.



Ферментларнинг фаоллигига ҳарорат, муҳит pHнинг ўзгариши ва бошқалар ҳам таъсир этади.

Ўсимликлар ҳужайрасида бир неча юз мингдан то миллионгача ферментлар бўлиши мумкин. Ҳар бир фермент ўз номига эга бўлиб, бу ном субстратнинг номи ҳамда реакциянинг турини аниқлайди ва “аза” қўшимчасига эга бўлади. Умуман, ҳамма ферментлар 6 та асосий синфга бўлинади (оксидоредуктазалар, трансферазалар, гидролазалар, липазалар, изомеразалар ва лигазалар). Ҳар бир синф ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади. Бу ферментларнинг деярли барчаси ҳужайранинг ичидаги бўлиб, асосий реакцияларни амалга оширади.

**ВИТАМИНЛАР.** Табиатдаги тирик организмларнинг ҳәёти учун зарур бўлган ва ўсимликлар ҳужайрасида ҳосил бўладиган органик бирикмаларнинг бир гуруҳига витаминалар дейилади. Улар озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибига киради ва жуда кам миқдорда бўлади.

Агар озиқ моддалар таркибида витаминалар бўлмаса, у ҳолда организмда модда алмашинув жараёни бузилади, бу эса организмни оғир касалликларга дучор этади.

Витаминалар ферментлар таркибига кириб, уларнинг фаол қисмини ташкил этади. Улар ўсимликлар танасида ҳосил бўлади ва ўсиш, ривожланишида фаол иштирок этади. Ҳозиргача 30 дан ортиқ витамин аниқланган. Улар сувда эрийдиган ва ёфда эрийдиган витаминаларга бўлинади.

Ёфда эрийдиган витаминаларга – А, Д, Е, К, F ва бошқалар, сувда эрийдиган витаминаларга – С, Р, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub>, рутин, липоат кислотаси, В, PP, В<sub>6</sub>, Н ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, ўсимлик ҳужайраларида ҳар хил витаминалар биосинтези жараёни кечади.


**УГЛЕВОДЛАР.** Углеводлар ўсимликлар таркибида энг кўп тарқалган органик модда бўлиб, умумий моддаларнинг 85-90 фоизини ташкил этади. Улар фотосинтез жараёнининг асосий маҳсулотидир. Углеводлар ҳужайрадаги асосий озиқа моддалардир. Улар нафас олиш жараёнида иштирок этадилар ва организмни энергия билан таъминлайдилар. Углеводлар учун зарур бўлган оқсил, ёғлар ва нуклеин кислоталарнинг ҳосил бўлишида ҳам иштирок этадилар. Уларнинг молекуласи кимёвий жиҳатдан углерод, водород ва кислороддан тузилган. Масалан, глюкоза – C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub>, сахароза – C<sub>12</sub>H<sub>22</sub>O<sub>11</sub>.

Ҳамма углеводлар иккита гурухга бўлинади: 1) оддий углеводлар – моносахаридлар; 2) мураккаб углеводлар – полисахаридлар.

Оддий углеводлар парчалангандага углеводга хос хусусиятга эга бўлган кичик бирикмалар ҳосил бўлмайди. Уларнинг таркибида (=C=O) ва алдегид (-C ...) гуруҳлар билан бир қаторда спиртли (-окси) гуруҳлар ҳам мавжуд. Шунга кўра альдозалар – таркибида альдегид гуруҳ бўлган моносахаридлар ва кетозалар – таркибида кетон гуруҳ бўлган моносахаридларга бўлинади. Айрим моносахаридлар таркибидаги углерод атомларининг сонига қараб ҳам белгиланади. Яъни уч углеродли бирикмалар – триозалар, тўрт углеродлилар-тетрозалар, беш углеродлилар – пентозалар, олти углеродлилар – гексозалар ва етти углеродлилар – гептозалар. Бу углеводлар фотосинтез ва нафас олиш жараёнларида фаол иштирок этадилар.

Мураккаб углеводлар гидролизланиш натижасида оддий углеводларга парчаланади. Буларга дисахаридлар, трисахаридлар ва полисахаридлар киради.

Дисахаридлар иккита моносахаридлар молекуласидан бир молекула сув ажралиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади :



сахароза

Асосий вакиллари сахароза, малтоза, целлобиоза ва лактозалардир. Сахароза ўсимликларда эні күп учрайдиган углеводдир. Сувда жуда яхши эрийди. Ўсимлик танасида күп түпланади (айниқса, қанд лавлаги ва шакарқамишда) ва саноатда шакар олиш учун ишлатилади.

Малтоза ундирилган донларда күп булади, яъни крахмалнинг парчала-нишидан ҳосил булади. Целлобиоза Целлюлоза гидролизланганда ҳосил булади. Лактоза сут шакари ҳам дейилади ва ўсимликларда кам учрайди.

*Трисахаридлар.* Ўсимликлар таркибида учрайдиган вакили раффинозадир. У чигит таркибида күп булади. Асосан ўсимликларнинг уруғи ва илдиз мевасида күп учрайди. Унаётган уругларда эса кескин камаяди.

*Полисахаридлар.* Улар сувда эримайди ва коллоид эритма ҳосил қиласи. Ўсимликлар таркибида күп түпланади. Энг муҳим вакиллари крахмал ва целлюлоза яхши ўрганилган.

Крахмал протоплазмада күп түпланадиган муҳим озиқа моддадир. У айниқса, ўсимлик донларида күп түпланади. Масалан, шолида – 80 фоиз, буғдоидаги – 60-70 фоиз, картошкада – 20 фоиз крахмал бўлади. Крахмал фотосинтез жараёнида вужудга келган глюкоза ва сахарозага айланади (чунки сувда эрийдиган моддалар ҳосил булади) ва ўсимликларнинг турили органларига тарқалади. Ҳужайранинг эҳтиёжидан ортиб қолган миқдори полимерланиб, крахмалга айланади ва захира ҳолда түпланади. Бунга эса иккиласи крахмал дейилади. Крахмал ўсимлик ҳужайрасида доначалар ҳолида учрайди. Уни йод таъсирида аниқлаш мумкин. Чунки суюлтирилган йод таъсирида крахмал доначалари кўк рангга бўялади. Ҳар хил ўсимликларнинг крахмал доначалари бир-биридан ҳажми ва шакли билан фарқ қиласи. Уларнинг катталиги 2-170 мм.гача бўлади.

Гемицеллюлозалар ҳам ҳужайра пустининг таркибига киради. Сувда эримайди. Ишқорий эритмаларда яхши эрийди. Ўсимликларнинг ёғоч қисмида күп учрайди.

Целлюлоза ҳам ўсимликларда күп бўлиб, ҳужайра пустининг асосини ташкил этади. Баргнинг 15-30 фоиз, ёғочнинг 50 фоиз, каноп поясининг 70 фоиз, чигит толасининг 90 фоизгачаси целлюлозадан иборат. Целлюлоза сувда эримайди.

Пектин моддалари ҳам полисахаридларга киради. Улар кўпроқ меваларда, илдиз меваларда, пояларда учрайди. Ҳужайларнинг бир-бири билан бирикишида ҳам иштирок этади. Эримайдиган пектинлар мевалар пишишида эрувчан пектинга айланади ва серэт қисмининг етилишига сабаб бўлади.

**ЛИПИДЛАР.** Бу гурӯхга ўсимликлар таркибида күп учрайдиган ёф ва ёғсимон моддалар киради. Уларнинг ўзига хос хусусияти – сувда эримайди. Лекин эфир, ацетон, бензол, хлороформларда яхши эрийди. Липидлар юқори

молекулали ёф кислоталар ҳосиласидир. Иккита асосий гурухга бўлинади. Булар ҳақиқий липидлар ва липоидлардан иборат. Липидлар асосан ёғлар, мумлар, фосфатидлар ва гликолипидларга бўлинади.

Ёғлар ўсимликлар таркибида жуда кўп бўлиб, аксарият захира модда атрофида учрайди. Ҳар хил ўсимликларнинг уруғларида турлича бўлади: кунгабоқарда – 24-38 фоиз, канопда – 30 фоиз, чигитда – 23 фоиз, канакунжутда – 60 фоиз, кунжутда – 53 фоиз, буғдойда – 2 фоиз, маккажўхорида – 5 фоиз, нұхатда – 2 фоиз. Бундан ташқари 0,1-0,5 фоиз ёғлар тузилмавий тавсифга ҳам эга.

Ёғлар ўсимликлар таркибидаги бошқа органик моддалардан энергия захирасининг кўплиги билан фарқ қиласиди: 1 г липидда 37, 62 кДЖ энергия бўлади. Оқсиллар ва углеводлар таркибида эса ёғларга нисбатан тахминан икки баравар кам энергия бўлади. Биологик оксидланиш жараённида ёғлардан ажралиб чиқадиган сувнинг миқдори ҳам оқсил ва углеводларга нисбатан икки баравар ортиқроқ бўлади. Бундай метаболитик сувнинг кўп ажралишининг қуроқчилик шароитида ҳужайранинг сувсизланиш жараёнида сув тақчиллигини камайтириш учун аҳамияти бор.

Ёғлар таркибида учрайдиган барча ёф кислоталар тўйинган ва тўйинмаган ёф кислоталардан иборат. Ўсимлик мойларида ёф кислоталарга олеинат, липолат ва линоленат кислоталар киради. Ўсимлик ёғларининг кимёвий таркиби асосан глицеридлар – 95-98 фоиз, эркин ёф кислоталари – 1-2 фоиз, фосфатидлар – 1-2 фоиз, стеринлар – 0,3-0,5 фоиз, витаминлар ва каротиноидлардан иборат.

Ёғлар ўсимликларнинг ҳамма органларида бўлиб, мойлар дейилади. Улар юқори молекулали ёф кислоталарининг уч атомли спиртлар (глицерин) билан ҳосил қилинган мураккаб эфиридир. Шунинг учун улар триглицеридлар дейилади. Ёғлар таркибида учрайдиган барча ёф кислоталарга ( $C_{18}H_{34}O_2$ ) линолат ( $C_{18}H_{32}O_2$ ) ва линоленат ( $C_{18}H_{30}O_2$ ) кислоталар киради. Тўйинган ёф кислоталарга пальмитат ( $C_{16}H_{32}O_2$ ) ва лауринат ( $C_{12}H_{24}O_2$ ) кислоталар киради.

Ўсимлик мойларини ташкил этувчи триглицеридлар бир хил ёки аралаш ёф кислоталаридан ташкил топган. Аралаш ёф кислотали мойларга чигит мойини мисол қилиш мумкин. Яъни унинг таркибида 40 фоиз линолат, 31 фоиз олеинат ва 20 фоиз пальмитат кислоталари бор. Бир хил ёғ кислотасидан ташкил топган мойлар кам ҳозиргача ўсимликларда мавжудлиги аниқланмаган.

Умуман ҳозиргача 1300 дан ортиқ ёф маълум бўлиб, уларнинг таркиби бир-бираидан фарқ қиласиди. Ўсимликлар таркибидаги мойларининг 95-98 фоизини глицеридлар, 12 фоизини қолган эркин ёф кислоталари, каротиноидлар ва витаминалар ташкил этади.

Мумлар олинишига қараб, ўсимлик, ҳайвон ва қазилма мумларга бўлинади. Улар ўсимликларнинг барги, меваси, новдаларида оз миқдорла мавжуд. Меваларнинг узоқ вақт бузилмасдан сакланиши уларининг устидаги


мум қатламининг сифатига боғлиқ. Мумлар бир атомли спиртлар ва юқори молекуляр ёғ кислоталари эфири бўлиб, турли рангдаги қаттиқ моддалардир. Эриш ҳарорати 30-900. Мумлар ўсимликларни сувсизланишдан, ортиқча намланишдан, микроорганизмлар таъсиридан бирмунча саклаши мумкин.

Фосфатидлар ёғсимон қаттиқ моддалардир. Рангсиз, органик эритевчиларда яхши эрийди. Оқсиллар билан биришиб, липопротеин мембранаалар ҳосил қиласи ва ҳужайра органоидларининг асосини ташкил этади. Айниқса, мойли ва дуккакли ўсимликларда кўп. Масалан, чигиттаркибида – 1,7-1,8 фоиз, нўхатда – 1,0-1,1, бугдойда – 0,4-0,5, маккахўхорида – 0,2-0,3 фоиз.

Гликолипидлар мураккаб бирикма бўлиб, ёғ кислоталарининг глицерин ва шакар биришидан иборат. Асосан линоленат ёғ кислотаси ва галактоза шакари бўлиши мумкин. Гликолипидлар барг тўқималарида кўпроқ учрайди. Улар модда алмашинув жараёнида иштирок этади ва захира модда ҳолида тўпланиши мумкин.

**ФИТОНЦИДЛАР.** Ўсимликлар таркибидан ажраладиган ва бактерицидлик хусусиятига эга бўлган моддалар фитонцидлар дейилади. Бу моддаларни илк бор ўрганган Б.П. Токин уларга фитонцид (*phyton* – ўсимлик, *coedere* – ўлдириш) деб ном берган. Фитонцидлар ўсимлик ҳаётидаги катта аҳамиятга эга, ўсимликларни зараркунанда микроорганизмлар, ҳашаротлар, замбуруғлар ва содда ҳайвонлардан ҳимоя қиласи. Бу моддалар кимёвий жиҳатдан хилма-хил таркибга эга, аммо шунга қарамай ҳамма ўсимликлар учун умумий хусусиятга эга бўлган табиий иммунитет ҳосил қилувчи омиллар.

Ўсимликлар турлари, яшаш шароитлари, ўсиш ва ривожланиш фазалари, фасллар асосида турли хил хусусиятга эга. Айниқса, фитонцидлар саримсоқпиёз, эвкалипт, қаралай, арча, ёнғоқ дарахтлари таркибида кўпроқ мавжуд. Айрим дарахтларининг баргидан фитонцидлик хусусиятига эга бўлган газсимон моддалар ажралиб чиқади. Бунга гексанал алдегидини кўрсатиш мумкин. 1944 йилда саримсоқпиёздан аллицин антибиотик моддаси олинган. У рангсиз суюқлик бўлиб, сувда ёмон, органик эритмаларда яхши эрийди. Аллициннинг тузилмавий формуласи:



Ўсимлик ҳужайрасининг фитонцидлари фақат ўсимликнинг патогенларига таъсир этиб қолмай, балки одам ва ҳайвон касалликларига сабаб бўлувчи патогенларга ҳам таъсир этади. Умуман, табиий шароитда ўсимликларда ҳосил бўладиган синил кислота, эфир мойлари, ошловчи моддалар, смолалар, алкалоидлар, феноллар ва бошқалар фитонцидлик хусусиятига эга.

**ФИТОАЛЕКСИНЛАР.** Ўсимликлар иммунитетидаги муҳим аҳамиятга эга. Кичик молекулали, ўсимликларда касаллик кўзгатувчи патоген микроорганизмларининг

фаолиятини тұхтатувчи мураккаб органик бирикмалардир. Бу моддалар айрим хусусиятлари билан фитонциллардан фарқ қиласы. Улар фақат патоген микроорганизмлар заарлаган юқори үсимликлар тұқимасыда ҳосил болады. Яғни фитоалексинларнинг ҳосил булишини тезлаштирады. Модда паразиттің спорасы ёки мицелласи томонидан ажратылады.

Фитоалексинлар кимёвий жиҳатдан изофлавонойлар, сесквитерпенлар, полипептидлар ҳосиллары ҳисобланады ва ҳозиргача 20 га яқини үрганилган.

## 1.4. ҮСИМЛИК ҲУЖАЙРАСИННИГ ОСМОТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**ДИФФУЗИЯ ВА ОСМОС.** Ҳужайраннинг ҳаётийлиги ундағы доимий модда алмашинув жараённининг мавжудлигига бөглиқ, яғни ҳужайралар ташқи шароитдан ёки ёнма-ён жойлашган ҳужайралардан тұхтосиз қабул қиласы, айрим моддаларни эса аксинча, үзидан чиқаради. Демек, үсимликнинг ҳаёти уни ташкил қылған ҳужайраларнинг ташқи ва ички мұхит омиллари билан муносабати орқали амалта ошады. Булардан энг мұхими ҳужайраларга ташқи мұхитдан сув ва унда әриган моддаларнинг кириши ва ҳужайралараро ҳаракатидір. Ана шу жараёнларда үсимлик ҳужайраларыда мавжуд бўлган осмотик потенциал катта рол ўйнайды. Бу эса диффузия ва осмос қонунларидан келиб чиқади.

Умумий тизимда моддаларнинг бир жойдан иккинчи жойга силжитиш диффузия дейилади. Диффузияланувчи модда ўз йўлида парда учратса, унинг тарқалиши анча қийинлашади. Ҳужайраннинг целлюлоза, гемицеллюлозадан иборат пўсти ҳам шунга ўхшаш пардалар қаторига киради.

Суюқ ва әриган моддаларнинг парда орқали диффузияланыш ҳодисаси осмос дейилади. Эритманинг парда орқали ичкарига киришига эндоосмос, ташқарига чиқишига эса экзоосмос дейилади. Кейинги йилларда ўтказилган текширишларнинг күрсатишича, фақат әритувчиларни (сув) ўтказиб, әриган моддаларни бутунлай ўтказмайдиган пардалар ҳам борлиги аниқланди. Бундай пардалар танлаб ўтказувчи пардалар деб аталади.

**ОСМОТИК БОСИМ.** Экзоосмосдан кўра эндоосмоснинг кучлироқ булиши натижасида ривожланиб, пуфакнинг ички томонидан итарувчи гидростатик босим – осмотик босим деб аталади. Бундай босимнинг мавжудлигини биринчи марта 1826 йилда француз ботаниги Дютрөше исботлаб берган. Буни исботлашда құлланилган асбоб эса Дютрөше осмометри дейилади (10-чизма). Бу осмометр билан осмотик қонунийтни кўриб чиқиши учун ҳайвон қовуғидан ёки пергамент қоғозидан халтача тайёрлаб, уни тез диффузия қылмайдиган модда билан (сахароза, глюкоза) тұлғазиб сувга солсак, халтача шиша бошлайди, унинг деворлари тарант бўлиб қолади ва ичкаридан ҳосил бўлган босимга чидолмай ёрлади. Агар халтача оғзини бутунлай боғлаш ўрнига шиша най ўрнатилса, унинг ичидаги суюқлик баландлиги ички босим таъсирида кўтарила бошлайди. Бу жара-

мум қатламининг сифатига боғлиқ. Мумлар бир атомли спиртлар ва юқори молекуляр ёғ кислоталари эфири бўлиб, турли рангдаги қаттиқ моддалардир. Эриш ҳарорати 30-900. Мумлар ўсимликларни сувсизланишдан, ортиқча намланишдан, микроорганизмлар таъсиридан бирмунча сақлаши мумкин.

Фосфатидлар ёғсимон қаттиқ моддалардир. Рангсиз, органик эритевчиларда яхши эрийди. Оқсиллар билан бирикаб, липопротеин мембраналар ҳосил қиласи ва хужайра органоидларининг асосини ташкил этади. Айниқса, мойли ва дуккакли ўсимликларда кўп. Масалан, чигит таркибида – 1,7-1,8 фоиз, нўхатда – 1,0-1,1, бугдойда – 0,4-0,5, маккахўхорида – 0,2-0,3 фоиз.

Гликолипидлар мураккаб бўлиб, ёғ кислоталарининг глицерин ва шакар биришидан иборат. Асосан линоленат ёғ кислотаси ва галактоза шакари булиши мумкин. Гликолипидлар барг тўқималарида кўпроқ учрайди. Улар модда алмашинув жараёнида иштирок этади ва захира модда ҳолида тўпланиши мумкин.

**ФИТОНЦИДЛАР.** Ўсимликлар таркибидан ажраладиган ва бактерицидлик хусусиятига эга бўлган моддалар фитонцидлар дейилади. Бу моддаларни илк бор ўрганган Б.П.Токин уларга фитонцид (*phyton* – ўсимлик, *coedere* – ўлдириш) деб ном берган. Фитонцидлар ўсимлик ҳаётида катта аҳамиятга эга, ўсимликларни зааркунанда микроорганизмлар, ҳашаротлар замбуруғлар ва содда ҳайвонлардан ҳимоя қиласи. Бу моддалар кимёвий жиҳатдан хилма-хил таркибга эга, аммо шунга қарамай ҳамма ўсимликлар учун умумий хусусиятига эга бўлган табиий иммунитет ҳосил қилувчи омиллар

Ўсимликлар турлари, яшаш шароитлари, ўсиш ва ривожланиш фазалари, фасллар асосида турли хил хусусиятга эга. Айниқса, фитонцидлар саримсоқпиёз, эвкалипт, қаралай, арча, ёнғоқ дарахтлари таркибида кўпроқ мавжуд. Айрим дарахтларнинг баргидан фитонцидлик хусусиятига эга бўлган газсимон моддалар ажралиб чиқади. Бунга гексанал алдегидини кўрсатиш мумкин. 1944 йилда саримсоқпиёздан аллицин антибиотик моддаси олинган. У рангсиз суюқлик бўлиб, сувда ёмон, органик эритмаларда яхши эрийди. Аллициннинг тузилмавий формуласи:



Ўсимлик хужайрасининг фитонцидлари фақат ўсимликнинг патогенларига таъсир этиб қолмай, балки одам ва ҳайвон касалликларига сабаб бўлувчи патогенларга ҳам таъсир этади. Умуман, табиий шароитда ўсимликларда ҳосил бўладиган синил кислота, эфир мойлари, ошловчи моддалар, смолалар, алкалоидлар, феноллар ва бошқалар фитонцидлик хусусиятига эга.

**ФИТОАЛЕКСИНЛАР.** Ўсимликлар иммунитетида муҳим аҳамиятга эга. Кичик молекулали, ўсимликларда касаллик кўзғатувчи патоген микроорганизмларининг

фаолиятини тұхтатувчи мураккаб органик бирикмалардир. Бу моддалар айрим хусусиятлари билан фитонцилдардан фарқ қиласы. Улар фақат патоген микроорганизмлар заарлаган юқори үсимликлар түкімасыда ҳосил бұлады. Яғни фитоалексинларнинг ҳосил булишини тезлаштирадиган модда паразиттің спорасы ёки мицелласи томонидан ажратиласы.

Фитоалексинлар кимёвий жиһатдан изофлавонойлар, сесквитерпенлар, полипептилдар ҳосиллары ҳисобланады ва ҳозиргача 20 га яқини үрганилган.

## 1.4. ҮСИМЛИК ҲУЖАЙРАСИННИГ ОСМОТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**ДИФФУЗИЯ ВА ОСМОС.** Ҳужайраннинг ҳаётийлиги ундағы доимий модда алмашинув жараённинг мавжудлигига боғлиқ, яғни ҳужайралар ташқи шароитдан ёки ёнма-ён жойлашған ҳужайралардан тұхтосыз қабул қиласы, айрим моддаларни эса аксинча, үзидан чиқаради. Демек, үсимликнинг ҳаёти уни ташкил қылған ҳужайраларнинг ташқи ва ички мұхит омыллари билан мұносабати орқали амалға ошады. Булардан энг мұхими ҳужайраларға ташқи мұхитдан сұв ва унда әриған моддаларнинг кириши ва ҳужайралараро ҳаракатидір. Ана шу жараёнларда үсимлик ҳужайраларида мавжуд бўлған осмотик потенциал катта рол ўйнайды. Бу эса диффузия ва осмос қонунларидан келиб чиқади.

Умумий тизимда моддаларнинг бир жойдан иккинчи жойга силжитиш диффузия дейилади. Диффузияланувчи модда ўз йўлида парда учратса, унинг тарқалиши анча қийинлашади. Ҳужайраннинг целлюлоза, гемицеллюлозадан иборат пусты ҳам шунга ўхшаш пардалар қаторига киради.

Суюқ ва әриған моддаларнинг парда орқали диффузияланыш ҳодисаси осмос дейилади. Эритманинг парда орқали ичкарига киришига эндоосмос, ташқарига чиқишига эса экзоосмос дейилади. Кейинги йилларда ўтказилған текширишларнинг курсатишича, фақат эритувчиларни (сұв) ўтказиб, әриған моддаларни бутунлай ўтказмайдыган пардалар ҳам борлиги аниқланды. Бундай пардалар танлаб ўтказувчи пардалар деб аталади.

**ОСМОТИК БОСИМ.** Экзоосмосдан күра эндоосмоснинг кучлироқ булиши натижасыда ривожланиб, пуфакнинг ички томонидан итарувчи гидростатик босим – осмотик босим деб аталади. Бундай босимнинг мавжудлигини биринчи марта 1826 йилда француз ботаниги Дютрөше исботтаб берган. Буни исботлашда құлланилған асбоб эса Дютрөше осмометри дейилади (10-чизма). Бу осмометр билан осмотик қонунийтни күриб чиқыш учун ҳайвон қовуғидан ёки пергамент қозозидан халтача тайёрлаб, уни тез диффузия қылмайдыган модда билан (сахароза, глюкоза) тулғазиб сувга солсак, халтача шиша бошлайди, унинг деворлари таранг бўлиб қолади ва ичкаридан ҳосил бўлған босимга чидолмай ёрлади. Агар халтача оғзини бутунлай боғлаш ўрнига шиша най ўрнатилса, унинг ичидаги суюқлик баландлиги ички босим таъсирида кутарила бошлайди. Бу жара-

ён дастлаб тезроқ бориб, кейинчалик секинлашади ва тұхтаб қолади, кейин эса яна пасая бошлайды. Чунки Дютрөше ишлатған парда (плёнка) яримұтказгич хусусиятига зәңгір атады.

Бу тажрибани 1877 йилда В.Пфеффер үсимликтің ұжайрасига яқинроқ ҳолда үтказған (10-чизма). Бунинг учун у майдада тешикчали чинни цилиндр ичига мис купороси эритмасини солған ва цилиндрни сарық қон тузи  $K_4[Fe(N)_6]$  эритмаси ичига туширган. Натижада үсимликтің ұжайрасига яқынроқ яримұтказгич мембрана ҳосил болған. Пфеффер осмотик босимнинг қиймати турли шароитта боғлиқ болғаннини шу осмотетр ёрдамида текшириб, унинг эритма концентрациясын нисбатан тұғри пропорционал эканлыгини анықлаган.



10-чизма. Дютрөше осмотетри.


Үсимликларнинг ұжайрасида ҳам шундай жараёнлар содир булиши мүмкін, яғни үсимликтің ұжайрасининг пүстида эластиклик хусусияти мавжуд болып, қоюмынан қабылданып, өзүнде оның мөлдөмдігін анықтайды. Лекин протоплазма мембрана қаватларнинг мавжудлігі (плазмолемма ва тонопласт) сабабынан турли маддаларға нисбатан танлаб үтказувчанлық хусусиятига зәңгір атады. Унинг бу хусусияти сув ва сувда әриган маддаларнинг ұжайра ширасига турли тезлікта үтишига ассоциациянады.

Үсимликтің ұжайрасида жуда күп осмотик фаол маддалар тұпланады. Буларга шакар, органик кислота ва тузлар кирады. Ҳужайра ширасида осмотик фаол маддалар қанча күп тұпланса, унда осмотик босим шунча

юқори болады.

Ҳужайранинг осмотик босимини Вант-Гофф формуласи буйынша анықласа болады:  $P = RTCi$ , бу ерда,  $P$ —осмотик босим,  $C$ —эритма концентрациясы,  $R$ =газларнинг доимий коэффициенті – 0,08207 га тенг,  $T$ —абсолют қарорат,  $i$ —изотоник коэффициент болып, электролит эритмалар учун 1 га ва электролитмас эритмалар учун 1,5 га тенг.

Осмотик босим үсимликтің түрларында, уларнинг яшаш шароитларында да ұшташылады. Осмотик босим мезофиттернің илдізінде 0,3-1,2 МПа га тенг болса, ер устиңдықтарда 1,0-2,6 МПа га тенг. Шұр тупроқтарда яшовчы үсимликларда (галофиттернің) осмотик босим — 15 МПа гача болады:



11-чизма. Пфеффер осмотетри.

**ТУРГОР ВА ПЛАЗМОЛИЗ.** Тирик хужайрага моддаларнинг киришида протоплазманинг плазмолемма қавати асосий вазифани бажаради. Бу қават ярим ўтказувчи бўлиб, сувни яхши ўтказади, сувда эриган моддаларнинг байзиларини осон ёки ёмон ўтказса, айримларини умуман ўтказмайди.

Агар ўсимлик хужайрасини тоза сув ичига туширсак, хужайра протоплазмаси сувни осонлик билан ўтказганлиги сабабли хужайра сувни тортиб ола бошлайди. Ҳужайра ширасининг осмотик босими қанча юқори бўлса, шунча юқори куч билан сув вакуолага тортилади. Сув хужайра пўсти, плазмолемма, мезоплазма ва тонопласт орқали диффузияланиб, хужайра ширасига қўшила бошлайди. Бу жараён хужайрада пўстнинг қаршилиги билан ширанинг осмотик босими тенглашганча давом этади, яъни сувнинг ичкарига кириши тұхтайди. Чунки хужайранинг тургор ҳолати содир бўлади. Тирик хужайра пўсти тұла сув билан таъминланиши натижасида таранг туришига **тургор** дейилади. Ҳужайра пўстининг тарангланиши натижасида ҳосил бўлган ва ичкарига итарадиган күч тургор босими дейилади.


Ҳужайраларнинг тургор ҳолатидан юзага келган умумий таранглик бутун ўсимлик организмининг таранг ҳолда туришини, барглар, новдадарнинг тик туриши ҳолатини, умуман ўсимликнинг меъёрий физик ҳолатини таъминлайди.

Агар хужайра концентрацияси хужайра ширасининг концентрациясидан юқори бўлган эритмага (ош тузи ёки шакар эритмасига) солинса, тургорнинг аксини кузатиш мумкин.

Ташқи эритманинг концентрацияси юқори бўлганлиги сабабли, хужайра ширасидан сув ташқи эритмага чиқа бошлайди. Бунинг натижасида вакуоланинг ҳажми кичрайиб, хужайра ширасининг концентрацияси ортиб боради. Вакуола қисқарган сари уни ўраб турган цитоплазма ҳам қисқариб, охири у хужайра пўстидан ажрала бошлайди. Ташқи эритма эса пуст билан протоплазма ўргасида ҳосил бўлган бўшлиқни эгаллайди. Протоплазма қисқариб, хужайра пўстидан ажралишига **плазмолиз** дейилади. Плазмолизланган хужайра яна тоза сувга солинса, у яна сувни шимиб олиб тургор ҳолатига қайтиши мумкин. Бу жараёнга **деплазмолиз** дейилади.

Ҳужайраларда содир бўладиган плазмолиз икки хил шаклда учраши мумкин. Дастрлаб протоплазма хужайра бурчакларидан ажрала бошлайди, сунгра ҳамма деворларидан ажралади. Лекин анча вақтгача ҳужайранинг айрим жойларида протопласт пуст билан бириккан ҳолда қолади ва ботик чегарали шаклга киради. Бунга ботик формали плазмолиз дейилади. Агар протопласт хужайра пўстидан тұла ажралиб тұпланиб қолса, думалоқ шаклга киради. **Плазмолизнинг** бундай формаси қавариқ плазмолиз дейилади (12-чизма).

Умуман ўсимликлар хужайра ширасининг осмотик босими улар яшаётган мұхит. Эритмасининг осмотик босимидан юқорироқ бўлиши шарт. Шундагина ўсимлик хужайраларининг тургор ҳолати сақланади.



12-чизма. Плазмолиз ҳодисаси:  
а—тургор ҳолатдаги ҳужайралар; б—ботиқ плазмолиз;  
в—қавариқ плазмолиз

**ҲУЖАЙРАНИНГ СУРИШ КУЧИ.** Ўсимлик ҳужайрасининг коллоид ва осмотик хусусиятлари ҳужайрага ташқи муҳитдан сув ўтиш қонунларини белгилайди.

Қуруқ уруғларга сувнинг шимилиши улардаги захира органик моддаларнинг коллоид мицеллаларининг бўртиши натижасида содир бўлади. Оқсил моддалари энг кўп, крахмал камроқ бўртиш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам таркибида оқсил ёки крахмал бўлган қуруқ уруғлар бўртган вақтида сувни жуда катта куч билан тортади. Бу куч 1000 атмосферагача етади. Лекин уруғ ҳужайралари сув билан таъминланиш жараёнида улар сув тортиш кучи камая боради. Уруғларнинг бу қобилияти уларнинг униб чиқишини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Ёш ниҳолларнинг ва ўсимликларнинг сув билан таъминланишига ҳужайрадаги осмотик босим сабабчи бўлади. Ҳужайранинг сувни сўриш кучи унинг осмотик босимига тўғри пропорционалdir. Яъни ҳужайрага сувнинг кириш кучи ҳужайранинг сўриш кучи дейилади. Бу куч ҳужайра ширасининг осмотик ва тургор босимлари муносабати билан белгиланади:  $S=P-T$ , бу ерда,  $S$ —ҳужайранинг сўриш кучи (атм),  $P$ —осмотик босим (атм),  $T$ —тургор босим (атм). Осмотик босим қанча юқори бўлса, сўриш кучи ҳам ортиб боради. Тургор босими камайган сари сўриш кучи ортиб боради ва  $T = 0$  бўлган вақтда ҳужайранинг сўриш кучи энг юқори кўрсаткичга эга бўлади..

## **II БОБ**

# **БИОЭНЕРГЕТИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ**

### **2.1. БИОЛОГИК ТИЗИМЛАРДАГИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ**

Ердаги барча тирик организмлар (микроорганизмлардан бошлаб одамларгача), жумладан, үсімліклар ҳам энергия билан таъминланишга асосланған. Бу энергиянинг асосий ва амалий жиҳатда ягона манбаи қоюш нури энергиясидир. Организмларнинг энергиядан фойдаланиш хусусиятлари ва ҳаёт фаолияти жараённанда энергия үзгаришларини биоэнергетика үрганади, яғни у биологик тизимларда энергиянинг қайта үзгариш жараёнларини үрганишга қаратылған биологик булим ҳисобланади.


Хұжайраннинг энергетик жараёнларини үрганиш XX асрнинг 30-йилларыда бошланды, очиш жараёнларыда анорганик фосфорнинг Пери фиксацияси (Г.Эмбден, О.Мейргоф, 1933), нафас олиш жараённанда фосфорланиш (В.А.Энгелгард, 1931; В.А.Белицер, Г.Калкар, 1937-1941), АТФ ва креатинфосфат ажратылған эди. Бунда О.Варбург, А.Леннинджер ва П.Митчелл ҳам үз ҳиссаларини құшды.

Биоэнергетика ҳақидаги дастлабки тушунчалар инглиз олимі Алберт Сент-Дерди томонидан умумлаштирилған эди. У үзининг нафас олиш биокимёси ва витаминология соҳасидаги тадқиқотлари учун 1937 йилда Нобел мукофотига сазовор бўлган. Кейинги ишлари мускуллар қисқаришининг химизми ва биологик жараёнларнинг энергетикаси муаммоларига бағищланған бўлиб, тирик организмлардаги биокимё-физиологик жараёнларга алоҳида эътибор қаратди. 1957 йилда унинг «Биоэнергетика» китоби чоп этилди. Аммо китобда биологик жараёнлар энергетикаси ҳақидаги маълумотлар жуда тор доирада берилган бўлиб, маълум бир тизимда изоҳланмайди. А.Сент-Дердиннинг асосий фарази буйича, тирик организмлардаги энергия икки хил бўлиб, бир-биридан фарқ қиласи. Биринчиси, «ҳаракатсиз» валент боғлар энергияси, органик моддалар-кимёвий бирикмалар энергияси. Иккинчиси, «ҳаракатчан» узатыладиган, биокимё жараёнларда кучиб утадиган энергияидир. Бу энергия электронлар қўзғалишига ва ҳаракатланишига асосланған бўлиб, оқсиллар, нуклеин кислоталар ва тирик органоидларнинг бошқа компонентлари таркибиға кириши кўрсатылған.

Ҳозирги замон назарий-амалий биокимё ва физиология жуда юқори даражада ривожланған ҳамда биологик жараёнларда энергиянинг тўпланиши ва миграциясини жуда чуқур таҳлил қилишга йўналтирилған бўлиб, термодинамика қонунлари ёрдамида асосланған тушунчалар билан чегараланмайди. Айниқса, молекуляр тузилиш ва энергиянинг үзгариши

каби жараёнларни ўрганишда физика ва кимёning замонавий усулларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Организмларнинг биоэнергетик муаммоларини, жумладан, кимёвий энергиянинг ишга айланиш механизмларини ўрганиш бу жараёнларни субмолекуляр доирада куриб чиқишни талаб этади. бунда квант физикаси ва кимё қонунлари кучга киради, яъни биоэнергетика биологик вазифаларни ҳал қилиш учун замонавий физик-кимёвий усуллардан фойдаланиб иш кўради. Биоэнергетика соҳасидаги барча тадқиқотлар ҳаёт ҳодисаларига физика ва кимё қонунларини, организмда энергия ўзгаришларига эса термодинамиканинг асосий қонунларини татбик қилса бўлади, деган илмий нуқтаи назарга асосланади.

Биоэнергетиканинг кейинги йилларда қўлга киритган асосий ютуқларидан биро барча тирик организмларнинг мавжудлиги умуман қўёш энергияси билан узлуксиз равишда таъминланишга асосланган. Аммо ёруғлик энергиясини ҳамма организмлар ҳам тўғридан-тўғри ўзлаштира олмайди. Ёруғлик энергиясининг бир қисми фақат хлорофилли яшил ўсимликлар ва айрим пигментли микроорганизмлар томонидан ютилади ва фотосинтез жараёнида анорганик моддалардан ( $H_2O$  ва  $CO_2$ ) органик моддалар тайёрланади. Натижада ёруғлик энергияси ўсимликлар томонидан органик моддалар таркибидаги асосий кимёвий энергия ва қисман аденоzinтрифосфат (АТФ) шаклида тўпланади:



Тўпланган углеводлар, сунгра липидлар (ёғлар), оқсиллар ва ҳужай-ранинг бошқа компонентлари синтезининг барча кейинги жараёни органик бирикмалар энергияси ҳисобига ферментатив реакциялар циклида амалга ошади.

Айрим организмлар - баъзи бактериялар эса органик моддаларни тайёрлашда кимёвий жараён (хемосинтез) да юзага келган энергиядан фойдаланади. Умуман анорганик моддадан органик моддаларни тайёрлаш қобилиятига эга бўлган организмлар **автотроф** организмлар дейилади.

Энергияни органик моддаларнинг (углевод, ёғ, оқсиллар) оксидланishi ҳисобига оладиган организмлар **гетеротроф** организмлар дейилади. Бу организмларда органик моддалар  $CO_2$  ва  $H_2O$  гача оксидланади ва ажрағланган энергия ҳисобига АТФ ва макроэргик бөвларга эга бўлган бошқа бирикмалар синтезланади. Энергиянинг қолган қисми эса иссиқлик шаклида тарқалаши-

Хемосинтез жараёнларида ҳам қайтариленген анирганик бирикмаларнинг оксидланиши ҳисобига маълум миқдор энергия түппланади, аммо бу жараёнларнинг биосфера энергетикасига кўшадиган ҳиссаси кам.

Юқорида кўрсатилган маълумотлар асосида, яъни организмларни энергия ўзлаштириш ҳусусиятлари буйича қўйидаги турӯзларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. **Автотрофлар** – буларга яшил ўсимликлар, айрим пигментли мироорганизмлар ва хемосинтетиклар киради.

2. **Гетеротрофлар** – буларга паразитлик қилиб яшовчи айрим юқсан ўсимликлар, замбурууглар, кўпчилик микроорганизмлар, ҳамма ҳайвонлар ва одам киради.

Хужайралардаги моддалар алмашинуви (метаболизм) мураккаб моддаларнинг узлуксиз равишда содда моддаларга парчаланиб туришидан ва мураккаб моддаларнинг синтезланишидан иборат. Ўсимлик ва бошқа тирик организмлар хужайраларида содир булувчи моддалар ўзгариши ва энергия алмашинуви физика ва кимёning қонунларига бўйсунади, шунинг учун тирик тизимларга бу қонун ва тамойилларни қўллаш мумкинлиги эътироф этилади. Умумий жараёнларнинг моҳияти термодинамиканинг биринчи ва иккинчи қонунлари асосида тушунтирилади.

Термодинамиканинг биринчи қонунига кўра ички энергия ( $E$ ) фақат иссиқлик ҳолида энергияни кўчириш жараённада ёки иш бажарилганда ўзгариши кузатиласди. Бошқача қилиб айтганда, энергияни яратиш ва йўқ қилиш мумкин эмас:

$$\Delta E = E(\text{маҳсулотларни}) \rightarrow E(\text{реагентларни}) = Q + W$$

бу ерда,  $Q$  – иссиқлик, ташқаридан олинган,  $W$  – тизим бажарган иш.

Бажарилган иш механик, электрик ёки кимёвий (синтез) бўлиши мумкин. Ажратиб олинган тизимлар учун уларнинг ички энергиясининг ўзгариши қўйидаги формула буйича аниқланади:  $\Delta E = Q + W$ , яъни тизим ички энергиясининг кўпайиши унга берилган иссиқлик ва ташқи муҳитнинг тизим устида бажарган иши йигиндисига тенгdir.

Демак, бу қонунга кўра энергия қайтадан ҳосил бўлмайди ва ийқолмайди, фақат бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади. Ажратиб олинган тизим энергиясининг умумий миқдори доимий бўлиб қолади. Биринчи қонун тирик тизимларга қўлланиши мумкин.

Ўсимлик хужайраларида ферментлар иштирокида экзергоник реакциялар ўз-ўзидан кетиши мумкин, улар кимёвий потенциалнинг манфий ўзгариши билан тавсифланади. Шу билан бирга хужайраларда эндергоник жараёнлар содир бўлади, яъни оддий моддалардан мураккаб моддаларнинг синтези, унда энергия талаб қилинади ва у энергияни бир-бирига боғланган экзергоник жараёнлардан олади.

Организмлардаги ҳар бир тирик хужайра мураккаб тизимлардан иборат. Унинг таркиби узлуксиз фаолликда бўлади: моддаларнинг хужайрага кириши ва ташқарига чиқиши доимий характерга эга.

Хужайрада содир бўладиган ҳамма реакцияларни икки гурухга ажратиш мумкин: анаболитик реакциялар – кичик ва оддий молекулалардан йирик молекулаларнинг синтез қилиниш реакциялари; бу жараёнлар учун энергия сарфланади, яъни эндергоник жараёнлар:



(бу ерда,  $\Delta G$  – реакция жараёнида эркин энергиянинг ўзгариши).

Катаболитик реакциялар – йирик молекулаларнинг кичик ва оддий молекулаларга парчаланиш реакциялари; бу жараёнларда энергия ажралади - экзэргоник жараёнлар:



Ўз навбатида ҳосил бўлган оддий молекулалар қайта биосинтезда фойдаланилиши мумкин. Хужайрада содир бўлаётган катаболитик ва анаболитик реакциялар йигиндиси биргаликда ҳужайранинг метаболизмини ташкил этади:

**Катаболизм + Анаболизм = Метаболизм.**

Ҳужайрага кираётган органик моддалар янги ҳужайравий компонентларнинг биосинтези ва кимёвий энергия манбаи сифатида хизмат қиласи. Органик моддаларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган энергиянинг кўпчилик қисми ҳужайранинг ҳаётий жараёнлари учун фойдаланилади. Энергия ҳужайранинг турли қисмларига тарқалади ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади. Натижада энергиянинг ҳар бир шакли ҳужайрадаги маълум бир ишни бажариш учун хизмат қиласи. Булар биосинтез, ҳужайранинг бўлиниши, кўпайиши, фаол транспорт (сув, минерал ва органик моддалар), осмос ва бошқалар бўлиши мумкин. Тирик ҳужайралар учун энг зарури кимёвий энергия – бўлиб, у ҳужайра қисмларига ва ҳужайрадан-ҳужайрага тез утказилади ва самарали фойдаланилади.

### **Айрим фосфат бирикмалар гидролизланиши натижасида ажраладиган эркин энергия**

Умуман барча тирик организмлардаги энергиянинг бирламчи манбаи қўёшdir. Организмларда энергия бир шаклдан иккинчи шаклга тез ўтади ва иш бажаради, бир қисми эса атроф муҳитга тарқалади. Аммо энергиянинг озиқа занжирига қўшилиши фақат хлорофилли яшил ўсимликлар (фотосинтез) орқали содир этилади.

## 2.2. ФОСФОРЛАНИШ




Бирикмалар				Энергия кДж/моль
Фосфоенол сирка кислота	Креатинфосфат			62, 143, 330, 6
АТФ	АДФ	АДФ		30, 613, 8 - 13,
АМФ	АМФ	аденозин		8
Глюкоза-6-фосфат				

Организмларда энергия алмашинуvida аденилат тизими (АТФ, АДФ, АМФ ва  $\text{H}_3\text{PO}_4$ ) ва бошқа фосфорорганик бирикмалар (НАД, НАДН<sub>2</sub>, НАДФ, ФАДН<sub>2</sub> ва бошқалар) асосий ўринни эгаллайди. Фосфорланиш жараёнларини хлоропластларда ёруглик энергияси таъсирида (фотосинтез реакциялари), митохондрияларда органик бирикмаларнинг анорганик моддаларгача оксидланишида (нафас олиш химизми) ва биомембраналарда (оксидланиш ва ёругликда фосфорланиш) кузатиш мумкин.

Организмларга энергия берадиган моддалар макроэргик бирикмалар булиб, улар фосфор гурухлари борлиги билан тавсифланади. Фосфор груҳлари парчаланганида ажралиб чиқадиган энергия биологик жиҳатдан муҳим моддалар синтези ва эркин кимёвий энергиянинг ишга айланишига боғлиқ ҳаёт фаолияти жараёнлари учун сарфланиши мумкин. Бу бирикмалардан барча тирик организмлар учун энг муҳимиadenozintifosfat кислота – АТФ булиб, у adenonozindifosfat - АДФ ёки adenozinmonoфосфат кислота – АМФ гача парчаланади. АТФ гидролизи, яъни ундан охирги фосфор гуруҳининг парчаланиб чиқиши куйидаги тентгламага мувофиқ кечади:


$\text{ATF} + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{ADF} + \text{H}_3\text{PO}_4$ , бунда кимёвий потенциал  $\Delta G = 32.7$  кДж·мол<sup>-1</sup> бўлади, яъни эркин энергия камайиб боради. Ўз навбатида  $\text{PADF} + \text{pH}_3\text{PO}_4 \rightleftharpoons \text{PATF}$  бўлганда эса энергия кўпайиб боради. Чунки у энергияни хужайра ичидаги содир булаётган экзергоник жараёнлардан эндергоник жараёнларга ўтказади. Эндергоник – хужайрада эркин энергиянинг ажралиш жараёнлари. Экзергоник – хужайрада эркин энергиянинг ўзлаштирилиш жараёнлари. Аммо организмларнинг энергия таъминоти жараённида АТФ марказий ўринни эгаллайди. АТФ – аденин, рибоза ва уч молекула фосфат кислотадан таркиб топған органик модда (13-чизма).

АТФ (аденозинтрифосфат кислота) организм хужайраларида доимо синтезланиб ва истеъмол қилиниб туради. АТФ ўзининг пирофосфат боғларида (макроэргик боғлар) кўп энергия сақлайди. У фотосинтез жараённида хлоропластларда ва хужайра митохондриясида моддаларнинг оксидланиши натижасида ажралиб чиқсан энергияни фосфорлаш йули билан макроэргик фосфат боғлари ( $\sim \text{P}$ ) шаклида тўплайди ва организмнинг энергияга эҳтиёжи бўлган ҳамма жойларини энергия билан таъ-




13-чизма. АМФ, АДФ ва АТФ ларнинг тузилмавий формулалари.

минлайди. АТФнинг парчаланиши натижасида 8-10 ккал/мол энергия ажралиб чиқади. Ҳужайралардаги:



Узгаришлар фосфорил гуруҳининг  $\text{-O}^{\sim}\text{P-O}-$  кучирилиши



йўли билан содир бўлади. Бу реакцияларда аденилаткиназа ферментлари иштирок этади. Ўз навбатида у реакцияларнинг фаолиги ҳарорат, pH,  $\text{Mg}^{+2}$  ионларнинг концентрациясига, АТФ, АДФ ва эркин фосфор миқдорларига боғлиқ бўлиб, АТФ гидролизи натижасида энергия миқдори - 4 дан - 15 ккал/молгача ўзгариши мумкин. Гидролиз энергиясининг андоза даражаси - 7, 3 ккал/мол.

Тирик ҳужайраларда энг муҳим энергия манбаи оксидатив фосфорланишdir. Гетеротроф организмларнинг ҳужайраларида бир молекула глюказанинг  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  гача парчаланиш жараёнидаги гликолизда 2 молекула самарали АТФ ва 2 молекула қайтарилган НАД.  $\text{H}_2$  ҳосил бўлади. Ҳар бир молекула НАД.  $\text{H}_2$  нинг ажраладиган кимёвий энергияси ҳам учта АТФ энергиясига teng. Демак, гликолиз жараёнида ажраладиган энергиянинг умумий қиймати 8 молекула АТФ га


тeng булади. Оксидланиш жараёнининг иккинчи – аэроб босқичидаги энергиянинг миқдори 30 молекула АТФ га teng булади. Умуман бир молекула глюкозанинг оксидланиш жараёнида 38 молекула АТФ ҳосил бўлади. Органик моддалар оксидланишининг пентозомонофосфат циклида 36 молекула АТФ ҳосил бўлади. Ҳужайраларда АТФ гидролизи - ҳаётий жараёнлар учун энергия манбаи ҳисобланади: ҳаракатлар, моддаларнинг фаол транспорти, биосинтезлар ва бошқалар.

### 2.3. ДОНОР-АКЦЕПТОР ТИЗИМИ

Инглиз олим А.Сент-Дерди (1971) тирик ҳужайра – бу машина ва унинг ишлаши учун энергия зарур, деган фикрга асосланади. Унинг курсатишича, электронлар ҳамма тирик жараёнлар учун энергия, информация ва заряд ташувчи асосий ёқилғидир. Ҳужайранинг физиологик ҳолати ундаги электрон донорлари ва акцепторларининг нисбатига боғлиқ булади. Ҳаётий жараёнларни бошқарувчи «кимёвий энергия – аслида электронлар энергиясидир».

Ядронинг тортиш кучини енга оладиган энергия даражаси – ионизация потенциали бўлиб, у электронволт (эв) билан белгиланади. Водороднинг ионизация потенциали 13 эв.га teng, яъни водород атомидан электронни ажратиш учун 13 эв. энергия сарфланади. Агар ионизация потенциали қанча кам бўлса, электрон энергияси ва унинг реакция қобилияти шунча юқори булади. Электрон берувчи моддалар – донор ( $D$ ) ва электрон қабул қилувчи моддалар – акцептор ( $A$ ) деб аталади. Электронларнинг бундай ўтказилиши донор – акцептор тизимларининг ўзаро таъсири деб аталиши мумкин.

Донордан акцепторга электронлар ўтказилиши жараёнида қанча энергия сарфланиши ёки ажралиб чиқишини назарий жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Агар электрон донордан ажралиб биронта акцепторнинг тўлдирилмаган қаватига қабул қилинса, уни схематик равишда қўйида-гича тасвирлаш мумкин (14-чизма):



14-чизма. Донордан ( $D$ ) акцепторга ( $A$ ) электронлар ўтказилиши: қора чизиқлар тулдирилган ва ингичка чизиқлар тулдирилмаган электрон қаватлар.

Чизмада кўрсатилишича, электрон тўлдирилган энг юқори донор қаватидан тўлдирилмаган энг пастки акцептор қаватига ўтади. Бундай донор - акцептор тизимида электронлар кўчиши натижасидаги умумий энергия ( $E$ ) миқдори қўйидагича бўлади:

$$E = I - E_A + D.$$

Умумий энергияни донор  $I$  нинг ионизация потенциали асосида сарфланадиган энергияси билан акцепторнинг  $E_A$  электрон қабул қилишида ҳосил бўладиган фарқ белгилайди, бу ерда  $\Delta$  – акцепторга электронлар бирлашиши натижасида ҳосил бўладиган қўшимчә энергия.

Агар  $I > E_A$  бўлса, энергия сарфланиши зарур,  $E_A > I$  бўлса, у ҳолда электронлар ўтказилиши ўз-ўзидан содир бўлади.

Тирик организмларда тўпланган ҳамма кимёвий энергия ўсимликлар томонидан ютилган фотонлар (қуёш нури) энергиясидир. Фотонларнинг ўсимликлар томонидан ютилиши натижасида электронлар ўзининг энг юқори энергетик даражага эга бўлган биопотенциалига эришади ва ҳаётий кучга айланади. Яъни электронлар берган энергия ҳисобига ҳаётий жараёнлар содир бўлади ва у кимёвий боғлар энергиясига айланиб, макроэнергетик фосфат боғларни (АТФ ва бошқалар) ҳосил қиласди. Чунки электронлар энергияси тўғридан-тўғри захирага тўпланмайди. Макроэнергетик боғларни Липман ~ Р символи билан белгилашни таклиф этган эди. Бундай ўзгаришлар фосфорланиш жараёнларида содир бўлади, яъни оксидланиш - қайтарилиш жараёнларида ҳосил бўлган макроэргик бирикмалар (АДФ, АТФ, НАД, НАДФ, ФАДФ ва бошқалар) юқори энергетик даражага эга бўлади.

Хужайраларда АТФ кўп тўпланмайди, акс ҳолда хужайранинг осмотик босими жуда юқори бўлар эди. АТФ ёғлар, углеводлар синтезида фойдаланилади ва шу бирикмалар ҳолатида кўп миқдорда энергия тўплаиди. Бу бирикмаларнинг оксидланиши натижасида уларнинг энергияси қайта АТФ энергиясига ўзгариади.

Умуман биз “электрон энергияси” деганда, битта электроннинг юқори биопотенциалини кўзда тутамиз. Макроэргик боғ энергияси деганда шу боғни ҳосил қилувчи электронлар гуруҳининг умумий энергияси тушунилади.

## 2.4. БИОМЕМБРАНАЛАРНИНГ РОЛИ

Профессор В.П.Скулачев (1989) биоэнергетика биология фанлари тизимидағи энергия таъминоти ҳақидаги фан булиб, у ташқи ресурслар энергиясининг биологик фойдали ишга ўзгаришини ўрганади, деб таъкидлайди. Шу фикрга асосан уни молекуляр биоэнергетика, хужайра, бутун организм, биоценоз ва биосфера биоэнергетикасига ажратади.

Барча тирик организмларда, жумладан, ўсимликларда энергия алмашинуви жараёнида мембрanaлар марказий уринни эгаллайди. Чунки

тирик хужайраларга энергиянинг қабул қилиниши, ўзгариши ва ўзлаштирилиши жараёнлари мембраналар орқали содир бўлади. Биологик мембраналар табиий плёнкадан иборат булиб, қалинлиги 5-7 мкм оқсил ва липидлардан иборат. Биомембраналарнинг липид қобиги асосан фосфолипидлар ёки глико- ва сулфолипидлардан тузилган. Биомембраналарнинг асосий таснифий хусусиятларини оқсиллар тавсифлайди. Мембрана оқсиллари ўртасида ферментлар, ташувчилар, пигментлар ва рецепторлар мавжуд. Кўпчилик мембраналарнинг энг муҳим функцияси бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартеришдан иборат. Бу функцияни маҳсус оқсиллар - энергияни қайта ўзгартирувчилар амалга оширади. Бундай мембраналар кўпчилик моддаларни ўтказмайди.

Энергияни қайта ўзгартирувчи мембраналар ўртасида энг юқори биологик аҳамиятга эга бўлганлари: митохондрияларнинг ички мембранали, бактерияларнинг ички (цитоплазматик) мембраналари, эукариот хужайраларнинг ташқи мембранаси, хлоропласт тилакоидлари, ўсимлик хужайрасининг вакуоляр мембранаси (тонопласт).

Айрим биомембраналар энергияни бир шаклдан иккинчи шаклга қайта ўзгартиролмайди. Бундай мембраналар энергетик функцияни бажармайди. Масалан, митохондрияларнинг ташқи мембранаси ва грамманфий бактериялар мембранаси. Чунки уларнинг таркибида алоҳида оқсил — порин бўлиб, улар майда тешикчалар ҳосил қиласида ва айрим кичик молекуляр бирикмаларни бемалол ўтказади.

Биомембраналарда энергиянинг қайта ўзгариш шаклини қўйидагича тасвирилаш мумкин:

Энергия манбаи →  $D \mu I$  → иш.

Бунда мембрана тизимида манбадан истеъмол қилинган энергия даставвал ион I транспорти учун фойдаланилади, яъни мембрана ичидағи электрик майдон кучи ва катта концентрацияга қарши йўналтирилган бўлади. Бу жараён мембрани энергияланаш дейилади. Кейинчалик электрик ва осмотик шаклда тўпланган энергия фойдали иш бажарни учун ҳаракатланувчи куч сифатида фойдаланилади.

Умуман, ташқи энергиянинг фойдаланилиши ва унинг ҳисобига иш бажарилиши жараёнида  $D \mu I$  нинг ҳосил бўлиш ва фойдаланилиши бир-бирига боғлиқлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам ион I боғловчи ион дейилиши мумкин. 1961 йилда П. Митчел биомембраналарда боғловчи ион ролини  $H^+$  бажаришини курсатган эди. Кейинчалик  $Na^+$  роли ҳам маълум бўлди.

Хозирги пайтда мембраналарнинг биоэнергетик таснифи қўйидаги-ча кўрсатилади:

*A. Энергияни қайта ўзгартирувчи мембраналар, боғловчи ион сифатида  $H^+$  дан фойдаланувчилар:*

- 1) митохондрияларнинг ички мембраналари;
- 2) хлоропласт тилакоидларининг мембранаси;
- 3) хлоропластилар деворининг ички мембранаси;
- 4) кўпчилик бактерияларнинг ички (цитоплазматик) мембранаси;
- 5) бактериал хроматофорларнинг мембранаси;
- 6) ўсимлик ва замбуруглар ҳужайрасининг ташқи мембранаси;
- 7) ўсимлик ва замбуруг вакуоласи мембранаси (тонопласт).

*B. Энергияни қайта ўзгартирувчи мембраналар, боғловчи ион сифатида  $Na^+$  дан фойдаланувчилар:*

- 1) ҳайвонлар ҳужайрасининг ташқи мембранаси;
- 2) айрим денгиз аэроб ва анаэроб бактерияларнинг ички (цитоплазматик) мембраналари.

*В. Энергияни қайта ўзгартирувчи ва фақат ион градиенти ҳосил қилувчи мембраналар:*

- 1) лизосом мембранаси ва Голжи аппарати (энергия АТФ  $\rightarrow \Delta H$  турида ўзаради);
- 2) айрим ҳайвон ҳужайларининг ташқи мембранаси ( $ATF \rightarrow \Delta H$ );
- 3) саркоплазматик ретикулум,  $Ca^{2+}$  түпловчилар ( $ATF \rightarrow Ca$ ).

*Г. Энергияни қайта ўзгартира олмайдиган мембраналар:*

- 1) митохондрияларнинг ташқи мембранаси;
- 2) хлоропласт деворининг ташқи мембранаси;
- 3) бактерияларнинг ташқи мембранаси;
- 4) пероксисомаларнинг мембранаси.

*Д. Энергетик функцияси тўла тасдиқланмаган мембраналар:*

- 1) эндоплазматик ретикулум (микросомалар);
- 2) ҳужайра ядрошининг мембранаси.

Юқорида кўрсатилган А ва Б гуруҳ мембраналарда бушатилаётган ва ўзлаштираётган энергетик жараёнлар D H (А гуруҳда) ёки DNA (Б гуруҳда) ҳосил бўлиши ва фойдаланиши билан тавсифланади.

Ҳар бир гуруҳ мембраналар энергия сарфи учун ўз манбаларидан фойдаланади. Мембраналарда асосан D H ёки D Na ҳолатда, мембранныз қисмларда АТФ ёки бошқа макроэнергетик моддалар фойдаланилади. Ўз навбатида DH ва DNA энергияси қайта АТФ энергиясига ҳам айланиши мумкин.

## **III БОБ**


### **ФОТОСИНТЕЗ**

#### **3.1. ФОТОСИНТЕЗ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

Табиатдаги барча тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари динамик равишда энергия билан таъминланишга асосланган. Бу энергиянинг ягона манбаи қүёш энергияси булиб, организмлар уни тұғридан-тұғри әмас, балки әркін кимёвий энергия ҳолидагина үзлаشتариш қобилиятiga әгадирлар. Бу органик моддалар таркибидаги кимёвий боғлар энергиясидир. Уни фақат яшил үсімликлар ва қисман автотроф микроорганизмларгина ҳосил қилиши мүмкін.

Яшил үсімликлар танасида қүёш нури таъсирида анорганик моддалардан ( $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$ ) органик моддаларнинг ҳосил булиши фотосинтез дейилади. Фотосинтез Ер юзида қүёш энергиясини кимёвий энергияга айлантирувчи ягона жараёндір. Ҳосил бұлған органик моддалар жамики организмлар учун энергия манбаи, умуман ҳаёт асосини ташкил этади. Шу билан бирға фотосинтез табиатдаги кислороднинг ҳам ягона манбаидір.

Фотосинтез жараёнини қуйидаги схематик тенглема билан ифода-лаш мүмкін:



Яшил үсімликларнинг ҳаёти үзлуксиз равишида органик моддалар туплаш ва табиатта молекуляр кислород ажратып билан тавсифланады. Шунинг учун ҳам табиатдаги бошқа организмларнинг, жумладан, ҳайвонлар ва одамларнинг ҳаёти үсімликларда бұладыган фотосинтезга боғлиқ. Чунки бу организмлар органик моддаларни тайёр ҳолда фақат үсімликлар орқали оладылар.

#### **3.2. ФОТОСИНТЕЗНИ ҮРГАНИШ ТАРИХИ**

Фотосинтезни үрганиш бүйінчі бириңчи тажрибани инглиз кимёгари Дж. Пристли 1771 йилда үткәзді. У шам ёндиріліши ёки сичқоннинг нағас олиши натижасыда ҳавоси “бузилған” шиша қалыпқ остига янил ялпиз шохчасини қўйған ва бир неча кундан кейин унда ҳаво яхшиланғанини аниқлаган. Яъни ялпиз сақланған қалыпқ остида шам узоқ муддат ўчмасдан ёнған, сичқон эса яшаган.

1779 йилда голландиялик врач Я.Ингенхауз жуда күп марта Пристли тажрибасини такрорлади ва ўсимликлар фақат ёруғликда ҳавони тозалайди, қоронғида эса ҳайвонлар каби ҳавони бузади, деган хulosага келди. Шундай қилиб, Пристли ва Ингенхаузлар ўсимликларда қарама-қарши икки хил жараён мавжудлигини аниқладилар. Лекин ўсимликлар учун бунинг нима аҳамияти борлигини тушунмадилар.

Швейцариялик олим Ж.Сенебе 1782 йилда тажрибалар натижасида ўсимликлар ёруғликда кислород ажратади ва шу билан бир вақтда бузилган ҳавони ( яни  $\text{CO}_2$ , ни ) ютади, деган хulosага келди.

1804 йилда швейцариялик олим Т.Соссюр ўсимликларнинг ёруғликда  $\text{CO}_2$ , ни ютиб ўз танасида углерод тұплашини аниқлади. У қабул қилингандар карбонат ангидрид ва ажралиб чиқадиган кислороднинг нисбати бир-бирига тенглигини, органик модда ҳосил булиши жараёнида карбонат ангидрид билан бир қаторда сув ҳам иштирок этишини биринчи марта тажрибалар асосида күрсатди.

Француз агрокимёгари Ж.Б.Буссенго 1840 йилда фотосинтез соҳасида қилинадиган ишлар натижаларини ҳар томонлама текшириб күрди ва Соссюрнинг хulosаларини тасдиқлади, илк бор фотосинтезнинг шаклий тенгламасини тузди :



Ёруғикнинг фотосинтез жараёнидаги ролини аниқлаш масаласи билан шунингдек, америкалик физик Дж.У.Дрепер, кейинчалик Ю.Сакс ва В.Пфефферлар шуғулландилар. Улар фотосинтез жараёни ёруғлик спектрининг сариқ нурларыда энг яхши содир бұлади, деган хulosага келдилар. Лекин 1875 йилда йирик физиолог олим К.А.Тимирязев бу хулоса хато эканлигини аниқлади.

Тажрибалар асосида у энг кучли фотосинтез жараёни хлорофилл молекуласи ютадиган қизил нурларда содир булишини күрсатди. К.А.Тимирязевнинг бу соҳада бажарған ишлари “Ўсимликларнинг ёруғикни үзлаштириши” (1875) мавзусида ёзған докторлық диссертациясида ва “Күёш, ҳаёт ва хлорофилл” (1920) деган китобида жамланған.


Шундай қилиб, XVIII ва XIX асрларда яшил ўсимликларда содир буладиган фотосинтез жараёни ва унинг асосий томонлари аниқланды: карбонат ангидриднинг ютилиши, молекуляр кислороднинг ажралиши, ёруғикнинг зарурлығы, хлорофиллнинг иштироки ва органик моддаларнинг ҳосил булиши.

XIX асрда фотосинтезни үрганиш янада жадалроқ кечди. Асосий тажрибалар фотосинтетик орган – хлоропластлар, пигментлар ва асосан фотосинтез механизмини үрганишга қаратилди. Бу соҳада М.С.Цвет, В.Н.Любименко, А.А.Иванов, А.А.Рихтер, С.П.Костичев, Т.Н.Годнев, О.Варбург, М.Калвин, Е.И.Рабинович ва бошқаларнинг хизматлари катта бұлды.

Хозирги кунларда А.А. Красновский, А.А. Ничипорович, Ю. Тарчевский, А.Л. Курсанов, А.Т. Макроносов, Ю. Носиров сингари олимлар мазкур жараённи ўрганиш устида иш олиб бормоқдалар.

### 3.3. БАРГ – ФОТОСИНТЕТИК ОРГАН

Яшил үсимликларнинг барги энг муҳим органлардан бири булиб, унда фотосинтез жараёни содир бўлади. Шунинг учун ҳам барг асосий фотосинтетик орган деб аталади. Унинг хужайравий тузилиши транспирация, нафас олиш ва асосан фотосинтезга мосланиб тузилган (15- чизма). Барг пластинкасининг устки ва остки томони пўст билан қопланган. Қопловчи тўқима эпидермис бир қатор зич жойлашган ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралар юпқа пўстли, рангсиз ва тиниқ бўлиб, ёругликни яхши ўтказади. Пўст ҳужайралари орасида жойлашган маҳсус жуфт ҳужайралар оғизчалар вазифасини бажаради. Уларнинг тургор ҳолати ўзгариб туриши мумкин ( шунга қараб улар ўртасидаги тешикча очилади ёки ёпилади). Оғизчалар кўпчилик үсимликларда баргнинг пастки



15-чизма. Баргнинг тузилиши:

1—устки эпидермис; 2—кутикула; 3—бир-бирига зич жойлашган чўзинчоқ ҳужайралар; 4—бир-бири билан бўшлиқлар ҳосил қилиб жойлашган думалоқ ҳужайралар; 5—остки эпидермис; 6—оғизчалар; 7—хлоропласт; 8—қислема; 9—флоэма; 10—обкладка ҳужайралари.

томонида, айримларида эса устки томонида ҳам бўлиши мумкин. Фотосинтез жараёнида ана шу оғизчалар орқали карбонат ангидрид ютилиб, молекуляр кислород ажралиб чиқади.

Устки ва пастки пүстлар орасида барг этини (мезофилл) ҳосил қилувчи ҳужайралар жойлашган. Аксарият ер устида ўсуви үсимлик баргларида у икки қаватдан иборат. Устки пүст остида жойлашган қават таёччаларга үхаш, чүзинчоқ бир-бирига зич жойлашган ҳужайралардан ташкил топган. Бу ҳужайраларда хлоропластлар сони күп. Улар органик моддаларни синтез қилувчи асосий қават ҳисобланади. Унинг остидаги ҳужайралар күпинча думалоқ шаклда бўлиб, бир-бири билан бўшликлар ҳосил қилиб жойлашади. Бўшлиқлар оғизчалар билан тулашган. Бу эса газларнинг алмашинуви учун қулай шароит яратади. Ундан ташқари бу ҳужайраларда ҳам хлоропластлар бор, яъни улар фотосинтез жараёнида қатнашадилар.

Баргларда фотосинтез тұхтосиз давом этиши учун улар сув билан таъминланган бўлишлари керак. Бунда оғизчалар очиқлиги катта аҳамиятга эга.


**ХЛОРОПЛАСТЛАР.** Фотосинтез жараёни асосан баргларда ва қисман ёш новдаларда содир бўлишининг сабаби уларда хлоропластларнің борлигидир. Үсимликларнинг фотосинтетик тизими хлоропластларда мужассамлашган. Хлоропластлар барча тирик организмлар учун кимёвий энергия манбаи – органик моддаларни тайёрлайди.

Баргнинг ҳар бир ҳужайрасида үртача 20-50 тагача ва айримларида ундан қўпроқ ҳам хлоропластлар бор. Хлорофилл пигменти хлоропластларда жойлашгандыгы учун улар яшил рангда бўлади. Хлоропластларда фотосинтез жараёнининг ҳамма реакциялари рўй беради: ёруғлик энергиясининг ютилиши, сувнинг фотолизи (парчаланиши) ва кислороднинг ажралиб чиқиши, ёруғликда фосфорланиш, карбонат ангидриднинг ютилиши ва органик моддаларнинг ҳосил бўлиши. Шунга асосан уларнинг кимёвий таркиби ва тузилмавий шакли ҳам мураккаб ҳусусиятга эга (16-чизма).

Хлоропластлар таркибиде сув кўп, үртача 75 фоизни ташкил этади, қолганлари куруқ моддадан иборат. Умумий куруқ моддалар ҳисобида оқсиллар 35-55 фоиз, липидлар 20-30 фоиз, қолганини минерал моддалар ва нуклеин кислоталари ташкил этади. Хлоропластларда жуда кўп ферментлар ва фотосинтезда иштирок этадиган ҳамма пигментлар жойлашган.

Хлоропластлар қўшқаватли мембрана билан үралган бўлиб, улар юқори функционал фаолликка эгадирлар. Ички тузилиши жуда мураккаб. Строма (асосий гавда) ва граналардан иборат. Улар ўз навбатида ламелляр ва пластинкасимон тузилиши билан тавсифланади. Граналарда тилакоидлар жойлашади. Ёш хлоропласт граналарида 3-6 та тилакоид бўлса, вояга етганларида бу сон 45 тагача этиши мумкин. Ламеллаларнинг юзаси майда бўртмачалар – глобулалар билан қопланган. Улар квантосомалар дейилади.

Турли хил үсимликларнинг хлоропластлари сони, шакли, ҳажми билан бир-биридан фарқ қиласи.



16-чизма. Хлоропласт ультраструктурасининг схематик тасвири:

1—тамаки барги мезофили ҳужайраларидаги хлоропласт ва митохондрияларнинг электрон микроскопда куриниши (20000 марта катталашибирилган); 2—хлоропласт тузилманинг уч ўлчамли тасвири; 3—хлоропласт ички тузилишининг кесимида куриниши: ВМ—хлоропласт пустининг ички мембранаси; Гр—грана, ДНК—пластида ДНКсининг или; К—крахмал доначаси; М—митохондрия; ДМ—хлоропласт пустининг ташки мембранаси; ОХ—хлоропласт пусты; ПГ—пластоглобула; ПЛ—плазмолемма; Р—хлоропласт рибосомаси; С—строма; Т—тонопласт; ТиГ—грана тилакоиди; ТиМ—ламелла тилакоиди; МВ—марказий вакуола.

Яшил ўсимликларнинг баргларида хлоропластлар уч хил йўл билан ҳосил булиши мумкин: 1) оддий булиниш йули билан; 2) айрим ҳужайралар меъёрий ҳолатларининг бузилиши оқибатида куртаклашиш йули билан; 3) ҳужайра ядроси орқали купайиш билан. Бу йўл асосий деб қабул қилинган. Дастлаб ҳужайра ядросининг мембранасида жуда кичик бўртмача юзага келади. У аста-секин йириклилашиб, ядро мембранасидан ажралади, ҳужайра цитоплазмасига ўтади ва шу ерда тута шаклланади (17-чизма).


Хлоропластларнинг тута шаклланиши учун ёруғликнинг булиши шарт.

Қоронғиликда хлорогластларнинг стромаси ва унинг ҳажми ҳосил булади. Лекин ички тузилиши — ламеллалар, пластинкалар, граналар, тилакоидлар ва хлорофилл пигментлари фақат ёруғликда ҳосил булади.

**ХЛОРОПЛАСТ ПИГМЕНТЛАРИ.** Хлоропласт таркибида учрайдиган пигментлар фотосинтез жараёнида асосий рол ўйнайди. Ўсимлик пигментларини ўрганишда М.С. Цветнинг 1901-1913 йилларда кашф этган адсорбцион хроматография усули жуда катта аҳамиятга эга. М.С. Цвет шу усулдан

фойдаланиб, 1910 йилда хлорофилл “а” ва “б” ҳамда сариқ пигментларнинг гуруҳлари мавжуд эканлигини аниқлади.

Хлоропластлар таркибида учрайдиган пигментлар асосан учта синфга булинади: 1) хлорофиллар, 2) каротиноидлар, 3) фикобилинлар.




17-чишма. Хлоропластлар онтогенези:

Чапда – хлоропластларнинг ёргуликда ривожланиши (ламеллалар ва граналар мөъёрий ҳосил булаётир). Ўнгда – уларнинг қоронгидаги ривожланиши (проламеляр тана ҳосил булаётир). 1–инициал бўртмача; 2–ички мембраннынг ботиб кириши; 3–пропластида; 4–ички ламеллалар ҳосил булиши; 5–грана; 6–строма ламелласи; 7–проламеляр тана; 8–ламелла ҳосил булиши; 9–стиялган хлоропласт; 10–ёг томчиси.

**ХЛОРОФИЛЛАР.** Биринчи марта 1817 йилда француз кимёгарлари П.Ж.Пелте ва Ж.Кавантулар үсимлик баргидан яшил пигментни ажратиб оладилар ва уни хлорофилл деб атайдилар. Бу юнонча “chloros” – яшил ва “phyllon” – барг сўзларидан олинган.


1906-1914 йилларда немис кимёгари Р.Вилштеттер хлорофиллнинг кимёвий таркибини ҳар томонлама ўрганиш натижасида унинг элементар таркибини аниқлади : хлорофилл “а” –  $C_{55}H_{72}O_5N_4Mg$  ва хлорофилл “б” –  $C_{55}H_{70}O_6N_4Mg$ . Немис биокимёгари Г.Фишер эса 1930- 1940 йилларда хлорофиллнинг тузилмавий формуласини аниқлади (18-чишма).



18 - расм. Хлорофиллнинг тузилмавий формуласи (хлорофилл "а").

Хлорофиллар асосан түртта пиррол ҳалқасини бирлаштирган порфириин бирикмалар бўлиб, улар таркибида магний ва фитол қисми бор.

Фитол асосан түртта тўйинмаган изопрен углеводород молекуласидан тузилган. Умуман, хлорофилл хлорофиллин дикарбон кислотаси билан метил ҳамда фитол спиртларининг бирикмасидан ҳосил бўлади ва мураккаб эфирлар гурухига киради. Шунинг учун ҳам натрий ишқори таъсир этса, у хлорофиллин кислотасининг натрий тузи, метил ва фитол спиртларига парчаланади:




Хлорофилл "б"нинг хлорофилл "а"дан фарқи шундаки, унинг тузилмасидаги битта метил гурухи алдегид гурухга алмаштирилган.

Юксак ўсимликлар ва сувўтларида "а", "б", "с" каби хлорофиллар борлиги аниқланган. Шулардан хлорофилл "а" ва "б" жуда кўпчилик ўсимликларда синтез қилинади. Улар рангларига қараб ҳам бирбиридан фарқ қиласди. Хлорофилл "а" тўқ яшил рангда, хлорофилл "б" эса сариқроқ яшил рангда. Меъёрда ривожланган баргларда хлорофилл "а" тахминан 1,2-1,41 баравар хлорофилл "б" дан кўп учрайди. Бу нисбат ўсимлик турлари, яшаш шароитлари ва бошқаларга қараб бироз ўзгариши мумкин.

1921 йилда В.Н.Любименко хлорофиллнинг оқсиллар билан бодлиқлигини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам ўсимликлар баргини сув билан ишқаласа, сувли тўқ яшил коллоид эритма ҳосил бўлади, лекин хлорофилл ажралмайди. Бунинг сабаби хлорофилларнинг оқсиллар билан бодлиқлигидадир. Бундай эритма ёруглик таъсирига ҳам чидамли бўлади. Агар барг спирт ёки ацетон эритмасида ишқаланса, хлорофилл баргдан осонлик билан ажралади. Чунки бу эритмалар оқсилларга фаол таъсир этади ва денатурацияга учратади. Хлорофиллнинг спиртли ёки ацетонли эритмаси ёруглик

таъсирига чидамсиз бўлади ва рангини тез йўқотади. Умуман, хлорофилл хлоропластларда хлорофилл-оқсил комплекси шаклида бўлиб, уларнинг мустаҳкамлик даражаси бир неча хил (адсорбцион ёки кимёвий) бўлади. Кимёвий боғланган хлорофилл-оқсил комплекси жуда мустаҳкам бўлиб, ўсимликлар нокулай шароитларга тушганда узоқ муддатда сақланади ва ўз функциясини бажаради.



19-чизма. Хлорофиллинг эфирида ёруғликни ютиш спектри:  
I—хлорофилл “а”; II—хлорофилл “б”.

Хлорофилл “а” нинг эриш ҳарорати  $117\text{--}120^{\circ}\text{C}$  га тенг. Спиртда, бензолда, хлороформ, ацетон ва этил эфирида яхши эрийди. Сувда эримайди. Хлорофилл “а” барча фотосинтетик организмлар учун умумий ягона пигментdir. Чунки бу пигмент орқали ютилган ёруғлик энергияси тўғридан тўғри фотосинтетик реакцияларда ишлатилиши мумкин. Қолган барча пигментлар томонидан ютилган ёруғлик энергияси ҳам хлорофилл “а” га етказиб берилади ва у орқали фотосинтезда ишлатилади.

Этил эфирида ажратиб олинган хлорофилл молекулалари ёруғлик энергиясининг тўлқин узунлиги қисқароқ бўлган кўк қисмидан бироз ва асосан қизил нурларни ютади (19-чизма).

Хлорофилл “а” қизил спектрдан 660 - 663 нм ва кўк спектрдан 428-430 нм, хлорофилл “б” эса қизил спектрдан 642- 644 нм ва кўк спектрда 452-455 нм.га тенг бўлган нурларни ютади. Хлорофилл молекулалари ёруғлик спектрининг яшил ва инфрақизил нурларини умуман ютмайди. Демак хлорофилл ёруғлик нурларининг ҳаммасини ютмай, танлаб ютиш хусусия

тига эгадир. Хлорофиллнинг бу хусусиятини унинг спиртли ёки ацетонли эритмасидан ёргулар нурларини ўтказиб, спектроскопда кўриш усули билан аниқлаш мумкин. Спектроскопда хлорофилл ютган спектр нурларининг ўрни қорамтири булиб кўринади, нурларни қайтаради. Акс этган ёргуларда хлорофилл қизил рангда кўринади. Унинг флуоресценция қобилияти фотокимёвий фаоллигидан далолат беради.

Ўсимликларнинг баргода хлорофилл маҳсус шароитлар мавжудлигига ҳосил бўлади: ривожланган пластидалар стромаси, ёргулар, магний, темир ва бошқалар. Чунки пигментлар фақат пластидаларнинг ламелла ва граналаридағина вужудга келади. Магний тўғридан-тўғри хлорофилл молекуласининг таркибига, темир эса хлорофиллнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи ферментлар ( хлорофиллаза ва бошқалар ) таркибига кираади. Хлорофилл фақат ёргуларда ўсан ўсимликларда ҳосил бўлади. Қоронги жойда ўсан ўсимликларда у ҳосил бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бундай ўсимликлар рангсиз ёки сариқ (каротиноидлар бўлгани учун) рангда бўлади. Улар этиолланган ўсимликлар дейилиб, қоронгидан ёргуларка чиқарилса тезда яшил рангга кира бошлайди, чунки хлорофиллнинг синтези бошланади.

Айрим ҳолларда ёргулардаги ўсимлик баргларида ҳам саргайиш (рангсизланиш) ҳодисалари рўй беради. Бу ҳодисага хлороз дейилади. Хлороз (рангсизланиш) кўпчилик ҳолларда тупроқда ўзлаштириладиган магний ёки асосан темирнинг етишмаслиги натижасида ассимиляция жараёнининг бузилишидан келиб чиқади. Хлорофиллнинг синтези тұхтаб қолади. Бундай ҳодиса, айниқса, оҳак миқдори юқори тупроқларда күп учрайди. Оҳакли тупроқларда темир тузлари эримайдиган шаклга ўтганлиги сабабли илдизлар тупроқдан темирни ололмайди. Бундай ўсимликларга биронта темир тузининг паст концентрацияли эритмаси пуркалса, улар яна яшил рангга кира бошлайди. Хлороз ҳодисаси бошқа минерал элементлар (азот, марганец, мис, рух, молибден, калий, олtingугурт ва бошқалар) етишмаганлигидан ҳам содир бўлиши мумкин.


Умуман, хлорофиллнинг синтези ҳам, бузилиши ҳам тирик ҳужай-ралардаги мураккаб модда алмашинув жараёнининг йўналиши асосида содир бўлади. Ўсимликларда хлорофиллнинг умумий миқдори уларнинг Куруқ оғирлигига нисбатан 0,6-1,2 фоизни ташкил қилади.

**КАРОТИНОИДЛАР.** Яшил ўсимликларда хлорофилл билан биргаликда учрайдиган сариқ, тўқ сариқ, қизил рангдаги пигментлар гуруҳи каротиноидлар дейилади. Бу пигментлар ҳамма ўсимликларнинг хлоропластларида мавжуд. Ҳатто ўсимликларнинг яшил бўлмаган қисмларида хлоропластларининг ҳам таркибига кираади. Масалан, хромопластлар сабзи ҳужайралари таркибидаги жуда кўп миқдорда бўлади (20-чизма) ва улар ҳам мураккаб тузилишга эга (21-чизма).

Каротиноидлар хлоропластларда хлорофилл билан биргаликда учрагани учун ҳам сезилмайди. Чунки хлорофиллнинг миқдори уларга нис-



20-чизма. Сабзи илдиз мевасининг ҳужайраси: 1—хромопластлар, 2—ядро.




21-чизма. Хромопластларнинг электрон микросконда кўриниши (шакли):  
1—глобуляр; 2—фибрилляр; 3—кристаллик турдаги хромопластлар; ВМ—  
хромопласт пустининг ташқи мемранаси; Пг—пластоглобуляр; С—строма; Ф—  
фибрилляр.


батан ўртача уч марта кўп. Лекин кузда хлорофилларнинг парчала ниши сабабли каротиноидлар кўрина бошлайди.

Яхши ўрганилган ўсимлик каротиноидлари иккита гуруҳга булиниди: 1) каротинлар; 2)ксантофиллар.

Каротинлар ( $C_{40}H_{56}$ ) турли хил бўлиб, улардан а, В—каротинлар хлоропластларда хлорофилл билан биргаликда учрайди. Ликопин ( $C_{40}H_{56}$ ) меваларда учрайди. Бу пигментларнинг таркибида кислород йўқ ва ранглари асосан тўқ сариқ ёки қизил бўлади. Каротиннинг тузилма формуласига келсак, у 8 молекула изопрен қолдигидан иборат. Унинг иккала томонида тўртта изопрен гуруҳи ҳалқа шаклида тулашиб, ионон шаклини ҳосил қиласди. Булардан яхши ўрганилиб фотосинтез учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлари – а ва В каротинлардир. Уларнинг умумий формулалари бир-бирига ўхшаш ( $C_{40}H_{56}$ ), фақат тузилмавий шаклида бироз фарқ бор (22-чизма).



22-чизма. Каротинларнинг тузилмавий формулалари.



23-чизма. Ксантофилларнинг тузилмавий формулалари.

Ксантофиллар таркибида кислород бор ва улар асосан сариқ рангда кўринади. Асосий вакиллари лютеин ( $C_{40}H_{56}O_2$ ), виолаксантин ( $C_{40}H_{56}O_4$ ) ва бошқалар (23-чизма).

Каротиноидлар хлорофилл, бензол, ацетон каби эритмаларда яхши эрийди. Юқори ҳарорат, ёруғлик ва кислоталар таъсирида енгил парчаланади.

Каротиноидлар бир қанча физиологик вазифаларни бажаради:


- 1) фотосинтез учун зарур бўлган ёруғлик нурларини ютади;
- 2) хлорофилл молекуласини кучли ёруғлик таъсиридан муҳофаза қилади;

3) фотосинтез жараёнида молекуляр кислороднинг ажралиб чиқишида иштирок этади.

Каротиноидлар тўлқин узунлиги қисқа бўлган (480-530 нм) кўк-бинафша ва кўк нурларни қабул қилиб, хлорофилл “а” га етказиб беради ҳамда фотосинтез жараёнида иштирок этади (24-чизма).

Ўсимликлар баргига қуруқ оғирлигига нисбатан 20 мг.гача, айрим ўсимлик турлари ва органларида, айниқса, айрим мевалар таркибида кўпроқ булиши мумкин.

**ФИКОБИЛИНЛАР.** Сув остида яшовчи ўсимликларда хлорофилл “а” ва каротиноидлардан ташқари маҳсус пигментлар ҳам борки,





24-чизма. Каротиноидлар (1) ва хлорофиллинг (2) ёруғлик ютиши спектри.

уларга фикобилинлар киради. Яхши ўрганилганлари фикоэритрин ва фикоцианиндири.


Фикоэритрин ( $C_{34}H_{47}N_4O_8$ ) – қизил сувўтларининг пигментидир. Қизил рангга эга. Фикоцианин ( $C_{34}H_{42}N_4O_9$ ) – кўк-яшил сув ўтлари нинг пигменти бўлиб, кўк рангга эга. Фикобилинлар – бу мураккаб оқсиллардир. Уларнинг таркибига очиқ занжир ҳолида бирлашган тўртта пирол ҳалқаси киради. Бу ҳалқалар қўш боғлар орқали туташган (25-чизма). Уларнинг молекуласида металл атоми йўқ. Бу молекулавлар оқсиллар билан мустаҳкам бирикма ҳосил қиласиди, уларни фақат қайнатиб ёки кучли кислота таъсирида парчалаш мумкин.

Фикобилинлар ёруғлик спектридан маълум тўлқин узунлигига эга нурларни ютади ва хлорофилл “а” га етказиб беради. Фикоэритринлар асосан тўлқин узунлиги 498 нм.дан 508 нм.гача, фикоцианинлар 585 нм.дан 630 нм.гача бўлган нурларни ютадилар (26-чизма).



25-чизма. Фикобилинларнинг тузилмавиј формулалари.

Чуқурсув остида ўсувчи ўсимликлар учун бу пигментларнинг роли жуда катта. Чунки сувнинг юқори қатлами хлорофилл молекулалари қабул қилиши мумкин бўлган қизил нурларни ютиб қолади. Масалан, денгиз ва океанларда 34 м чуқурликда қизил нурлар тўла ютилиб қолади, 177 м чуқурликда сариқ нурлар, 322 м да эса яшил нурлар, чуқурлик 500 м га етганда кўк-яшил нурлар ҳам тўла ютилиб қолади.




26-чизма. Фикобилинларнинг ёргулкни ютиши спектри:  
1-фикоцианин; 2-фикоэритрин.

Ууман, фикобилинлар томонидан ютилган ёруглик энергиясидан 90 фоизга яқини хлорофилл “а” га етказиб берилади.

### 3.4. ФОТОСИНТЕЗ РЕАКЦИЯЛАРИ

Яшил үсимликларда ёруглик энергияси иштирокида органик моддалар ҳосил бўлиши ва молекуляр кислород ажралиб чиқишини ифодаловчи схематик тенгламани кўрсатган эдик:



Бу тенглама оддий кимёвий реакция тенгламаси бўлмай, балки минглаб реакциялар йигиндисини ифодаловчи характерга эга. Барча реакциялар йигиндиси асосан иккита босқични ўз ичига олади: 1) ёругликда борадиган реакциялар; 2) ёруглик шарт бўлмаган, яъни қоронгиликда борадиган реакциялар.

#### 3.4.1. Ёргликда борадиган реакциялар

Фотосинтезнинг биринчи босқичидаги реакциялар фақат ёруглик иштирокида боради. Бу жараён хлорофилл “а”нинг бошқа ёрдамчи пигментлар иштирокида (хлорофилл “б”, каротиноидлар, фикобилинлар) ёруглик ютиши ва ўзлаштиришидан бошланади. Натижада сув ёруглик энергияси таъсирида парчаланиб, молекуляр кислород ажралиб чиқади, НАДФ.Н<sub>2</sub> (дигидроникотинамид – аденин – динуклеотид фосфат) ва АТФ (аденозинтрифосфат) ҳосил бўлади.

**ЁРУГЛИК ЭНЕРГИЯСИ.** Ёрглик энергияси электромагнит тебра ниш хусусиятига эга. У фақат квантлар ёки фотонлар ҳолида ажралади ва тарқалади. Ҳар бир квант ёрглик маълум даражада энергия манбасига эга. Бу энергия миқдори асосан ёргликнинг тўлқин узунлигига боғлиқ бўлиб, куйидаги формула билан аниқланади :

$$E = hc,$$

бу ерда, E – квант энергияси, джоул (кДЖ) ҳисобида, h – ёрглик константаси, доимий сон 6, 26196. 10-34 Дж/с – тўлқин узунлиги, С – ёрглик тезлиги 3. 1010 см/с.


Кўёш ёрглигининг кўзга кўринадиган ва фотосинтетик фаол қисмидаги (400-750 нм) нурларда ҳар бир квантнинг энергияси турлича бўлади. Масалан, тўлқин узунлиги 400 нм.га тенг бўлган спектрнинг бир квенти-

нинг энергияси 299, 36 кДЖ га тенг, шу асосда 500 нм—239, 48 кДЖ, 600 нм—199, 71 кДЖ, 700 нм—170, 82 кДЖ ва ҳоказо. Яъни тўлқин узунлиги қисқа бўлган ёруғликнинг энергияси кўпроқ ва узунларини мумкин. Чунки уларнинг энергияси кўп. Тўлқин узунлиги 300-400 нм.га тенг нурлар асосан ўсиш ва ривожланиши бошқаришда иштирок этади. Бу нурлар таъсирида ҳужайраларнинг бўлинниб кўпайиши ва ўсимликнинг ривожланиш жараёни тезлашади. Тўлқин узунлиги 400-700 нм.гача бўлган нурлар фотосинтезда иштирок этадилар, чунки бу спектрларнинг энергия даражаси фотосинтетик реакцияларни юзага келтиради. Тўлқин узунлиги 750 нм ва ундан узун нурларнинг энергияси жуда камлиги сабабли улар фотосинтезда ишлатилмайди.

Ҳар бир пигмент, жумладан, хлорофилл молекуласи бир квант ёруғлик энергиясини ютиш қобилиятига эга. Пигментларнинг бир молекуласи бирданига икки квант монохроматик ёруғликни ютолмайди. Квант ёруғлик пигмент молекуласининг биронта электрони томонидан ютилади ва бу электрон қўзғалган ҳолатга ўтади. Натижада пигмент молекуласи ҳам қўзғалган ҳолатда бўлади.

Хлорофилл молекулаларининг энергетик даражалари 27-чизмада кўрсатилган. Яъни хлорофиля молекуласи қизил нурлардан бир квант ютганда электрон асосий даражадан ( $S^0$ ) биринчи синглет ( $S^1$ ) даражага ўтади ( $S^0 \rightarrow S^1$ ). Уларнинг бу ҳолати жуда қисқа давом этиб (10-8-10-9 сонияга тенг), юқори реакция қобилиятига эга. Шу қисқа муддат мобайнида электрон энергиясини сарфлаб, дастлабки тинч ҳолатига қайтади ( $S^1 \rightarrow S^0$ ) ва бошқа квант ёруғликни қабул қилиши мумкин. Тўлқин узунлиги қисқа бўлган кўк-бинафша нурлардан бир квант ютилганда эса электрон асосий даражадан янада юқорироқ синглет ( $S^2$ ) даражага ( $S^0 \rightarrow S^2$ ) ўтади. Электронлар иккинчи синглет даражадан тезлик билан (10-12 - 10-13 сония) биринчи синглет даражага тушади ва бу жараёнда энергиянинг бир қисми иссиқлик энергиясига айланниб сарфланади. Фотокимёвий реакцияларда асосан биринчи синглет ( $S^1$ ) ҳолатдаги электронлар, айрим пайтларда эса триплет ( $T^1$ ) ҳолатдаги электронлар иштирок этади. Чунки бу жараёнда ( $S^1 \rightarrow S^0$ ) тўғридан-тўғри содир булиш ўрнига  $S^1 \rightarrow T^1 \rightarrow S^0$  ёки  $S^1 \rightarrow T^1 \rightarrow T^2 \rightarrow S^0$  булиши ҳам мумкин. Пигментларнинг триплет ҳолати электрон ҳаракатининг йўналиши ўзгариши  $S^1$  (II)  $\rightarrow T^1$  (II) натижасида руёбга келади. Электронларнинг  $T$  ҳолатдан  $S^0$  даражага ўтиши учун бироз кўпроқ вақт (10<sup>-7</sup>дан бир неча секундгача) сарфланади. Натижада бу ҳолатдаги пигментлар юқорироқ кимёвий фаолликка эга бўлади. Хлорофилл молекуласи ютган квант энергия бир неча жараёнларда, яъни асосан фотосинтетик реакцияларнинг содир булишида иштирок этади, молекуладан ёруғлик ёки иссиқлик энергияси ҳолида ажратиб чиқиб кетади.

Олимларнинг изланишлари натижасида ёруғлик энергиясининг фотосинтетик реакциялардаги самарадорлик даражаси аниқланди. Энергиянинг самарадорлиги ютилган квант ёруғлик нури ҳисобига фотосинтез



27-чизма. Хлорофиллнинг ёруғликада фаолланиш шакли.

жараёнида ажралиб чиққан  $O_2$  ёки ўзлаштирилган  $CO_2$  нинг микдори билан белгиланади. Шуни ҳисобга олиш зарурки, ютилган ҳамма нурлар (айниқса қизил) фойдали бўлса ҳам, улар энергиясининг анча қисми хлорофилл молекуласида электронлар кўчиши жараёнида йўқотилиади. Натижада бу энергия фойдали коэффициентнинг (ФК) камайишига сабабчи бўлади. Бир молекула  $CO_2$  нинг тўла ўзлаштирилиши учун 502 кДЖ энергия сарфланади. Демак, бу реакциянинг амалга ошиши учун



тўлқин узунлиги 700 нм.га тенг бўлган қизил нурларнинг уч квонти етарли бўлади. Чунки бу нурларнинг ҳар бир квонти 171 кДЖ энергияга эга. Амалда эса бир молекула  $CO_2$  нинг тўла ўзлаштирилиши ва  $O_2$  нинг ажралиб чиқиши учун 8 квант талаб этилади. Яъни фотосинтез жараёнида фойдаланиладиган қизил нурларнинг фойдали коэффициенти 40 фоизга яқин бўлади. Кўк-бинафша нурларнинг фойдали коэффициенти янада пастроқ (21 фоиз). Ўсимликларга ёргулкнинг тўлқин узунлиги 400 нм.га тенг кўк спектри таъсир эттирилса, фойдали коэффициент 20,9 фоизга тенг бўлади (чунки ҳар бир квантнинг энергияси 229 кДЖ):

$$502 \cdot 100$$

$$\Phi K = \frac{502}{229 \cdot 8} = 20,9 \text{ фоиз.}$$


1957 йилда Р.Эмерсон ўтказган тажрибалар кўрсатишича, тўлқин узунлиги 660-680 нм бўлган қизил нурларнинг самарадорлик даражаси энг юқори курсаткичга эга. Тўлқин узунлиги улардан қисқа ёки узун

нурларнинг самарадорлик даражаси пасая боради. Бундан ташқари фотосинтетик реакциялар учун монокроматик нурларга нисбатан аралаш спектрлар энергиясининг самарадорлиги юқорироқдир. Масалан, тўлқин узунлиги 710 нм бўлган қизил нурларнинг 1000 квант ютилганда 20 молекула кислород ажralиб чиқсан, 650 нмдан 1000 квант ютилганда эса 100 молекула кислород ажralиб чиқсан. Лекин 710 нм ва 650 нм ёруғлик спектрлари бир вақтда таъсир эттирилганда эса 120 молекула ўрнига 160 молекула кислород ажralиб чиқсан. Демак, ҳар хил тўлқин узунлигига эга нурлардан фойдаланишнинг самарадорлиги юқорироқ бўлиб (40 молекула  $O_2$  кўп ажralган), бу Эмерсон самараси деб юргизила бошланди.

Бу тажрибалар ёруғлик энергиясидан фотосинтезда самарали фойдаланиш қонуниятларини тушунтириб берди. Яъни фотосинтез жараёнинг самарадорлиги учун фақат хлорофилл “а” қабул қилган энергия етарли бўлмай, қолган пигментлар, хлорофилл “б” ва каротиноидларнинг ҳам фаол иштироки катта аҳамиятга эга.

Р.Эмерсон (1957) хлоропластларда иккита фототизим мавжудлигини тахмин қилган эди. Бу тахмин кейинчалик тасдиқлаанди. Дифференциал центрифугалаш ва бошқа усууллар ёрдамида фототизим - I ва фототизим - II ҳосил қилувчи оқсиллар комплекслари ажратиб олинди ва ўрганилди. Фототизимлар фаолияти натижасида квантларнинг ютилиши, электронлар транспорти ва АТФ ларнинг ҳосил булиш жараёни содир бўлади (28-чизма).


Ҳар бир фототизимда фаол реакциялар маркази мавжуд бўлиб, у хлорофилл “а” ютадиган нурларнинг энг юқори тўлқин узунлиги билан тавсифланади (29-чизма). Биринчи фототизимда асосий пигмент –  $P_{700}$ , иккинчи фототизимда –  $P_{680}$ га teng. Хлоропластлардаги ҳар бир фотосинтетик фаол реакция марказида 200-400 молекула хлорофилл “а”,



28-чизма. Фототизимларда электронлар ҳаракати ва АТФ нинг ҳосил булиши.

ёрдамчи пигментлар, хлорофилл “б”, каротиноидлар ва фикобилинлар бор. Буларнинг асосий вазифаси ёруғлик энергиясини ютиш ва уни реакция марказига етказиб беришdir.


**СУВНИНГ ФОТОЛИЗИ.** Фотосинтезнинг дастлабки фотокимёвий реакцияларидан бири—бу сув фотолизидир. Сувнинг ёруғлик энергияси таъсирида парчаланиши фотолиз дейилади. Унинг мавжудлигини бирин-



29-чизма. Фототизимнинг оддий модели:

1—квант ёруғлик; 2—хлоропластлардаги ёруғликни қабул қилувчи пигментлар; 3—реакция маркази; 4—донор; 5—акцептор.

чи марта 1937 йилда Р.Хилл барглардан ажратиб олинган хлоропластларда аниқлади. Шунинг учун мазкур жараён Хилл реакцияси деб аталади. Бунда ажратиб олинган хлоропластларга ёруғлик таъсир этганда  $\text{CO}_2$  сиз шароитда ҳам кислород ажралиб чиқиши кузатилади ( $\text{A}$ —водород):




Хилл реакциясидан хлоропластларнинг фаоллик даражасини аниқлашда фойдаланилади. Ажралиб чиқаётган молекуляр кислороднинг манбай сув эканлигини 1941 йилда А.П. Виноградов ва Р.В. Тейс изотоплар усулидан фойдаланиш йули билан тасдиқладилар. Ҳаводаги умумий кислороднинг:  $\text{O}^{16}$ —99,7587 фоизни,  $\text{O}^{17}$ —0,0374 фоизни ва  $\text{O}^{18}$ —0,2039 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг ўзида американлик олимлар С.Рубен ва М.Камен  $\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{CO}_2$  ларни оғир изотоп  $\text{O}^{18}$  билан синтез қилиш ва фотосинтез жараёнини кузатиш усули билан ажралиб чиқаётган кислороднинг манбай сув эканлигини яна бир марта тасдиқладилар.

Натижада кислород ажралиб чиқади. Ҳосил бўлган водород протони ва электрони акцепторлар ёрдамида  $\text{CO}_2$  ни ўзлаштириш манбай бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда тўрт молекула сувнинг иштирок этиши Кутюрин шаклида янада яққол тасвиrlenган (30-чизма).


Сувнинг фотолиз жараёни иккинчи фототизимдаги реакция марказида кечади ва бунга хлорофилл молекулалари ютган тўрт квант энергия сарфланади.

117




30-чизма. Фотосинтез жараёнида сувнинг парчаланиши шакли:


1—энергия жамланувчи марказ; 2, 3—сув молекулалари тизими ва оксидланиш импульсининг ўзгарувчан валентли металлга берилиши; 4—молекуляр кислороднинг ажралишида иштирок этувчи ферментлар тизими; Q—фототизим П даги электронлар акцептори.



Водороднинг акцептори НАДФ бўлиб, унинг қайтарилиши хлоропластлардаги маҳсус ферментлар иштирокида амалга ошади :



**ФОТОСИНТЕТИК ФОСФОРЛАНИШ.** Яшил ўсимликларнинг муҳим хусусиятларидан бири қўёш энергиясини тўғридан-тўғри кимёвий энергияга айлантиришdir. Хлоропластларда ёрглиқ энергияси ҳисобига АДФ ва анорганик фосфатдан АТФ ҳосил бўлиши фотосинтетик фосфорланиш дейилади. Унинг тенгламасини қуидагича курсатиш мумкин:



Бу жараён митохондрияларда кечадиган оксидатив фосфорланишдан фарқ қиласы.


Ёруғликда бұладиган фосфорланишни 1954 йилда Д.И.Арнон ва унині шоғирудлари кашф этдилар.

Яшил үсімлікларда фотосинтетик фосфорланишнинг мавжудлиги жуда катта ажамиятга эга. Чунки ҳосил бұладиган АТФ молекулалари ҳужайрадаги әңг әркін кимёвий энергия манбаидир. Ҳар бир АТФ молекуласыда иккита макроэргик бөг мавжуд. Уларнинг ҳар бирида 8-10 ккал энергия бор.

Макроэргик бөгларнинг узилиши натижасыда ажралған кимёвий энергия ҳужайрадаги реакцияларда сарфланади.

Хлоропластлардагы ёруғликда фосфорланиш реакциялари иккі ассоций турға бұлинады: 1) циклли фотосинтетик фосфорланиш; 2) циклсиз фотосинтетик фосфорланиш.

Биринчисіда хлорофилл молекуласи ютган ва самарали ҳисобланған барча ёруғлик энергияси АТФ синтезләніши учун сарфланади. Реакция тенгламасини қуйидегида күрсатыш мүмкін:



Қүёшнинг ёруғлик энергиясини ютган хлорофилл құзғалған ҳолатта




31-чизма. Циклли фотосинтетик фосфорланишнинг шаклы.

үтади ва унинг молекуласи электронлар донори сифатыда юқори энергетик потенциалға эга бұлған ташқы қаватдаги электронлардан биттасини чиқарып юборади (31-чизма). Электроннинг чиқарып юборилиши натижасыда хлорофилл молекуласи мусбат зарядланиб қолади.


Қисқа муддат ичіда ( $10^{-8}$  -  $10^{-9}$  сөнні) электрон маълум электрон үтка зувчи (ферредоксин ва цитохром оқсиллары) тизим орқали күчирилиб, мусбат зарядлы дастлабки хлорофилл молекуласына қайтади. Бу ерда хлорофилл акцепторлық вазифасини бажарып, яна тинч ҳолатта үтади. Хлоропластларда бу жараён циклли равишда такрорланиб турады. Электрон ҳаракати мобайнида

Энергияси АТФ синтезланишига сарфланади. Натижада биринчи фотосинтетик тизимдаги ҳар бир хлорофилл молекуласи ютган бир квант энергия ҳисобига икки молекула АТФ синтезланади.

Циклсиз ёруғликда фосфорланишда АТФ синтези билан бир қаторда сув фотолизи содир бўлади. Натижада молекуляр кислород ажралиб чиқади ва НАДФ қайтарилади, яъни фотосинтезнинг ёруғлик босқичидаги реакциялар тизими тўла амалга ошади. Реакция тенгламасини қуидагича кўрсатиш мумкин:



Бу реакцияларда иштирок этадиган электронларнинг кучирилиш йўли циклли фотосинтетик фосфорланиш жараёнига нисбатан анча мураккаб. Циклсиз ёруғликда фосфорланишда иккита тизим иштирок этади. Биринчи фотосинтетик тизим 680-700 нм узунликдаги нурларни ютувчи хлорофилл “а” дан иборат. У ёруғлик спектрининг энергияси камроқ қизил нурларини ютиш хусусиятига эга. Иккинчи фотосинтетик тизим 650-670 нм узунликдаги нурларни ютувчи хлорофилл “а”, хлорофилл “б” ва каротиноидлардан иборат. У ёруғлик спектрининг энергияси кўп бўлган нурларини ютади (32-чизма).



32-чизма. Циклсиз фотосинтетик фосфорланишнинг шакли.

Бунда иккি фотохимиявий тизимнинг ўзаро таъсири натижасида молекуляр кислород ажралиб чиқади ва АТФНАДФ.  $\text{H}_2$  ҳосил бўлади. Еруғлик энергияси таъсиридан иккинчи фотосинтетик тизимда ҳам реакция бошланади ва сувнинг фотолизи рўй беради. Бу ерда қўзгалган хлорофиллдан ажралиб чиқсан электрон яна шу хлорофилл молекуласига қайтиради. Мусбат зарядланган хлорофилл молекуласи ўзининг аввалги тинч ҳолатига қайтиш учун электронни сувнинг фотолизи натижасида ҳосил бўлган гидроксил Гуруҳдан олади. Хлорофилл молекуласидан ажралиб чиқсан электрон эса дастлабки фермент цитохром Q га, кейинчалик пластохинонга, ундан цитохром b га ўтади. Шу оралиқда электрон энергияси ҳисобига бир молекула АТФ синтез бўлади. Цитохром b3 дан электрон пластицианинга ўткази-

ралаб чиқсан электрон яна шу хлорофилл молекуласига қайтиради. Мусбат зарядланган хлорофилл молекуласи ўзининг аввалги тинч ҳолатига қайтиш учун электронни сувнинг фотолизи натижасида ҳосил бўлган гидроксил Гуруҳдан олади. Хлорофилл молекуласидан ажралиб чиқсан электрон эса дастлабки фермент цитохром Q га, кейинчалик пластохинонга, ундан цитохром b га ўтади. Шу оралиқда электрон энергияси ҳисобига бир молекула АТФ синтез бўлади. Цитохром b3 дан электрон пластицианинга ўткази-


лади. Пластоцианиндан чиққан электрон биринчи фотосинтетик тизимнинг реакция марказини ташкил этувчи пигмент  $\text{P}_{700}$  ни қайтаради. Яъни бу пигментлар электрон учун акцепторлик вазифасини бажаради. Чунки ёруғлик энергияси таъсиридан қўзғалган фотосинтетик тизимнинг реакция марказидаги хлорофилл “а” нинг электрони пластоцианин ва бошқа ферментлар орқали ферредоксинга ўтказилади. Бу жараёнда ҳам бир молекула АТФ синтезланади ва НАДФН<sub>2</sub> ҳосил бўлади.

Умуман, ёруғликда фосфорланиш механизми мураккаб хусусиятга эга бўлиб, унинг муҳим томонларидан бири электронларнинг кўчиши да иштирок этадиган оралиқ моддалардир. Бу моддалардан пластохинон пластоцианин, цитохромлар ва ферредоксингнинг хусусиятлари анча яхши ўрганилган. Лекин электронлар ҳаракати худудларида ҳали аниқланмаган моддалар ҳам бор.

Хлорелла билан ўтказилган тажрибалар натижасининг кўрсатишича ёруғликда фосфорланиш жараёнида ҳосил бўлган умумий АТФ миқдорининг 70-80 фоизи циклик ва 20 фоизи циклсиз фотосинтетик фосфорланишнинг маҳсулоти экан. Лекин яшил ўсимликларда бу нисбат бошқача ҳам бўлиши мумкин.

### 3.4.2. Фотосинтезда карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши

Фотосинтезнинг иккинчи босқичи – қоронғилик босқичи дейилади. Чунки бу босқичда борадиган реакциялар ёруғлик талаб қилмайди ва СО<sub>2</sub> нинг ўзлаштирилиши билан тавсифланади. Ёруғлик босқичининг асосий маҳсулоти бўлган АТФ ва НАДФН<sub>2</sub> лар карбонат ангидриднин ўзлаштирилиб углеводлар ҳосил бўлишида иштирок этади :



Карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши ҳам оддий жараён эмас. У жуда кўп биокимёвий реакцияларни ўз ичига олади. Бу реакцияларнинг хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумотлар биокимёнинг янги усуларини қўллаш натижасидагина олинди.


Ҳозирги пайтда СО<sub>2</sub> ни ўзлаштиришнинг бир неча йўли аниқланган: 1) C<sub>3</sub> йули (Калвин цикли); 2) C<sub>4</sub> йули (Хетч ва Слэк цикли) ва бошқалар.

**ФОТОСИНТЕЗНИНГ C<sub>3</sub> йули.** Фотосинтез жараёнида СО<sub>2</sub> ни ўзлаштириш йўлини 1946-1956 йилларда Калифорния дорилфунунида америкалиқ биохимик М.Калвин ва унинг ходимлари аниқладилар. Шунинг учун ҳам у Калвин цикли деб аталади (33-чизма). Кейинги


йиллардаги изланишларнинг натижалари кўрсатишича, бу цикл ҳамма ўсимликларда содир бўлади.

Биринчи асосий вазифа  $\text{CO}_2$  ўзлаштирилиши оқибатида вужудга келадиган дастлабки органик моддани аниқлаш эди. Айтиш лозимки, мазкур жараёнда ҳосил буладиган углеводларни аниқлаш жуда қийин, чунки миқдор жиҳатидан кам бўлган турли-туман оралиқ моддалар ҳосил бўлади.


Бу вазифани ҳал қилиш учун М.Калвин углероднинг радиофаол атомларидан (нишонланган  $^{14}\text{C}$ ) фойдаланади. Радиофаол  $^{14}\text{C}$ нинг емирилиш даври 5220 йилга тенг булиб, тажриба ўтказиш учун жуда қулай хисобланади. Бир ҳужайрали сувўти хлорелла нишонланган  $^{14}\text{CO}_2$ , бўлган шароитда ҳар хил муддатларда сакланади ва фиксацияланади. Фиксацияланган сувўтларида ҳосил бўлган органик моддалар хромотография усули билан бир-биридан ажратилади ва радиоавтография усулини қўллаш билан ҳар бир органик модда таркибида (42-чизма) Калвин циклидаги  $^{14}\text{C}$  миқдори аниқланади. Натижада 5 сонияда  $^{14}\text{C}$  нинг 87 фосфоглицерат кислотасида, қолганлари эса бошқа моддалар таркибида топилди. Бир дақиқадан кейин эса нишонланган  $^{14}\text{C}$  бир қанча органик ва аминокислоталар таркибида қайд этилди. Шундай қилиб, карбонат ангириддининг ўзлаштирилиши натижасида ҳосил буладиган дастлабки модда фосфоглицерат кислота эканлиги маълум бўлди :



М.Калвин нишонланган  $\text{P}^{32}$  ва  $\text{C}^{14}$  дан фойдаланиш натижасида фосфоглицерат кислотасининг ҳосил бўлиш йўлини ҳам аниқлади. Унинг назарияси бўйича  $\text{CO}_2$  нинг дастлабки ўзлаштирилиши учун акцепторлик вазифасини рибулоза – 1,5 дифосфат бажаради:



Рибулоза-1,5 дифосфатенол шакли карбонат ангидридни бириктириши натижасида олти углеродли бекарор оралиқ модда ҳосил бұлади ва у дархөл сув ёрдамида парчаланади ҳамда 3-фосфоглицерат кислотаси ҳосил бўлади:



33-чизма. Калвин цикли.




Бу реакция рибулозадифосфаткарбоксилаза ферментининг иштирокида содир бўлади.

Дастлабки органик модда – 3 - фосфоглицерат кислотасидан иборат бўлганлиги учун фотосинтезнинг  $C_3$  йули дейилади. Хлоропластларда ҳосил бўлган 3 - фосфоглицерат кислотасидан хлоропластларда ёки ҳужайра цитоплазмасида бошқа углеводлар: оддий, мураккаб шакарлар ва крахмал синтезланади. Бу жараёнда (яъни Калвин циклида) ёргуллик босқичида ҳосил бўлган  $12NADFH_2$  ва  $18ATF$  сарфланади. М.Калвин цикли бўйича фотосинтез жараёни содир буладиган ҳамма ўсимликлар  $C_3$ , ўсимликлар дейилади.

**ФОТОСИНТЕЗНИНГ  $C_4$  йули.** Дастраб Қозон дорилфунунининг олимлари Ю.С.Карпов (1960), И.А.Тарчевский (1963) айрим ўсимликлар ва бирламчи органик моддалар уч углеродли бўлмай, балки турт углеродли эканлигини аниқладилар. Австралийлик олимлар М.Д.Хетч ва К.Р.Слэк (1966-1969) буни тажрибалар асосида тасдиқладилар. Шунинг учун ҳам фотосинтезнинг бу йули Хетч ва Слэк цикли дейилади. Фотосинтезнинг  $C_4$  йули асосан бир паллали ўсимликларда (маккаждӯхори, оқ жӯхори, шакарқамиш, тариқ ва бошқалар) содир бўлади. Бу ўсимликларда

фотосинтезнинг дастлабки маҳсулоти сифатида оксалоацетат ва малат ҳосил бўлади. Чунки нишонланган  $C^{14}$  дастлаб бу кислоталарнинг тўртинчи углеродида тўпланади ва фақат кейинчалик фосфоглициерин кислотаси-нинг биринчи углеродида пайдо бўлади.

М.Хетч, К.Слэк ва бошқа олимларнинг кўрсатишича, бу циклда  $CO_2$ нинг акцепторлик вазифасини фосфоенолпируват кислотаси бажаради:




Кўпчилик бир паллали ва айрим икки паллали ўсимликлар баргидаги най ва тола бойламлари атрофида бир қатор хлоропластларга эга ҳужайралар бўлиб (улар обкладка ҳужайралари деб юритилади), уларда фотосинтез  $C_3$  йўли билан (Калвин цикли) содир бўлади. Баргнинг мезофилл қатламини ҳосил қилган ҳужайраларида эса фотосинтез  $C_4$  йўли билан (Хетч ва Слэк цикли) содир бўлади.

Бу ўсимликларнинг обкладка ҳужайраларида жойлашган хлоропластлар йирикроқ бўлади ва улар ламелляр тузилишга эга бўлиб, граналари бўлмайди. Мезофилл ҳужайралардаги хлоропластлар асосан грануляр тузилиш хусусиятига эга. Маккажӯхори баргидаги умумий хлоропластларнинг 80 фоизи мезофилл ҳужайраларига ва қолган 20 фоизи обкладка ҳужайраларига тўғри келади.

Мезофилл ҳужайраларидаги хлоропластларда Хетч ва Слэк цикли билан ҳосил бўлган дастлабки углеводлар (оксалоацетат ва малат кислоталари) найларга ва обкладка ҳужайраларига ўтказилади. Обкладка ҳужайраларидаги хлоропластларга ўтган тўрт углеродли бирикмалар яна Калвин циклида иштирок этади ва крахмалга ўзгаради. Шунинг учун ҳам бу хлоропластларда крахмалнинг миқдори кўпроқ бўлади. Обкладка ҳужайраларидаги хлоропластларда малатнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган пируват кислотаси мезофилл хлоропластларига ўтказилади ва фосфоенолпируватга айланиб, яна  $CO_2$  нинг акцептори вазифасини бажаради (34-чизма).

Бундай тизим орқали фотосинтези содир бўладиган ўсимликлар  $C_4$  ўсимликлар дейилади. Бундай ўсимликларда оғизчалар ёпиқ булса ҳам Фотосинтез жараёни давом этади. Чунки обкладка ҳужайраларидаги хлоропластлар аввал ҳосил бўлган малат (аспарат) дан фойдаланади. Бундан ташқари ёруғлик таъсирида нафас олиш (фотодыхание) жараёнида ажраблиб чиққан  $CO_2$  дан ҳам фойдаланади. Шунинг учун ҳам  $C_4$  ўсимликлари Қурғоқчиликка, шурликка нисбатан чидамли бўладилар. Бундай ўсимликлар одатда ёруғликни севувчан бўладилар ва сутка давомида қанча узайтирилган кун билан таъсир эттирилса, шунча органик моддалар кўп ҳосил бўлади.



34-чизма. Фотосинтезнинг  $C_4$  йўли (Хетч ва Слэк цикли):  
I—мезофилл ҳужайраси; II—обкладка ҳужайраси; KC—хужайра пўсти.

### 3.5. ФОТОСИНТЕЗНИНГ САМ ЙЎЛИ

ОНТОГЕНЕЗНИНГ КЎПЧИЛИК даври жуда қурғоқчилик шароитида ўтадиган ўсимликларда фотосинтез  $C_4$  йўли билан бориб, улар асосан, кечаси (офизчалар очиқ вақтда)  $CO_2$  ни ютиб олади ва олма кислотаси ( малат)ни тўплайди. Чунки кундуз кунлари оғизчалари тўла ёпиқ бўлади. Оғизчаларнинг ёпиқ бўлиши уларни танасидаги сувнинг транспирация учун сарфланишидан сақлади.

Кечаси оғизчалар очиқ бўлганда қабул қилинган  $CO_2$  ва нафас олиш жараёнида ҳам ажралиб чиқсан  $CO_2$ лар ферментлар ( $\text{ФЕП}$ -карбоксилаза) ёрдамида фосфоенолпируват билан бирлашиб оксалоацетат (оск) ҳосил бўлади. Оксалоацетат кислотаси эса НАДФ ёрдамида малатга айланади ва хужайра вакуолаларида тўпланади. Кундузи ҳаво жуда иссиқ ва оғизчалар ёпиқ пайтида малат цитоплазмага ўтади ва у ерда малатдегидрогеназа ферменти ёрдамида  $CO_2$  ва пируватга парчаланади. Ҳосил бўлган  $CO_2$  хлоропластларга ўтади ва Калвин цикли бўйича шакарларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Ҳосил бўлган пируват ( $\text{ФГК}$ ) кислотаси ҳам крахмалнинг ҳосил бўлиши учун сарфланади.

Фотосинтезнинг бу йули асосан кучли қурғоқчиликка чидамли бўлган суккулентлар (*Crassulaceae*) оиласи (кактуслар, агава, алоэ ва бошқалар) вакилларида содир бўлади. Бу инглизча *Crassulaceae* oeid metalolism тушунчасидан келиб чиқиб, SAM йўли дейилади.


Умуман фотосинтезнинг бу йулида кечаси қабул қилинган  $CO_2$  кундузи фотосинтезда иштирок этади.

### 3.6. ЁРУГЛИКДА НАФАС ОЛИШ


Ўсимликларда ёруғлик таъсирида кислороднинг қабул қилиниши ва карбонат ангидриднинг ажралиб чиқиши ёруғликда нафас олиш дейилади

Нафас олишнинг бу тури митохондрияларда бўладиган ва кимёвий энергия ажralиши билан тавсифланадиган оксидатив нафас олишдан тубдан фарқ қилади. Ёруғликда нафас олиш жараённада учта органоид: хлоропластлар, пероксисомалар ва митохондриялар иштирок этадилар (35-чизма).


Ёруғликда нафас олиш хлоропластларда бошланади. Фотосинтез жараённада оралиқ маҳсулот сифатида гликолат кислотаси ажralади:




Гликолат хлоропластлардан пероксисомаларга ўтади ва ташқаридан қабул қилинадиган кислород ёрдамида то глиоксилат кислотасигача оксидланади:



Оралиқ маҳсулот сифатида ажralган водород пероксид каталаза ферменти ёрдамида парчаланади. Глиоксилат аминланиш йули билан глицинга айланади :



Ҳосил бўлган глицин митохондрияларга ўтказилади ва у ерда икки молекула глициндан серин ҳосил бўлади ва  $\text{CO}_2$  ажralади. Серин яна пероксисомаларга ўтказилади ва оралиқ реакциялар натижасида глицерат кислотаси ҳосил бўлади. Кейинчалик глицерат хлоропластларга ўтказилади. Калвин циклида иштирок этади. Бу жараён гликолат кислотасининг ҳосил булишидан бошлангани учун гликолатли йул ҳам дейилади. Бу йул  $\text{C}_3$  ўсимликларида сезиларли даражада содир бўлади. Айрим ҳолларда ёруғликда нафас олиш жараённинг жадаллиги фотосинтез жадаллигининг 50 фойзигача этади. Лекин бу жараён  $\text{C}_4$  ўсимликларида яхши сезилмайди. Чунки ажralиб чиққан  $\text{CO}_2$  мезофилл ҳужайраларида ушланиб, фосфеноолпируват(ФЕП) билан қўшилиш натижасида оксалоацетат ва малат кислоталари ҳосил бўлади. Кейинчалик улардан ажralган  $\text{CO}_2$  хлоропластларга ўтади ва фотосинтезда иштирок этади. Шунинг учун  $\text{C}_4$  ўсимликларда фотосинтез маҳсулдорлиги юқори бўлади.



35-чизма. Ёргулукда нафас олиш (фотодыхание) жараёнининг шакли.

### 3.7 ФОТОСИНТЕЗ ЭКОЛОГИЯСИ

Фотосинтез экологияси деганда, фотосинтез маҳсулдорлиги ташқи шароит омилларининг таъсирига боғлиқ эканлиги тушунилади. Бу омилларнинг таъсири ва ўсимликларнинг бу таъсирларга мослашуви ўсимликшуносликда катта аҳамиятга эга. Чунки фотосинтез жадаллиги ва маҳсулдорлиги шу муносабатга боғлиқ.

Фотосинтез жадаллиги деб бир метр квадрат ёки  $\text{dm}^2$  барг юзаси ҳисобига бир соат давомида ўзлаштирилган CO<sub>2</sub>, ёки ҳосил бўлган органик модда миқдорига айтилади.

Фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги деб бир кеча-қундуз давомида ўсимлик қуруқ массасининг барглари юзаси ҳисобига ортиш нисбатига айтилади. Кўпчилик ўсимликлар учун бу  $5-12 \text{ г}/\text{м}^2$  га тенг.

Фотосинтез энг муҳим физиологик жараёнларидан бири булиб, ўсимликлар томонидан бошқарилади ва уларнинг бошқа функцияларига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам бу жараёнга ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

**ЁРУГЛИК.** Ёрглик фотосинтезнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи булиб, унинг жадаллиги ва спектрал таркиби катта аҳамиятга эга. Ёрглик спектридаги фаол (400-700 нм) нурларнинг 80-85 фоизини барглар ютади. Лекин шундан фақат 1,5-2 фоизи фотосинтез учун сарфланади, яъни кимёвий энергияга айланиб, органик моддалар таркибида (макроэргик боғларда) тўпланади. Қолган энергиянинг 45 фоизи транспирация учун ва 35 фоизи иссиқлик энергиясига айланиб сарфланади.

А.С.Фаминциннинг курсатишича (1880), фотосинтез энг паст ёргуликда, ҳатто керосин лампасининг ёрглигига ҳам булиши мумкин. Айрим олимларнинг курсатишича, фотосинтез кечки номозшом ва баъзи минтақалардаги ёргу кечаларда (оқ тун) кучсиз бўлса ҳам давом этади.


Кўпчилик ўсимликларда фотосинтез тезлиги ёргликнинг жадаллигига боғлиқ. У тула қуёш ёрглигининг 1 гача ошиб боради. Ёргликсевар ўсимликларда эса тұла қуёш ёрглигининг 1 гача ошиб боради. Ёрглик кучининг бундан ошиб бориши фотосинтезга камроқ таъсир этади.

Фотосинтезнинг ёргликка тўйинган (максимал) ҳолати ўсимлик турларига боғлиқ. Бу даражა ёргликсевар ўсимликларда анча юқори, сояга чидамлиларда эса паст бўлади. Масалан, айрим сояга чидамли ўсимликларда (маршанция мохіда) фотосинтезнинг ёргликка тўйинган ҳолати ёрглик 1000 лк бўлганда юз беради, ёргликсевар ўсимликларда эса 10000-40000 лк да юз беради. Кўпчилик қишлоқ хўжалик экинлари ҳам ёргликсевар ўсимликлар гуруҳига киради. Ёргликнинг максимал даражадан юқори булиши хлорофилларнинг ва хлоропластларнинг бузилишига сабабчи булиши мумкин, натижада ўсимликларнинг маҳсулдорлиги камаяди.

Энг юқори ёргликда фотосинтез жадаллиги ўсимликларнинг нафас олиш тезлигидан сезиларли даражада баланд бўлади, яъни фотосинтез учун ютилган  $\text{CO}_2$  нинг миқдори нафас олиш жараёнида ажралиб чиқкан  $\text{CO}_2$  нинг миқдоридан кўп бўлади. Ёргликнинг пасайиб бориши натижасида эса  $\text{CO}_2$  лар ўртасидаги фарқ ҳам камайиб боради. Фотосинтез жараёнида ютилган  $\text{CO}_2$  нинг миқдори билан нафас олишдан ажралиб чиқкан  $\text{CO}_2$  нинг миқдори бир-бирига тенг бўлган ёрглик даражаси – ёргликнинг компенсация нуқтаси дейилади. Ёргликнинг компенсация нуқтаси сояга чидамли ўсимликларда қуёш ёрглигининг 1 фоизда, ёргликсевар ўсимликларда 3-5 фоизида содир бўлади.

Ёруғликнинг фотосинтездаги самарадорлигига бошқа омиллар ҳам таъсир этади. Масалан, ҳаводаги  $\text{CO}_2$  нинг миқдори кам ва ҳарорат паст бўлганда ёруғлик жадаллигининг ошиб бориши жуда кам таъсир этади. Ҳаво таркибидаги  $\text{CO}_2$  нинг миқдори билан ёруғликнинг биргаликда ошиб бориши фотосинтез тезлигини ҳам оширади (36-чизма).

Фотосинтезда ёруғлик нурларининг спектрал таркиби ҳам муҳим рол ўйнайди. Спектрнинг қизил нурлари таъсирида фотосинтез жадаллиги энг юқори даражада кечади. Чунки бу нурлар бир квантининг энергияси 42 ккал/молга тенг бўлиб, хлорофилл молекуласини қўзғалган ҳолатга утказади ва энергияси фотокимёвий реакциялар учун тўла фойдаланилади. Спектрнинг кўк қисмидаги нурларнинг бир квантидаги 70 ккал/мол энергия булиб, уни қабул қиласган хлорофилл молекуласи қўзғалган ҳолатнинг юқори даражасига ўтади ва то фотокимёвий реакцияларда фойдалангунча бир қисми иссиқлик энергиясига айланаб атрофга тарқалади. Шунинг учун ҳам бу нурларнинг унумлилиги камроқ бўлади. Лекин фотосинтез учун энг қулай бўлган қизил нурларга тўйинган қизил нурлар ҳисобида 20 фоиз кўк нурлар қўшилса, фотосинтезнинг тезлиги ошади.



36-чизма. Фотосинтез жадаллигига ёруғлик ва  $\text{CO}_2$  нинг ўзаро таъсири (Б.А.Рубин, В.Ф.Гавриленко, 1977).


**КАРБОНАТАНГИДРИДНИНГ КОНЦЕНТРАЦИЯСИ.** Фотосинтез учун энг зарур бўлган бирималардан бири  $\text{CO}_2$  ҳисобланади. Унинг миқдори ҳаво таркибидаги 0,03 фоизни ташкил этади. Бир гектар ер устидаги 100 м ҳаво қатламида 550 кг  $\text{CO}_2$  бўлади. Шундан бир кеча-кундуз мобайнида ўсимликлар 120 кг  $\text{CO}_2$  ни ютади. Лекин атмосферадаги  $\text{CO}_2$  нинг миқдори табиатда мавжуд бўлган карбонат ангиридинг доимий миқдорини сақлаб қолади. Ҳатто атмосфера таркибидаги  $\text{CO}_2$  нинг астасекин кўпайиш жараёнлари сезилмоқда.

Ҳаво таркибидаги  $\text{CO}_2$ , нинг миқдорини 0,03 фоиздан то 0,3 фоизгача күпайтириш фотосинтез жадаллигини ҳам оширади (37-чизма). Ўсимликларни қўшимча  $\text{CO}_2$  билан озиқлантириш, айниқса, иссиқхоналарда ўстириладиган қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдалидир. Бу усул билан уларнинг ҳосилдорлигини ошириш мумкин. Аммо қўшимча  $\text{CO}_2$  билан озиқлантириш фақат  $C_3$ , ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширишга кучли таъсир этади,  $C_4$  ўсимликларига эса таъсир этмайди. Чунки  $C_4$  ўсимликлари ўз танасида  $\text{CO}_2$  тўплаш ва ундан фойдаланиш хусусиятига эга.

Иссиқхоналарда ҳаво таркибидаги  $\text{CO}_2$ , нинг миқдорини 0,2-0,3 фоизга етказиш, айниқса, сабзавот ўсимликларига яхши таъсир этиб, уларнинг ҳосилдорлиги 20-50 фоиз ва ҳатто 100 фоизгача кўпайиши мумкинлиги аниқланган.

**ҲАРОРАТ.** Ҳарорат ўсимликларнинг ҳамма тириклик жараёнларига таъсир этади. Фотосинтез жараёни учун асосан учта ҳарорат нуқтаси мавжуддир: 1) минимал – бу даражада фотосинтез бошланади; 2) оптималь - фотосинтез жараёни учун энг қулай ҳарорат даражаси; 3) максимал – бу энг юқори ҳарорат даражаси бўлиб, ундан озгина ортса фотосинтез тұхтаб қолади.

Ҳарорат нуқталарининг даражаси ўсимлик турларига боғлиқ бўлади. Минимал ҳарорат шимолий кенглиқда ўсадиган ўсимликлар (қарағай, арча ва бошқалар) учун -  $15^{\circ}\text{C}$ , тропик ўсимликлари учун эса  $4-8^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади. Кўпчилик ўсимликлар учун ҳарорат  $25-35^{\circ}\text{C}$  бўлганда энг жадал




37-чизма. Фотосинтез жадаллигига  $\text{CO}_2$  концентрациясининг таъсирини (В.А.Чесноков, 1955)

фотосинтез содир бўлади. Ҳароратнинг ундан ошиб бориши фотосинтезни ҳам секинлаштиради ва  $40^{\circ}\text{C}$  га етганда тұхтаб қолади (38-чизма).

Ҳарорат  $45^{\circ}\text{C}$  га етганда эса айрим ўсимликлар ўла бошлайди. Айрим чул ва адирларда яшайдиган ўсимликларда  $58^{\circ}\text{C}$  да ҳам фотосинтез тұхтамай давом этади. Умуман, фотосинтез жараёнига ёруғлик,  $\text{CO}_2$ , миқдори ва ҳарорат биргаликда мураккаб алоқадорликда таъсир этади.

**СУВ.** Фотосинтез жараёнида сув жуда катта омилдир. Чунки сув асосий оксидатив субстрат – ҳавога ажralиб чиқадиган молекуляр кислород ва  $\text{CO}_2$  ни үзлаштириш учун водород манбаи булиб ҳисобланади. Бундан ташқари баргларнинг мөъёрида сув билан таъминланиши: оғизчаларнинг очилиш даражасини ва  $\text{CO}_2$ нинг ютилишини, барча физиологик жараёнларнинг жадаллигини, ферментатив реакцияларнинг йұналишини таъминлади.

Барг тұқымаларыда сувнинг жуда күп ёки камлиги (айниқса, курғоқчилик шароитида) оғизчаларнинг ёпилишига, натижада фотосинтез жадаллигига ҳам таъсир этади. Сув танқислиги ёки камчиллигининг узоқ муддатта давом этиши әлектронларнинг циклик ва циклсиз транс-



38-чизма. Қаралай фотосинтезининг жадаллигига ҳароратнинг таъсирі (Б.А.Рубин, Г.Ф.Гавриленко, 1977).

порти, ёруғликда фосфорланиш, АТФларнинг ҳосил бўлиш жараёнларига салбий таъсир этади.

**ИЛДИЗ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛАНИШ.** Ўсимликлар илдиз орқали тупроқдан жуда күп элементларни ( $\text{N}, \text{P}, \text{K}, \text{Ca}, \text{S}, \text{Mg}, \text{Fe}, \text{Mn}, \text{Cu}, \text{Zn}, \text{Al}$  ва бошқалар) үзлаштиради. Бу элементлар хлоропластлар, пигментлар, ферментлар, оқсиллар, ёглар, углеводлар ва бошқаларнинг таркибиға киради. Шунинг учун ҳам ўсимликларнинг ҳаводан ва тупроқдан озиқланиши узвий равишда бир-бири билан боғлиқ.

Хлорогластларнинг тузилмавий шакли (ички мембраналар, ламеллалар, граналар ва пигментларнинг ҳосил бўлиши) фақат меъёрдаги илдиз орқали озиқланиш шароитида ривожланади. Азот ва фосфор етишмаган шароитда хлорогластларнинг тузилмавий шакли емирила бошлайди. Пигментларнинг синтез жараёни секинлашади ва ҳатто тұхтаб қолади. Азот ва магний хлорофиллнинг таркибиға киради. Демак, улар етмаса, хлорофилл ҳосил бўлмайди ва фотосинтезга таъсир этади.

Темир ҳам цитохромлар, ферродоксин, хлорофиллаза ва бошқа ферментларнинг таркибиға киради. Мис пластоцианин ферментининг таркибиға киради. Бу ферментларнинг фаоллиги фотосинтез жадаллигиги тавсифлайди.

Озиқа таркибидаги фосфорнинг етишмаслиги натижасида фотосинтезнинг ёруғликда ва қоронғиликда буладиган реакциялари бузилиши мумкин. Умуман, фосфор миқдорининг етишмаслиги ҳамда ошиқчаси фотосинтез жадаллигини пасайтиради.


Ўсимликларнинг минерал элементлар билан таъминланиш даражаси фотосинтезнинг маҳсулдорлигини белгилайди. Уларни етарли даражада минерал элементлар билан таъминлаш ёруғлик энергиясини ютиш ва узлаштиришни,  $\text{CO}_2$  миқдоридан самарали фойдаланишни оширади. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларида ҳосилдорликни кескин оширишни таъминлайди.

**КИСЛОРОД.** Барча ўсимликларда фотосинтез жараёни аэроб шароитда содир бўлади ва эволюция жараёнида ўсимликлар шунга мослашган. Шунинг учун ҳам анаэроб шароит ва ҳаво таркибидаги кислороднинг миқдори 21 фоиздан кўп бўлиши фотосинтезга салбий таъсир этади. Ёруғликда нафас олиш жараёни кучли бўлган ўсимликларда ( $\text{C}_3$ , ўсимликлар) кислород миқдорининг 21 фоиздан 3 фоизгача камайиши фотосинтезни жадалаштирганлиги, ёруғликда нафас олиш жараёни кучсиз бўлган ўсимликларда ( $\text{C}_4$  ўсимликларда) фотосинтез ўзгармагани аниқланган.

Атмосферада кислород концентрациясининг 25-30 фоиздан ортиши фотосинтезни пасайтиради ва ёруғликда нафас олиш жараёнининг тезлашишига сабаб бўлади.

### 3.8. ФОТОСИНТЕЗНИНГ КУНЛИК ВА МАВСУМИЙ ЖАДАЛЛИГИ

Юқорида кўриб ўтилган ташқи шароит омиллари фотосинтезга биргаликда комплекс ҳолатда таъсир этади. Айниқса, ёруғлик, ҳарорат ва сув миқдори кучли таъсир этиб, уларнинг кун давомида ўзгариши натижасида фотосинтезнинг кунлик жадаллиги тавсифланади.



39-чизма. Рұза фотосинтезининг күндузги үзгариши (Ю.С.Носиров, 1956):

А—гуллаш фазасыда; Б—қусаклаш фазасыда; 1—фотосинтез жадаллиги; 2—ёруғлик; 3—ҳарорат; 4—ҳавонинг нисбий намлиги; 5—карбонат ангидриднинг концентрацияси.

Эрталаб қүёшнинг чиқа бошлашидан фотосинтез ҳам бошланади. Күннинг ўрта қисмінде фотосинтез жадаллиги ортиб боради. Чунки ёруғикнинг ва ҳароратнинг ортиб бориши бунга сабаб бұлади. Энг юқори фотосинтез күннинг ўрта қисміда (соат 12-14 ларда) содир бұлади. Кечга томон яна фотосинтез жадаллиги пасайиб боради, бу ҳам ёруғикнинг ва ҳароратнинг үзгариши асосида содир бұлади. Фотосинтезнинг бу тури бир чүккіли (ёки бир максимумлы) дейилади. Бир чүккіли фотосинтез күп үсимликтерде айниқса, ўрта иқтим шароитларда содир бұлади.

Фотосинтезнинг иккінчи тури иккі чүккіли (максимумлы) дейилади. Фотосинтезнинг бу тури жуда иссиқ шароитда яшайдыган үсимликтерде содир бұлади. Масалан, буни Ўзбекистон шароиттің ёз күнларыда күзатыш мүмкін. Эрталаб ёруғикнинг бошланиши билан фотосинтез жараёни ҳам бошланиб, соат 10-11 ларда энг юқори жадалликка эришади. Чунки бу вакттарда үсимликтер әнг қулай ёруғлик, ҳарорат ва сув билан

таъминланган булиб, оғизчалар очиқ ва  $\text{CO}_2$ , нинг ютилиши ҳам жадаллашган булади. Куннинг ўрта қисмларида (айниқса, соат 13-14 ларда) фотосинтез секинлашган ёки тұхтаган булиши мүмкін. Чунки куннинг ўрта қисміга яқынлашганда ҳарорат максималға яқынлашган ёки ундан ошған булиши мүмкін. Бундан ташқары сувнинг кам булиши сабабли (камчиллігінің кутарилиши) оғизчаларнинг ёпилиши ва  $\text{CO}_2$ , нинг ютилиши камаяди. Бундай куннинг ўрта қисміда фотосинтезнің секинлашиши ёки тұхтаб қолишига фотосинтез депресияси дейилади. Куннинг иккінчи ярмида фотосинтез яна жадаллашиб, юқори нұқтага кутарыла бошлайды ва кечга томон яна пасая боради (39-чизма).

Үсімликларнің онтогенезіда ҳам фотосинтез жадаллігі үзгәради. Күпчилик үсімликларда фотосинтез жадаллігі үсишнің бошланишидан то шоналаш-гулаш фазасынча ортиб боради ва максимал даражага еришади. Кейинчалик эса аста-секін пасая боради. Бу асосан үсімликларнің модда алмашинуви жараённің фаолиги натижасыдир.

Вегетация даври қисқа булған әфемер үсімликлар фотосинтез жадаллігінің максимал даражасы март ойининг охири – апрел ойининг бошларига, яғни мева туғишинің бошланиш давриға тұғри келади. Бутасимон ва дарахтсімон құп йиллік үсімликларнің бошланишидан олдин содир бўлади. Кузга томон фотосинтез жадаллігі пасая боради.

### 3.9. ФОТОСИНТЕЗ ВА ҲОСИЛДОРЛИК

Фотосинтез жараёнида үсімликларда органик модда ҳосил бўлади ва туплана боради. Бу органик модданинг умумий миқдори фотосинтез ва нафас олиш жараёнларинің жадаллігига, яғни фотосинтез жараёнида ҳосил бўлаётган органик модданинг нафас олиш жараёни учун сарфланыётган органик модда нисбатига боғлиқ булади:

$$A = F - D,$$

бу ерда,  $A$  – тұпланған органик модда миқдори,  $F$  – фотосинтез жараёнида ҳосил булған органик модда миқдори,  $D$  – нафас олиш жараёнига сарфланған органик модда миқдори.

Дақа шароитида органик модданинг ҳосил булишини ва түпланишини ифодаловчи фотосинтезнің соғ маҳсулдорлығини қуйидаги формула билан аниқлаш мүмкін :

$$\Phi = \frac{B_2 - B_1}{\times (L_1 + L_2) T},$$

бу ерда,  $V_1$  ва  $V_2$  – тажрибанинг бошланишида ва охирида ўсимлиқда ҳосил бўлган қуруқ модда миқдори ( $\text{г}$ ),  $L_1$  ва  $L_2$  – тажрибанинг бошланишида ва охирида ўсимлик баргининг сатҳи ( $\text{м}^2$ ),  $T$  – тажриба давомидаги кунлар сони,  $\Phi$  – тўпланган органик модданинг миқдори ( $\text{г}/\text{м}^2$  бир кеча-кундуз). Бир кеча-кундуз давомида тўпланадиган органик модданинг миқдори вегетация давомида ўзгариб туради ва у жуда оз миқдордан бошлаб то  $15-18 \text{ г}/\text{м}^2$  гача булиши мумкин.

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган ва тўпланган органик модда иккى гуруҳга булинади: 1) биологик ( $Y_{\text{биол.}}$ ); 2) ҳўжалик ( $Y_{\text{хўж.}}$ ).

Ўсимлик танасида вегетация даврида синтез бўлган қуруқ модданинг умумий миқдори биологик ҳосил дейилади. Биологик ҳосилнинг ҳўжалик мақсадларига ишлатиладиган қисми (донлари, уруғлари, илдиз мевалари ва бошқалар) ҳўжалик ҳосили дейилади.

Ҳўжалик ҳосилнинг миқдори ҳар хил ўсимликларда турлича бўлади ва бу коэффициент ( $K_{\text{хўж.}}$ ) билан ифодаланади:

$$K_{\text{хўж.}} = \frac{Y_{\text{хўж.}}}{Y_{\text{биол.}}}$$

Умуман, қуйидаги шароитлар яратилганда энг юқори ҳосилдорлик даражасига эришиш мумкин: 1) экинзорларда барг сатҳини кўпайтириш; 2) фотосинтетик органнинг фаол ишлаш даврини узайтириш; 3) фотосинтезнинг жадаллигини ва маҳсулдорлигини ошириш; 4) фотосинтез жараёнида синтезланган органик моддаларнинг ҳаракатини ва ўсимлик аъзоларида қайта тақсимланишини тезлатиш ва ҳоказолар.

Бунинг учун эса ҳамма агротехник тадбир ва чоралар (ўғитлаш, суғориш, ерга ишлов бериш, зааркундаларга қарши курашиш ва ҳоказолар) ўз вақтида сифатли ўтказилиши зарур.

## **IV БОБ**

### **ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НАФАС ОЛИШИ**

#### **4.1. ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИДА НАФАС ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган шакарлар ва бошқа органик моддалар ўсимлик ҳужайраларининг асосий озиқа моддалари ҳисобланади. Бу органик моддалар таркибида кўп миқдорда кимёвий энергия тўпланиб, нафас олиш жараёнида ажralиб чиқади ва ҳужайрадаги барча синтетик реакцияларни энергия билан таъминлайди. Ўсимликлар ҳужайраларида борадиган оксидатив реакциялар органик моддаларнинг кислород иштирокида анорганик моддаларга ( $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$ ) парчаланиши ва кимёвий энергия ажralиб чиқиш жараёни нафас олиш дейилади. Бу жараённинг шаклий тенгламасини қўйидагича кўрсатиш мумкин:



Нафас олиш муҳим физиологик жараён бўлиб, барча тирик организмларга хос хусусиятдир. Бунда углеводлар муҳим аҳамиятга эга. Бироқ углеводларнинг тирик организмларда бажарадиган вазифаси фақат уларга энергия етказиб бериш билан якунланмайди. Уларнинг парчаланишида бир қатор оралиқ бирикмалар ҳосил бўлади. Бу бирикмалар ўсимликлар танасида учрайдиган бошқа органик моддаларнинг (ёғлар, аминокислоталар ва бошқалар) асосини ташкил этади. Демак, ўсимлик танасидаги органик моддаларнинг турли хиллигига нафас олишнинг аҳамияти катта.

Лекин ўсимликларнинг (ҳайвон ва одамларникiga ухшаш) маҳсус нафас олиш аъзолари бўлмайди. Уларнинг барча ҳужайралари ва тўқималари мустақил нафас олиш хусусиятига эга. Барча тирик ҳужайраларнинг органоиди саналадиган митохондриялар нафас олиш аъзоси ҳисобланади. Ана шу митохондрияларда мураккаб органик бирикмалар (асосан углеводлар) ферментлар тизими иштирокида кислород ёрдамида оксидланиб, сув ва  $\text{CO}_2$  га парчаланади. Бу реакциялар тизими биологик оксидланиш дейилади.

Тирик организмларда борадиган нафас олиш жараёнида кислороднинг ролини дастлаб XVIII асрнинг охирларида француз олими А.Л.Лавуазе илмий асослаб берган эди. У үзининг 1773-1783 йилларда утказган бир қатор тажрибаларида нафас олиш ва ёниш жараёнларининг ушашлигини исботлаб берди. У нафас олишда ҳам худди ёнишдагидек атмосферадан кислород ютилади ва атмосферага карбонат ангидрид ажralиб чиқади, деб таъкидлади.

А.Л.Лавуазе ўз кузатишларига асосланиб, нафас олиш бу кислород ёрдамида органик моддаларнинг жуда ҳам секинлик билан ёнишидир, деган холосага келди. Тахминан шу вақтларда (1777) Шееле уруғлар билан ўтказган тажрибалари асосида унаётган уруғ солинган ёпиқ идишда кислороддининг миқдори камайиб,  $\text{CO}_2$  нинг миқдори кўпайганини аниқлади.

1778-1780 йилларда Я.Ингенхауз яшил ўсимликлар қоронгида кислородни ютиб, карбонат ангидрид чиқаради ва бу жиҳатдан ҳайвонларга ўхшайди, ўсимликларнинг яшил бўлмаган қисмлари эса ёруғликда ҳам кислород ютиши мумкин, деган холосага келди.

Ўсимликларнинг нафас олишини Н.Т.Соссюр асослаб берди. У 1797-1804 йилларда биринчи марта миқдорий таҳлиллар ўтказди ва қоронгида ўсимликлар қанча  $\text{O}_2$  ютса, шунча  $\text{CO}_2$  ажратиб чиқишини исботлади. Яъни ютилган кислород билан ажралиб чиқсан карбонат ангидриддининг нисбати бирга тенг деб кўрсатди. Бундан ташқари карбонат ангидрид билан бир қаторда сув ва энергия ҳам ҳосил бўлишини исботлади. Аммо Н.Т.Соссюрнинг бу муҳим фикрлари бошқа олимлар томонидан узоқ муддатгача эътиборга олинмади. Ажралиб чиқаётган  $\text{CO}_2$ , фотосинтезда ишлатилемай қолган  $\text{CO}_2$  булиб, у қайта чиқади, унинг нафас олишга алоқаси йўқ, деб тушунтирилди. Шу олимлар қаторида таникли немис физиологи Ю.Либих ( 1842 ) ҳам бор эди.

Кейинги йилларда, айниқса, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида жуда кўп олимларнинг (Бородин, Бах, Палладин, Костищев, Варбург ва бошқалар) тажрибалари асосида ўсимликларнинг нафас олиши муҳим физиологик жараён эканлиги, асосан шу жараён натижасида ажралиб чиқсан кимёвий энергия ҳужайралардаги синтетик реакцияларни энергия билан таъминлаши мумкинлиги исботланди.

Умуман, ўсимликларнинг нафас олиши муҳим физиологик жараён булиб, у қоронгилик ёки ёруғликдан қатын назар тирик ҳужайраларда доимий характеристерга эга. Ҳатто омборларда сақланадиган уруғларда, ўсиш ва ривожланиши тўхтаб, тиним олиш ҳолатига ўтган дарахтларда (қиши фаслида), тинч ҳолдаги илдиз ва илдизмеваларда, бошқа тирик ҳужайра ва тўқималарда нафас олиш тўхтамайди. Фақат унинг жадаллиги паст булиши мумкин. Нафас олишнинг тўхтаб қолиши организмнинг нобуд булиши билан якунланади.

## 4.2. НАФАС ОЛИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

Ўсимликларнинг нафас олиш жараёнида ажралиб чиқсан карбонат ангидриддининг ютилган кислородга бўлган нисбатига—нафас олиш коэффициенти дейилади ( $HK$ ):

$$HK = \frac{\text{CO}_2}{\text{O}_2}.$$

Биологик оксидланиш жараёнида углеводлардан ташқари бошқа органик моддалар (ёғлар, ёф кислоталари, оқсиллар ва бошқалар) ҳам иштирок этиши мумкин. Шунинг учун нафас олиш жараёнида иштирок этадиган органик модда турига қараб нафас олиш коэффициентининг даражаси ҳам ҳар хил бўлади.

Нафас олиш жараёнида углеводлар ишлатилса, коэффициент бирга тенг бўлади:



$$HK = \frac{6CO_2}{6O_2} = 1$$

Чунки бир молекула глюкозанинг оксидланиши учун олти молекула кислород ютилади ва олти молекула карбонат ангидрид ажралиб чиқади.

Нафас олиш жараёнида ёф кислоталари ва оқсиллар ишлатилса, нафас олиш коэффициенти бирдан кичик бўлади. Чунки бу органик моддаларнинг таркибида кислороднинг миқдори углерод ва водородга нисбатан жуда кам, шунинг учун уларни оксидлантириш учун купроқ кислород сарф этилади. Масалан, стеарин кислотасининг биологик оксидланиши:



$$HK = \frac{18CO_2}{26O_2} = 0,69$$

Нафас олиш жараёнида органик кислоталар ишлатилса, нафас олиш коэффициенти бирдан юқори бўлади. Чунки бу молекула таркибида кислород углерод ва водородга нисбатан кўп ва уни оксидлантириш учун камроқ кислород сарфланади. Масалан, отқулоқ кислотасининг биологик оксидланишида нафас олиш коэффициенти 4 га тенг:



$$HK = \frac{4CO_2}{O_2} = 4$$

Нафас олиш коэффициенти даражасининг нафас олиш маҳсулотига боғлиқлиги фақат кислород миқдори етарли шароитда содир булади. Лекин оксидланиш кислородсиз (анаэроб) муҳитда борганда нафас олиш коэффициентининг даражаси ўзгариши мумкин. Масалан, уруғлар кислород кам ёки анаэроб шароитда нафас олганда (сувга ботирилиб сақланса) ҳаводан O<sub>2</sub> ютилмайди, лекин CO<sub>2</sub> ажралиб чиқади. Бунда нафас олиш коэффициенти бирдан юқори бўлади.


### 4.3. НАФАС ОЛИШ ХИМИЗМИ

Нафас олишнинг шаклий тенгламаси бу мураккаб физиологик жа-раённи тұла тавсифлай олмайды. Чунки бунда жуда күп оралық реакциялар содир бўлади. Натижада кимёвий энергия оз-оздан ажralиб чиқади ва ўзлаштирилади, ўзлаштирилмай қолгани эса иссиқлик энергиясига айланади ва тарқалади.

Нафас олишда органик моддаларнинг кислород ёрдамида анерганик моддаларга парчаланиши мазкур жараённинг ўзига хос хусусиятлари борлигини курсатади. Чунки организмдан ташқариди бу органик моддалар молекуляр кислород билан реакцияга киришмайди.

Нафас олиш жараённининг ана шу ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, нафас олиш химизмининг ҳозирги замон тушунчасида асос соглан олимлар: А.Н.Бах, В.И.Палладин ва С.П.Костичевлар ҳисобланадилар.


**А.Н.БАХНИНГ ПЕРОКСИД НАЗАРИЯСИ.** 1897 йилда А.Н.Бах биологик оксидланишнинг пероксид назариясини ишлаб чиқди. Унга кура атмосферадаги молекуляр кислород инерт ҳолатда булиб, органик моддаларни оксидлай олмайди. Бунинг учун унинг таркибидаги құш боғнинг биттаси узилиши ва фаол ҳолатга ўтиши зарур:



Кислород осон оксидланувчи модда (A) билан бирикиб, құш болдан биттаси узилади ва пероксид ( $\text{AO}_2$ ) ҳосил қиласи:



А.Н.Бахнинг фикрича, акцептор (A) билан бирлашиб фаол ҳолатга ўтган кислород бошқа моддани (B) ҳам оксидлантириши мумкин:



Натижада акцептор вазифасини бажарувчи оксидланувчи модда (A) яна осонлик билан ажralиб қолади. Органик модда (B) эса тұла оксидланади. А.Н.Бах кислородни фаолловчи моддаларни оксигеназалар деб атади. Оксигеназаларга ўсимликлар тұқымасида күп тарқалған ҳар хил кимёвий бирикмалар киради. Оксигеназалардаги фаоллашган кислород оксидланаётган бирикмалар киради. Маълум вакт фанда бу жараёнда пероксидаза ферменти муҳим аҳамиятта эга, деган фикр ҳукм суради. Лекин 1955 йилда Японияда (О.Хаяиши ва бошқалар) ва АҚШда

(Г.С.Мэзон ва бошқалар) молекуляр кислороднинг органик моддалар билан бирикиши мумкинлигини исботлашди.

Хозирги вақтга келиб маълум бўлишича, А.Н.Бах назариясининг нафас олишга алоқаси йўқ. Аммо у нафас олиш жараёнининг химизми ни ўрганишга йўл очиб берди. Чунки бу назарияда кислородни фаолаштиришнинг замонавий механизмини ишлаб чиқиш учун асос солинган эди.

**В.И.ПАЛЛАДИННИНГ ВОДОРОДНИ ФАОЛЛАШТИРИШ НАЗАРИЯСИ.** Биологик оксидланиш жараёнининг механизмини ўрганишда В.И.Палладиннинг (1912) ишлари муҳим аҳамиятга эга булди. Унинг назариясига кўра, ўсимлик хромогенлари субстратдаги водородни ўзига бириктириб олади ва кейинчалик уларни кислородга ўтказди. Бу назария бўйича нафас олиш икки босқичдан иборат: 1) анаэроб; 2) аэроб:




Биринчи реакция нафас олиш жараёнининг анаэроб, иккинчи реакция аэроб босқичини ифодалайди. R – рангли нафас пигменти, RH<sub>2</sub> – рангсиз нафас олиш хромогени. Биринчи реакцияда редуктаза ферменти ёрдамида субстратдан водород атомлари қабул қилиниб, нафас олиш пигментига (R) ўтказилади ва нафас олиш хромогени (RH<sub>2</sub>) ҳосил бўлади. Ҳамма CO<sub>2</sub> ҳам шу анаэроб жараёнда ажратиб чиқади. Иккинчи реакцияда молекуляр кислород иштирок этиб, хромогенларни (RH<sub>2</sub>) нафас олиш пигментларигача оксидлайди ва улар яна водороднинг акцептори вазифасини бажаради. Бу реакцияларда кислород RH<sub>2</sub> дан электронлар ва протонларни тортиб олади ва натижада сув ҳосил бўлади. Кейинги изланишларда В.И.Палладин назарияси, яъни нафас олишда анаэроб ва аэроб босқичларнинг мавжудлиги ҳамда бунда сув иштирок этиши тўла тасдиқланди.


1912 йилда немис биокимёгари Г.Виланд ҳам биологик оксидланиш водороднинг ажратиб олиниши билан боғлиқ эканлигини кўрсатган эди. Нафас олишда сувнинг иштирок этиши ва кислород водороднинг охирги акцептори эканлигини 1955 йилда Б.Б.Вартапетян ва Л.А.Курсанов тажриба асосида исботладилар.

Бунинг учун улар изотоплар ( $\text{O}^{18}$ ) усулидан фойдаландилар.

**НАФАС ОЛИШ ВА БИЖГИШНИНГ УЗАРО АЛОҚАСИ.** С.П.Костищев (1910) курсатиши бўйича, нафас олиш ва бижгишлар бир хил жараёнлар билан шакарларнинг парчаланишидан бошланади. Кейинчалик нафас олиш CO<sub>2</sub>, ва сувнинг, бижгиш эса CO, ва спиртнинг ҳосил бўлиши билан якунланади. Буни қўйидаги шаклда курсатиш мумкин:



Кейинги йилларда немис биокимёгари К.Нейберг, С.П.Костичев ва бошқаларнинг илмий изланишлари асосида аниқланишича, нафас олиш ва бижгиш жараёнлари бир-бири билан оралиқ маҳсулот пироузум кислота орқали боғлиқдир.



Хозирда аэроб хусусиятга эга бўлган нафас олиш жараёни икки босқичдан иборат эканлиги тасдиқланди. Биринчи, бошланғич – анаэроб нафас олиш жараёнида мураккаб органик моддалар (углеводлар) оддий органик моддаларга парчаланади (пироузум кислотасига). Иккинчи, асосий – аэроб шароитда пируват кислотаси карбонат ангидрид ва сувга парчаланади. Бунда ферментлар тизими ҳам фаол иштирок этади.

**ФЕРМЕНТЛАР ТИЗИМИ.** Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари учун хос бўлган асосий хусусият электронларнинг күчишидир. Моддалар оксидланганда таркибидан электрон ажралади, қайтарилганда эса электрон биректириб олади. Электрон ажратувчи моддалар донор, қабул қилувчи моддалар акцептор дейилади. Донор билан акцептор биргаликда оксидланиш – қайтарилиш тизимини ташкил этади. Бу реакцияларни бошқарувчи ферментлар оксидоредуктазалар дейилади. Ферментларнинг донор ва акцептор билан алоқасини кўйидагида изоҳлаш мумкин:




бу ерда,  $D$  – донор электрон ва протонларини ажратади,  $E$  – фермент ташувчилик реакциясини бажаради,  $A$  – акцептор уларни қабул қиласи.

Оксидоредуктазалар уч гуруҳга булинади: 1) анаэроб дегидрогеназалар; 2) аэроб дегидрогеназалар; 3) оксигеназалар.


Анаэроб дегидрогеназалар – электронларни кислороддан ташқари оралиқ акцепторларга етказиб беради. Булар икки компонентли ферментлар, кофермент  $\text{NAD}^+$  (никотинамидадениндинуклеотид) булиши мумкин. Оксидланиш натижасида  $\text{NAD}^+$  қайтарилган  $\text{NADH}$  ҳолатга ўтади. Бу ферментларга алкогольдегидрогеназа, лактатдегидрогеназа, малатдегидрогеназа ва бошқалар киради.

Аэроб дегидрогеназалар – электронларни ҳар хил оралиқ акцепторларга ва кислородга етказиб беради. Булар ҳам икки компонентли ферментлар бўлиб, flavопротеинлар дейилади. Буларнинг таркибига оқсилдан ташқари рибофлавин (витамин B<sub>2</sub>) ҳам киради. Икки хил кофермент мавжуд: 1) flavинмононуклеотид (ФМН); 2) flavинадениндинуклеотид (ФАД). ФМН таркибига кирувчи фермент – диметилизоаллоксазин, ФАД – сукцинатдегидрогеназа. Буларнинг акцепторлари хинонлар, цитохромлар ва кислородdir.

Оксидазалар электронларни фақат кислородга етказиб беради. Аэроб хусусиятига эга. Бу ферментлар иштирокида уч хил бирикма ҳосил бўлади: 1) сув; 2) водород пероксид; 3) кислороднинг супероксид аниони, яъни



Водород ва супероксид аниони ( $\text{O}_2^-$ ) заарли бўлгани учун ҳужайрада ферментлар ёрдамида нейтралланади:



Сувнинг ҳосил булишида ферментлардан цитохромоксидазалар, полифенолоксидазалар ва бошқалар, водород пероксиднинг ҳосил бўлишида flavопротеиноксидазалар, кислороднинг супероксид аниони ҳосил булишида ксантиноксидазалар иштирок этади.

Оксигеназалар ҳам оксидазалар билан бир қаторда катта аҳамиятга эга. Бу ферментлар ёрдамида кислород фаол ҳолатга ўтади ва органик моддалар билан бирлашади.

Юқорида кўрсатилган ферментларнинг ҳаммаси митохондрияларда жойлашган бўлади. Чунки митохондриялар аэроб нафас оладиган барча ҳужайраларнинг, жумладан, ўсимликлар ҳужайрасининг цитоплазмасида жойлашган мураккаб органоиддир. Ферментлар митохондрияларнинг ички ва ташқи мембраналарида жойлашган бўлади. Ички мембранада асосан нафас олиш занжирининг компонентлари ва оксидатив фосфорланиш жараёнида иштирок этадиган фермент тизимлари мужассамлашган бўлади.


**АНАЭРОБ НАФАС ОЛИШ.** Углеводларнинг анаэроб шароитда парчаланиши гликолиз ҳам деб аталади. Бу жараёнда жуда кам миқдорда

энергия ажралиб чиқади ва охирги босқич маҳсулоти пироузум кислотаси ҳосил бўлади. Гликолиз анаэроб нафас олиш ва бижгиш жараёнларининг бошланғич босқичидир.

Ўсимликлар таркибидағи нафас олиш жараёнининг асосий маҳсулоти бўлган моносахаридларнинг реакция қобилияти анча паст булиб, кейинги алмашинув жараёнида иштирок этиш учун уларни бироз энергия билан таъминлаш зарур. Бунга моносахаридларни энергияга бой бўлган бирикмалар билан реакцияга киритиш ва фосфорли эфиirlар ҳосил қилиш йўли билан эришилди. Моносахаридларнинг фосфорли эфиirlари (масалан, глюкоза-6-фосфат) анча фаол реакция қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам гликолизнинг биринчи босқичида глюкоза гексокиназа ферменти иштирокида фосфорланади ва глюкоза-6-фосфатга айланади. Бунинг учун бир молекула АТФ сарфланади. Глюкоза 6-фосфат фосфоглюкомутаза ферменти иштирокида изомерланиб, фруктоза-6-фосфатга айланади. Фруктоза-6-фосфат иккинчи марта фосфорланиб, фруктоза-1, 6-дифосфатга айланади. Бу жараёнда фосфофруктоқиназа ферменти иштирок этади ва яна бир молекула АТФ сарфланади (40-чизма).

Навбатдаги реакцияда фруктоза-1, 6-фосфат алдолаза ферменти иштирокида 3-фосфоглицерин алдегиди ва фосфодиоксиациетонга парчаланади. Фосфодиоксиациетон осонлик билан триозоfosfatizomerasa ферменти иштирокида 3-фосфоглицерин алдегидига айланади. Бу ерда реакциялар иккита уч углеродли бирикма ҳосил булиши билан борганилиги учун бу йўл дихотомик оксидланиш ҳам дейилади.


Гликолизнинг иккинчи босқичи 3-фосфоглицерин алдегидининг оксидланиниб 3-фосфоглицерат кислотага айланишидан бошланади. Бу гликолизнинг асосий реакцияларидан бири булиб, унда триазофосфатдегидрогеназа иштирок этади. Бу ферментнинг фаол қисмини НАД ташкил қиласди. Реакцияларда АДФ ва фосфат кислота иштирок этиб,



40-чизма. Гликолизнинг шакли.


АТФ ҳосил бўлади. Реакция давомида ҳосил бўлган ацилфермент фосфоролизга учрайди ва натижада макроэргик карбоксифосфатга эга бўлган 1, 3 - дифосфоглициерат кислота ҳосил бўлади. 1, 3 - дифосфоглициерат кислота АДФ билан қайта фосфорланиб, АТФ ва 3- фосфоглициерат кислота ҳосил бўлади.

Гликолизнинг охирги босқичида 3-фосфоглициерат кислота фосфоглициерамутаза ферменти иштирокида изомерланиб, 2-фосфоглициерат кислотага айланади ва у бир молекула сувни ажратиб, фосфопириуват кислотанинг енол шаклига айланади. Бу реакцияда енолаза ферменти иштирок этади. Фосфоенолпириуват ўз навбатида, пируваткиназа ферменти иштирокида АДФ билан реакцияга киришиб, АТФ ҳосил бўлади. Енолпириуват кислота пироузум кислотага айланади:



Натижада нафас олишнинг бошлангич анаэроб босқичи пироузум кислотанинг ҳосил бўлиши билан тугайди. Бир молекула глюкозанинг оксидланниши натижасида икки молекула пироузум кислота ҳосил бўлади.

Бу реакциялар натижасида энергияга бой бўлган бирикмалар: 4 молекула АТФ ва 2 молекула қайтаришган НАД.Н<sub>2</sub> ҳосил бўлади. НАД ва



41-чизма. НАД ва НАД.Н<sub>2</sub> молекулаларининг тузилмавий шакли.

НАД.Н<sub>2</sub> молекулалари таркибида ҳам макроэргик боғлар мавжуд (41-чизма). Лекин гликолизнинг биринчи босқичида икки молекула АТФ сарфланади. Шунинг учун ҳам бу босқичда икки молекула самарали

АТФ ажралади деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир молекула НАДН нинг митохондрияларда оксидланиши натижасида ажралган кимёвий энергия ҳам учта АТФ га тенг. Демак, икки молекула НАДНнинг энергияси ҳам б молекула АТФ га тенг. Шундай қилиб, гликолиз жараёнида ажралиб чиқсан умумий фойдали энергия саккиз молекула АТФ га тенг бўлади. Ҳар бир АТФ нинг энергияси 10 ккал деб ҳисобласак, у ҳолда гликолиз жараёнида ажралиб чиқсан энергиянинг умумий миқдори 80 ккал га тенг бўлади.

**АЭРОБ НАФАС ОЛИШ.** Нафас олишнинг аэроб босқичи – иккинчи асосий босқич саналади. Бу босқичда пироузум кислота карбонат ангидрид билан сувда тўлиқ парчаланади. Бу жараён аэроб шароитда содир бўлиб, бир қатор оралиқ моддалар, дикарбон ва трикарбон кислоталар иштирок этади. Уларнинг бир-бирига айланishi ҳалқадан иборат. Шунинг учун ҳам дикарбон ва трикарбон кислоталар цикли деб аталади. Бу реакциялар тизимини (ҳайвонлар организмида) 1937 йилда инглиз биокимёгари Г.А.Кребс таклиф қиласланлиги учун унинг номи билан Кребс цикли ҳам деб аталади. Бу тизимнинг ўсимликларда ҳам мавжудлигини биринчи марта инглиз олими А.Чибнёлл (1939) исботлаган.

Пируват кислота аэроб шароитда аввало, фаоллашган бирикма ацетил-СоА га айланади. Фаоллашган ацетил-СоАнинг оксидланишидан циклик жараёнлар бошланади. Кребс циклининг биринчи босқичида ацетил-СоА оксалоацетат билан ўзаро реакцияга киришиб, цитрат кислота (лимон кислота) ҳосил қиласади. Бу реакцияда цитратсинтетаза ферменти иштирок этади ва бу ҳалқадаги энг муҳим маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу жараён цитрат цикли ҳам деб аталади (42-чизма).


Цитрат кислота аконитаза ферменти иштирокида дегидратацияланади ва цисаконит ҳосил қиласади. Цисаконит кислота яна бир молекула сув бириктириб, изоцитрат кислотага айланади. Изоцитрат кислота дегидратацияга учраб, оксалосукцинат кислотага айланади. Бу реакцияда изоцитрат-дегидрогеназа ферменти иштирок этади. Унинг фаол қисмини НАДФ ташкил қиласади ва у реакцияда НАДФНга қайтарилади. Тезликда оксалосукцинат кислота декарбоксилланиб, а-кетоглутарат кислотага айланади. а-кетоглутарат яна декарбоксилланади, натижада карбонат ангидрид ажралиб чиқади, НАДН ва сукцинил-СоА ҳосил бўлади.

Сукцинил-СоА-синтетаза ферменти, АДФ ва фосфат кислота иштирокида энергияга бой бўлган сукцинил-СоА дан сукцинат кислота (қаҳрабо кислота) ва АТФ ҳосил бўлади. Сукцинат кислота оксидланиб, фумарат кислотага айланади. Бу реакция ўсимликларда жуда кўп тарқалган сукцинатдегидрогеназа ферменти иштирокида содир бўлади. Бу ферментнинг фаол қисми ФАД бўлиб, у ФАДН, га қайтарилади.

Фумарат кислота бир молекула сувни бириктириб, фумараза ферменти иштирокида малат кислотага айланади. Бу кислота ўз навбатида малатдегидрогеназа ферменти иштирокида оксалоацетат кислотага айла-

нади. Ферментнинг фаол қисмини НАД ташкил қилиб, у реакция жараёнда НАДНга қайтарилади.

Доиранинг якунидаги ҳосил булган оксалоацетат кислота ўз-ўзидан тезда енол шаклга үтади ва янги ацетил-СоА молекуласи билан реакцияга киришиб, янги циклни бошлайди.



42-чизма. Цитрат кислота цикли (Кребс цикли).


Шундай қилиб, ҳар бир циклда бир молекула пироузум кислотасидан уч молекула  $\text{CO}_2$  ажралади, уч молекула сув иштирок этади, беш жуфт водород атомлари ажратилади. Бу цикл ўсимликлар танасидаги модда алмашинув жараённанда катта аҳамиятга эга. У фақат углеводлар оксидланишининг якуний босқичи бўлмай, балки бошқа органик моддаларга (оқсиллар, ёғлар ва бошқалар) ҳам тааллуқлидир.

Нафас олишнинг бу босқичида энергиянинг асосий қисми ажралади. Реакциялар натижасида ЗНАДН, НАДФН, ФАДН, ва бир молекула АТФ ажралади. Агар ҳар бир молекула НАДН ва НАДФНларнинг энергияси уч молекула АТФга тенг ( $3, 3 + 3 = 12$ ) бўлса, у ҳолда 12 молекула АТФ бўлади.

Бир молекула ФАДН<sub>2</sub> нинг энергияси икки молекула АТФ га тенг бўлса, реакция натижасида бир молекула ажралиб чиқсан АТФ билан биргаликда умумий миқдор уч молекула АТФни ташкил қиласди. Натижада бир молекула пироузум кислотанинг оксидланиши 15 молекула АТФни ҳосил қиласди. Агар бир молекула глюкозанинг гликолизи натижасида икки молекула пироузум кислота ҳосил бўлишини ҳисобга олсак, у ҳолда 30 молекула АТФ ҳосил бўлади. Бундан ташқари 8 молекула АТФ бошлангич анаэроб босқичда ҳам ҳосил бўлади. Демак, бир молекула глюкозанинг оксидланиш жараёнида 38 молекула АТФ ҳосил бўлиб, унинг энергияси 686 ккал/молга тенг бўлади.

Бундан ташқары бу циклда ҳосил бўлган оралиқ маҳсулотлар янги органик моддаларни синтез қилиш учун сарфланади (оқсиллар, ёглар ва бошқалар). Кребс цикли реакциялари тўла митохондрияларда содир булади ва нафас олиш жараёнининг асосий йули ҳисобланади.

**НАФАС ОЛИШНИНГ ПЕНТОЗАФОСФАТ ЦИКЛИ.** Бу цикл глюкоза-6-фосфатнинг бевосита оксидланиши билан бошланади. Бунда глюкоза-6-фосфатдан бир молекула  $\text{CO}_2$  ажралиб чиқади ва беш углеродли бирикмалар-пентозалар ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам бу йўл пентозафосфат (ёки апотомик) парчаланиш дейилади. Уни гексозомо-



### 43-чизма. Пентозафосфат цикли.


нофосфат цикли ҳам деб атайдилар. Бу йўл 1935-1938 йилларда О.Варбург, Ф.Диккене, В.А.Энгелгард ва Ф.Липман каби олимларнинг излашилари натижасида очилди. Яъни ўсимликларда асосий ҳисобланадиган гликолиз ва Кребс цикли билан бир қаторда глюкозанинг яна бир муҳим йўл билан оксидланиши аниқланди.

Пентозафосфат йули ҳам гликолизга үшшайди, бунда оксидланувчи бирламчи маҳсулот 6-фосфат ҳисобланади. Бу реакциялар асосан икки босқичдан иборат (43-чизма).

Биринчи босқичда глюкоза-6-фосфат оксидланиб, 6-фосфат глюколактон кислота ҳосил қиласи. Бу реакция глюкоза-6-фосфат-дегидрогеназа ферменти иштирокида боради. Ферменттинг фаол қисмини НАДФ ташкил қилиб, у НАДФНга қайтарилади. 6-фосфатглюколактон кислота сув иштирокида 6-фосфатглюконат кислотага айланади ва бу кислота декарбоксиланиш реакцияси натижасида пентозафосфат ҳосил қиласи. Реакция натижасида бир молекула СО<sub>2</sub> ва НАДФН ҳосил бўлади. Умуман, бир атом углероднинг оксидланиши натижасида икки молекула НАДФН ҳосил бўлади.

Иккинчи босқичда рибулозо-5-фосфат изомерланиб, рибоза-5-фосфатга ва ксилулоза-5-фосфатга айланади. Булардан, транскетолаза ва трансалдолаза ферментлари иштирокида седогептулоза-7-фосфат ва 3-фосфоглицерин алдегиди ҳосил бўлади. Кейин эритрозо-4-фосфат ва фруктозо-6-фосфат ҳосил бўлади. Фруктоза-6-фосфат изомерланиб, якуний маҳсулот глюкозо-6-фосфатга айланади.

Умуман, пентозафосфат йўлида олти молекула глюкоза-6-фосфат иштирок этса, унинг умумий тенгламасини қўйидагича кўрсатиш мумкин:



Кейинчалик ҳар бир молекула НАДФН оксидланганда 3 молекула АТФ синтезланади. Демак, 12 НАДФН молекуласи оксидланганда 36 молекула АТФ ҳосил бўлади. Бу циклда ҳосил бўлган оралиқ маҳсулотлар – пентозалар организм учун жуда зарур бўлган моддалар (нуклеин кислоталар ва бошқалар) ҳосил қилишда иштирок этади. Бу йўлнинг ҳамма реакциялари ҳужайра цитоплазмасининг эрувчи қисмida протопластидалар ва хлоропластларда содир бўлади. Нафас олишнинг пентозафосфат йули, айниқса, синтетик жараёнлар кучли бораётган ҳужайраларда фаол хусусиятга эга. Бундай ҳужайраларда мембраннынг лиpid компонентлари, нуклеин кислоталар, ҳужайра девори ва фенол бирикмалар фаол равишда синтезланади.


**ГЛИОКСИЛАТ ЦИКЛИ.** Бу цикл 1957 йилда биринчи марта Г.Л. Коренберг ва Г.А. Кребс томонидан бактериялар ва могор замбуругларида аниқланган эди. Кейинчалик аниқланишича, у мойли ўсимликларнинг унаётган уруғларида ва захира ёғлар, шакарларга айланиши керак бўлган органларида содир бўлар экан. Глиоксилат цикли ҳужайрадаги маҳсус органоид глиоксисомаларда содир бўлади. Митохондрияларда, шунингдек, ҳайвон ҳужайраларида ҳам бу цикл бўлмайди.

Глиоксилат цикли асосан мойли ўсимликларнинг нафас олишидаги аэроб босқичида Кребс цикли ўрнида содир бўлади. Чунки у Кребс циклининг маълум миқдорда ўзгарган йўлидир:

1) Кребс циклининг бир қисмida: изоцитрат кислота → а-кетоглутарат кислота → сукцинил → CoA → сукцинат кислота → фумарат кислота → малат кислота → ...

2) Глиоксилат циклининг шу қисмida: изоцитрат кислота → сукцинат кислота → глиоксилат кислота → ацетил CoA → малаткислота → ...

Күриниб турибдикى, Кребс циклидан фарқىلى үлароқ, бу циклда глиоксилат кислота ва ацетил CoA ҳосил бўлади ва натижада ҳар бир доирада икки молекула ацетил CoA иштирок этади (44-чизма). Умуман, глиоксилат цикли захира ёғларни сарфлайди ва ёгларнинг парчаланишида оралиқ модда – ацетил CoA ҳосил бўлади.



44-чизма. Глиоксилат цикли.

Ҳар икки молекула ацетил CoA ҳисобига бир молекула НАДН қайтарилади ва унинг энергияси митохондрияларда АТФ синтезига сарфланиши мумкин. Ҳосил бўлган сукцинат кислота ( қаҳрабо кислота ) глиоксисомадан ташқарига чиқади ва митохондрияларга ўтиб, биосинтез жараёнларида иштирок этади. Глиоксилат кислота эса гликокол аминокислотасининг ҳосил булиши учун дастлабки модда ҳисобланади.

#### 4.4. НАФАС ОЛИШНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ШАРОИТ ОМИЛЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Нафас олиш тезлиги ўсимликларнинг тури, ёши ва яшаш шароитидаги омиллар таъсирига bogлиқ. Ҳатто бу тезлик бир ўсимликнинг ҳар хил қисмларида турлича содир булади. Ўсимлик қанча ёш ва

модда алмашинув жараёни қанча фаол бўлса, нафас олиш ҳам шунча кучли бўлади. Ўсимликнинг қариш жараёнида нафас олиш тезлиги ҳам пасая боради. Пишиб етилган, қуруқ уруғларда нафас олиш тезлиги жуда паст, унаётган уруғларда эса жуда фаол бўлади. Масалан, таркибида 10-12 фоиз суви бўлган бир килограмм арпа уруги бир кеча-кундузда 0,3-0,4 мг СО<sub>2</sub> ажратади. Тўла бўртган ва унаётган уруғларда эса нафас олиш тезлиги 10 минг мартадан юқори бўлади.

Умуман, ўсимликларнинг нафас олиш тезлиги ички ва ташқи омиллар таъсирига боғлиқ.

**КИСЛОРОДНИНГ МИҚДОРИ.** Нафас олиш жараёни учун кислороднинг миқдори энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ҳаво таркибидаги кислород (21 фоиз) ўсимликларнинг эркин нафас олишига тўла етарли бўлиб, ҳатто унинг миқдори 9 фоизгача камайса ҳам ўсимликларга зарарли таъсири қўлмайди. Фақат атмосферада кислород миқдори 5 фоизга тушгандан сўнггина унинг етишмаслиги сезила бошлайди. Ўсимлик тўқималарида кислород миқдори атмосфера таркибидаги кислороддан камроқ бўлиб, ўзгариб туради. Масалан, қанд лавлагининг барг тўқималарида бу кўрсаткич миқдори бир кеча-кундуз давомида 7,1 фоиздан 17,4 фоизгача ўзгаради. Демак, атмосферадаги кислород ўсимликлар учун тула етади.

Аммо илдиз тизими жойлашган тупроқда тез-тез кислород етишмаслик ҳоллари содир бўлиши мумкин. Айниқса, тузилмаси бузилган, чиринди (гумус) моддалари кам, сув босиб, узоқ муддатга сақланиб қолган қатқалоқ ҳосил бўлган ерларда кислороднинг тупроқ заррачалари орасига кириб туриш жараёни бузилади ва илдизлар учун анаэроб шароит юзага келади. Илдиз тизими жойлашган тупроқ муҳитида кислороднинг етишмаслиги аэроб нафас олиш ўрнига бижғиши жараёнини фаоллаштиради ва натижада захира органик моддалар кўпроқ сарфланади. Оралиқ моддалар сифатида спиртлар ажralиб тўпланиб, ўсимлик илдизлари чирий бошлайди. Бу узоқроқ давом этса, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши, ҳосилдорлиги кескин камаяди ва ҳатто ўсимлик ўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун бундай ерларга қўшимча ишлов бериш, яъни тупроқни юмшатиш, қатқалоқка йўл қўймаслик, ўғитлаш (органик ва минерал) зарур.

**КАРБОНАТ АНГИДРИДНИНГ МИҚДОРИ.** Карбонат ангидриднинг миқдори ҳам нафас олиш жараёнида маълум аҳамиятга эга. Тўқималарда у кўп миқдорда тўплангандা нафас олиш тезлиги пасаяди. Карбонат ангидриднинг тўпланиши кўпинча пишиб етилган ва қаттиқ пўст билан қопланган уруғларда содир бўлади. Кўпчилик ёввойи ўсимликларнинг қаттиқ пўст ўралган уруғлари узоқ йиллар давомида ўзининг кўкариш қобилиятини йўқотмайди, чунки уларнинг пўсти остида тўплангандаги карбонат ангидрид таъсиридан нафас олиш тезлиги жуда суст бўлиб, органик модда тезда сарфланмайди. Омборларда СО<sub>2</sub>, нинг миқдори кўп бўлганда мевалар узоқ муддатгача яхши сақланади.

**ҲАРОРАТ.** Ўсимликларнинг нафас олиш жараёни ҳарорат таъсирига узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик маълум ҳарорат даражаларида Вант-Гофф қоидасига бўйсунади, яъни ҳарорат ҳар сафар  $100^{\circ}$  га кўтарилиганда нафас олиш тезлиги икки баравар ошади. Масалан, у  $0^{\circ}$  дан  $20^{\circ}\text{C}$  гача ошиб боргандаги реакция тезлиги ҳам 2-3 марта ошиб боради. Лекин  $20^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳароратда реакция тезлиги камроқ ошиб боради.

Ўсимлик турлари ва аъзоларининг ҳарорат чегаралари бўлади (минимал, оптимал ва максимал). Нафас олишнинг минимал (пастки) чегараси кўпчилик ўсимликлар учун жуда паст. Масалан, қарағай ва арчалар учун  $-25^{\circ}\text{C}$ . Албатта, иссиқсевар ўсимликлар учун бу кўрсаткич анча юқори, айримлари учун  $0^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади.

Ҳарорат ошганда нафас олиш кучи ҳам ошади ва у  $40^{\circ}\text{C}$  етгунча Вант-Гофф қоидасига бўйсунади. Кўпчилик маданий ўсимликларда ҳарорат  $40^{\circ}\text{C}$  дан ошгач, нафас олиш ҳам дарҳол юқорига кўтарилади,  $50^{\circ}\text{C}$  атрофида кескин пасайиб қолади ва ўсимлик қаттиқ заарланади.

Шунинг учун ҳам нафас олиш учун дастлаб кучайиб, сўнгра пасаядиган ҳарорат эмас, балки бу жараён доим юқори даражада бўладиган ҳарорат оптимал (мақбул) дейилади. Кўпчилик ўсимликлар учун  $30-40^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади. Бу фотосинтезнинг мақбул даражасидан  $5-10^{\circ}\text{C}$  юқори. Максимал ҳарорат эса  $45-55^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлиб, ҳар бир ўсимлик оқсилиниң хусусиятларига боғлиқ. Нафас олишнинг мақбул ҳарорат даражаси таҳаддуги модда алмашинув жараёнидаги барча биокимёвий реакциялар ва ферментларнинг фаоллиги учун ҳам анча қулайдир.


**СУВ РЕЖИМИ.** Нафас олиш тезлигига хужайраларнинг сув билан таъминланиш даражаси ҳам катта таъсир этади. Ўсимликларнинг баргларида бирданига сувнинг камайиши сабабли даставвал нафас олиш тезлашади. Кейинчалик эса сув танқислиги ортиб бориши билан нафас олиш тезлиги ҳам пасая боради. Буни уруғларда яхши кузатиш мумкин. Етилмаган уруғларда сув миқдори кўп, нафас олиш ҳам нисбатан кучлироқ бўлади. Уруғлар пишиб етилгач, сув миқдори ҳам энг кам  $10-11$  фоиз бўлади. Бундай уруғларда нафас олиш ҳам энг паст даражада бориб, улар яхши сақланади. Экиш олдидан ивитилган уруғлар сувни  $30-35$  фоизгacha шимиб олгандан сўнг уларнинг нафас олиш тезлиги бир неча минг мартадан ошиб кетади ва униш жараёни бошланади. Уруғларда кечадиган бу физиологик жараёнларни бошқариш йўли билан донларни сифатли сақлаш, улардан юқори даражада фойдаланиш мумкин. Уруғлар ошибчи сувни шимиб олганда ҳам аэрация жараёни бузилиб, бижгиш бошланиши ва уруғлар нобуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда уруғ қорайиб қолади ва унувчанлик қобилиятини йўқотади.

**ЁРУГЛИК.** Ёрглик яшил ўсимликларга таъсир этганда ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади ва бунинг натижасида нафас олиш ҳам тезлашади. Фотосинтезга ёргликнинг таъсири натижасида эса нафас олиш жараёни учун энг зарур органик модда ҳосил бўлади. Демак, ёрглик

яшил ўсимликларнинг нафас олишига тўғридан-тўғри эмас, балки бошқа физиологик жараёнлар орқали таъсир этади.

Ёруглик таъсирини яшил бўлмаган ўсимликларда үрганиш натижасида унинг маълум миқдори тўғридан-тўғри таъсир этиши ҳам мумкинлиги кузатилган. Нафас олиш жараёнининг фаолияти ёруглик спектрининг ультрабинафша (380 нм) ва қўқ-яшил (400-500 нм) нурларининг ютилиши натижасида кузатилган. Масалан, маккажўхорининг этиолланган баргига ёругликнинг кўқ спектр нурлари билан таъсир этганда, қоронғидаги баргларга нисбатан нафас олиш жадаллиги икки баравардан купроқ кутарилган.

#### 4.5. ДОН, МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШДА НАФАС ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ



45-чизма. Бугдой доңлари нафас олиши жадаллигининг намлик миқдорига ва ҳарорат даражасига боғлиқшиги (Кретович, 1972).

I—ҳарорат- $0^{\circ}\text{C}$ ; II—ҳарорат- $10^{\circ}\text{C}$ ;  
III—ҳарорат- $18^{\circ}\text{C}$ ; IV—ҳарорат- $25^{\circ}\text{C}$ .

Сув миқдорини ва улар сақланадиган омборлар ҳароратини бошқариш қатта аҳамиятга эга (45-чизма).

Сув миқдори галласимонларнинг донларида 14 фоиз ва мойли ўсимликларнинг донларида 8-9 фоиздан ошмаганда, ҳарорат эса  $0^{\circ}$  атрофида бўлганда нафас олиши энг паст даражада сақланади. Намликнинг миқдори 18-22 фоиз ва ҳарорат  $45-50^{\circ}\text{C}$  га етганда нафас олиш жадаллиги ҳам кескин ошади. Натижада уругдаги захира органик моддалар тезлик билан сарфланади. Бунинг натижасида ажралиб чиқсан кимёвий энергия иссиқлик энергиясига айланади, омборларнинг ҳарорати янада ошади

Ўсимликларнинг нафас олиш жараёни улардаги модда алмашинувининг муҳим қисмини ташкил этиб, ўйиш, ривожланиш ва ҳосилдорликнинг асоси ҳисобланганидек, этиширилган маҳсулотларни узоқ муддатга ва сифатли сақлаш ҳам нафас олиш тезлиги ни бошқаришга асосланган.

Маҳсулотларни сақлашда нафас олиш жадаллиги қанча паст бўлса, органик моддаларнинг миқдори шунча кам сарфланади ва улар сифатли сақланади. Нафас олиш жадаллигининг даражаси, энг аввало, ҳарорат ва намлик миқдорига боғлиқ.

Донларнинг таркибидағи

ва ҳар хил чиритувчи микроорганизмларнинг ривожланишига шароит яратилади. Бундай шароитда сақланган донлар униб чиқиш қобилиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам донларни сақлашда намлиқ кам миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мева-сабзавотларни сақлаш донларни сақлашдан бироз фарқ қиласди. Чунки уларнинг таркибида сув жуда кўп (75-90 фоизгача). Сувни камайтириш улар сифатининг пасайишига сабаб булиши мумкин. Шунинг учун ҳам мева-сабзавотларни сақлашда бош омил ҳарорат ҳисобланади. Энг қулай ҳарорат  $0^{\circ}$  атрофига булиши аниқланган. Максус хоналарда ва музлатгичларда сақланганда ҳам ҳарорат  $3-7^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Масалан, картошка учун сақлаш ҳарорати  $2-4^{\circ}\text{C}$ , карам учун  $0^{\circ}$  дан  $-1^{\circ}\text{C}$  гача, қолган мева ва сабзавотлар учун  $0^{\circ} + 1^{\circ}\text{C}$  энг қулай эканлиги аниқланган. Бунда нафас олиш тезлиги паст бўлиб, маҳсулотлар сифатли сақланади.

Мева ва сабзавотларни сақлашда  $\text{CO}_2$  нинг миқдори ҳам катта аҳамиятга эга. У кўп бўлса, нафас олиш жадаллиги пасаяди.

## *V БОБ*

# ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СУВ РЕЖИМИ

### 5.1. ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИДА СУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Сув тирик организмларнинг яшаши учун асосий муҳитлардан биридир. Сувсиз шароитда организмлар нобуд бўлади ёки анабиоз ҳолатига ўтади. Ўсимликлар танасида сувнинг миқдори 70 фоиздан то 90 фоизгача бўлиши мумкин. Бу уларнинг тур ва навларига, ёшига, яшаш муҳитига, ҳар хил органларига ва ҳатто ҳужайра органоидларига ҳам боғлиқ. Айниқса, ўсимликнинг ёш аъзоларида ва баргida бу кўрсаткич 90 фоизгача бориши мумкин. Сув миқдори ҳужайра протоплазмасида 80 фоиз, ширасида 98 фоиз, пўстида 50 фоизгача етиши мумкин. Айрим ҳўл меваларда жуда кўп: бодрингда 98 фоиз, помидорда 94 фоиз, тарвуда 92 фоиз, картошкада 77 фоизгача бўлади.

Ўсимликлар ҳаётий жараёнида сув қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) биокимёвий реакцияларнинг содир бўлиши учун асосий муҳит булиб ҳисобланади;
- 2) кимёвий бирикма бўлганлиги учун муҳим реакцияларда : гидролиз, синтез, оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларида (фотосинтез, нафас олиш, минерал элементларни ўзлаштириш ва ҳоказолар) тўғридан-тўғри иштирок этади;
- 3) ўсимликларни кучли иссиқлик таъсиридан сақлайди, улар ҳароратини пасайтиради (транспирация);
- 4) ўсимликларнинг тупроқдан қабул қилган минерал элементлари, унинг танасида ҳосил бўлган органик моддаларнинг ҳаракати ва қайта тақсимланиши ҳам сув ҳисобига содир бўлади.

Табиатда яшовчи ҳар бир ўсимлик ўзининг онтогенезида жуда кўп миқдорда сув сарфлайди (асосан, танаси орқали буғлатади). Масалан, маккажӯхори вегетация давомида 200 л гача, буғдой эса бир тонна Қуруқ модда ҳосил қилиш учун 300 т сув сарфлайди. Умуман, ўсимлик орқали ўтган сув миқдорини 1000 қисм деб олсан, шундан 1,5-2 қисмигина органик моддаларнинг ҳосил бўлишида иштирок этиб, қолган 998 ёки 998, 5 қисми тана орқали буғланиб кетади. Ўсимлик ўз онтогенезида сарфлайдиган сув миқдори кўп ёки оз бўлиши иқлим шароитига боғлиқ. Масалан, иссиқ ва қуруқ иқлимда бу кўрсаткич сернам иқлимдагидан кўра 2-3 марта кўп бўлиши мумкин. Қолаверса, бунга тупроқдаги сув миқдори ҳам таъсир қиласди.


## 5.2. СУВНИНГ ШИМИЛИШИ ВА ҲАРАКАТИ

Барча қуруқликда яшовчи ўсимликларнинг танасида тұхтосыз сув алмашиниш жараёни содир бўлиб туради. Бундай жараён ўсимликларнинг сув режими дейилади ва уч босқичдан иборат: 1) сувнинг илдиз томонидан шимилиши; 2) ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракати ва тақсимланиши; 3) барглар орқали бугланиши – транспирация. Бу босқичларнинг ҳар бири бир қанча жараёнларни ўз ичига олади.

Ўсимликлар сувга бўлган талабнинг жуда оз қисмини ер усти аъзолари (асосан барглари) орқали таъминлайдилар. Бу асосан ёғингарчилик ва ҳаво намлиги юқори бўлган даврлардагина юз бериши мумкин. Меъёрий ўсиш ва ривожланишни таъминлайдиган асосий сув миқдори тупроқдан илдиз тизими орқали олинади.

**ТУПРОҚДАГИ СУВ ФОРМАЛАРИ.** Тупроқдан сув олиш учун ўсимлик илдиз ҳужайраларининг сўриш кучи тупроқ эритмасининг сўриш кучидан бирмунча юқори бўлиши шарт. Чунки тупроқда бундай сўришга қаршилик қилувчи кучлар мавжудки, улар сувни ушлаб турувчи кучлар дейилади. Одатда, тупроқ таркибида сув тоза эмас, балки маълум концентрацияли эритма ҳолида бўлади. Эритманинг концентрацияси тупроқдаги сувда эрувчи тузлар ва бошқа моддаларнинг миқдорига боғлиқ.

Бундан ташқари тупроқда осмотик қаршилик билан бир қаторда адсорбцион хусусиятдаги қаршилик ҳам бор. У сув молекулаларининг тупроқ доначалари билан бўлган ўзаро муносабатидан келиб чиқади, яъни сув тупроқ доначалари билан ҳар хил даражада бирикади ва натижада тупроқда ҳар хил шакллар ҳосил бўлади (46-чизма).



46-чизма. Тупроқдаги сувнинг ҳар хил шакллари (доирачалар – тупроқ доначалари):

1 – кимёвий боғланган сув; 2 – гигроскопик сув; 3 – пардасимон сув; 4 – капилляр сув; 5 – гравитацион сув.

5) гравитацион сув – сув билан тўлдирилган ва ҳаракатчан йирикроқ тупроқ капиллярлари. Бундай сув яхши ўзлаштирайлади; 4) капилляр сув – тупроқнинг торроқ капиллярларидаги сув менискларининг юзаки тортилиши натижасида ушланиб туради ва оғирлик кучига буйсуниб пастга тушмайди, бу сувни ушлаб турадиган куч жуда оз, шунинг учун уни илдиз тукчалари бемалол сўради; 3) пардасимон сув – бу сув тупроқ дона

чалари сатқыда молекуляр тортув күчләри – адсорбция билан ушланиб туради, бу күчләр анча юқори ва парда юпқалашгани сари ошиб боради. Бундай сувларни үсимликлар қийинчилик билан үзлаштиради; 2) гигроскопик сув – бу сувни тупроқ доначалари жуда катта күч (1000 атм. яқын) билан ушлаб туради ва уни үсимликлар мутлақо үзлаштиrolмайды, бу тупроқ доначаларининг катта-кичиликкега қараб 0,5 фоиздан (йирик күмларда) тортиб то 14 фоизгача (огир соз тупроқда) булиши мумкин; 1) имбибицион сув – кимёвий жиҳатдан бириккан булиб, тупроқ ичидагиллоид моддалар қанча күп бўлса, у ҳам шунча күп бўлади. Бундай сув айниқса, торфли тупроқларда күп ва үзлаштирилмайди.


Умуман, тупроқдаги сув формалари икки групга бўлинади: 1) эркин сув – үсимлик томонидан осонлик билан үзлаштириладиган сув шакллари (гравитацион, капилляр ва қисман пардасимон); 2) боғланган, яъни үсимликлар үзлаштирилмайдиган сув шакллари (гигроскопик ва имбибицион). Тупроқдаги эркин үзлаштириладиган сув шакллари ўргача 0,5 МПа, қисман үзлаштириладиган сув шакллари 1,2 МПа ва үзлаштирилиши қийин бўлган сув шакллари 0,25-3,0 МПа.гача бўлган күч билан ушланиб туради.

Үсимликлар үзлаштира олмайдиган сув – сувнинг ўлик захираси дейилади. Ўлик захиранинг миқдори одатда, тупроқ турига ва таркибига қараб ўзгариб туради.

Тупроқнинг тұла нам билан таъминланиш қобилияти тұла нам сифи-ми дейилади. Тұла нам сифими ҳам тупроқ турларига қараб ҳар хил миқдорға әга: йирик күм – 23,4 фоиз, майда күм – 28,0 фоиз, енгил қумоқ – 33,4 фоиз, огир қумоқ – 47,2 фоиз, огир соз – 64,6 фоиз ва бошқалар.

**ИЛДИЗ ТИЗИМИ ВА УНИНГ СУВНИ СЎРИШИ.** Үсимликларнинг тұла сув билан таъминланиш жараёнида илдиз тизими асосий рол үйнайды. Шунинг учун ҳам илдизнинг ривожланиш жадаллiği морфологик ва анатомик тузилишлари тупроқдан сув ва сувда эриган минерал элементларни сурешке мослашган. Илдизнинг энг фаол бирламчи тузилишида бир қанча тұқымаларни куриш мумкин: илдиз қини, апикал меристема, ризодерма, бирламчи пұстлок, эндодерма, перицикл ва үтка-зувчи тұқымалар (47-чизма). Илдизнинг үсуви қисми узунлиги 1 см атрофида булиб, меристема (1,5-2,0 мм) ва чүзилиш (2-7 мм) қисмларини үз ичига олади. Илдизнинг меристема қисмидаги хужайралар тұхтоворсиз бўлинниб туради. Ҳар бир хужайра үз ҳаётида 6-7 мартағача бўлинади ва илдизларнинг үсишини таъминлайди. Хужайралар бўлинишдан тұхтагандан сұнг чүзилиш бошланади. Илдизнинг чүзилиш қисмидә хужайраларнинг дифференцировкаси тугалланиб, илдизларнинг түкчалик қисми бошланади ва у ерда илдиз асосий тұқымаларининг шаклланиши түгайды: ризодерма, бирламчи пұстлок, эндодерма ва марказий цилиндр тұқымалари. Ризодерма бир қават булиб жойлашган хужайралардан иборат. Асосан илдиз түкчаларини ҳосил қиласы да бунинг натижасыда илдизнинг сув ва сувда эриган минерал моддаларини сүрувчи юзасини бир неча

баробар оширади. Илдизнинг тукчалар қоплаган қисми қанча күп бўлса, унинг умумий сувни сўрувчи сатҳи ҳам шунча күп бўлади. Бундай тукчаларнинг ҳар бири тупроқ капилляри ичига кириб, ундаги сувни сўради ва ўзининг асосий физиологик функциясини бажаради.



47-чизма. Илдизнинг шаклий тузилиши:

I—перицикл; 2—флоэманинг етилмаган элементлари; 3—флоэманинг етилган элементлари; 4—Каспари белбоги бўлмаган элементлари; 5—ксилеманинг етилмаган элементлари; 6—ризодерма; 7—бирламчи пустлоқ; 8—Каспари белбогли эндодерма; 9—ксилеманинг етилган элементлари; 10—илдиз тукчалари; //—марказий цилиндр: I—илдиз қуни; II—меристема қисми; III—чўзилиш қисми; IV—тукчалик қисми.

Илдизнинг тукчалик қисмидан юқориси пассив хусусиятга эга. Чунки бирламчи пустлоқ ҳужайраларининг девори қалинлашади, пўкақлашади ва ҳатто айрим ҳужайралар нобуд бўлади. Бунинг натижасида сув ва унда эриган моддаларни ололмайди. Кўпчилик ер устида яшовчи усимликлар онтогенезининг биринчи босқичида илдиз тизими устки қисмига нисбатан тез ривожланади ва атрофга мустаҳкам, кенг тарқалади. Фалласимонларнинг илдиши 1,5-2 м чуқурликкача этиши мумкин. Бир

түп кузги сулининг илдизи энг қулай шароитда яхши ривожланиб, ён шоҳлари жуда кўпаяди, яъни 143 та бирламчи, 35 минг иккиламчи, 2 млн. 300 минг учламчи, 11,5 млн. туртламчи тартибдаги илдизлар ҳосил бўлади. Илдизларнинг умумий сони 14 млн.га етиб, узунлиги 600 км ва умумий сатҳи  $225 \text{ м}^2$  тенг бўлади. Бу илдизларда 15 миллиард тукча бўлиб, умумий узунлиги 10 минг км атрофига. Умуман, ўсимликнинг илдиз сатҳи ер устки қисмига нисбатан 100 мартадан кўпроқ бўлади.

Мевали дараҳтлардан 5-7 шоҳчаси бўлган олма дараҳтида 50 мингдан ортиқ илдиз ҳосил бўлади.

Илдиз ҳужайраларининг сувни фаол шимиши ва сиқиб юқорига чиқариши илдизларда модда алмашинуви сабабли рўй беради. Натижада илдиз тизими сувни тупроқ бўшлиғидан сўриб олиб, маълум бир



48-чизма. Илдиз тукчаларидан то ўтказувчи найчаларгача сувнинг ҳаракат ўюли:


1-илдиз тукчаси; 2,6-паренхима ҳужайралари; 7-эндодерма;  
8-перицикл; 9,11-марказий цилиндр паренхимаси; 12-  
ўтказувчи най.

Йўналишда тукчалардан то ўтказувчи найчаларгача ҳаракатга келтиради. Бу ҳаракат илдиз тукчалари, илдиздаги пўстлоқни ҳосил қилувчи паренхима ҳужайралари, эндодерма, перицикл маркази, паренхима ва ўтказувчи найчаларгача давом этади (48-чизма).

Анча фаол хусусиятга эга мазкур ҳаракат механизмига фақат асри-мизнинг 80-йилларидагина аниқликлар киритилди. Илдизнинг пўстлоқ тўқимаси ҳужайралари орқали сув ҳаракати уч йўл билан содир бўлиши мумкин: апопласт, симпласт ва трансвакуоляр (49-чизма).

Симпласт сувнинг ҳужайра цитоплазмаси орқали ҳаракатланишини билдиради. Ризодерма ва паренхима ҳужайраларига сувнинг кириши ва ҳаракатланиши осмос қонунлари асосида содир бўлади. Бу ҳаракатга қисман АТФ ҳам сарфланади. Умуман сув илдиз тукчаларидан то ўтказувчи найларгача симпласт йўли билан ҳаракат қиласи.

Апопласт деб сувнинг ҳужайра пўсти орқали ҳаракатланишига айтилади. Ҳужайра пўстининг сувга нисбатан қаршилиги цитоплазмага қараганда анча камлиги апопласт ҳаракатининг фаоллигига сабаб бўлади. Бу ҳаракат ризодерма



49-чизма. Илдиз ҳужайралари орқали сувнинг ҳаракат йўллари (Newmal, 1976):


а—трансвакуоляр; б—симпласт; в—апопласт йўли, ҳужайра пусти; с—цитоплазма, вакуола. 1—най; 2—перицикл; 3—энодерма; 4—пуст; 5—эпидермис.

— илдиз тукчалари ҳужайраларининг пустидан бошланиб, эндодерма ҳужайраларигача давом этади. Эндодермага келган сув узйуналишини апогласт йўли билан давом эттиrolмайди. Чунки бу ерда пусти жуда қалинлашган (Каспари белбоғи) ва сув ўтказмайдиган ҳужайралар қавати жойлашган. Бироқ улар орасида маҳсус ўтказувчи ҳужайралар борки, улар илдизнинг ксилема ҳужайралари билан туташган. Апопласт йўли билан эндодермагача келган сув ўтказувчи ҳужайраларининг цитоплазмасига ўтади ва симпласт йўли билан ўтказувчи найларгача давом этади.

Трансвакуоляр сувнинг ҳужайра шираси орқали ҳаракатланишини билдиради. Ҳужайрага сувнинг кириши ва ҳаракатланиши ҳужайра ширасининг осмотик босимига тўла боғлиқ.

Осмотик босим қанча юқори бўлса, бу ҳаракат ҳам шунча фаол булиши мумкин, чунки у ҳужайранинг сурини кучини оширади.

Шундай қилиб, илдиз тукчаларида шиммиятган сув ҳужайрадан ҳужайрага ўтиши натижасида ксилема найларига ўғали ва уларни пастдан юқорига итарувчи гидростатик босим ҳосил қиласди. Бу босим - илдиз босимиdir. У куч ксилема найларидағи эритманинг илдиздан ер усти қисмларигача стиб боришини таъминлайди. Агар тувак үсимлик танасини илдизга яқин жойидан кесиб, қолган қисми га резина найча кийдирилса ва унга капшиша найча ўтказилса, у ҳолда илдиз ҳужайраларининг босими туфайли ниша найчада эритма кўтарила бошлайди. Сув тўплайдиган найча ўрнига симб монометри ўрнатилса, илдиз босимини улчаш мумкин (50-чизма).



50-чизма. Симб монометри билан илдиз босимини улчаш.

Кесилган поядан эритманинг оқиб чиқиши ўсимликларнинг йиғлаши деб аталади. Ажралып чиқсан эритма шира дейилади. Чунки унинг таркибида органик ва анерганик моддалар эриган ҳолда бўлади ва маълум концентрацияни ташкил этади.

Ўсимликларнинг илдиз босими ҳар хил бўлиб, ўтсимон ўсимликларда 1-3 атм. атрофида, ёғочсимон ўсимликларда эса бироз кўпроқ бўлади. Йиғлаш ҳодисаси ҳам ҳамма ўсимликларда бир хил эмас. Баъзиларида

(кунгабоқар, маккажӯхори ва бошқалар) унинг борлиги жуда осон аниқланса, бошқаларида (қарағай, арча) деярли сезилмайди. Қолаверса, бу ҳодиса йил фаслларига ҳам боғлиқ, масалан, баҳорда кучли. Баъзиларида (оқ қайнин, ток) кесилган пояларидан кўп эритма оқиб чиқади (51-чизма). Бу илдиз босимининг жуда юқорилигидан далолат беради. Бу даврда асосий поядан босим 10 атмосферагача етади. Танадан ажралётган ширарани йиғиб олиб, кимёвий анализ қилиш ўти билан илдизнинг функционал фаолиятини ўрганиш мумкин (52-чизма).



51-чизма. Оқ қайнин дарахтинг танасидан оқиб чиқаётган эритмани тұплыш.

Агарда туvakда ўстирилаётган ўсимлик бир неча соатга нам атмосферага жойлаштирилса ёки устига шиша қалпоқ ёпиб қўйилса, баргларининг учларида сув томчилари пайдо бўлади. Улар вақти-вақти билан томиб тушади ва үрнига янгилари вужудга келади. Бундай ҳолат туттация деб аталади, уни нам ҳавода кўпчилик ўсимликларда кузатиш мумкин (53-чизма).

Бунда ҳам илдиз босими асосий рол уйнайди. Гуттацион томчиларнинг ҳосил булиши, айниқса, тропик ўсимликларга хос хусусиятлар, чунки улар кўпроқ наминик шароитда яшашга мослашганд. Уларда транспирация жараёни анча қийинчилек билан кечади. Бундай шароитларда сувнинг юқорига кутарилиши асосан илдиз босими ҳисобига рўй беради.

**ИЛДИЗ ТИЗИМИНИНГ СУВНИ, СУРИШИГА ТАШКИ ШАРОИТОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.** Ҳарорат илдизнинг сувнй сурин тезлигига таъсир қўладиган энг муҳим омишлардан биридир. Агар түпроқ ҳаророти пасая бошласа, илдизнинг сувни сурин қобилияти ҳам сусая боради. Бу ҳодисани кузатиш учун ўсимлик ўсиб турған туvak атрофини муз билан



52-чизма. Кесилган танадан эритманинг оқиши.



### *53-чизма. Арна барғыдағы зұттасыя.*

ураб қўйиш керак. Кўп ўтмай ўсимлик сулий бошлайди. Чунки тупроқ совиганда илдизларга жуда ҳам суст борадиган сув ўсимликдан бугланиб сарфланадиган сув миқдорини қоплай олмайди. Тувак меъёрий ҳароратга ўтказилса, ўсимлик аввалги ҳолатига қайтади. Паст ҳароратда сувни сўриш қобилия-тининг пасайиши ҳужайра протоплазмаси қовушқоқлик дарајасининг ошиб кетиши туфайли рўй беради, деб тушунтирилади. Тупроқ ҳарорати кескин пасайганида, ўсимликнинг сулиши натижасида ҳамма физиологик жараёнлар ҳам бузилади : оғизчалар ёпилади, транспирация ва фотосинтез жараёнлари кескин пасаяди. Минерал элементларнинг ютилиши ҳам тўхтаб қолади. Бундай ҳолат узоқроқ давом этса, ўсимликлар нобуд бўлиши мумкин.

Сувнинг илдизга кириш тезлигига ҳаводаги кислород миқдори ҳам таъсир этади. Ҳужайра протоплазмаси сувни ҳаракатга келтириш учун маълум миқдорда энергия сарфлайди, бу энергия эса нафас олиш жараёнида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам зич тупроқли, қатқалоқли ёки узокроқ муддатга сув билан қопланган ерларда ўсимликлар яхши ривожлана олмайди ва нобуд бўлади. Чунки бундай ерларда кислород етмай қолади ва натижада илдизларнинг нафас олиши секинлашади ёки тұхтаб қолади. Ҳужайларларда модда алмашинув жараёни ҳам бузилади, натижада спиртлар, углеводлар ва органик кислоталар тұплана бошлайди. Протоплазманинг осмотик хусусиятлари ҳам үзгариб кетади. Шунинг учун ҳам тупроққа яхши ишлов бериб, агротехник тадбир-чораларни тұғыр күллаш ва аэрация таъминотига эришиш илдизларнинг фАОЛЛИГИНИ оширади.

Илдизнинг сувни сурин ва ҳаракатга келтириш қобилиятига тупроқ эритмасининг концентрацияси ва pH даражаси ҳам таъсир этади. Илдиз ҳужайраси ширасининг концентрацияси тупроқ эритмаси концентрациясидан юқори бўлсагина сув илдизга сўрила бошлиди. Акс ҳолда илдиз тупроқдан сув олиш у ёқда турсин, узида мавжуд сувни ҳам йуқотиши мумкин. Шунинг учун ҳам шўр тупроқларда фақат осмотик босими юқори ўсимликлар (шуралар ва бошқалар) яшай олади. Чунки уларнинг ҳужайраларида туз тўпланиш ҳисобига осмотик босим жуда юқори бўлади.

Тупроқ эритмасининг pH жуда паст (2-3. яъни нордон реакцияга эга) бўлган эритмаларидан қўпчилик ўсимликларнинг илдизлари сувни узлаштирилмайди. Реакция нейтрал даражага якинлашган сари сувни узлаштирилиши ҳам фаоллаша бора.

### 5.3. ТРАНСПИРАЦИЯ

Үсимликлар танаси орқали сувнинг буғланиши *транспирация* дейилади. Транспирация үсимликлар танасида содир буладиган энг муҳим физиологик жараёлардан биридир. Асосий транспирация органи баргдир. Үсимликлар юзасининг катталиги СО<sub>2</sub>нинг кўп ютилиши, ёруғлик энергиясидан самарали фойдаланиш ва сув буғлатувчи юзанинг кенг булишини таъминлайди. Сув барг юзасидан асосан оғизчалар орқали буғланади. Бунинг натижасида барг ҳужайраларида сув миқдори камаяди ва сўриш кучи ортади. Баргларда сўриш кучининг ортиши ўз навбатида барг томирлари ва найларидан сувни тортиб олиш жараёнини фаоллаштиради. Юқоридан тортиб олувчи кучнинг пайдо булиши үсимлик танаси бўйлаб сув ҳаракатини яна тезлаштиради. Шундай қилиб, юқоридан ҳаракатга (тортувчи) келтирувчи куч транспирация натижасида вужудга келади. Транспирация фаолиятига қараб, бу куч ҳам шунча юқори булади. Транспирация фаоллиги ҳароратга, үсимлик турларига, яшаш шароитларига ва бошқаларга боғлиқ. Уларни бир-бири билан солишириш ва ўрганиш учун транспирация жадаллиги деган тушунча мавжуд. Транспирация жадаллиги деб бир метр квадрат барг юзасидан бир соат давомида буғлатилган сув миқдорига айтилади. Кўпчилик үсимликлар учун транспирация жадаллиги ўртача бир соатда кундузи 15-250 г/м<sup>2</sup>, кечаси 1-20 г/м<sup>2</sup> га тенг булади. Айрим ҳолларда бу кўрсаткич юқори булиши ҳам мумкин. Ўрта Осиё шароитида ёзниң иссиқ кунларида ғўзанинг транспирация жадаллиги 450-1200 г/м<sup>2</sup> гача кўтарилиши мумкин.

Сувдан унумли фойдаланиш үсимлик организмининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу хусусият маълум миқдорда қуруқ модда ҳосил қилиш учун сарфланган сув миқдори билан белгиланади ва транспирация коэффициенти деб аталади. Яъни 1 г органик модда ҳосил қилиш учун сарфланган сувнинг миқдори—транспирация коэффициенти дейилади. Бу кўрсаткич ҳам жуда кўп омилларга боғлиқ. Масалан, ғўзанинг ҳар хил навлари ўртасида 891 дан 1040 г.гача (Итон, 1955), ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш жараёнида 600 дан 1420 г.гача булиши мумкин (Рижов, 1948). Умуман, кўпчилик үсимликлар учун бу сон 125-1000 г, ўртача эса 300 г булади, яъни бир тонна органик модда олиш учун 300 тонна сув сарфланади.

Транспирация унумдорлиги деб 1000 г сарфланган сув ҳисобига ҳосил бўлган органик модда миқдорига айтилади. Бу кўпчилик үсимликлар учун 1-8 г.га тенг, ўртача 3 г атрофида булади. Бошқача қилиб айтганда, бутун үсимлик танаси орқали буғланган сувнинг 99,8 фоизи транспирацияга, қолган 0,2 фоиз органик модда ҳосил қилиш учун сарфланади.

Транспирация мураккаб биологик ҳодиса бўлиб, үсимликлар ҳаётидан ҳар томонлама катта рол ўйнайди. Масалан, ғўза қанча тез ўсса ва

транспирация жадаллиги юқори бұлса, у сувдан шунчалик унумли фойдаланади.

Ўсимликлар ҳәтида транспирация серқирралы ажамиятга эга. Асосан у сув ва ҳар хил моддаларни ўсимлик танасининг пастки қисмидан юқорисига томон ҳаракатга келтиради. Транспирация натижасида сўриш кучининг ҳосил бўлишини тажрибада кўриш мумкин. Бунинг учун 2-3 баргли шохчани кесиб олиб, пастки қисмини сувли идишга солиб қўйилса, у идишдаги сувни сўра бошлайди. Сув барглар орқали қанча тез буғланса, идишдаги сув ҳам шунча камая боради. Агар шохчадаги барглар кесиб ташланса, сувнинг сарфланиши ҳам тўхтайди.

Ууман, транспирациянинг сўриш кучи ўсимлик турларига ҳам боғлиқ. Дараҳтсизон ўсимликларда бу куч илдиз босимидан бир неча марта юқори. Ўтчил ўсимликларда эса аксинча, илдиз босими юқори, лекин шунга қарамай транспирациянинг сўриш кучи ҳам мухим аҳамиятга эга.


Транспирация үсимликларни юқори ҳарорат таъсиридан сақтайтын болады. Одатта транспирация туфайли үсимлик танаси ҳарорати атмосфера ҳароратидан бир неча даражада паст булады. Бирок айрим үсимликларда юқори-роқ булиши ҳам мүмкін. Масалан, саҳролардаги үсимликлар баргларининг ҳарорати қуёшнинг кучли иссиқлик энергиясини ютишига қарамасдан, соядаги баргларга нисбатан  $6\text{--}7^{\circ}\text{C}$  га күп. Бу эса ёзниң иссиқ кунларида үсимликнинг бутун ҳаёттеги жараёни учун катта аҳамиятта эгадыр. Айниңса, фотосинтез учун қулай шароит яратылады. Чунки оғизчаларнинг очиқлығы  $\text{CO}_2$ нинг үзлаштирилишини фаоллаштирады. Протоплазма коллоид мицеллаларининг хлоропластлар тузилмаси ва функцияларының өзгөрүшілігінде оның әсерінен көрсетіледі.

Агар сув етишмаслиги оқибатида транспирация жадаллиги пасайса ёки тұхтаб қолса, үсимлик ҳарорати тез ошиб кетади. Бу эса ундаги барча жараёнларнинг үзгариб кетишига олиб келади. Протоплазманиң коллоид хоссаси бузилади, фотосинтез тұхтайди, нафас олиш тезлашади. Бу үзокрөң давом этса үсимликлар нобуд бұлади.

Баргнинг пластинкасимон (кенг) тузилиши фотосинтез ва транспирация жараёнлари учун энг қулай шароит яратади. Баргнинг асосий қисми мезофилидир. У бир қатор жойлашган эпидермис ҳужайралари билан қопланган (54-чизма). Қопловчи түқима одатда икки қаватдан иборат: устунсимон ҳужайралар баргнинг устки эпидермисининг остида ва булатсимон ҳужайралар баргнинг пастки қисмida жойлашган. Кўпчилик ўсимликларда оғизчалар баргнинг пастки эпидермисида жойлашган. Натижада булатсимон ҳужайралар орасидаги кенгрок бўшлиқлар сув алмашиниши ва бугланиши учун қулайлик туғдиради. Барг эпидермиси аксарият ҳолда кутикула қавати ва тирик ёки ўлик тукчалар билан қопланган. Барглардаги транспирация икки босқични ўз ичига олади: 1) сувнинг барг томирларидан мезофиллга утиши; 2) мезофилл ҳужайраларининг деворидан буғланган сув

хужайралараро бұшлиқтарга ва ундан оғизчалар ёки кутикула қавати орқали атмосферага чиқиши.

Транспирация асосан барг оғизчалари орқали идора қилинади, яғни транспирация натижасыда буғланған сувнинг 95-97 фоизи оғизчалар ва қолган қисми кутикула орқали атмосферага тарқалади. Шунинг учун ҳам транспирация жадалліги баргдаги оғизчаларнинг сонига ва уларнинг очиқ ёки ёпік құлғыннан шартынан шароитларига боянып. Оғизчалар очиқ ёки ёпік булиши мүмкін. Бұнга ҳар хил омиллар сабаб. Энг мұхими сув билан таъминлаштырылады. Сув етарли шароитта оғизчалари очилади ва аксинча камлигидә ёпилади. Күпчилик үсимликларнинг баргдаги оғизчалар ёруғ-лиқда очилиб, қоронгилиқда ёпилиши ҳам мүмкін.



54-чизма. Барг пластинкасыннинг транспирацияга мослашиб түзилиши  
(стрелкалар билан буғларнинг ажралиб чиқыш йүлләри тасвирланған).

Күпчилик үсимликларнинг оғизчалари тонг отганда очила бошлайды, әрталабки соатлар уларнинг энг күп очилған вақти булади. Туш вақтларда оғизчаларнинг очиқлігі ёки торая бошлаши үсимликларнинг сув билан таъминланиш даражасына боянып. Кечгеге томон ёпиле бошлайды. Ҳаво жуда иссиқ ва қуруқ вақтларда күн бүйін ёпік турады ва әрталабгина қисқа мұддатта очилади. Оғизчалар ҳолатининг бир кеча-кундузлик динамикасына қараңыз транспирация жадаллігі ҳам үзгәради. Бу үзгариш ҳамма үсимликларга хос, фақат уларнинг жадаллікларыда фарқ бор. Күпчилик үсимликларда транспирация жадаллігі әрталабки соатлардан күннинг ўрга қисміне томон ортиб борады ва энг юқори даражага етади, сүнгра яна күксизлана бошлайды. Бу күпинчә қүёшнинг үзгариши натижасыда ҳосил булаған ҳароратнинг ортиши ва оғизчаларнинг ҳолатына боянып. Ҳаво жуда иссиқ ва сув миқдори камроқ күнларда транспирация асосан әрталабки соатларда ва кечгеге томон жадал бориб, күннинг ўрга соатларда жуда паст булиши мүмкін. Бундай ҳолатлар үз навбатында үсимлик турларига ҳам боянып.

Оғизчалар ёпік вақтда сув буғларнинг ташқарига чиқиши тұхтай-ди ва хужайра оралықлары намлық ҳавога тулади. Натижада транспирация жадаллігі ҳам секинлашиб, тұхташ ҳолатына яқынлашади. Бундай

вақтларда кутикуляр транспирациясигина давом этади. У оғизчалар орқали бўладиган транспирациядан 10-20 мартағача секин. Кутикуляр транспирациянинг жадаллиги кутикуланинг қалинлигига ҳам боғлиқ, яъни кутикуласи жуда юпқа бўлган ёш баргларда кучлироқ, кутикула қавати қалинлашган қарироқ баргларда секин бўлади. Умуман, транспирация ўсимликлар учун зарур физиологик жараёндир. Унинг жадаллиги жуда кўп ички ва ташқи омилларга боғлиқ.

#### 5.4. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СУВ МУВОЗАНАТИ

Ўсимликлар танасига сувнинг кириши ва сарфланиши сув мувозанати дейилади. Бунда ўсимлик танасига кираётган сув билан сарфланаётган сув миқдори бир-бирига тўғри келиши лозим.

Лекин ёзги очиқ кунларда қўёш нурлари таъсиридан транспирация кучайиши ва ўсимлик қабул қилаётган сув унинг ўрнини қоплай олмаслиги натижасида нисбий тенглик бузилади. Оқибатда сув дефицитлиги (тақчиллиги) рўй беради. Аксарият ҳолларда тақчиллик 5-10 фоизга тенг ва ўсимликларга кўп зарар қилмайди. Чунки асосан туш вақтида бўладиган бундай сув тақчиллиги одатдаги ҳодиса ҳисобланади. Ўсимлик унинг таъсирида транспирация жадаллигини тартибга солиб туриш қобилиятига эга бўлади. Бу сув тақчиллигининг ошиб кетишига йўл қўймайди.

Транспирация ҳам жуда кучайиб кетганда, тупроқда сувнинг миқдори камайиб қолса, ўсимликларга кираётган сувнинг миқдори ҳам жуда камайиб кетади ва ўсимликларнинг сув мувозанати анча қаттиқ бузилади. Бу айниқса, сутканинг энг иссиқ соатларида содир бўлади. Сув тақчиллиги рўй берганда барглар сўлиб ва осилиб қолади.

Сув тақчиллигини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$D = \frac{(M_1 - M)}{M_1} \cdot 100,$$

бу ерда,  $D$ —сув тақчиллиги,  $M$ —барг кесмаларининг (доирача) сувга солгунча бўлган оғирлиги,  $g$ ,  $M_1$  — барг кесмаларининг 60 дақиқа давомида сувда сақлангандан кейинги оғирлиги,  $g$ .

Сўлиган ўсимлик ўз вақтида сув билан таъминланса, у яна (меъёрий) тургор ҳолига қайтади. Ўсимликлар вақтинча ёки узоқ вақтгача сўлиши мумкин. Вақтинча сўлиш ҳаво жуда иссиқ ва қуруқ булганида рўй беради. Яъни сув мувозанати бузилади, лекин кечга томон транспирация пасайиб қолиши билан ўсимликка ўтадиган сув миқдори билан ундан чиқиб кетадиган сув миқдори яна бараварлашади ва ўсимликлар ўзларининг аввалги ҳолатига қайтади. Вақтинча сўлиш ўсимликка кўп зарар қилмаса ҳам ҳосилни камайтиради. Чунки бу пайтда фотосинтез ва ўсиш тухтайди. Тупроқда сув миқдори камайганда эса сўлиш узоқ вақтгача давом

этади. Бундай ҳолатда ҳужайралардаги сув тақчиллиги тезда тикланмайды ва ҳатто кечаси ҳам меъёрдаги физиологик жараён бошланмайды. Кечаси тикланмай қолган сув миқдори қолдик дефицит дейилади. Бундай ҳолга учраган ўсимликлар күпроқ заарланаңдилар.

Узоқ давом этган сұлиш қайтмас ўзгаришларга сабаб бұлади, бундай ҳужайралар сүфорғандан кейин ҳам қуриб қолиши мүмкін.

Сұлиш ўсимликтің, айниқса, ёш генератив органларига күпроқ таъсир этади. Гул органларининг шаклланиши кечикәди, генератив органларининг тұқилиши кучаяди ва ҳосилдорлик кескин камаяди. Донли ўсимликларда бошоқлар яхши етишмайды, донлар сони кам ва пуч бұлади. Фұзада эса шоналар, гуллар ва ёш күсаклар күпроқ тұқилади.

Ууман, сув тақчиллигининг заарлы таъсири ҳамма ўсимликларда бир хил эмас. Бунга чидамлилық ўсимликтің турларига боғлиқ. Масалан, ёргулксевар ўсимликлар (күнгабоқар, картошка) танасидаги сувнинг 25-30 фоизини йүқтегендегі ҳам уларда сұлишнинг ташқы белгилари яхши сезилмайды. Соға чидамли ўсимликлар сувларини 13-15 фоиз йүқтешіп билан сұлиб қоладилар. Ботқоқияқда яшовчи ўсимликлар энг чидамсиз бўлиб, сув тақчиллиги 7 фоиз бўлганда қуриб қоладилар.

Ўсимликларни тизимли равишда сув билан таъминланиб туриш уларнинг танасидаги физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг бузилмасдан меъёрий ҳолда содир булишини таъминлайды. Бу эса мүмкін қадар күпроқ ҳосил олиш учун шароит яратади.

## 5.5. АНТИТРАНСПИРАНТЛАР

Кейинги йилларда бир қанча моддалар олиндикі, уларни ўсимликтарға пуркағанда транспирация жадаллігі сезиларлы даражада пасаяді. Бундай ҳүсусияттаға эга бўлган моддаларға антитранспираантлар дейилади.

Ҳамма антитранспираантлар икки түруға бўлинади : 1) оғи ҷаларининиң өнилишнин таъминлайдиган моддалар; 2) барг устида юпқа парла ҳосил қўлувчи моддалар.

Оғи ҷаларининг өнилишнин таъминлайдиган моддаларға фенилмеркурацетат –  $C_8H_7NO$ , додецилсуқциият –  $CH_3-(CH_2)_6-CH_2-CH_2-COOH$  –  $CH_3(CH_2)_{10}COOH$ , абиз кислогаси –  $C_6H_5NO_2$  киради. Бу моддалар ўсимликка пуркағанда оғизчаларни ташкил қилған ҳужайраларнинг түргори камаяди ва улар ёнилади. Масалан, маккажухори, тамаки, тоғинамбўр, қараған барглариниң фенилмеркурацетатнинг 10-4M әритмаси пуркағанда, оғизчалар 2 ҳафта мобайнида өниқ бўлган. Транспирация жадаллігі эса 50 фоизгача пасайган.

Иккинчи түруқ моддаларға полимерлар полистилен, полипропилен, полистирол, поливинилхлорид кабилар киради. Булар баргларинин үстіда илёнка қавати ҳосил қиласып жадаллігін ажралиб чишишга механик тусик ҳосил бўлалар. Текиниришлар натижасига кўра-

транспирация жадаллиги 50 фоиздан күпроқ камаяди, фотосинтез ва минерал элементларни узлаштириш жадалларни узгармайды. Айрим үтказилган тажрибалар ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш мумкинлигини курсатади.

## 5.6. ЎСИМЛИКЛАРНИ СУГОРИШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Қишлоқ хужалик ўсимликларини сунъий сугориш юқори ҳосил олиш гаровидир. Чунки ҳосилдорлик лалмикор ерларга нисбатан 3-5 мартағача юқори булади. Ўсимликларни сунъий сугориш, айниқса, арид минтақалари (сувнинг буғланиши йиллик ёғингарчилик миқдори анча күп булган жойлар) учун катта аҳамиятга эгадир. Чунки бундай минтақаларда ўсимликларда сув тақчиллиги тез-тез содир булади. Олимларнинг курсатишича, ҳатто жуда қисқа муддатли сув тақчиллиги ҳам ўсимликларнинг меъёрида үсишига таъсир қилмай қолмайды. Ўсимликларда сув камчиллиги, айниқса, сувнинг сўрилиши, илдиз босими, оғизчалар ҳолати, транспирация, фотосинтез, нафас олиш ферментларининг фаоллиги, үсиш ва ривожланиш, ҳосилдорлик ва ҳосил сифати каби жараёнларга таъсир этади.

Сунъий сугоришни түгри ташкил қилиш учун сув мувозанати ва уни ташкил қилувчи асосий омилларни эътиборга олиш зарур. Бундай омилларга қўйидагилар киради: 1) ўсимлик турлари ва навлари (қурғоқчиликка чидамлилик даражаси, илдиз тизимининг ривожланиш хусусиятлари, үсиш даврлари); 2) ўсимликлар сони; 3) тупроқ муҳити (тупроқдаги сув миқдори, тупроқ эритмасининг осмотик босими, тупроқнинг тузилмаси ва намлик сигими); 4) иқлим омиллари (сувнинг ер устидан буғланиш натижасида сарфланиши ва транспирация, ҳаво ҳарорати ва намлиги, шамол, ёргулик, ёғингарчилик миқдори) ва бошқалар. Айниқса, арид минтақаларда етиштирилувчи маданий ўсимликларнинг сув режимини тавсифловчи физиологик жараёнларни ўрганиш ва улардан фойдаланиб сугориш сони, муддатлари ва меъёрини белгилаш мухим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хужалик ўсимликларини вегетация давомида таъминлаш учун сарфланадиган сув миқдори сугориш меъёри дейилади ва у қўйидаги формула билан аниқланади:

$$E = a P + W + M,$$

бу ерда,  $E$  – умумий сув миқдори,  $m^3/ga$ ,  $aP$  – ўсимликларнинг ёғингарчиликлар ҳисобига фойдаланган сув миқдори,  $m^3/ga$ ,  $M$  – бир марта сугориш меъёри,  $m^3/ga$ . Бу меъёрни белгилашда юқорида курсатилган омиллардан фойдаланилади. Масалан, гўза учун сугориш меъёри 3500 дан 10000  $m^3/ga$  булиши мумкин.

Бир марта сугориш меъёри қуйидаги формула билан аниқланади:

$$M = H (B_n - B_o) 100,$$

бу ерда,  $M$ —бир марта сугориш меъёри,  $m^3/га$ ,  $H$ —тупроқнинг ҳажмий массаси,  $T/m^3$ ,  $B_n$ —тупроқнинг намланувчи қатлами,  $B_o$ —тупроқнинг намланувчи қатламидаги дала намлик сигими, фоиз,  $B_o$ —сугориладиган дала тупроғининг намлиги, фоиз.

Ўсимликларни бир марта сугориш меъёри уларнинг ўсиш фазалари ва бу фазаларда сувни ўзлаштириш хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, гўза ўз вегетацияси давомида сарфлайдиган сугориш меъёрининг 20-25 фоизини гуллаш фазасигача, 55-56 фоиз гуллаш фазасида, 15-20 фоиз эса кўсаклаш ва пишиш фазаларида сарфлайди. Шунга асосан сугориш сони ва бир марта сугориш ( $400$  дан  $900 m^3/га$ , айрим ҳолларда  $1200 m^3/га$  бўлиши мумкин) меъёрлари белгиланади.

Айниқса, ўсимликларнинг сугориш муддатларини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу масалада ҳам бир қанча фикрлар мавжуд: 1) тупроқ намлигини ҳисобга олиш; 2) ўсимликтарнинг ташқи қуринишига қараб белгилаш; 3) ўсимликтарнинг физиологик жараёнлари асосида аниқлаш ва ҳоказо.

Тупроқ намлигини ҳисобга олиш ўсимликлар ўзлаштириши мумкин булган сув миқдори тамом бўлғандан кейин сугоришни билдиради. Лекин кўпчилик йирик физиологлар бу муддатни кеч деб ҳисоблайдилар. Ўлик захирага яқинлашгунча кўпчилик маданий ўсимликларнинг меъёр физиологик жараёнлари бузилади. Ҳатто баргларда дастлабки сўлиш белгилари пайдо бўлиши билан фотосинтез секинлашади ва нафас олиш жадаллиги ошади.

Ўсимликлар ташқи қуринишига қараб, яъни баргларининг сўлий бошлиши, барглар ва ўсиш нуқталари рангининг ўзгариши ва ҳоказолар физиологик жараёнларнинг бузилишини аниқлаши мумкин.

Бу ўзгаришлар ўсимликтарнинг бутун вегетациясига таъсир этади. Ўсиш ва ривожланиш сусаяди, ҳосилдорлик ҳам камаяди. Шунинг учун ўсимликлардаги физиологик жараёнларнинг бузилганини кўрсатувчи белгилар пайдо бўлмай сугориш муҳим аҳамиятга эга.

Сугориш муддатини белгилаш устида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, энг тўғри фикр ўсимликларнинг физиологик ҳолатини аниқлаш экан. Бунда, айниқса, барг ҳужайралари ширасининг сўриш Кучини аниқлаш ва шу асосда сугориш муддатини белгилаш бошқа усусларга нисбатан түғрироқ эканлиги исботланди.

Айрим ўсимликлар ва уларнинг ўсиш фазаларида ҳужайра ширасининг сўриш кучи қуйидагича булганда сугориш тавсия этилади: гўзада то гуллагунча  $-12$  атм., гуллаш фазасида  $-14$  атм., кўсаклаш ва пиша

бошлашда—16 атм., уруглик йүнгичқа ёш майсалари— 3-5 атм., шоналаш—8-11 атм., гуллаш фазасыда 14-18 атм. ва ҳоказо.

Кейинги йилларда тавсия этилган тез аниқлаш усулларидан яна биттаси барг ҳужайрасининг электрик қаршилигини аниқлашдир. Бу усул, айниқса, мевали дараҳтларнинг сугориш муддатларини белгилаш учун тавсия этилган.

Барг ҳужайраларида электр қаршилик 500-600 к Ом булганда, ўсимликлар сув билан меъёрида таъминланган ҳисобланади. Агар электр қаршилик ошибб, 1000-1500 к Ом га етса, сугориш тавсия этилади. Электр қаршилик 2000 к Ом га этиши кучли сув дефицити рўй берганини билдиради.

Шундай қилиб, үсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни бутун вегетация давомида мөйёрида сув билан таъминлаш зарур. Сув тақчиллигига, айнұса, унинг узоқ муддат булишига йул қўймаслик ҳосилдорлик гаровидир.

## **5.7. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СУВГА БҮЛГАН МУНОСАБАТИГА КУРА ЭКОЛОГИК ГУРУХЛАРИ**

Ер юзида яшайдиган барча үсүмликлар сувга булган муносабатига күра асосан икки гурӯхга ажратилади:

1. Сүвда яшайдыган үсімліктар.
  2. Қуруқликда яшайдыган үсімліктар.

**1. ГИДРОФИЛЛАР.** Сувда яшовчи үсимликлар гидрофитлар деб аталади. Улар сув үсимликлари ҳисобланиб, бутунлай ёки бир қисми сувга ботиб яшайды. Бу гурухга барча сувұтлари (сув айиқтоворни, нилфия, лотос, элодея, ряска, валиснерия, фиччак ва бошқалар) киради. Сув үсимликларининг яшаш мұхити сув бұлғанлиги учун ҳам үзига хос хусусиятлари – ошиқча сувнинг танага киришдан сақланишга мослашғанлигидір. Сув үсимликлари сузид жоруучи сат-жининг катта булиши, механик тұқымаларининг суст ривожлан-ғанлиги, вегетатив органларининг шилимшиқ булиши, қоллагич тұқымаларининг суст ривожланғанлиги, сузуучи баргларининг усту-ки томонида күплаб оғизчалар жойланиши, барг мезофили усту-симон ва булутсимон тұқымаларга ажралмаганлиги, илдиз тизими-нинг жуда күчсиз ривожланғанлиги, күпроқ вегетатив йүл билан күпайиши ва бошқалар билан ажралиб турадилар.


Сув қатламларыда ва остида яшовчи үсімлікларда оғизчалар бұлмайды. Уларға фотосинтез учун зарур бұлған (қызил) ёруғлик нурларининг ҳаммаси етиб бормайды. Шунинг учун ҳам уларнинг хлоропластларыда хлорофиллар билан биргаликта, тұлқын узунлиги қисқа 500-600 нм.га тенг бұлған нурларни қабул қылувчи құшимча пигментлар—фикобилин (фікоэрітрин ва фікоцианинлар) ҳам бұлады.

Сув ўсимликларининг тўқималарида жуда кўп ҳужайраларо бўшлиқлар бўлиб, улар газлар билан тўлиқ ва яхши аэренихимани ҳосил қиласди (55-чизма). Бундай ўсимликлар ўз гавдасини сувда яхши сақлади. Шунинг учун ҳам механик тўқималари яхши ривожланмаган. Ўтказувчи найлари ҳам кам ривожланган ёки бутунлай бўлмайди. Таандаги эпидермис қавати жуда юпқа бўлиб, кутикула бўлмайди, бўлса ҳам жуда юпқа бўлиб, сув ўтказишга қаршилик қилмайди. Осмотик босим ва ҳужайраларнинг суриш кучи 1-2 атм.га тенг бўлади. Метаболитик жараёнлар учун зарур сувни бутун гавдаси орқали шимиб олади. Бу ўсимликлар сувдан чиқариб олинса, бир неча минут ичидаги ҳамма сувни йўқотади ва нобуд бўлади. Сув ўсимликлари танасида ҳужайралараро бўшлиқларнинг бўлиши газ алмашув жараёнларини ҳам мўтадиллаштиради. Фотосинтез жараёнидан уларда кислород тўпланади ва нафас олиш учун сарфланади. Нафас олиш жараёнида ва айниқса, кечки (қоронги) муддатларда кўпроқ карбонат ангидрид тўпланади ва улар ёруғлиқда фотосинтез учун фойдаланилади.

Қуруқликда яшайдиган ўсимликлар намлик шароитига мосланишига кўра учта экологик гуруҳга ажратилади: гигрофитлар, мезофитлар ва ксерофитлар.

**1. ГИГРОФИТЛАР.** Намлика тўла тўйинган ва сернам муҳитда яшайдиган ўсимликлар гигрофитлар гуруҳига киритилади. Одатда бундай муҳит дарёлар, кўллар, ботқоқликлар, сернам ўрмонлар ва соя жойларда мавжуд бўлади. Бу гуруҳга кирувчи ўсимликларга: қамиш, шоли, лух, қиёқ, ингичка баргли папоротниклар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу экологик гуруҳ ўсимликлари ҳам ортиқча намлика шароитига мослашиш белгилари билан тавсифланади. Бу ўсимликлар тўла сув билан таъминланган шароитда яшағанликлари туфайли уларнинг танасида транспирация жараёнига қаршилик қилувчи белгилар жуда кам ёки бўлмайди. Ҳужайра эпидермиси жуда юпқа ва юпқа кутикула қавати бўлади. Оғизчалари баргнинг устига жойлашган ва кўпроқ муддатда очиқ бўлади. Ҳужайралараро бўшлиқларнинг йирик бўлиши, сув буглатувчи сатҳнинг кенг бўлишини таъминлайди. Транспирация жадаллигининг юқори бўлиши танадаги эритмалар ҳаракатини тезлаштиради. Уларда маҳсус гидратодларнинг бўлиши ортиқча сувнинг суюқ томчилар ҳолида танадан чиқиб туришини таъминлайди. Бу ўсимликлар тупроқ ва ҳаво қурғоқчилиги таъсирига чидамсиз бўлади.

**2. МЕЗОФИТЛАР.** Бу гуруҳга кирувчи ўсимликлар уртача намлика билан таъминланган шароитда яшовчи ўсимликлар бўлиб, уларга купчилик маданий ва айрим ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликлар киради. Маданий ту-



55-чизма. Сув ўсимлиги (уртум) поясининг кундагланг кесими.

ларга тұза, маккажұхори, бұгдой, арпа, сули, қовун, тарвуз, бодринг, помидор ва бошқалар кирса, ёвойи қолда үсүчиларга марваридгул, себарға, бұгдойиқ ва бошқа құпчилик үтсімін үсімліклар киради.

Мезофитларнинг илдиз тизими яхши ривожланган, барглари йирик. Унинг ер усти қисми ҳам яхши ривожланган. Барглари устунсімін ва булатсімін мезофилға ажralған. Оғизчалари одатта баргнинг пастки эпидермисіда жойлашган. Транспирация жараёнида сув сарфи асосан оғизчалар орқали бошқарилади. Ҳужайра ширасининг осмотик босими 10-25 атм. атрофіда бұлади.

**3. КСЕРОФИТЛАР.** Бу үсімліклар гурухына қурғоқчил иқlim шароитда яшашға мослашғанлар киради. Улар тупроқ ва атмосфера қурғоқчиліги таъсирига чидамли бұлиб, сув балансини тез үзгартырмайды. Сув жуда кам бұлған чүл ва дашт минтақаларда кенг тарқалған. Барча ксерофитларни иккі гурухға бұлиб үрганиш мүмкін: суккулентлар ва склерофитлар.

**СУККУЛЕНТЛАР.** Уларнинг танаси қалин этли, серсув, поясида ёки баргіда сув сақтай оладиган күп йиллик үсімліклар. Уларнинг айримлари сувни поясида сақтайты (кактуслар). Сувни поясида сақловчиларнинг барглари тиканларға ёки танғачаларға айланған, баргнинг вазифасини яшил, этдор поялар бажаради.

Баргіда сув сақловчы суккулентларда эса аксинча поялар күчсіз ривожланған, барглари этли, серсув (агава, алоэ, семизак) бұлади.

Умуман, суккулентларнинг сув сақловчы паренхима тұқымаси кучли ривожланған бұлади. Фаслнинг ёғингарчиликтер күп бұладиган муддатларыда сувни фамлаб олади ва ундан узоқ муддат фойдаланади.

Суккулентларнинг механик тұқымаси яхши тарақкий этмаган. Эпидермис ҳужайраларининг девори қалинлашған ва қалин кутикула билан қопланған, түклар күп, оғизчалар сони кам ва маңсус чуқурчаларға жойлашған бұлади. Оғизчалар кечаси очилиб, кундуз ҳаво иссиқ пайтларда ёпиқ бұлади.

**СКЛЕРОФИТЛАР.** Бу гурухға киравчы үсімліклар қурғоқчилікка чидамли, күп йиллик, барглари кучли редукцияланған ва тиканларға айланған. Уларга саксовул, янтоқ, қандим, испан дроки, қызылча, шувоқ, жузғун, эфедра ва бошқалар киради. Уларнинг танаси ва барги дағал, қаттиқ бұлиб (юнонча склерос-дағал, қаттиқ), қалин кутикула билан қопланған. Оғизчаларининг маңсус чуқурчаларға жойланиши уларнинг үзиге хос белгилари дандыр. Умуман, ксероморф белгилари күп бұлиб, транспирацияны камайтиришга қарастылған эпидермиснін юзасыда ҳар хил мұмсімін моддалар ажратылади. Айрим үсімлікларда (палма) мұмсімін моддаларнинг қалинлегі 5 мм. гача бұлади. Қалин кутикула, мұмсімін моддалар ва түклар сув буғлатышни пасайтиради. Айрим үсімліклар (құнғирбошдошлар, чалов) баргининг усткі томонида оғизчалар жойлашған. Барг қирраларидаги чуқурчаларда мотор ҳужайралар деб ата-

ладиган юпқа деворли йирик ва ҳажмини ўзгартира оладиган тирик хужайралар жойлашган. Сув танқислиги бошланганда бу хужайралар-нинг (мотор) ҳажми камайиб, барг япроғи ұралиб най ҳосил қиласи. Натижада оғизчалар үралган най ичиде қолади ва транспирация ҳам жуда паст кечади ёки тұхтайди.

Ез ойлари жуда иссиқ бұладиган жазирама чүлларда яшайдиган үсимликлар (саксовул, испан дроки, жузғун қаби буталар) баргларининг редукцияси улар учун хусусиятлидир. Бу үсимликларнинг барглари яхши ривожланмаган бұлади ёки баҳорда тұқилиб кетади. Фотосинтез вазифасини асосан уларнинг поялари бажаради. Чунки бундай үсимликлар поясида палисад тұқима яхши ривожланган бўлиб, ёргулик режимиға яхши мослашган. Кўпчилигининг илдиз тизими ер устки органларига нисбатан бир неча марта яхши ривожланган. Поялари ёғочланган, хужайра ширасининг осмотик босими юқори, сувни ниҳоятда тежаб сарфлайди, ёзни тиним ҳолатида үтказади. Буларга жузғун, астрагаллар ва бошқалар мисол бұлади (Тухтаев, 1994).

Кўпчилик қсерофитлар кечаси, оғизчалари очиқ пайтида  $\text{CO}_2$ ни ютиб олади ва ҳужайра вакуоласида олма кислотаси – малатни тұплайди. Қундузи ҳаво иссиқ ва оғизчалар ёпиқ пайтда малат цитоплазмага үтади ва у ерда малатдегирогенеза ферменти ёрдамида  $\text{CO}_2$  ажралади. Ажралган  $\text{CO}_2$  хлоропластларга үтади ва фотосинтез жараёнида иштирок этади (фотосинтезнинг CAM йўли). Фотосинтез жараёнида ажралиб чиққан кислород ҳужайралараро бүшлиқтарда тұпланади ва нафас олиш жараёнига сарфланади. Ўз навбатида, нафас олиш жараёнида ажралиб чиққан  $\text{CO}_2$  ҳам фотосинтез учун сарфланади. Фотосинтезнинг бу йўли кучли курғоқчиликка чидамли үсимликлар – суккулентлар ва жазирама чүлларда яшайдиган үсимликларда содир бұлади.

## **VI БОБ**

# **ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИЛДИЗ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛАНИШИ**

Ўсимликларнинг озиқланиши икки шаклдан иборат булиб, ҳаводан ва тупроқдан озиқланиш жараёнларини ўз ичига олади. Бу икки жараён: фотосинтез ва минерал элементларни тупроқдан ютиш – биргаликда ўсимликларнинг автотрофлик хусусиятларини белгилайди. Мана шу узвий боғлиқлик натижасида ўсимликларнинг органик асосга эга тўқималари, органлари ва умумий танаси ҳосил булади. Уларнинг ўсиши ва ривожланишини тўла таъминлаш учун тупроқдан жуда кўп минерал элементлар ютилади. Шунинг учун ҳам бунга ўсимликларнинг илдиз орқали озиқланиши дейилади.

Ўсимликларнинг илдиз орқали озиқланишида тупроқ хусусиятлари ва унумдорлиги, айниқса, тупроқнинг сув утказувчанлик, ҳаво утказувчанлик хоссалари, таркибидағи органик моддалар ва ўсимликлар учун муҳим озиқ элементларни тұплаш қобилияти катта аҳамиятга эга.

### **6.1. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИЛДИЗ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛАНИШИ ХАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Қадимги замонларда ёқ (янги эрадан аввалги 600-500 йилларда) дех-қончилик билан шуғулланган одамлар күл ва чиринди ларга бой тупроқтарда ҳосилнинг күпроқ булишини билганлар ва бундан фойдаланганлар. Кейинчалик ўсимликларни озиқлантириш тұғрисидаги тушунчалар ривожланиб борди.

Үрта асрларда яшаган голландиялық табиатшунос Я.Б.Ван-Гелмонт тажрибалари, айниқса, диққатта сазовор. У сопол идишга 91 кг қуруқ тупроқ солиб, оғирлиги 2,25 кг.га тенг тол шохчасини экади ва ёмғир суви билан сугориб туради. 5 йилдан сұнг толнинг оғирлиги 77 кг га етади. Идишдаги тупроқнинг оғирлиги эса факат 56,6 г га камаади. Ван-Гелмонттинг фикрича, агар ўсимликлар ўз танасини тупроқ ҳисобига тузадиган бўлса, у ҳолда тол шохчаси қанча кўпайса, идишдаги тупроқ шунча камайиши керак эди. Лекин бу ҳолат содир бўлмайди. Шунинг учун ҳам у ўсимликлар ўз гавдасини сувдан тузади, деган холосага келади. Шу тариқа ўсимликлар озиқланишининг “сув назарияси” ву жудга келади ва узоқ мuddат давомида эътироф этилади.

Лекин бундан анча аввал Аристотел (эрэмиздан аввалги 384-322 йиллар) ўсимликлар тупроқдан мураккаб моддаларни сўриб олади ва ушалар ҳисобига ўз танасини тузади деган эди.

Бу тушунчани XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида немис агрономи А.Тэер янада ривожлантириди. У “гумус назарияси”ни яратди. Унга кўра ўсимликлар асосан сув ва гумус моддалари билан озиқланади. Тупроқда чиринди моддалар қанча кўп бўлса, ўсимликлар шунча фаол ўсиш ва ривожланиш қобилиятига эга бўлади.

Кейинги йилларда аста-секин ўсимликлар учун минерал элементлар зарур, деган тушунчалар пайдо бўла бошлайди. Бу тушунчага асос солган кишилардан бири агроном А.Т.Болотовдир (1770). У тупроқдаги минерал заррачалар ва сув ўсимликлар учун асосий озиқадир, деганояни илгари сурди. А.Т.Болотов ўғитларни тупроққа солиш усувларини ҳам ишлаб чиқди ва қишлоқ хўжалиги учун зарур 53 та ўғит тури борлигини кўрсатди.

1804 йилда швейцариялик олим Н.Т.Соссюр ўсимликларнинг кимёвий таркибини тадқиқ қилиш натижасида тупроқ ўсимликларни азот ва бошқа минерал элементлар билан таъминлайди, ўсимликлар тупроқдаги сувли эритмадан ҳар хил тузларни илдиз орқали сўриб олади ва сўриш тезлиги тузларнинг турига қараб ҳар хил бўлади, деган хulosага келди.

Ўсимликлар учун минерал тузларнинг аҳамияти француз агрокимёгари Ж.Б.Бусенго (1837) ишларида янада аниқроқ кўрсатилди. Унинг тасдиқлашича, тоза қумда ҳам (сув, кул ва минерал тузлар солингандан) ўсимликлар яхши ўсиши мумкин. Буни исботлаш учун у вегетацион тажрибалар ўтказади ва биринчилар қаторида ўсимликлар атмосфера азотини ўзлаштиромайди, балки бошқа элементлар қаторида илдиз орқали ўзлаштиради, деган хulosага келди.

Ўсимликларнинг минерал озиқланиш назариясини ҳар томонлама ривожлантирган олимлардан немис кимёгари Ю.Либих бўлди. 1840 йилда Ю.Либих ўсимликларнинг минерал озиқланиш назариясини ривожлантириш билан бир қаторда гумус назариясини инкор қилди. Унинг фикрича, тупроқ унумдорлиги фақат минерал моддаларга боғлиқ. Ю.Либих биринчи бўлиб тупроққа ўғитлар сифатида тоза тузларни солишини таклиф этди. У минерал элементларнинг аҳамиятини тўғри баҳолади, лекин ўсимликлар азотни ҳаводан аммиак ҳолида қабул қиласи, деб ўйлади. Кейинчалик у бу фикр хатолигини тушунди ва ўсимликлар азотни илдиз орқали нитратлар ҳолида қабул қиласи, деган фикрга қўшилди. Бироқ шу билан бирга Либих тупроқдаги органик моддаларнинг аҳамиятини инкор қилди. Ҳолбуки, тупроқ таркибидаги гумус ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, тупроқ микрофлорасини ривожлантириш ва бошқаларда катта аҳамиятга эга. Ю.Либих “минимум қонуни” ва “қайтарилиш қонунлари”ни таклиф этди. Бу қонунлар буйича тупроқда ўсимликларга зарур минерал элементлар минимумга етмаса, уларнинг фойдаси ҳам бўлмайди. Қайтарилиш қонунида эса ўсимликлар ўз ҳосили билан тупроқдан қанча минерал мадда олса, ўрнига шунча қайтариш зарур, деб тушунтирилади. Акс

ҳолда йилдан-йилга тупроқ унумдорлиги, демак, ҳосилдорлик ҳам камайиб боради. Либихнинг фикрлари умуман туғри. Агротехник тадбирларни түғри ўтказиш ва тупроқни минерал элементлар билан ўз вақтида таъминлаш натижасида ҳосилдорликни ошириб бориш мумкин.

И.Кноп ва Ю.Саксларнинг 1859 йилда ўтказган тажрибалари ҳам “гумус назарияси” ни инкор қилди. Уларнинг фикрича, фақат 7 та элемент: азот, фосфор, олтингугурт, калий, калций, магний ва темир бўлса, ўсимликларни сувда ҳам ўстириш мумкин. Шундай қилиб, улар ўсимликларни вегетацион усуллар билан (тупроқ, сув, қум) ўстириш мумкинлигини исботладилар ва минерал озиқланиш назариясини тасдиқладилар.

Ўсимликларнинг илдиз орқали озиқланиш фоясини П.А.Костичев, В.В.Докучаев, К.К.Гедройц, Д.Н.Прянишников ва бошқа олимлар янада ривожлантирилар.

## 6.2. МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ТАНАСИДАГИ МИҚДОРИ

Ўсимликлар табиий муҳитдан оз ёки кўп миқдорда даврий жадвалда кўrsatилган элементларнинг ҳаммасини ютиш қобилиятига эга. Лекин шу элементлардан ҳозиргача фақат 19 тасининг ўсимликлар учун аҳамияти катталиги, уларни бошқа элементлар билан алмаштириб бўлмаслиги аниқланган. Булар углерод, водород, кислород, азот, фосфор, олтингугурт, калий, калций, магний, темир, марганец, мис, рух, молибден, бор, хлор, натрий, кремний ва кобалт. Шулардан 16 таси минерал элементлар гуруҳига киради. Чунки углерод, водород ва кислород ўсимликка  $\text{CO}_2$ ,  $\text{O}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  ҳолида қабул қилинади.

Ўсимликлар сув ва барча минерал элементларни илдиз орқали тупроқдан қабул қиласидилар. Минерал моддалар тупроқ эритмасида, чириндида, органик ва анорганик бирикмалар таркибида ва тупроқ коллоидларига адсорбцияланган ҳолатда учрайди. Ионларнинг ўзлаштирилиши фақат ўсимликларга боғлиқ бўлмай, балки шу ионнинг тупроқдаги концентрацияси, унинг тупроқдаги силжишига ва тупроқ реакцияларига боғлиқ.

Ўсимликлар танасидаги элементларнинг 95 фоизини тўртта элемент: углерод, водород, кислород ва азот ташкил этади. Бу элементлар органогенлар ҳам дейилади. Чунки улар ўсимлик танасидаги органик моддаларнинг (оқси́ллар, ё́лгар, углеводлар ) асосини ташкил этади.

Қолган барча элементлар 5 фоизни ташкил этади ва улар ўсимлик кули таркибиға киради, яъни ўсимликлар куйдирилганда маълум миқдорда кул ҳолида қолдиқ қолади. Бу минерал элементлардан иборат. Унинг миқдори ўсимлик турига ва органларига боғлиқ. Масалан, ўтсимон ўсимликларда (фоиз ҳисобида):

Донларда – 3	Поясида – 4
Илдизида – 5	Баргларида – 15.
<b>Ёғочсимон ўсимликларда (фоиз ҳисобида):</b>	
Поясида – 3	Ёғочсимон қисмida – 1
Тана пустлоғида – 7	Баргларида – 11

бұлиши мүмкін. Модда алмашинув жараёни фаол баргларда күл миқдори әнг күп (2-15 фоиз) бұлиши мүмкін.

Кулнинг минерал таркиби ҳам мураккаб ҳусусиятта эга (жадвал, фоиз):

Ўсимликлар	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub>	CaO	Mgo	Fe <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O	SO	Si <sub>2</sub> O	Cl
Маккажүхори: Доналарп	29,8	1.1	2,2	15,5	0,8	45,6	0,8	2,1	0,9
Пояси	27,2	0,8	5,7	11,4	0,8	9,1	-	40,2	-

Минерал элементлар ўсимликлар танасидаги миқдори асосида уч гурухға бүлинади: 1) макроэлементлар; 2) микроэлементлар; 3) ултрамикроэлементлар.

Макроэлементларға ўсимликлар таркибидаги миқдори 10-2 фоиз ва ундан күп бұлған барча элементлар (N, P, K, Ca, Na, Mg ва бошқалар) киради.

Микроэлементларға ўсимликлар таркибидаги миқдори 10-3 - 10-5 фоиз бұлған элементлар (Mn, B, Cu, Zn, Mo ва бошқалар) киради.

Ултрамикроэлементларға ўсимлик таркибидаги жуда оз (10-6 фоиз ва ундан кам) ва вазифаси аниқланмаган (Cs, Se, Ca, Hg, Ag, Au ва бошқалар) элементлар киради.

Ўсимликлар танасидаги ҳар бир минерал элемент маълум физиологик функцияни бажаради.

### 6.3. МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ФИЗИОЛОГИК АҲАМИЯТИ

**АЗОТ.** Азот ўсимликлар ҳаёти учун әнг керакли элементdir. У ҳаётий мұхим бирикмалар – оқсиллар, ферментлар, нуклеин кислоталар ва бошқа бир қатор бирикмалар таркибига киради.

Азот ўсимликлар қуруқ оғирлигининг 1-3 фоизини ташкил этади. Табиатдаги асосий азот манбай атмосфера таркибida булиб, унинг умумий миқдори 75,6 фоизни ташкил этади (56-чиズма). Бир квадрат метр ер устида 8 тоннагача азот бор. Лекин яшил ўсимликлар атмосфера таркибидаги молекуляр азотни бевосита үзлаштиrolмайды. Чунки молекуляр азот үта турғун булиб, уни фаол ҳолга үтказиш учун жуда катта энергия сарфлаш керак.



56-чизма. Табиатда азот айланиш шакли

**N = N** — N — N —  
турғун ҳолат ғаол ҳолати

Турғун ҳолатдаги атмосфера азотини асосан икки йүл билан фаол ҳолатга үтказиш мүмкін: 1) кимёвий; 2) биологик. Кимёвий йүл жуда юқори ҳарорат (5000) ва босим (35 МПа) остида боради.

Биологик йүл. Табиатда молекуляр азотни аммиаккача қайтарувчи күпгина организмлар (микроорганизмлар ва айрим сувұтлари) мавжуд. Булар азот үзлаштирувчи ёки азотофиксаторлар деб аталади. Азот үзлаштирувчи микроорганизмлар икki гуруұга бўлинади: 1) эркин яшовчи азотофиксаторлар; 2) үсимликлар билан симбиоз ҳолида яшовчи азотофиксаторлар.

Эркин яшовчи азотофиксаторлар ҳам үз навбатида иккى гуруҳга бүлинади: 1) анаэроб азотофиксаторлар; 2) аэроб азотофиксаторлар.

Анаэроб азотофиксаторларга (яъни кислородсиз шароитда яшовчи) спорали бактерия Клостридиум пастерианиум (*Clostridium pasterianum*), аэроб микроорганизмларга эса Азотобактер (*Azotobacter chrococcum*) мисол бўлиши мумкин. Бу иккала микроорганизм ҳам молекуляр азотни ўзлаштириш учун ферментлар иштирокида энергия сарфлайди. Бунинг учун глюкоза ёки бошқа органик моддаларнинг оксидланиши натижасида ажралиб чиққан энергиядан фойдаланадилар. Ҳар бир грамм сарфланган глюкоза энергияси ҳисобига Азотобактерлар 15 мг.гача ва Клостридиум эса 2-3 мг азот тўплайди.

Бундан ташқары әркін яшовчи азотофиксаторларга айрим күк-яшил сувутлари (*Nostoc*, *Phormidium*) ҳам киради. Улар, айниқса, чучук сувли ҳавзаларда катта ақамиятга эга (айниқса, шоликорлықда). Бу орга-

низмлар бир гектар ерда 10 дан 40 кг.гача боғланган (ўзлаштирадиган) азот тұплаши мүмкін.

Ўсимликлар билан симбиоз ҳолида яшовчи микроорганизмларга тұганак бактерияларини (*Bac. radicicola*) күрсатыш мүмкін. Уларнинг мавжудлиги 1866 йилда М.С.Воронин томонидан аниқланган эди. Бу бактериялар дүккәклик үсимликларнинг илдиз тұқымаларига кириб ҳаёт кеширади ва натижада тұганаклар ҳосил бұлади. Тұганак бактериялар күп миқдорда азот, жумладан, ерда күп органик азотни ҳам тұплайды.

Масалан, яхши ривожланган йүнғичқа илдизларидаги тұганак бактериялар бир йилда гектарига 300 кг гача азот тұплаши мүмкін. Умуман, 200 турға яқын үсимликларнинг илдизида мағус тұганак бактериялари ҳаёт кечириши аниқланған.

Азотофиксаторлар планетамызда йилига бир неча миллион тонна әркін азотни қайтариб, аммиакка айлантиради. Одатда аммиак үсимликлар танасида аминокислоталар ҳосил булишида иштирок этади.


Барча яшил үсимликлар минерал азотни үзлаштириш қобилиятыга зәға. Бу асосан тупроқ қысобига содир бұлади. Тупроқ таркибидаги азот асосан иккі ҳолда учрайди: органик мөдделдер таркибидаги азот; минерал түзлар таркибидаги азот.

Органик мөдделдер асосан үсимлик ва ҳайвон қолдикларидан иборат булып, улар таркибидаги азот микроорганизмлар иштирокида аммонификация ва нитрификация жараёнлари натижасида үзлаштириладиган ҳолаттаға үтади.

Тупроқ таркибидаги азоттинг минерал формаси аммоний түзлари ( $\text{NH}_4\text{Cl}$ ,  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ,  $\text{NH}_4\text{NO}_3$ , ва бошқалар) ва нитрат түзлари ( $\text{NaNO}_3$ ,  $\text{KNO}_3$ ,  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ , ва бошқалар) ҳолида бұлади. Бу минерал түзлар ионлаших хусусиятига зәға эканлиги учун ҳам осон үзлаштирувчи азот манбасини ташкил этади. Чунки үсимликлар азотни тупроқдан катион -  $\text{NH}_4^+$  ёки анион -  $\text{NO}_3^-$  ҳолатида үзлаштиради. Бундай әркін азот тупроқтарда унча күп әмес. Масалан, әңгұнумдор қора тупроқтарнинг бир гектарда 200 кг/га яқын үзлаштириладиган азот мавжуд. Подзол тупроқтарда эса бу күрсаткыч 3-4 марта кам.

Нитрат аниони  $\text{NO}_3^-$  тупроқ заррачалари билан мустаҳкам бирлашмайды. Шунинг учун тез ювалиб кетиши мүмкін ва күп тұпланиб ҳам қолмайды. Нитратлар миқдори тупроқда айникса, ёз фаслларыда, микроорганизмлар фаяллашған вақтларда күп булиши мүмкін. Умуман, ионларнинг ( $\text{NO}_3^-$ ) тупроқдаги миқдори үсимликларнинг үзлаштириш тезлигига, микробиологик жараёнларнинг жадаллігига ва ювилиш жараёнларига боғлиқ.

Үсимликларнинг күпі нитратларни яхши үзлаштиради. Нитратларнинг үзлаштирилиши бир неча босқычдан иборат:



нитрат-  
редуктаза


нитрит-  
редуктаза

гидроксил-  
амин редуктаза


Бу реакциялар натижасида ҳосил бўлган аммиак ўсимликларда тўпланмай, аминокислоталар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Тупроқ таркибидаги катион  $\text{NH}_4^+$  бошқа манфий зарядланган зараларга тез адсорбцияланади ва шунинг учун ҳам ҳаракатчанлиги жуда суст бўлади. Улар кам ювилади ва натижада тупроқда тўпланади. Бу катионларни ўсимликлар осонлик билан ўзлаштиради. Чунки улар тезлик билан органик моддалар таркибига ўтиши мумкин. Бу жараённи Прянишников (1892) оқсил бирималарининг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган азот формаларини ҳисобга олиш билан кузатган.

Умуман, аммоний тузлари ҳолатида ўзлаштирилган ёки нитратларнинг қайтарилиши натижасида ҳосил бўлган аммиак кетокислоталар билан реакцияга киришиб, аминокислоталар ҳосил қиласди:



кетоглутарат кислота



глютамат кислота

Пироузум кислота билан аммиак ўзаро реакцияга киришиб, аланин аминокислота ҳосил бўлади:



пироузум кислота




аланин аминокислота

Фумарат кислота билан аммиакнинг бирекишидан аспартат аминокислота ҳосил бўлади:




фумарат кислота



аспартат аминокислота

Шундай қилиб, тупроқдаги аммоний тузларидан ёки нитратларнинг қайтарилиши натижасида олинган амиакнинг иштирокида фақат учта аминокислота: аспартат, аланин ва глутамат ҳосил бўлади. Ўсимликлардаги қолган аминокислоталар шу учта аминокислотадан қайта аминланиш натижасида ҳосил бўлади. Қайта аминланиш реакциялари 1937 йилда А.Е. Браунштейн ва М.Г. Крицман томонидан очилган эди. Яъни ферментлар иштирокида аминогурухларнинг бир молекуладан иккинчи молекулага ўтказилиши натижасида янги аминокислоталар ҳосил бўлади:




глютамат      отқулоқ сирка    а-кетоглутарат    аспартат  
 аминокислота      кислота      кислота  
 аминокислота

Умуман, ўсимликларда қайта аминланиш тирик тўқималарда аминокислоталар ҳосил бўлишининг бош усулидир (57-чизма).



57-чизма. Ўсимликларда азотли моддаларнинг қайта ўзгариш шакли (Д.Н.Прянишников бўйича).



58-чизма. Илдизда азот бирикмаларининг ҳосилинг булиши шакли  
(А.Л.Курсанов, 1976).

Ўсимликлар фақат аммоний тузлари солинган эритмада ўстирилганда  $\text{NH}_4^+$  катиони илдизлардаёқ үзлаштирилади ва амидларга айланади. Ҳосил бўлган амидлар илдиз шираси таркибида ўсимликларнинг ер усти қисмларига тарқалади. Дастрас Д.А.Сабинин ва кейинчалик академик А.Л.Курсановнинг кўрсатишича, илдиз томонидан қабул қилинган аммоний катионининг тезлик билан үзлаштирилиши илдиз тизимининг ҳам фаол хусусиятга эга эканлигидан далолат беради. Умуман, илдизларда аминланиш ва қайта аминланиш жараёнлари натижасида 25 дан ортиқ азот бирикмаларининг ҳосил булиши аниқланган (58-чизма).


Демак, аммоний катиони гликолиз ва Кребс циклида ҳосил бўлган органик кислоталар билан илдизлардаёқ реакцияга киришади ва аминокислоталар ёки амидлар ҳолида ер усти қисмларига тарқалади. Ўсимликлар нитратлар билан озиқланганда эса қабул қилинган анион ( $\text{NO}_3^-$ ) баргларда үзлаштирилади. Бу жараёнда акцепторлик вазифасини фотосинтез ва ёруғликда нафас олишнинг бирламчи маҳсулотлари бажаради. Умуман, яшил ўсимликларда азот иштироқида ҳосил бўлган оқсили

ларнинг миқдори 80-95 фоиз, нуклеин кислоталар 10 фоиз, аминокислоталар ва амидлар 5 фоизни ташкил этади. Оқсилларнинг күпи ферментлардан иборат булиб, ўсимликлардаги метаболитик жараён реакцияларининг тавсифини белгилайди. Оқсиллар захира ҳолда ҳам тўпланади. Булардан ташқари азот фосфолипидлар, коэнзимлар, хлорофиллар, фитогормонлар ва бошқа бирикмаларнинг ҳам таркибиға киради. Шунинг учун азот бошқа минерал элементларга нисбатан бир неча баравар кўпроқ ўзлаштирилади. Агар тупроқда азот етмаса, ўсиш секинлашади, барглар майдалашиб, саргая бошлайди, илдиз тизими жароҳатланади, гуллар ва ёш мева тугунлари тўкила бошлайди. Азот жуда кам бўлса, ўсимликлар қуриб қолади.

**ФОСФОР.** Ўсимликлар учун фосфорнинг аҳамияти ниҳоятда катта, лекин тупроқда унинг ўзлаштирилдиган шакллари жуда кам. Тупроқда фосфор асосан тирик организмларда, ўсимликларнинг нобуд бўлган органларида, чириндила таркибида, тупроқнинг минерал таркибида ва тупроқ эритмасида бўлади. Фосфорнинг ўсимликлар ўзлаштирилиши қуай бўлган бирикмалари оз. Улар минералланиш натижасида вужудга келади.

Ўрта Осиё тупроқларида ўзлаштирилдиган фосфорнинг миқдори 0,08 фоиздан 0,3 фоизгача бўлади. Бу ўсимликлар учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам улар қўшимча фосфор билан таъминланиши зарур.

Фосфорнинг табиатдаги асосий манбай тоғ жинслари таркибидаги апатитлар  $[Ca_5(PO_4)_3]$  ва бошқалардир. Бу апатитлар суперфосфат заводларида қайта ишлаш натижасида ўзлаштирилдиган фосфор ўғитларига айлантирилади. Ўсимликларга зарарли таъсир этувчи фтор ажратилиб олинади. Фосфорнинг сувда эрийдиган ва ўсимликлар ўзлаштириши учун энг қулай



59-чизма. Табиатда фосфорнинг айланиши.

бўлган манбаи  $\text{Ca}_3(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$  дир. Ўсимликлар илдизлари  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  тузини ҳам қисман ўзлаштиради. Бу тузлар тупроқда учрайди.

Ўсимликлар фосфорни тупроқдан асосан  $\text{PO}_4^{3-}$  аниони ҳолида қабул қиласиди. Улар айрим органик фосфор (шакарлар, фитин ва бошқалар) бирикмаларини ҳам ўзлаштириши мумкин. Натижада фосфорнинг доиравий алмашуви ҳосил бўлади (59-чизма).

Ўсимликлар танасида фосфор органик бирикмалар, фосфор кислотаси ва тузлари ҳолида учрайди. Фосфор ўсимликлар танасидаги оқсиллар (фосфопротеинлар), нуклеин кислоталари, фосфолипиллар, шакарларнинг фосфор эфирлари, нуклеотидлар, макроэргик боғларга эга бўлган ( $\text{ATF}$ ,  $\text{NAD}^+$ ) каби бирикмалар, витаминлар ва бошқалар таркибига киради.

Фосфор, айниқса, ҳужайранинг энергетик асосини ташкил этишда жуда катта аҳамиятга эга. Энг эркин кимёвий энергия фосфор бирикмаларидаги макроэргик ( $\text{C} - \text{O} \sim \text{P}$ ) боғлар ҳолида тирик ҳужайраларда тўпланади. Айниқса,  $\text{ATF}$  молекулалари таркибидаги энергия ўсимлик ҳужайраларида энергия алмашинувининг асосини ташкил этади. Нуклеотидлар бир ёки икки молекула фосфат кислота бириктириб олиши натижасида дифосфат ва трифосфат нуклеотидлар ҳосил бўлади. Булар энергияга бой бирикмалар деб аталади. Чунки гидролиз қилингандага кўп кимёвий энергия ажралиб чиқади.

Фосфорнинг нуклеин кислоталар (РНК, ДНК), нуклеопротеидлар ва мембраннынг асосини ташкил этувчи липидларнинг таркибида кириши ҳам унинг жуда катта физиологик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Айниқса, коферментлар ва дегидрогеназа ферментлари ( $\text{NAD}$ ,  $\text{NADF}$ ,  $\text{NADFH}_2$ ) таркибida ўсимликларнинг фотосинтези ва нафас олиш жараёнларида иштироки унинг ўсимликлар ҳаётida аҳамияти катта эканлигини билдиради.

Фосфатидлар протоплазманинг таркибида киради. Унинг тузилмавий шаклида иштирок этади ва ўтказувчанлик хусусиятини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Ўсимликларда фосфорнинг асосий захира шакли фитиндир. Фитин шаклида фосфор айниқса, уругларда кўп тўпланади. Масалан, чигитларда 2,5 foiz фосфор бўлиши мумкин. Фитин захира модда бўлганлиги учун уругларнинг униш жараёнида сарфланади (Валихонов, 1969). Фосфор моносахаридларнинг парчаланиш жараёнида фаол иштирок этиб (оксидатив фосфорланиш), кимёвий энергиянинг ажралиб чиқиши ва жуда кўп оралиқ моддаларнинг ҳосил бўлишида қатнашади.

Умуман, ўсимликлардаги метаболитик жараёнларнинг жуда кўп реакциялари фосфорга боғлиқ. Унинг ўрнини бошқа биронта элемент алмаширомайди. Ўсимликларга фосфор етмагандаги парчаланиш жараёнлари кучаяди. Синтез жараёнлари аксинча секинлашади ёки тұхтайди. Асосий белгилар ўсимликларнинг ташқи күринишида ҳам содир бўлади, яъни ўсиш ва ривожланиш секинлашади.

**ОЛТИНГУГУРТ.** Олтингугурт ўсимликлар таркибидаги асосий минерал элементлардан биридир. Кул таркибиде 2-6 фоиз олтингугурт мавжуд. У тупроқларда органик бирикмалар шаклида учрайди. Сулфатлар яхши эрийди ва осон ювиліб кетади. Тупроқда анорганик фосфор асосан тузлар ( $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ва бошқалар) шаклида бўлиб, эритмада ионлар шаклида ёки тупроқ коллоидларига адсорбцияланган бўлади.

Олтингугурт ўсимликлар илдизи орқали, асосан -  $\text{SO}_4^{2-}$  аниони шаклида ўзлаштирилади. Олтингугуртнинг  $\text{SO}_4^{2-}$  ёки  $\text{H}_2\text{S}$  шакллари ўзлаштирилмайди ва ўсимликлар учун заҳарли саналади.

Олтингугурт ўсимликлардаги аминокислоталар таркибida сүлғидрил (-SH-) ёки дисулфид (-S-S-) ҳолида учрайди. Масалан, цистein аминокислота таркибida сүлғидрил гуруҳи ҳолида бўлади:



Цистин аминокислота таркибida эса дисулфид гуруҳи ҳолида бўлади:



Бу аминокислоталар бири иккинчисига ўтиши ҳам мумкин:  
 $\text{S} - \text{CH}_2 - \text{CHNH}_2 - \text{COOH}$   
 $+ \text{H}_2 + 2\text{HS} \rightarrow \text{CH}_2 - \text{CHNH}_2 - \text{COOH}$

цистейн  
цистин

Аминокислоталарнинг бундай ўзгариши ҳужайраларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалларига, протеолитик ферментлар фаолиятига таъсир этади.

Олтингугурт ўсимликлардаги энг муҳим аминокислоталардан бири -метионин таркибига ҳам киради. Метионин кўп ферментларнинг фаол марказидан топилган.

Олтингугурт пиёз, саримсоқ ва бошқаларда бўладиган маҳсус ёғларнинг таркибига ҳам киради.

Дисулфид боғлар (-S-S-) оқсилларнинг тузилмавий асосида катта рол ўйнайди. Масалан, оқсил молекуласини ташкил қиласиган полипептид занжир таркибидаги цистейн аминокислотаси дисулфид боғлар туфайли полипептид занжирларнинг маълум қисмида ёки улар орасида дисулфид кўприкчалар ҳосил қилиш хусусиятига эга:




Бундай дисулфид боғлар кўп оқсиллар таркибида учрайди. Инсулин молекуласида 3 та, рибонуклеазада 4 та дисулфид боғ бор.

Дисулфид боғлар (-SH-) сулфгидрил гуруҳдаги водород атомининг ажралиб чиқиши туфайли ҳосил бўлади.

Сулфгидрил (-SH-) гуруҳ кўп ферментларнинг фаоллик даражасини ҳам тавсифлайди. Ферментларнинг фаол марказини ҳосил қилишда, албатта, полипептид занжирлардаги маълум аминокислоталар қолдиги иштирок этади. Бу аминокислоталар қолдиги ичida цистеиннинг сулфгидрил гуруҳи айниқса муҳим. Бу гуруҳ каталитик хусусиятга эга оқсиллар таркибига ҳам киради ва коферментларни бирлаштиришда катта рол ўйнайди. Каталитик фаол оқсилларга НАД, НАДН, ФАД ларнинг бирлашиши сулфгидрил гуруҳ орқали содир бўлади. Демак, ферментларнинг фаоллигини оширишда ҳам олtingугурт катта аҳамиятга эга.

Олtingугурт ҳужайрадаги энг муҳим биологик бирикмалар коэнзим А ва витаминалар (биотин, тиамин ва бошқалар) таркибига ҳам киради.

Айниқса, ацетил коэнзим таркибида юқори энергияли боғ ҳосил қилади.



Натижада ацетил коэнзим донор ва фаол ташувчилик хусусияти асосида ёф кислоталари, аминокислоталар ва углеводларнинг метаболизмида муҳим рол ўйнайди.

Ўсимликлар танасида олtingугурт миқдори ўзгариб туради. Масалан, К. Мотеснинг кўрсатишича, люпин уруғида олtingугуртнинг умумий миқдори аста-секин кўпая бориб, ҳар 150 уруғ ҳисобига 42,2 дан пишиб етиш фазасида то 80,3 мг гача ортади. Бу олtingугуртнинг ҳаммаси фақат оқсил бирикмалари таркибида аниқланган. Умуман, ўсимликлар танасидаги умумий олtingугуртнинг 60-84 фоизи оқсиллар таркибида учрайди. Қолган қисми анорганик ҳолатда бўлиши мумкин. Оқсилларнинг парчаланиши натижасида ҳам анорганик олtingугурт миқдори кўпаяди. Ўсимликларга олtingугурт етмаганда олtingугуртли аминокислоталар ва оқсиллар синтези секинлашади. Бу эса ўз навбатида фотосинтез жадаллигини пасайтиради. Олtingугурт куп етмай қолса, хлоропластларнинг шаклланиши тўхтайди ва ҳатто парчаланиш бошланади.

**КАЛИЙ.** Калий ўсимликлар учун зарур металлар гуруҳига киради. Ўсимликлар танасида уларнинг қуруқ оғирлигига нисбатан 0,5-1,2 фоиз бўлади. Түқималарда калий бошқа катионларга нисбатан анча кўп.

Калийнинг умумий миқдори тупроқда ҳам бошқа элементларга нисбатан кўп. Масалан, фосфорга нисбатан 8-40 ва азотга нисбатан 5-50 марта кўп бўлади. Тупроқда калий ўзлаштирилмайдиган ва ўзлаштириладиган шаклларда мавжуд. Асосий ўзлаштириладиган шакли тупроқ эритмасидаги эриган тузлар ҳолида учрайди. Бу умумий калий миқдорининг 0,5-2 фоизини ташкил этиши мумкин.

Ўсимликлар калийни катион ( $K^+$ ) шаклида ўзлаштиради. Калий ўсимликларнинг асосан ёш ва модда алмашинув жараёни фаол борадиган тўқималарида: меристемалар, камбий, ёш барглар, поялар ва куртакларда кўп тўпланади. Ҳужайрада калий ион шаклида бўлиб, органик моддалар таркибига кирмайди. Унинг қари органлардан ёш органларга силжиш (кўчиш) қобилияти кучли бўлиб, бунга реутилизация дейилади.

Ҳужайраларда умумий калийнинг 80 фоизга яқини вакуолаларда бўлади. У ҳужайра ширасининг асосий катион манбасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам калий ўсимликлардан ювилиб чиқиши ҳам мумкин. Калийнинг 20 фоизи ҳужайра цитоплазмасида жойлашган ва асосан цитоплазманинг коллоид хусусиятларига кучли таъсир этади. Коллоидларнинг бўртиши учун имконият яратади ва ҳужайранинг тургор ҳолатини сақлаб туради. Ёруғликда калийнинг цитоплазма коллоидлари билан боғланиш кучи қоронгиликка нисбатан юқори бўлади. Шунинг учун ҳам кечалари калий илдиз тизими орқали ажратилиши мумкин.

Умумий калийнинг бир фоизга яқини митохондриялар ва хлоропластлар оқсиллари билан боғланган. Бу органоидлар тузилмасини барқарорлаштиради. Агар калий етишмай қолса, хлоропластларнинг ламелляр ва грануляр тузилиши заарланади. Митохондрияларнинг ҳам мембраннылар тузилмаси жароҳатланади.

Калий катионлари органик анионларни нейтраллаш хусусиятига эга ва шу билан цитоплазманинг кимёвий - коллоид хусусиятини белгилайди. Бу эса ўз навбатида ҳужайранинг ҳамма жараёнларига таъсир этади.

Калий барг оғизчаларининг очилиши ва ёпилишига ҳам таъсир этади. Ёруғликда калий оғизчаларнинг туташтирувчи ҳужайраларида 4-5 марта қўпаяди ва сувни шимиб олиб тургор ҳолатини кучайтиради. Бу эса оғизчаларнинг очилишига сабаб бўлади. Қоронгида калий туташтирувчи ҳужайралардан чиқа бошлайди, тургор босими камаяди ва оғизчалар ёпилади.

Ҳозирги вақтда 60 га яқин фермент калий иштирокида фаоллашиби аниқланган.

Калий таъсирида кўп органик моддаларнинг тўпланиши фаоллашади. Буни крахмалнинг картошка туганакларида, сахарозанинг шакар лавлагида, моносахаридларнинг мева-сабзавотларда, целлюлоза-гемицеллюлозаларнинг ҳужайра пўстида тўпланишида ва бошқаларда кўриш мумкин.

Калийнинг физик ва кимёвий хусусиятларига ўхшаш хоссаларга эга бўлган айрим бир валентли катионлар ҳужайрада баъзи ҳоллардагина калийни алмаштириши мумкин. Масалан, аммоний катиони ( $NH_4^+$ ) 50-100 фоизга, рубидий ( $Rb^+$ ) -20-80 фоиз, натрий ( $Na^+$ ), литий ( $Li^+$ ) - 5-20 фоиз алмаштириши мумкин. Лекин ҳужайрада аммоний катионининг тўпланиши унга заҳарли таъсир этиши мумкин. Натрий катионининг тўпланиши ҳам хлоропластлар тузилмасига ва модда алмашинув жараёнига заарли таъсир этади.

Агар калий етмай қолса, тұқымаларда натрий, магний, калций, әркін аммиак ва минерал фосфатлар тұпланиши мүмкін. Айниңса, аммиакнинг ортиқча тұпланиши үсімлик тұқымалари зақарланишига олиб келади. Үсімликларнинг ташқы күрінишида ҳам үзгаришлар бұлади. Барглар сарғайыб, қурий бошлайды. Энг юқоридаги үсувчи куртаклар үсишдан тұхтайди ва нобуд бұлади. Умуман, калий етишмаслигини акс эттирувчи белгилар үсишнинг сусайиши, эски баргларда томирлар оралигіда хлороз содир булиши, баргларнинг қызығыш-бинафша рангга кириши ва бошқалардан иборат.

**КАЛЦИЙ.** Калций үсімликларга зарур бұлган минерал элементлардан биридір. Унинг миқдори үсімликларда ҳар хил бұлади. Даражаларнинг пұстлоғида ва қары баргларда калций әнг күп бұлади. Ўртача бир грамм қуруқ оғирлик ҳисобига 5-30 мг калций тұғри келади. Үсімликлар калцийга бұлган муносабати бүйіча уч гурухға бұлинади: 1) калцийфиллар – “оқжетсеварлар”, яғни оқаги күп тупроқтарда яхши үсадыган турлар; 2) калцийфоблар – оқакдан қочувчилар, калцийнинг ортиқча булиши булар учун заарлайды (сфагнум мохи); 3) нейтрал турлар – калцийга бефарқ турлар. Калций маданий үсімликлардан дуккаклилар, кунгабоқар, картошка, карам, каноп ва бошқаларда күп, галласимонларда, лавлаги ва бошқаларда аксинча кам бұлади. Икки паллали үсімликларда бир паллалиларга нисбатан ҳар доим калций күпроқ бұлади. Калций үсімликларнинг қары орган ва тұқымаларыда күп тұпланади. Чунки калцийда реутилизация (қайта үзлаштырыш) хусусияти оз. Ҳужайралар қариганды калций цитоплазмадан вакуолага үтады ва органик кислоталарнинг эримайдын тузлары ҳолатыда тұпланади. Калций үсімликларнинг илдиз тизимиға нисбатан ер устки қисмларыда күпроқ тұпланади.

Ҳужайрада калций күпроқ пектин моддаси билан бирлашиб жойлашади ва пұстнинг мустақамлигини таъминлайды. Ҳужайраннинг бошқа органоидларыда хлоропласттарда, митохондрияларда ва ядрода ҳам калций бұлади. Калцийнинг миқдори тупроқ турига қараб үзгәради. Нордон реакцияяға әга подзол тупроқтарда кам ва нейтрал реакциялы тупроқтарда күп бұлади. Ўрта Осиё тупроқтарыда калций күп бұлғанлығы учун ҳам у маңсус үғитлар сифатыда ишлатылмайды. Агар үсімликлар озуқали әрітмада үстирилса, калцийга бұлған талаб тезлик билан сезилади.

Үсімликлар калцийни тупроқдан катион ( $\text{Ca}^+$ ) ҳолатыда қабул қилиб олади. Озуқали әрітмада (сүв күлтурасида) үтказилған тажрибалар калций ёш үсімликларга ва ёш органларга күпроқ кераклигини күрсатды. У етмаганда илдизлар ҳам заарлана бошлайды. Чунки калций организмдеги модда алмашинув жараённининг түрли хил функцияларини бажаради. Айниңса, калций ионининг цитоплазмадаги миқдори мұхим ахамияттаға әга. У мицеллаларнинг коллоид хусусиятларында таъсир этади. Бу (икки валентли катион) узининг протоплазмага таъсири билан күн

жиҳатдан калийга қарама-қаршидир. Калий цитоплазманинг дисперслик даражасини ошириб, плазма биоколлоидларининг гидратациясини кучайтира, калций, аксинча, плазмани сувсизлантиради ва сув билан камроқ таъминланишига сабаб бўлади.

Калций хужайралардаги бир қанча ферментлар тизими (дегидрогеназалар, глутаматдегидрогеназа, малатдегидрогеназа, глюкофосфатдегидрогеназа, НАДФ-изоцитратдегидрогеназа), амилаза, аденилат ва аргининкиназалар, липазалар, фосфатазалар ва бошқаларнинг фаолигини оширади. Маҳсулотлар билан ферментлар ўртасидаги муносабатни кучайтиради. Лекин калций ионларининг меъёрдан кўпайиб кетиши хужайралардаги оксидатив фосфорланиш жараёнларини сусайтиради.

Кейинги йилларда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва таркибида калций сақловчи оқсил – калмодулин борлиги аниқланди. Бу оқсил таркибини 148 аминокислота қолдиғи ташкил этади ва тўртта калций иони билан боғланган. Калмодулин оқсил бир нечта ферментларнинг фаолигини бошқаришда иштирок этади. Бу оқсилларнинг иштирокида калцийнинг хужайра ичидаги миқдори бошқарилади. Калмодулин хужайра мембраналари билан боғланади. Бу боғланишлар калций иштирокида анча мустаҳкам бўлади. Натижада мембраналарнинг ўтказувчанлик қобилияти барқарорлашади. Агар калций етишмаса, мембраннынг барқарорлиги бузилади, ўтказувчанлиги ошиб кетади ва мембраннынг транспорт жараёни ўзгаради. Одатда бутун илдиз тизимининг юзаси калций ионлари билан қопланган бўлиб, улар ионларнинг дастлабки хужайрага қабул қилиниш механизмида иштирок этадилар. Калций иони айрим хужайрада кўп тўпланиши мумкин бўлган ионларнинг (аммоний, алюминий, марганец, темир) транспортини камайтириш йўли билан уларнинг заарарли таъсирини ҳам камайтиради. Профессор Р.А.Азимовнинг кўрсатишича, калций ўсимликларнинг шурлилка чидамлигини оширади. Умуман, калций ионлари тупроқда энг кўп бўлиб, ионларнинг умумий мувозанатини бошқаради.

Калций етмагандан биринчи навбатда ўсимликларнинг ёш меристематик тўқималари ва илдиз тизими заарланади. Лекин кўпчилик тўқималарда калций кўп бўлганлиги учун ҳам бундай белгилар кам учрайди. Бундай ҳолатни асосан фақат физиологик нордон ёки шурланган тупроқларда кузатиш мумкин.

**НАТРИЙ.** Натрий ҳам ўсимликлар танасида, айниқса, шур тупроқларда яшовчи галофитлар таркибида кўп бўлади. Чунки бундай тупроқлар натрийга бой. Маданий ўсимликлардан шакар лавлагининг натрийга анча алоқаси борлиги аниқланган. Шакар лавлаги ўстирилган ерларга бироз NaCl солинганда ҳосилдорлик ошгани ва шакарнинг миқдори 0,5-1 фоизгача кўпайгани кузатилган. Тупроқса солинган натрий тупроқдаги эритма комплексидан калийни ва бошқа элементларни сиқиб чиқариши ва шу йўл билан уларни ўсимлик

илдизлари оладиган ҳолатга келтириши мумкин. Денгиз сувида на-  
трий жуда күп, калий эса оз бұлади, лекин шунга қарамай, денгиз  
сувұтлари таркибіда на трийдан күра калий күпроқ. Бу үсимликлар-  
нинг үзига зарур элементларни тұплашини күрсатади. Натрийнинг  
үсимликлардаги рөлі тұла үрганилмаган.

Тупроқдаги на трий миқдорининг күпайиб кетиши үсимликлардаги  
каторионлар баланси бузилишига олиб келади.

**ХЛОР.** Үсимликлар кулида маълум миқдорда хлор мавжудлиги  
аникиланган. Кейинги йиллардаги изланишлар на тижасининг күрсати-  
шича, хлор ҳам үсимликлар учун зарур элемент ҳисобланади. У кар-  
боксилаза ферментининг таркибига киради. Бошқа ионларнинг, ай-  
ниқса, фосфор анионининг үсимликларға қабул қилинишини тез-  
лаштиради. Тупроқдаги хлорли тузлар физиологик нордон тузлар қато-  
рига киради. Шунинг учун ҳам улар фосфатидлардан фосфор аниони-  
ни үзлаштиришни тезлаштиради ва ҳужайра ширасининг осмотик по-  
тенциалини ҳосил қилишда иштирок этади.

Хлор ҳужайралардаги оксидатив фосфорланиш ва ёруғлиқда фос-  
форланиш жараёнларинің фаоллаштириш йүли билан үсимликларнинг  
энергия алмашинуви жараённан ҳам иштирок этади. Үсимлик илдизла-  
рининг кислородни ютиши ва фотосинтез жараённан кислород ажралиб  
чиқиши ҳам хлор иштирокида фаоллашади. Үмуман, үсимликлар меъёрида  
үсиши ва ривожланиши учун бироз бұлса ҳам хлор зарур.

**КРЕМНИЙ.** Турли үсимликларда кремний түрли миқдорда учрагани  
учун В.И. Вернадский уларни уч гурухға бұлади : 1) кремнеорганизмлар -  
бу үсимликлар таркибіда кремний 10 фоиздан күпроқ бұлади (диатом сув-  
ұтлари ва соликофлагелаталар); 2) таркибіда 1-2 фоиздан күпроқ кремний  
сақловчилар (қырқбұғимлар, мохлар, папоротниксимонлар); 3) таркибіда  
0,1-0,0001 фоизгача кремний бұладиган барча үсимликлар.

В.И. Вернадскийнинг күрсатишича, биронта тирик организм ҳам  
кремнийсиз яшай олмайды. Тупроқда кремний жуда күп. Унинг углеродға  
нисбати (кремний : углерод) 276:1 га ва гумусга – 15:1 га тенг.

Диатом сувұтларыда кремнийли панцир ҳосил булиб, у муҳофаза  
вазифасини бажаради. ДНКнинг синтези жараённан иштирок этиш йүли  
билан үсимликларнинг күпайишига ҳам таъсир этади. Организмда амино-  
кислоталар, оқсиллар, хлорофиллар синтезини кучайтиради.

Қишлоқ ҳұжалик үсимликлари (буғдой, арпа, сули, шоли ва бош-  
қалар) ва дарахтсимвонлар тупроқдан кремнийни фаол үзлаштиради.  
Үсимликлар танаасида анорганик кремнийни органикка айлантирувчи  
максус фермент – силиказалар топилған. Лекин ҳозиргача кремнийнинг  
организмдеги рөлі тұла үрганилмаган.

**МАГНИЙ.** Үсимлик кули таркибіда магний бошқа элементлар –  
азот, калий, калцийга нисбатан камроқ учрайди. Юқори үсимликларда  
қуруқ оғирилгиге нисбатан 0,02-3,1 фоизгача, сувұтларыда 3,0-3,5 фоиз

бўлиши мумкин. Қисқа кунли ўсимликларнинг (маккажӯҳори, та-риқ, каноп, картошка, лавлаги, тамаки ва бошқалар) бир кило-грамм ҳўл баргида 300-800 мг магний бўлиши мумкин. Шундан 30-80 мг хлорофилл таркибига киради. Магний уруғларда ва ўсимликларнинг ёш органларида кўпроқ учрайди.

Тупроқда магний карбонатлар шаклида, силикатлар, сульфатлар, хлоридлар таркибида, подзол тупроқларда кам ва бўз тупроқларда кўпроқ бўлади. Сувда эрийдиган ва ўзлаштириладиган магний 3-10 фоиз бўлиши мумкин. Агар тупроқда магнийнинг миқдори ҳар 100 г тупроқда 2 мг дан кам бўлса, магнийнинг етишмаслик белгилари курина бошлайди. Магнийни ўсимликлар ( $Mg^+$ ) катиони ҳолатида ўзлаштиради.

Ҳужайрада магний металлоорганик бирикмалар таркибига киради. Умумий магнийнинг тахминан 10-12 фоизи хлорофилл таркибига киради. Магнийнинг бу функциясини биронта бошқа элемент алмаштиромайди.

Магний ҳужайранинг модда алмашинув жараёнида фаол иштирок этади. Бир қанча ферментларнинг (РФД - карбоксилаза) фаоллигини кучайтиради. Фотосинтез жараёнида электронлар ҳаракатини тезлаштиради ва НАДФ<sup>+</sup> қайтарилиши учун керакли бўлиб ҳисобланади. Магний фосфат гуруҳларини ташувчи ферментларнинг (фосфокиназалар, фосфаттрансферазалар, АТФазалар, пирофосфатазалар) деярли ҳаммасининг фаоллигини кучайтиради.

Магний гликолиз ва Кребс циклида иштирок этувчи кўп ферментлар учун зарур элемент ҳисобланади. Митохондрияларда ва рибосомаларда магний етишмагандан уларнинг тузилмавий бузилиши кузатилади. Гликолиз жараёнида иштирок этадиган олтига фермент таркибида фақат магний иштирок этади : гексокиназалар, фосфофруктокиназалар, енолазалар ва пируваткарбоксилазалар. Кребс циклидаги фумаразадан ташқари ҳамма ферментлар магний иштирокида фаоллашади.

Булардан ташқари магнийнинг эфир ёғлари, каучук, витаминлардан А ва С ларнинг синтезини кучайтириши аниқланган. Рибосомалар ва полисомалар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Умуман, ўсимликлардаги модда алмашинув жараёнларининг жуда кўп реакцияларида магний иштирок этади. Унинг кам бўлиши ёки етмай қолиши ўсимликларнинг заарланишига олиб келади.

**ТЕМИР.** Ўсимликларнинг модда алмашинуви жараёнида темир ҳам муҳим рол уйнайди. Темирнинг ўсимликлардаги миқдори ўртача 0,02-0,08 фоизга (ёки 20-80 мг қуруқ оғирлик ҳисобида) тўғри келади.

Ер қобигида темир миқдори анча кўп. Сув билан тўйинган, аэрация ёмон тупроқларда темир тупроқ коллоидлари билан мустаҳкам бириккан тузлар (сульфидлар, карбонатлар, фосфатлар) ҳосил қиласди. У органик моддалар билан ҳам бирикмалар ҳосил қиласди. Ўсимликлар темирни ионлар ( $Fe^{+2}$ ,  $Fe^{+3}$ ) шаклида ўзлаштиради. Нордон тупроқларда ўзлаш

тирилиши кучли боради. Ўсимликлар баргидар оксидлар ҳолатида тұпла-ниш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам барглар тұқилғанда (айниқса, хазонрезелик пайтида) тупроқ темир билан боййиди.

Дастралб Кноп тажрибаларыда ёк темир бұлмаса, ўсимликларнинг барглари яшил рангини йүқотиши аниқланған эди. Шунинг учун ҳам темир хлорофилл таркибиға кирса керак, деган фикр туғилған эди. Лекин Р. Вилштеттер ўз тажрибаларыда хлорофилл таркибиға темир әмас, балки магний киришини күрсатди. Кейинчалик темир хлоро-филлнинг синтезида иштирок этадиган хлорофиллаза ферменти тар-кибиға кириши аниқланды.

Темирнинг роли хлорофилл ҳосил булишида иштирок этиш билан чегараланмайды. У оксидланиш - қайтарылыш реакцияларыда иштирок этувчи ферментлар (хамма цитохромлар, каталаза, пероксидаза) таркибиға киради ва шунинг учун фотосинтез, нафас олиш жараёнларыда катта аҳамиятта эга. Азот алмашинувига ҳам таъсир күрсатади. Темирнинг үзлаштирилиши қийин шароитда (айниқса, оxaқли тупроқларда) хлороз пайдо булади. Бунда ўсимликлар баргининг томирлари яшиллігіча қолиб, пластинкаси рангсизланади, сатқы кичраяди. Фотосинтез ва нафас олиш күчи ҳам пасаяди. Ферритинлар қуруқ оғирлигининг 23 фоизи темирга тұғри келади ва у күп миқдорда пластидаларда жойлашган булади.

Одатда тупроққа темир үғити солинмайды. Чунки тупроқларда үзлаштириладиган темир күп булади. Лекин оxaғи күп тупроқларда темирнинг үзлаштирилиши қийинлашади ва хлороз касаллігі бошланади. Құшимча темир билан озиқлантириш орқали бунинг олдини олиш мүмкін. Құшимча озиқлантириш мақсадида тупроққа хелатлар солиш тавсия этилади. Хелатлар – органик анионлар ва металлардан ташкил топған комплекс бирикмалар бұлыб, ўсимликлар уни яхши үзлаштиради ва темирга бұлган талаб тұла қондирилади.

Үрта Осиё шароитида хлороз касаллігі күпинча токзорларда, цитрус ўсимликларыда ва мевали дарахтларда учраб туради.

#### 6.4. МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИҢ АҲАМІЯТИ

Ўсимликлар танасида асосий озуқа элементларидан ташқари жуда күп микроэлементлар деб аталувчи кимёвий элементлар ҳам учрайди. Бу элементлар тұқымаларда оз бұлса ҳам юқори биологик фаоллика эга. Уларнинг ҳар бири маълум физиологик функцияларни бажаради. Шунинг ҳар бири микроэлементни бошқаси билан алмаштириб бұлмайды. Ўсимликтің уларнинг миқдори 0,001-0,00001 фоизгача бўлиши мүмкін. Улар тупроқда, сувда, тог жинсларыда ва барча тирик организмларда мавжуд.

Тупроқда микроэлементлар иккى – үзлаштирилмайдынан, үзлаштириладиган шаклда бұлади.

Биринчисига сувда ва суюлтирилган кислотада эримайдиган тузлар, органик ёки анорганик бирикмаларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг тупроқда кўп ёки оз булиши тупроқнинг кимёвий таркибига bogлиқ.

Микроэлементларнинг ўзлаштириладиган шакли сувда осон эрийдиган тузлар бўлиб, улар асосий манбани ташкил этади ва қишлоқ хўжалик ўсимликларидан юқори ҳосил олиш шароитини яратади. Чунки микроэлементлар ўсимлиқдаги оксидланиш-қайтарилиш, фотосинтез, азот ва углевод алмасиниш жараёнларида фаол иштирок этади. Улар ферментларнинг фаол марказига киради, ўсимликларнинг касалликларга ва ташқи шароитнинг ноқулай омиллари таъсирига чидамлилигини оширади. Микроэлементларнинг етишмаслиги эса ҳосилдорликнинг кескин камайишига, касалликларнинг пайдо булишига, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши тұхтаб қолишига, ҳатто үлишига сабаб булиши мумкин.

Микроэлементлар физиологик нуқтаи назардан ҳар хил хусусиятга эга бўлган турли элементлар гуруҳини ташкил этади. Кейинги йилларда ўсимлик учун микроэлементлар ҳам макроэлементлар каби зарур эканліги ва бу иккала гуруҳ бир-биридан фақат миқдор жиҳатидан фарқ қилиши аниқланди.

**МАРГАНЕЦ.** Дастрлаб Берtrand ва И.В.Мичуриннинг тажрибалари ўсимликлар ҳаётида марганец катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Тупроқда марганец аморф оксидлар, карбонатлар шаклида, силикатлар таркибида бўлади. Ўсимликлар марганецни тупроқдан катион ( $Mn^+$ ) шаклида ўзлаштиради. Унинг ўсимлиқдаги уртacha миқдори 0,001 фоиз ёки 1 мг/кг қуруқ масса ҳисобида бўлади. Айниқса, ўсимликларнинг баргларида кўп тўпланади. Масалан, Круглованинг кўрсатиши бўйича; 100 г қуруқ масса ҳисобига марганец гўза баргларида 24 мг, поясида 2 мг, чаноқларда 4 мг, чигитда 2 мг ва толасида 1 мг бўлар экан.

Марганец фотосинтез жараёнида иштирок этиб, сувнинг фотолизи ва кислороднинг ажralиб чиқиши, СО<sub>2</sub>нинг қайтарилишида муҳим рол уйнайди. Бу микроэлемент ўсимликларда шакарларнинг синтез қилиниши, унинг барглардан бошқа органларга оқимиини кучайтиради. Марганец нафас олиш жараёнида ҳам иштирок этиб, Кребс циклидаги малатдегидрогеназа ва изоцитратдегидрогеназа ферментларини фаоллаштиради. Марганец ўсимликларнинг азот ўзлаштириш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Нитратларни ўзлаштирганда қайтарувчи, аммоний ҳолдаги азотни ўзлаштиришда эса оксидловчи сифатида иштирок этади. Гидрооксиламинредуктаза ферментининг фаол марказига киради ва нитрагларнинг қайтарилишида иштирок этади. Марганец нуклеин кислогачарининг синтези жараёнида ҳам иштирок этади.

Тупроқларда марганец кўплигига қарамай унинг ўзлаштирилалиган қисми оз булиши мумкин. Бу айниқса, нейтрал ва ишқорий реакцияларга эга тупроқларда кузатилади. Марганец етмаганды барғ томирлари

уртасида сариқ доғлар ва хлороз ҳосил бұлади, галласимонлар, картошка, лавлаги ва бошқалар ғез заарланади.

**Марганецнинг ўғиг сифатида** күп ишлатиладиган тузи  $MnSO_4$  дир. Украина шароитида бир гектар ерга 10-15 кг марганец сульфат тузи солинганда шакар лавлагининг ҳосилти 22-34 ц/га ва шакарнинг мікдори 0,11-0,33 фоиз ошиғанлиги аниқланған. Марганец ишлатилганда гұза ҳосилдорлиги Ўрта Осіё шароитида 9 фоиз ва Озарбайжонда 15 фоизга құпайған.

**Мис.** Мис үсимликларнинг ривожланиши учун зарур микроэлементлардан биридир. Унинг зарурлығы озиқавий эритмадагина әмас, балки дала шароитида ҳам аниқ қуринаға. Үсимликларда үртача мікдори 0,0002 фоиз ёки 0,2 мг/кг атрофида. Бу мікдор үсимлик ва тупроқ турига боғлиқ. Мис тупроқда сулфидлар, сульфатлар, карбонатлар шаклида, тупроқнинг органик моддалари билан боғлиқ қолда учрайди. Мұхиттің ишқорийлігі қанча юқори бұлса, үсимликларга шунча кам үтади. Үсимликлар мисни тупроқдан катион ( $Cu^+$ ) шаклида үзлаштиради. Үсимликтің ёш үсуви қисмларыда ва уругларыда күп бұлади. Масалан, гұза органларыда: баргларыда мис 2,5 мг/кг, пояснда 1,0 мг/кг, чаноғыда 4,8 мг/кг, чигитида 4,2 мг/кг ва толасида 0,2 мг/кг.

Үсимлик баргларидаги умумий миснинг 70 фоизи хлоропласттарда ва ярми пластиціянин ферменти таркибида учрайди. Пластициянин ферменти фотосинтез жараённанда электронларни тащиши вазифасини бажаралы. Мис бир қатор мұхым ферментлар (аскарботовксидаза, полифенолоксилаза, ортодифенилоксидаза ва триозиназалар) таркибига киради. Бу микроэлемент азот алмашинувыда ҳам иштирок өтади. Нитратредуктаза ферменттің таркибида ҳам бор. Хлорофиллнинг синтези жараённанда мис ҳам фаол иштирок этиши аниқланған. Мис витаминаларни фаоллаштиради, углевод ва оқсиллар алмашинувини күчайтиради.

Кейинги йиллардаги изланишлар үсимликларнинг қурғочиликка, соvuққа ва иссиққа чидамлилигини оширишда ҳам миснинг аҳамияты борлигини күрсатды.

Мис етишмаслигидан үсимликларнинг үсиши, гуллаши тұхтайди. Баргларда хлороз бошланади. Галласимонларда бошоқлар ривожланмай қолади. Мевали дарахтларнинг учлари қурийди. Мис ўғитлари, айникса, ботқоқ тупроқларда яхши натижә беради. Чунки бундай тупроқларда унинг мікдори жуда оз. Ўғитлар сифатида мис сульфат тузи, мис әритиши заводларининг чиқындилари ишлатилиши мүмкін.

**МОЛИБДЕН.** Тупроқда молибден силикатлар таркибида учрайди. Үсимликларга анион ( $MoO_4$ ) шаклида үтади. Молибден дуккакли үсимликларда энг күп (0,5-20 мг/кг) қуруқ масса ва галласимонларда озрок (0,2-2,0 мг/кг) түпланади. Үсимликларнинг ёш қисмларыда ва баргларыда күп түпланади.

Молибден молекуляр азотнинг фиксациясини таъминловчи микроорганизмлар учун жуда зарур. Дуккакли ўсимликлар илдизидаги бактероидлардаги нитрогеназа ферментининг фаол марказига мис киради ва бу ферментнинг фаоллигини кучайтиради. Нитратларнинг ўзлаштирилиши тизимида иштирок этувчи нитратредуктаза ферментининг ҳам таркибига киради. Агар тупроқда молибденнинг миқдори жуда кам бўлса, тўқималарда нитратлар тўпланиб қолади, дуккакли ўсимликларнинг илдизида туганак бактериялар ривожланмайди. Ўсимликларнинг ўсиши издан чиқади, пояси ва барг пластинкалари деформацияланади.

Молибден ўсимлик ҳужайраларидаги аминланиш ва қайта аминланиш реакцияларида иштирок этадиган ферментлар (ксантиноксидазалар, фосфатазалар) учун ҳам зарур ҳисобланади. Аскорбин кислотанинг ҳосил бўлишида иштирок этади.

Умуман, дуккакли ўсимликларга молибден кўпроқ керак. Молибденнинг ошиқаси ҳам заарлидир. Масалан, ем-хашаклар таркибида молибденнинг миқдори 20 мг/кг дан кўп бўлса, ҳайвонларга заарли таъсир этади.

**КОБАЛТ.** Кобалт тупроқда силикат ва бошқа тузлар таркибида учрайди. Хлорли сулфат ва азот тузларини ўсимликлар яхши ўзлаштиради. Бўз тупроқларда кобалт жуда оз, умумий миқдори 5 мг/кг бўлиб, ўзлаштирадиган қисми 0,6-1,0 мг/кг атрофида.

Ўсимликларда ўртача 0,00002 фоиз ёки 0,02 мг/кг қуруқ массага тенг. Бу элемент кўпроқ дуккакли ўсимликларга зарур бўлиб, туганак бактериялари кўпайтиришни таъминлайди. В<sub>12</sub> витамини таркибида кобалт кўп учрайди. Бу витаминни фақат бактероидлар синтез қилади. У молекуляр азотнинг фиксациясида иштирок этади. Кобалт азот ўзлаштиришга, хлорофилнинг миқдорини оширишга таъсир этади.

Агар тупроқда кобалтнинг миқдори 2,5-4,5 мг/кг бўлса, етарли ҳисобланади. Үйт сифатида ишлатиш учун кобалт сулфат тузи тавсия этилади.

**РУХ.** Рух тупроқда фосфатлар, карбонатлар, сулфидлар, оксидлар ва силикатлар таркибида бўлади. Ўсимликларга катион ( $Zn^+$ ) шаклида ўтади.

Рух дуккакли ва фалласимонларнинг ер усти қисмларида 15-60 мг/кг қуруқ масса ҳисобида бўлади. Ўсимликларни ёш органларида кўпроқ тўпланади.

Рух ўсимликларнинг модда алмашинувида фаол иштирок этади. Гликолиз жараёнида иштирок этувчи ферментлар (гексокиназалар, енолазалар, триозофосфатдегидрогеназалар, алдолазалар) учун зарур ҳисобланади.


Рух карбонгидраза ферментини фаоллаштиради, натижада бу фермент  $H_2CO_3 + H_2O \rightarrow CO_2 + H_2O$  реакциясида иштирок этади ва CO<sub>2</sub>нинг фотосинтез жараёнида фойдаланилишига ёрдамлашади. Триптофан аминокислотанинг ҳосил бўлишида иштирок этади ва шу орқали оқсилларнинг ва фитогормон – индолил сирка кислотанинг синтезида ҳам иш-

гирок этади. Ўсимликларни рух билан озиқлантириш ауксинларнинг тўқималарда кўпайишига ва ўсишнинг фаоллашишига олиб келади (60- чизма).

Рух етмаганда ўсимликларда, айниқса, фосфор алмашинув жараёни зарарланади. Ўсимликлар ўсишдан тўхтайди, баргларда хлороз бошланади, ҳосил туғиш издан чиқади, фотосинтез жараёни пасаяди. Рух жуда кам бўлган ерларда цитрус ўсимликларининг касалланиши аниқланган. Шундай касаллик рўй берган вақтда тупроққа озроқ рух тузлари солиш тавсия этилади. Ҳар бир гектар ерга 6-10 кг рухни ( $ZnSO_4 \cdot 7H_2O$  дан паст концентрацияли эритма тайёрлаб) ўсимликларга пуркаш тавсия этилади.


**БОР.** Бор жуда кўп ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур элемент ҳисобланади. Айниқса, зигир, рангли карам ва қанд лавлаги ўсимликлари бор бўлмаган озуқали эритмада тез зарарланади ва куриб қолади (61-чизма). Умуман, икки паллали ўсимликлар борни бир паллалиларга нисбатан кўпроқ талаб этади.

Ўзбекистондаги бўз тупроқларда умумий миқдори 31-35 кг/мг атрофига бўлиб, ўзлаштириладиган қисми 0,3-1,2 мг/кг.га тенг.



60-чизма. Помидорларнинг ўсишига рух микроэлементининг таъсири: А—рух билан тула таъминланган; Б—рух берилмаган; В—гуллашнинг бошланишида рух берилган.

Ўсимликларда ўртача 0,0001 ёки 0,1 мг/кг қуруқ масса ҳисобида бор бўлади. Бор айниқса, ўсимлик гулларида, ҳужайра пўстида тўпланади. Кўп физиологик жараёнларга таъсир этади. Бор гулчанларнинг унишини ва чанг найларининг ўсишини тезлаштиради. Гуллар, мевалар сонини кўпайтиради. Углеводлар, оқсиллар ва нуклеин кислоталарнинг алмашинувига таъсир этади. Бор етмаганда репродуктив органларнинг шаклланиши—чангланиш ва мева тугунларининг ҳосил бўлиш жараёнлари издан чиқади. Ўсиш конуси биринчи навбатда нобуд бўлади.



61-чизма. Бор микрэлементининг физиологик аҳамияти.

Бор етишмаслиги натижасида: а—рангли карам поясининг зарарланиши; б—лавлагида ўзак чириш касаллигининг бошланиши.

Профессор М.Я.Школьникнинг кўрсатишича, бор элементи ферментлар таркибиға кирмайди. Унинг таъсири таснифий хусусиятга эга. У феноллар алмашинуvida иштирок этади. Икки паллалилар тўқималарида бор етмаган тақдирда феноллар ва ауксинлар кўп тўпланиши аниқланган. Бу эса нуклеин кислоталари ва оқсилларнинг синтезини издан чиқаради. Феноллар жуда кўп тўпланганда тонопластнинг ўтказувчанлиги кучаяди. Натижада полифеноллар вакуоладан цитоплазмага чиқади ва полифенолоксидаза ферменти иштирокида хинонларгача оксидланади. Хинонлар эса ўсимликни заҳарлайди. Ўсиш конуслари ула бошлайди.

Ўғит сифатида бор кислотасини ( $H_3BO_3$ ) ишлатиш мумкин. Унинг таркибида 17 фоиз бор бўлади. Борли чиқиндилардан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

## 6.5. МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЮТИЛИШ МЕХАНИЗМИ

Фанда анча вақт ўсимлик илдизларига тупроқдан минерал моддаларнинг кириши транспирацияга тўғридан-тўғри bogliq, яъни транспирация кучи таъсирида сувнинг ўсимлик илдизларига ва сунгра тана орқали баргларга қараб ҳаракат қилиш жараённида жуда суюқ тупроқ эритмаси ҳам деярли ўзгармасдан ўсимлик илдизларига киради, деган фикр хўм сурган. Кейинги йиллардаги текширишлар бу жараённинг анча мураккаб эканлигини ва ўсимликка кириб, унда тўпланаётган минерал моддаларнинг миқдорига мутаносиб бўлганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, ўсимлик илдизларига минерал тузлар узлуксиз сўриладиган сув билан пассив равишда киради, дейилган тушунчанинг асоссиз эканлиги аниқланди. Лекин бундан минерал тузларнинг ўзлаштирилишида Транспирация оқими ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деган маъно чиқмайди. Чунки илдиз ҳужайралари орқали трахея ва найларга ўтган минерал моддалар ксилема шираси ҳолатида ўсимликнинг бошқа органларига Транспирация кучи орқали тақсимланади.

Илдизларнинг асосий сўрувчи қисмини ташкил этган тукчалар тупроқдан сув ва минерал элементларни ютади. Бу иккала жараён бирбирига боғлиқ бўлса ҳам, уларнинг илдизларга кириш механизми ҳар хил. Чунки ўсимликларнинг минерал озиқланиши жуда мураккаб хусусиятга эга. У биофизик, биокимёвий ва физиологик жараёнларни ўз ичига олади ҳамда асосан икки босқичда содир бўлади :

- 1) радиал транспорт;
- 2) ксилема ширасининг транспорти.

Радиал транспорт минерал моддалар илдиз тукчаларининг юзасидан ютилишидан бошланиб, ҳужайра қисмлари ва тўқималар билан маълум муносабатлари натижасида трахеидлар ва ксилема найларининг минерал моддаларга тўлиши билан якунланади. Ксилема найларидаги шира эса ўсимликнинг бошқа қисмларига транспирация кучи ҳамда илдиз босими ҳисобига кўтарилади ва тақсимланади.


Ўсимликларнинг тўқималарида тўпланган озиқа моддаларнинг миқдори улар ўсиб турган шароитдаги миқдорига (яъни тупроқдаги) нисбатан бир неча баравар кўп. Бу ўсимликлар ҳужайрасида зарур элементларни танлаб ютиш ва уларни тўплай оладиган маҳсус механизмлар мавжудлигидан далолат беради.

Минерал элементларнинг ҳужайрага ютилиши даставвал, ҳужайра пўстидан бошланади ва сўнгра мембронада давом этади. Ҳужайра пўсти асосан целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин моддадан иборат. Пектин моддаси ўз таркибида карбоксил гурухларни сақлайди ва катион алмашинув хусусиятига эга бўлади. Бу эса мусбат зарядланган моддаларни тўплаш шароитини яратади. Натижада ионлар тупроқ эритмасидан ҳужайра пўстига диффузияланади. Диффузиянеш жараёни пўстдаги эркин бўшлиқлар тўлиб, ионлар концентрацияси ташқи эритманинг концентрациясига тенглашгунча давом этади. Ҳужайра пўстидаги эркин бўшлиқлар ўртача 5-10 ҳажмга эга бўлиб, пўстдаги молекулалараро, плазмолемма ҳамда пўст ўртасидаги бўшлиқлар йигиндисидан иборат. Эркин бўшлиқларнинг минерал ионлар билан тўлиши оддий диффузияга асосланган. Унинг концентрацияси ташқи эритма концентрациясига боғлиқ. Тупроқ эритмасининг концентрацияси ўзгариши эркин бўшлиқдаги элементлар миқдорига ҳам таъсир этади. Масалан, илдизлар тоза сувга солинса, эркин бўшлиқдаги ионлар сувга қайтиб чиқади. Ионларнинг пўстдаги эркин бўшлиқлардан цитоплазмага ўтказилиши алмашинув адсорбциясига асосланган, яъни цитоплазмадаги нафас олиш жараёнида ҳосил бўлган  $\text{H}^+$  катионларга ва  $\text{HCO}_3^-$  ( $\text{OH}^-$ ) ёки органик кислоталарнинг анионлари минерал моддаларнинг анионларига алмашинади (62-чизма). Илдизнинг сўрувчи қисми билан тупроқ заррачалари умумий коллоид тизимни ҳосил қиласиди ва у моддаларнинг адсорбцияланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Илдиз тукчалари, одатда тупроқ заррачаларига маҳкам ёпишади ва шу

туфайли үсімлік ілдизларда алмашиныш реакциялари анча енгил булади. Цитоплазмага үтган ионлар метаболизм жараёнида иштирок этади.

Охирги йилларда биологик мембраналарда транспорт механизми ҳар томонлама үрганилди ва ҳар хил омиллар асосида турлича булиши аниқланды (63-чизма):


1. Агар моддалар липидларда әрүвчан бұлса, у ҳолда улар мембрана нинг липид фазасида оддий диффузияланади.
2. Липофил ташувчилар ёрдамида гидрофил моддаларнинг диффузияси.
3. Ион каналлари орқали оддий диффузия.
4. Моддаларни фаол ташувчилар (насослар) ёрдамида үтказиш.



62-чизма. Түпрақ зарралари ва илдиз үхжайралари үртасида ионларнинг алмашинуv шакли (В.В. Полевоий, 1989).

5. Моддаларни экзоцитоз ва эндоцитоз йүллари билан үтказиш. Моддаларнинг мембраналар орқали бундай ҳаракатлари фаол ва суст хусусиятта эга булади (64-чизма).

Моддаларнинг (ёки ионларнинг) градиентта асосан оддий диффузияланиш йүли билан ёки ташувчилик вазифасини бажарувчи маңсус оқсиллар иштирокида үтишига суст транспорт (ташиш) дейилади. У ташқи шароитда ионларнинг концентрацияси үхжайрадаги миқдордан күп бүлгандан содир булади. Фаол транспорт моддаларнинг мембрана орқали ташилиши градиентта қарама-қарши содир булади. Яъни үхжайрадаги моддаларнинг концентрацияси ташқи шароитдагига нисбатан бир неча барабар күп бүлганды




63-чизма. Мемранада ионларнинг транспорт хиллари.

ҳам ионларнинг мембрана орқали ташилиши давом этади. Бу жараён энергия (АТФ) сарфланиши билан боғлиқ. Фаол транспортга:  $\text{H}^+$  - АТФаза,  $\text{Na}^+$  ва  $\text{K}^+$  - АТФаза,  $\text{Ca}^+$  - АТФаза, анион АТФаза ион насослари мисол булади.


Ташувчилик вазифасини бажарувчи оқсилилар мембранадан битта эриган моддани утказса бунга унипорт дейилади. Биринчи эриган модданинг утказилиши иккинчи модданинг утказилишига ҳам боғлиқ бўлиши, яни уларнинг иккаласи ҳам бир томонга (симпорт) ёки қарама-қарши томонга (антиморт) утказилиши мумкин (65-чизма). Минерал элементларнинг радиал транспорти икки йўл билан содир бўлади: апопласт; симпласт.

**Апопласт ҳаракат.** Ҳужайраннинг пустига диффузия ва алмашинув адсорбцияси билан тўпланган ионлар эритманинг



64-чизма. Ҳужайраннинг мембрана қаватида содир бўладиган суст ва фаол транспортлар.

градиенти асосида ҳаракат қиласи ва бу ҳаракат сув ёрдамида тезлашади. Пустдан-пустга адсорбцияланиш йўли билан ионларнинг сўрилиши



65-чизма. Таушувчи оқсиллар фаолиятининг шакли.

илдизининг то ички эндодерма қаватигача давом этади ва цитоплазмага ўтиб, симпласт йўли билан ҳаракат қиласи. Чунки эндодермадаги Каспари белбоғи деб аталувчи суберин моддаси бўлган қалин пўст озуқа моддаларини ўtkазмайди. Бу йўл қисқа бўлса ҳам илдизларнинг ташки мұхит билан алоқа сатхини кўп марта оширади.

*Симпласт ҳаракат* минерал моддалар транспортининг асосий йулидир. Яъни цитоплазмага ўтган моддалар цитоплазманинг ҳаракати ва цитоплазматик тўр каналлари орқали хужайрадан-хужайрага плазмодесмалар ёрдамида ўтади. Бу ҳаракат тезлигига моддаларнинг концентрация градиенти ҳам таъсир қилиши мумкин. Юқорида айтилганидек, эндодерма қаватида бунга апопласт йўли билан ташилаётган ионлар ҳам қўшилади ва ягона симпласт йўли давом этади. Бу ҳаракат натижасида озуқа моддалар трахеид ва ксилема найларига ўtkазилади. Бу найлардаги ширалар транспирация кучи ва илдиз босими асосида ўсимликнинг бошқа қисмларига тарқалади.

## 6.6. ИОНЛАР АНТАГОНИЗМИ ВА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ЭРИТМАЛАР

Бир валентли ва икки валентли ионларнинг ҳар хил, ҳатто қарама-қарши физиологик таъсирлари мавжудлиги аниқланган. Масалан, натрий ва калий ( $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$ ) катионлари цитоплазманинг кучлироқ гидратацияга учрашига ва шу туфайли унинг заррачаларининг фаоллашувига ҳамда қовуш-қоқлиги камайишига сабаб бўлади. Бу цитоплазманинг кўпроқ сув билан таъминланишига олиб келади. Калий эритмасида цитоплазма тезлиқда қавариқ плазмолизга ўтади. Калций катиони ( $\text{Ca}^{++}$ ) эса цитоплазманинг қовуш-қоқлигини оширади. Калций иони таъсирида ҳосил бўлган плазмолиз узоқ вақтгача қиррали шаклда (қалпоқчали) бўлади.

Бир ва икки валентли катионларнинг бундай ҳар хил ва ҳатто қарама-қарши физиологик таъсири антагонизм дейилади.

Металларнинг тоза тузлари (бошқа тузлар аралашмаси бўлмаганда) ўсимликларга заҳарли таъсир этади. Фақат бошқа тузларнинг аралашмасигина озиқа сифатида ишлатилиши мумкин. XIX асрнинг охирларида ёқ яхши тозаланган NaCl тузининг заҳарли таъсир этиши аниқланган эди. Бу эритмага озроқ қалций ва магний тузлари аралаштирилганда эса дарҳол натрийнинг заҳарли таъсири йўқолади.

Валентликлари ҳар хил ионлар ўртасидаги антагонизм кучлироқ кечади. Лекин ионнинг валентлиги қанча юқори бўлса, унинг антагонистик таъсири шунча камроқ концентрацияда бўлиши мумкин.

Айрим ионларнинг ҳар хил концентрациясини танлаш йўли билан тажрибадаги ўсимликлар учун жуда яхши ривожланадиган комбинацияларни топиш мумкин. Бундай оптималь комбинациялар тенглаштирилган эритма дейилади.

Бундай тенглаштирилган физиологик эритмалар ўсимликларга заҳарли таъсир этмайди, аксинча ўсиш ва ривожланишни оптимумгача кучайтиради. Денгиз сувўтлари учун денгиз суви ана шундай тенглаштирилган муҳит ҳисобланади, чунки бу сув ўзидағи тузлар таркибига кўра тенглаштирилган эритмага тўғри келади.

Физиологик тенглаштирилган эритмалар ўсимликларни озиқали эритмада ўстириш учун энг қулай ҳисобланади. Чунки бу эритмаларда ўсимлик жуда яхши ривожланади. Агар шу эритмадан биронта ион чиқарилса, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши кескин пасаяди. Айрим элементлар бошқа элементларнинг физиологик таъсирини кучайтириши ҳам мумкин. Бундай жараёнларга синергизм дейилади.

Масалан, гўзага азот, фосфор ва калий ўғитларини биргаликда бериш натижасида олинган ҳосил, ҳар доим уларни алоҳида-алоҳида берилганда олинган ҳосил йиғиндисидан кўп бўлади.

## 6.7. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТАБИЙ ТУПРОҚДАН ОЗИҚЛАНИШИ

Ўсимликларнинг табиий тупроқда минерал моддалар билан озиқланиши сунъий шароитга нисбатан анча мураккаб. Чунки ўсимлик табиий тупроқда турли элементлар бир-бирига яқиндан таъсир қиласидиган шароитга дуч келади. Тупроқдаги минерал тузларнинг жуда оз қисмигина сувда эриб, ўсимлик ўзлаштирадиган тупроқ эритмасини ҳосил қиласиди. Жуда кўп тузлар эса тупроқнинг коллоидларига адсорбцияланган бўлади. Матъум қисми органик моддалар ва сувда эримайдиган минераллар таркибидан бўлади. Бундан ташқари ўсимликларнинг минерал озиқланиши кўп жиҳатдан тупроқ эритмасининг реакциясига ҳам боғлиқ.

Ўсимликлар учун зарур озиқа моддалар тупроқда тўрт хил шаклда бўлади:

1) сувда эриган ҳолда – буларни үсимликлар яхши ўзлаштиради, лекин юилиб кетиши мумкин; 2) тупроқ коллоидларининг юзасига адсорбцияланган ҳолда юилиб кетмайди, үсимликлар ион алмашинуви йўли билан ўзлаштиради; 3) ўзлаштирилиши қийин бўлган анорганик тузлар (сулфатлар, фосфатлар, карбонатлар); 4) тупроқнинг адсорбция қилиш ва эриган моддаларни ушлаб туриши ютиш қобилияти дейилади. Шу қобилиятни ҳосил қилувчи коллоид қисми тупроқнинг ютувчи комплекси дейилади. Бу жараёнларни ҳар томонлама ўрганган К.К.Гедройц тупроқнинг ўзлаштириш қобилиятини беш турга ажратади: 1) механик; 2) физик; 3) физик-кимёвий; 4) кимёвий; 5) биологик.

*Механик ўзлаштириш қобилияти* тупроқ орқали лойقا сув филтрланишида суспензия ҳолидаги майда заррачаларнинг тутилиб қолишидан иборат.

*Физик ўзлаштириш қобилияти*. Бунда тупроқнинг қаттиқ фазаси ва тупроқ эритмасининг сатҳида тортишув рўй беради. Бу ҳол тупроқ заррачаларининг устки қисмida эриган моддалар концентрациясининг ортишига олиб келади, яъни адсорбция жараёни содир булади.

Тупроқ заррачалари юзасида бундай қуюқлашган концентрациянинг юзага келишига асосан тупроқ намлигида эриган электролитлар сабаб булади. Лекин баъзи моддаларнинг ионлари тортилмайди, аксинча, тупроқ заррачалари томонидан итарилади. Бунга айрим анионларни ( $\text{Cl}^-$ ,  $\text{NO}_3^-$ ) мисол қилиш мумкин. Уларни тупроқ заррачалари ўзлаштиrolмайди.

*Физик-кимёвий ўзлаштириш қобилияти*. Үсимликларнинг минерал озиқланиши учун катта аҳамиятга эга. Бунда элементларнинг бир қисми тупроқ заррачаларининг юзасига адсорбцияланган ва қолган қисми тупроқ эритмасининг таркибида ионлар шаклида булади. Бу ионлар ўртасида доимий алмашинув жараёни содир бўлиб туради.

*Кимёвий ўзлаштириш қобилияти*. Тупроқка солинган кимёвий моддалар тупроқ эритмасидаги моддалар билан реакцияга киришиб, сувда эримайдиган бирикмаларга айланади. Бундай бирикмаларни үсимликлар ўзлаштиrolмайди. Масалан, тупроқка калцийга бой бўлган фосфорли тузлар солинганда сувда эримайдиган калций фосфат  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  ҳосил булади.

*Биологик ўзлаштириш қобилияти*. Бунда тупроқда яшовчи микроорганизмлар (бактериялар, замбуруғлар ва бошқалар) ўзларининг ҳаёт фаолияти жараёнида тупроқдаги минерал элементларни ўзлаштириб, ўз таналарида тўплайдилар. Үсимликларнинг илдизлари орқали минерал моддаларнинг ютилиши ҳам биологик ўзлаштиришга киради.

Тупроқнинг минерал элементларни ўзлаштириш қобилияти, айниқса, физик-кимёвий ва физик ютиш қобилияти үсимликларнинг минерал озиқланиши учун катта аҳамиятга эга. Чунки тупроқка со-

линган калий, фосфор, азот үфитлари ювилиб кетишдан сақланади. Тупроқ унумдорлиги ошади ва шу билан бир қаторда үфитлар үсимлик үзлаштирадиган шаклда қолади. Буларни алмашинув адсорбцияси йұли билан үсимликлар үзлаштиради.

Үсимлиklärнинг минерал озиқланиш жараёнида тупроқ реакцияси ҳам катта аҳамиятга эга. Тупроқ әритмаси таркибидаги кислота ва асослар миқдори әритма реакциясini ҳосил қилади. Тупроқ әритмасининг реакцияси  $H^+$  ва  $OH^-$  ионларининг нисбатига асосан аниқланади. Тупроқ реакцияси pH билан, яғни әритмадаги водород ионлари концентрациясининг манфий логарифмини үзіда намоён қилувчи водород күрсаткичи билан ифодаланади. Тупроқ реакцияси асосан уч гурухни үз ичига олади: 1) нордон реакция - pH 7 дан кам; 2) нейтрал реакция - pH7; 3) ишқорий реакция - pH7,5 ва үндан ортиқ. Табиий шароитда бу реакциялар иқлим, она жинслар, тупроқнинг минерал ва органик таркиби, жойнинг рельефи ва бошқалар таъсирида шаклланади. Масалан, оңак етишмаса тупроқ нордон реакцияга эга бўлади (ботқоқликларда pH 3-4 га, подзол тупроқларда 5-6 ва ҳоказо).

Таркибida  $CaCO_3$  кўп тупроқлар асосан ишқорли реакцияга эга. Нордон тупроқларда, одатда, үсимлиklär озиқланиши учун қулай моддалар – азот, фосфор, калий, олтингугурт, магний, калций, молибден ва бошқалар кам бўлади, нитрификация ва азотофиксация жараёnlарида иштирок этувчи микроорганизмлар ҳам яхши ривожланолмайди. Натижада үсимлиklärнинг озиқланиш жараёни ҳам қийинлашади.

Кислоталарнинг нейтралловчи  $CaCO_3$  билан таъминланган тупроқлар нейтрал ёки кучсиз ишқорий реакцияга эга ( pH 7, 0-7, 5) бўлади. Тупроқнинг нейтрал реакцияси тупроқ микроорганизмлари учун қулай шароит ҳисобланади. Бундай тупроқлар үсимлиklärнинг оптимал үсиши ва ривожланиши учун жуда қулай. Тупроқда калций миқдорининг ортиши тупроқнинг ишқорийлигини кучайтиради.

Тупроқдаги минерал озиқа моддалар билан бир қаторда гумификация ва үсимлик ҳамда ҳайвонлар қолдигининг чала парчаланиш маҳсулотлари бўлган органик моддалар ҳам катта аҳамиятга эга. Тупроқ унумдорлигининг шаклланишида гумус катта рол уйнайди. Унинг таркибida асосий озиқа моддалардан ташқари жуда кўп микроэлементлар мавжуд. Улар үсимлиklärга ўтиб, ферментларнинг фаоллигини оширади ва бошқа физиологик жараёnlарда иштирок этади.

Тупроқнинг органик қисмida биологик фаол моддалар: витаминалар  $B_6$  ва  $B_{12}$ , тиамин, рибофлавин, биотин, гетероауксин, гиббериллинлар ва бошқалар ҳам бўлади.

Умуман, тупроқда чиринди моддаларнинг кўп бўлиши минерал озиқланиш учун қулай шароит яратади.

## **6.8. ЎСИМЛИКЛАР ОНТОГЕНЕЗИДА МИНЕРАЛ ОЗИҚЛANIШ**

Ўсимликлар онтогенезида минерал моддаларни ўзлаштириш уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Ўсимликларнинг кўпчилигига асосий элементлар гуллашгача бўлган даврда ўзлаштирилади. Баҳорги ғаллалар онтогенезининг дастлабки 1,5 ойи мобайнида азот, фосфор ва қалийни энг фаол ўзлаштиради. Шу вақт ичидаги сули умумий қалийнинг 70 фоизи ва калцийнинг 58 фоизини тўплайди. Магний эса онтогенезда бир текисда ўзлаштирилади. Нұхат ўсимликлари ҳам барча ҳаётий зарур элементларни онтогенезда бир текисда ўзлаштиради.

Айрим ўсимликлар минерал элементларнинг асосий қисмини онтогенезнинг иккинчи ярмида, яъни гуллаш, уруф ҳосил бўлиш даврида қабул қиласди.

Умуман, экинларни қисқа ва узоқ муддат давомида озиқланадиган иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Ёзга узоқ муддат давомида озиқланадиган экинлар қаторига киради. У ердан чиқишидан тортиб то ўсув даврининг охиригача тупроқдан озиқ моддалар олиб туради. Лекин онтогенезида минерал моддаларнинг турларига бўлган талаб ҳам ўзгариб туради. Масалан, П.В.Протасовнинг кўрсатишича, гўзанинг ердан чиқишидан тортиб то дастлабки чинбарг чиқадиган давригача бўлган вақтда фосфорни кўпроқ талаб қилиши аниқланган. Азотга бўлган талаб эса кечроқ, тахминан дастлабки чинбарг пайдо бўлганидан сўнг бошланади ва гуллаш фазасигача ошиб боради. Шунинг учун ҳам азотли ўғитларни гуллаш ва ҳосил туғишнинг бошланишигача солиб бўлиш тавсия қилинади. Ёзани азот билан кеч озиқлантириш эса ўсувчи органларнинг фаоллашишига олиб келади. Бу эса ҳосилнинг кеч етилиши, оз бўлишига сабаб бўлади.

## **6.9. ЎҒИТЛАШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Ўсимликларни озиқ моддалар билан таъминлаш воситаси бўлган ўғитлар экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик экинларида ўғитларни қуллаш ҳисобига ҳосилдорликни бир неча баравар ошириш мумкинлиги тажрибадан маълум. Чунки экинлар ҳар йили ўзининг ҳосили ҳисобига тупроқдан анча энг зарур минерал элементларни олиб кетади. Шу сабабдан айрим озиқа элементларининг миқдори камая боради. Тупроқдан ҳар йили олиб чиқилган моддаларнинг миқдори ўсимлик турларига, ҳосилнинг миқдорига, табиий иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Сабзавотлар, картошка, кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар озиқа элементларини ғаллаларга нисбатан кўпроқ олиб чиқади. Масалан, бир тонна ҳосил билан ғаллалар 10 кг, картошка ва лавлаги 30-40 кг ва қарам 60 кг

калцийни тупроқдан олиб чиқади. Бу жараён йилдан-йилга тақрорлана-верса, тупроқ унумдорлиги кескин камаяди. Уни юқори даражада сақлаш ва экинлардан мумкин қадар күп ҳосил олиш учун тупроққа ўғит солиш тавсия этилади. Унумдорликни пасайтирмасдан доимий юқори ҳосил олиш учун қишлоқ хўжалигини ялпи кимёлаштириш тавсия этилади. Бунинг учун ўғитлаш тизимини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Ўғитлаш тизими – бу алмашлаб экишни, тупроқ унумдорлигини, иқлимни, ўсимликларнинг биологик хусусиятларини, навларини, ўғитларнинг таркиби ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўғитлаш дастуридир.

Ўғитлардан унумли фойдаланиш учун энг аввал ўсимликлар онтогенезида минерал озиқа элементларга бўлган талабни ҳам ҳисобга олиш муҳим. Ўсимлик ўз ривожланишининг энг олдинги босқичида асосан уруғда бўлган минерал моддалар захирасини ўзлаштиради ва шунинг учун ҳам қўшимча талаб кам бўлади. Лекин ўсимлик умумий массасининг ортиб бориши билан озиқа моддаларга бўлган талаб ҳам ортиб боради. Қўпчилик ўсимликларнинг гуллаш ва мева туғиш даврида минерал элементларга бўлган талаб ҳам энг юқори даражада бўлади. Донларнинг этилган ёки меваларнинг пиша бошлаган даврларига келиб бу талаб кескин камаяди.

Ёрни экиш олдидан тўла ўғитлаш унчалик мақсадга мувофиқ эмас, чунки ўғитдан фойдаланиш коэффициенти жуда паст бўлади. Ўсимлик ерга солинган ўғитнинг 1/3 ёки 1/2 қисмини ўзлаштиради, холос. Қолган қисми тупроқда қолиб, сувда эримайдиган минералларга айланади ёки ювилиб кетади, айниқса, тез эрийдиган азот ўғитлари. Шунинг учун ҳам ўғитларни экиш олдидан ва ўсимликнинг вегетацияси давомида уларнинг талабига мувофиқ тупроққа солиб, ҳосилдорликни режали равишда ошириш мумкин.

Айрим ҳолларда қўшимча усул сифатида экинларни баргларидан озиқлантириш ҳам қулланилади. Бунда ўғитларнинг паст концентрацияли эритмаси тайёрланиб, ўсиб турган ўсимликларга самолёт ёки тракторлар ёрдамида пуркалади. Натижада ўғит тупроққа эмас, асосан ўсимлик баргларига тушади ва барглар уни ўзлаштириб, ўсимликнинг бошқа органларига ўтказади. Бундай усулнинг қулайлиги шундаки, ўғитлар кам сарф этилади, шунинг учун ҳам кам солиниши зарур бўлган микроэлементлар учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари бу усул билан ўсимликларни қўшимча озиқлантириш, айниқса, илдиз тизимининг фаоллиги пасайган вақтларда (тупроқ ҳароратининг пастлиги, илдизларнинг касалланиши ва бошқа қисқа муддатли фаолликнинг пасайиши) муҳим.

Ўсимликларни баргларидан озиқлантиришни зааркунандаларга ва касалликларга қарши кураш билан бирга олиб бориш мумкин. Умуман, юқори ҳосил олишда ялпи кимёлаштиришнинг аҳамияти катта.

Барча ўгитлар минерал ва органик турларга бўлинади. Минерал ўгитларга: азотли, фосфорли, калийли ва микроўгитлар; органик ўгитларга: фўнглар, ҳайвон қолдиқлари, торф ва бошқалар киради. Ўгитлар оддий ва мураккаб булиши мумкин. Таркибида ўсимликларнинг озиқланиши учун зарур битта элемент бўлган ўгит оддий ўгит дейилади. Масалан, азотли, фосфорли, калийли ва бошқа ўгитлар. Таркибида иккита ва ундан кўп озиқа элементи бўлган ўгитлар мураккаб ёки комплекс ўгитлар дейилади. Масалан, калий натрий тузи  $\text{KNO}_3$ , аммофос  $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$  ва бошқалар.

Ўгит сифатида ишлатиладиган тузлар тупроқ эритмасидаги реакция хусусиятлари асосида уч гуруҳга бўлинади: 1) физиологик нордон; 2) физиологик ишқорий; 3) физиологик нейтрал.

Ҳар хил тузлар, уларнинг анион ва катионлари ўсимликларга бир хил тезликда сўрилмайди. Айрим тузларнинг катионлари, бошқа тузларнинг эса анионлари тез сўрилиши натижасида қолган ион эритмада тўпланади ва маълум реакцияни ҳосил қилишга сабаб бўлади. Масалан, аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  тузининг катиони ( $\text{NH}_4^+$ ) тез ўзлаштирилади, аниони эса ( $\text{SO}_4^{2-}$ ) тупроқда тўпланиб, эритма реакциясини кислоталик томонга ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бундай тузлар физиологик нордон тузлар дейилади. Натрий  $\text{NaNO}_3$  тузининг аниони ( $\text{NO}_3^-$ ) тез ўзлаштирилади, катиони ( $\text{Na}^+$ ) эса тупроқда тўпланиб, эритманинг реакциясини ишқорий томонга ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бундай тузларга физиологик ишқорий тузлар дейилади. Аммоний - $\text{NH}_4\text{NO}_3$ , тузининг катиони ( $\text{NH}_4^+$ ) ва аниони  $\text{NO}_3^-$  деярли бир хил ўзлаштирилади. Бундай тузлар физиологик нейтрал тузлар дейилади.

Ўгитларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тузларнинг реакцияларини ва тупроқнинг рН даражасини, экинларнинг рН даражасига муносабатларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга бўлади.

**АЗОТЛИ ЎГИТЛАР.** Барча азотли ўгитлар тўртта гуруҳга бўлинади: 1) нитратли; 2) аммонийли; 3) аммонийли-нитратли; 4) мочевина.

*Нитратли ўгитлар* таркибида азот нитрат аниони ( $\text{NO}_3^-$ ) шаклида бўлади. Энг муҳим тузлари –  $\text{NaNO}_3$ ,  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$  физиологик ишқорий реакцияга, нордон тупроқларда юқори самарадорликка эга. Нитрат шаклдаги азотли ўгитлар тупроқ қатлами бўйлаб тез тарқалади.

Шунинг учун ҳам кўп ишлатиладиган селитра аммоний нитрат ўгитини кузги шудгор қилишда тупроққа солиш тавсия қилинади. Чунки тез ювилиб кетади. Кузги шудгорлашда солиш учун азотнинг сувда секин эрийдиган калций цианамид каби шаклларидан фойдаланиш мумкин. Азот ўгитларидан фойдаланишда уларнинг исроф бўлишини ҳам ҳисобга олиш, айниқса, муҳимдир. Азотнинг тез эрийдиган нитрат тузлари самарадорлиги экинларнинг вегетация даврида ишлатилганда юқори даражага эга бўлади.

**Аммоний ва амиак ўғитлари таркибида азот асосан катион  $(\text{NH}_4^+)$ ,  $\text{NH}_3^+$ , шаклида булади. Энг муҳим ўғитлари аммоний сулфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  суюқ, сувсиз амиак (таркибида 82,2 фоиз азоти бор) ва амиакли сув ( $\text{NH}_4\text{OH}$  амиакнинг 25 фоиз сувли эритмаси). Булар физиологик нордон реакцияли бўлганликлари учун кам ишқорий реакцияга, тупроқларда юқори самарадорликка эга. Агар нордон тупроқларга солиш зарур бўлса, у ҳолда қўшимча оҳаклаш ҳам талаб этилади.**

**Аммонийли-нитратли ўғитлар** таркибида ўсимликлар катионини ва анионини ҳам ўзлаштириши мумкин. Бунинг асосий вакили амиакли селитра –  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  булиб, таркибида 34 фоиз азот булади. Бу ўғит нейтрал ёки кам ишқорий реакцияга эга тупроқларда яхши натижа беради. Ўзбекистон шароитида азотли ўғитлардан энг кўп ишлатиладигани аммоний селитрадир ( $\text{NH}_4\text{NO}_3$ ). Лекин бу ўғитни ҳам шудгорлашдан олдин солиш тавсия этилмайди. Чунки жуда тез эрийди.

**Мочевина** (карбамид)  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$  таркибида 46 фоизи яқин азот булади, паст ишқорий реакцияга эга.

Азотли ўғитлар тупроқда ўз таъсирини узоқ сақламайди ва кўп тўпланмайди. Чунки улар тез эрувчан бўлганлигига учун тупроқнинг чуқур қатламларига тушади ёки ювилиб кетади. Бундан ташқари уларнинг маълум миқдори денитрификацияга учрайди, яъни тупроқ микроорганизмлари томонидан молекуляр азотга айланниб, ҳавога учив кетади. Шунинг учун ҳам уларга нитрификация ингибиторларини қўшганда азот ўғитларининг самарадорлиги ошади.

**ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР.** Фосфор ўғитлари уч гурухга бўлинади:

- 1) эрийдиган; 2) сувда эримайдиган, кучсиз кислоталарда эрийдиган;
- 3) сувда эримайдиган ва кучсиз кислоталарда ҳам ёмон эрийдиган.

Фосфор ўғитларининг энг кўп ишлатиладиган гурухи эрийдиган оддий  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$  ва кўш  $\text{Ca}_2(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  суперфосфатлар булиб ҳисобланади. Суперфосфат таркибидаги фосфор ҳаракатчанлиги кам тупроқларда тўпланади. Шунинг учун ҳам уларнинг таъсир кучи 2-3 йилгача давом этиши мумкин. Оддий суперфосфатнинг таркибида ўзлаштириладиган фосфор кам булиб, одатда 14 фоиздан ошмайди. Апатитлардан олинадиган суперфосфат таркибида ўсимлик ўзлаштира оладиган фосфор 18-20 фоиз бўлади. Қўшсуперфосфатларнинг таркибида 30 фоиздан кўпроқ соф фосфор бўлади. Ҳозирги вақтда қўшсуперфосфатнинг хусусиятларини яхшилаш мақсадида донадор ёки амиаклаштирилган қилиб тайёрланади. Чунки суперфосфатнинг бу шакли юқори самарадорликка эга. Фосфор билан амиак қўшилиб аммофос ҳосил қиласди. Аммофос мураккаб ўғит ҳисобланади. Чунки унинг таркибида фосфор (48-60 фоиз), азот (11 фоиз) бўлади.

Фосфорнинг сувда эримайдиган, кучсиз кислоталарда эрийдиган гурухига преципитат (фосфор кислотасининг қўш калцийли тузи) ва бошқалтар киради. Буларнинг таркибида ҳам ўсимликлар яхши ўзлаштиради-

ган фосфор бор. Преципитат таркибидаги ўсимлик ўзлаштирадиган фосфор 25-38 фоиз булади.

Фосфорнинг сувда эримайдиган ва күчсиз кислоталарда ёмон эрийдиган ўғитларига фосфорит ва суяк уни киради.

Фосфор ўғитларининг самарадорлиги жуда кўп омилларга, жумладан, тупроқлардаги фосфорнинг миқдори, бошқа озиқа моддаларнинг нисбати ва ҳоказоларга боғлиқ булади. Тупроқда фосфор кўпайиб кетгандага эса фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги камаяди.

**КАЛИЙЛИ ЎГИТЛАР.** Ўсимликлар тупроқ таркибидаги калийни бошқа кул элементларига нисбатан анча яхшироқ ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам калийли ўғитларнинг аҳамияти катта. Калий ўғити сифатида асосан калий ( $KCl$ ) қулланилади. Унинг таркибida 52 фоиз соф калий бўлиб, сувда яхши эрийди. Бу туз ҳамма тупроқларда ва барча ўсимлик турлари учун ишлатилиши мумкин. Калий ўғити сифатида фойдаланилайдиган тузлардан калий сульфат ( $K_2SO_4$ ) таркибida 48-52 фоиз соф модда ( $K_2O$ ) бўлиб, сувда яхши эрийди. Калий нитрат ( $KNO_3$ ) таркибida соф модда ( $K_2O$ ) 45-46 фоиз ва 13 фоиз азот булади. Сувда яхши эрийди.

Калий ўғитларининг ҳаммаси физиологик нордон тузлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу тузлар нордон тупроқларда ишлатилганда қўшимча оҳаклаш самарадорликни оширади. Калий ўғитлари азот ва фосфор ўғитлари билан биргаликда ишлатилганда самарадорлиги юқори булади.

**МИКРОЎГИТЛАР.** Ўсимликларга ўсиш ва ривожланиш учун ўзлаштириладиган асосий элементлардан (NPK) ташқари жуда оз талаб қилинадиган микроўғитлар ҳам керак. Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг бор, марганец, мис, рух ва молибден каби элементларга талаби анча яхши ўрганилган. Ўсимликлар таркибida бу элементлар етарли бўлганда ўсиш ва ривожланиш фаоллашади, касалликларга ва ташқи шароитнинг нокулай омиллари таъсирига чидамлилиги ортади. Шунинг учун ҳам тупроқда бу элементлар етмаганда, уларнинг ўғитларидан фойдаланиш умумий самарадорликни оширади. Ўгит сифатида бу элементларнинг сувда яхши эрийдиган тузларидан ёки таркибida ўзлаштириладиган микроэлемент бўлган чиқиндиларидан фойдаланиш мумкин. Кўп мамлакатларда бу элементлар асосий ўғитларга қўшиб ишлатилади.

Микроўғитлардан фойдаланишнинг асосан учта усули кенг қўлланилади:

- 1) тупроққа солиш;
- 2) суюлтирилган эритмасини ўсимликларга пуркаш;
- 3) уруғларни экишдан олдин микроўгит билан таъминлаш.

Биринчиси асосий йўл бўлиб, бу айрим элементлар тупроқ таркибида кам бўлганда кенг қўлланилади. Солинадиган ўғитнинг миқдори микроэлемент турига, тупроқдаги миқдорига, ўсимлик турига ва бошқаларга боғлиқ. Масалан, бор ўғити сифатида  $H_3BO_3$ , кислотадан 0,5-2 кг/га, марганец ўғити сифати  $MnSO_4$  тузидан 10-18 кг/га, рух ўғити сифатида

$ZnSO_4$  тузидан 5-10 кг/га тупроқقا солинганда ҳосилдорлик сезиларли даражада ошганлиги аниқланган.

Микроэлементларнинг суюлтирилган эритмаларини ўсимликларга пуркаш қўшимча усуллар қаторига киради ва баъзи бир қулайликларга эга: микроўйтлар анча кам сарфланади, энг зарур вақтларда ишлатилади, тез ўзлаштирилади ҳамда экологик тоза ҳисобланади. Масалан, фузионинг гуллаш фазасида бор кислотасининг ( $H_3BO_3$ ) 0,01-0,02 фоиз ва рух сульфат ( $ZnSO_4$ ) тузининг 0,02-0,05 фоизли эритмалари билан пуркалганда гулларнинг чангланиш жараёни фаоллашади, ўсимликларнинг сувсизликка ва иссиқликка чидамлилиги ортади.

Ургуни экишдан олдин микроўйтлар билан таъминлаш ҳам қўшимча усуллар қаторига киради. Бу усул айниқса, ивитилиб экиладиган уруғлар учун қулай. Масалан, чигит тоза сув ўрнига мис сульфат ( $CuSO_4$ ) тузининг 0,001-0,005 фоиз эритмасида ивитилиб экилганда, чигитларнинг униш кучи ортиши ва ёш ниҳолларнинг баҳорги ҳароратнинг қисқа муддатли пасайишига чидамли бўлиши аниқланган.

**БАКТЕРИАЛ ЎҒИТЛАР.** Бу ўғитлар тупроқнинг биологик фаолигини сақлашга мўлжалланган бўлиб, асосини қуйидаги микроорганизмлар ташкил этади:

- 1) фосфобактерин;
- 2) азотоген;
- 3) нитрагин ва бошқалар.

**Фосфобактерин** – тупроқдаги органик фосфор бирикмаларини парчаловчи бактериялар препарати. Бу микроорганизмлар органик бирикмаларни парчалаб, улардан фосфор кислота ажратади ва тупроқда ўсимликлар ўзлаштириши мумкин бўлган фосфорнинг микдорини кўпайтиради. Бу препарат заводларда микроорганизмларни кўпайтириб тайёрланади. Сифатли тайёрланган препаратнинг ҳар граммида камида 200 млн. яшашга қобилиятли бактериялар бўлади. Бир гектар экин майдонига 250 г препарат солинади. Уни ишлатиш учун сувга аралаштириб, экишдан олдин уруғларга пуркалади. Бу препарат физиологик нейтрал ёки кам ишқорий реакцияга эга ва чиринди моддалари кўп тупроқларда яхши натижада.

**Азотоген ёки азотобактерин** – азотобактериндан тайёрланган препаратидир. Азотобактерин бактериал ўғит заводларида тайёрланади. Уни ишлатиш учун экишга мўлжалланган уруғлар соя ва тоза ёрга тўкилади. Бир килограмм уруғ 1 стакан сув ҳисобида намланади ва препарат билан аралаштирилади. Шу усул билан тайёрланган уруғ экилади. Бу бактериялар фаолияти натижасида молекуляр азотнинг фиксацияланиши ва натижада тупроқда ўзлаштирилиши мумкин бўлган азотнинг кўпайиши содир бўлади. Бир гектар ерда 50-60 кг азот тўпланади.

*Нитрагин* – туганак бактериялар препаратидир. Бу бактериялар молекуляр азотни фиксациялашда иштирок этади. У ҳам сунъий озиқада бактерияларни күпайтириш йүли билан тайёрланади. Препараттинг бир граммида 100 млн.гача бактерия бўлади. Препарат уруғларга аралаштириб экилади. Нейтрал реакцияга эга бўлган тупроқларда яхши натижа беради. Бир гектар ерда бир йил давомида 300-500 кг гача азот туплаши мумкин.

**МАҲАЛЛИЙ ҮҒИТЛАР.** Маҳаллий үгитлар ичida гунг асосий ўринни эгаллайди. Унинг таркибида ўсимлик учун зарур ҳисобланган азот, фосфор, калий, калций, олтингугурт, магний ва барча микроэлементлар ҳам бор.

Гунг экинларга озиқ бўлишидан ташқари, ундаги органик моддалар тупроқ тузилмасини яхшилаб, унумдорлигини оширади. Гунг солинган ерларда тупроқнинг говаклиги ошади, сув ўтказувчанлиги яхшиланади, намни узоқ сақлаб туради. Таркибида органик моддалари кам, оғир тупроқли ерларда унинг ҳажмини оширишда, сув ва ҳаво режими ҳамда микробиологик жараёнларни яхшилашда гунгнинг роли айниқса катта. Механик таркиби енгил тупроқларда эса унинг қовушқоқлик хусусияти яхшиланади (Э.Т.Шайхов ва бошқалар, 1990).

Гунг ерга солинган минерал үғитларнинг самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун минерал үғитларни органик үғитлар билан аралаштириб солиш тавсия қилинади. Айниқса, у тупроқда секин эрийдиган фосфорли үғитларнинг эрувчанлигини кучайтириб, ўсимлик осон ўзлаштирадиган ҳолга келтиради.

Гунг ерларни кузги шудгорлаш олдидан маҳсус машиналарда сочилади. Бунда ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 20-25 т дан солиш тавсия қилинади.

Парранда ахлати, ипак қурти чиқиндиси ва ғумбаклари энғ кучли үғитлардан ҳисоблангани учун ғўзанинг ўсиш даврида минерал үғитлар билан аралаштириб бериш тавсия қилинади.

**КЎКАТ ҮҒИТЛАР.** Бир ерда сурункасига бир неча йилгача бир хил ўсимлик ўстиравериш натижасида тупроқда чиринди моддалар камайиб кетиб, унинг физик хусусиятлари ёмонлашади ва бу ўсимлик ҳосилининг камайишига сабаб бўлади. Масалан, бедапоядан чиқсан ерларда 4-5 йилдан кейин паҳта ҳосили кескин камая боради. Бундай ҳолларда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида органик ва минерал үғитлар меъёрини ошириш билан бир қаторда, кўкат үғитлардан фойдаланиш энг яхши самара беради. Кўкат үғитлар тупроқни чириндига бойитади, унинг физик хусусиятларини яхшилади.

Кўкат үғит сифатида кўк нўхат, нўхат, бурчоқ, мош, қизилча, себарга, шабдар (эрон бедаси) каби дуккакли экинлар, шунингдек, кузги жавдар, рапс, горчица (хантал), перко кабилар экилади.

Бу экинлар кузда ва эрта кўкламда озиқлантирилса, кўп миқдорда кўкат масса тўплайди. Айниқса, дуккакли бўлмаган экинлар етарли миқ-

дорда озиқлантирилиши шарт. Ўзбекистон шароитида қўкат ўғит учун экилган экинларни апрелнинг бошларида ҳайдаб, тупроққа аралаштирилиб юборилади ва ер бироз тингандан сўнг чигит экиласди. Қўкат ўғит учун экилган экинларни кўкламда молларга едириб, кейин анфизини ҳайдаш мумкин, шундай қилингандан ҳам тупроқда тўпланган органик моддалар ғўзанинг ўсишига, ривожланишига ва пахта ҳосилига ижобий таъсир этади (Э.Т.Шайхов ва бошқалар, 1990).

## 6.10. ЎҒИТЛАШ УСУЛЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

Ўғитлаш муддатини ва усуllibарини белгилашда ўғитларнинг хусусиятлари, тупроқда ўзгариши, ўсимликнинг озиқ элементларга бўлган талаби, илдиз тизимининг озиқани ўзлаштириш имкониятлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

Ўғитлаш меъёри, одатда олинадиган ҳосилга қараб белгиланади. Масалан, 1 т пахта етиштириш учун 30-80 кг азот, 10-20 кг фосфор ва 40-70 кг калий сарф бўлади. Ўғитларни экишдан олдин, экиш вақтида ва ўсимликларнинг ўсиш даврида солиш муҳим аҳамиятга эга.

*Ўғитни ер ҳайдашда солиш.* Ерни кузги ёки баҳорги шудгор қилинда умумий ўғитнинг тахминан 2/3, 3/4 қисми тупроқ устига сепилиб, ҳайдаш билан кўмилади. Бу усул билан асосан органик, фосфорли, қисман азотли ва калийли ўғитлар солинади. Нордон реакцияга эга бўлган тупроқларга оҳак ҳам солинади.

*Ўғитни экиш билан бирга солиш.* Ўғитларни экиш билан бир қаторда ўғит ҳам солинади. Экиш пайтида ерга ўғит солищдан мақсад ёш ниҳолларни минерал элементлар билан озиқлантиришдан иборат. Чунки ерни ҳайдаш олдидан солинган ўғитлар тупроқнинг чуқур қатламига тушганлиги сабабли ёш ўсимлик ундан фойдалана олмайди. Бу муддатда асосан яхши эрийдиган ва осон ўзлаштириладиган ўғитлардан оз миқдорда фойдаланилади. Ғўзалар билан ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, ўғитни ўғитлагич ўрнатилган маҳсус сеялкада тупроқ бетидан 12-15 см чуқурликка ва чигит тушган жойдан 5-7 см четга солиш яхши натижа беради. Чигит экиш билан бир пайтда гектарига 10-20 кг фосфор, 5-10 кг азот солиш йўли билан ҳар гектардан 3,5-4 центнердан кўшимча пахта олиш мумкин.

Ўсимликларни ўсиш даврида ўғитлаш ўсиш ва ривожланишининг энг муҳим фазаларида минерал озиқланишини кучайтириш мақсадида ўтказилади. Бу фазаларда озиқ моддаларнинг ўсимлика мумкин қадар тезроқ ўтиб, тўла ўзлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Ёш ўсимликнинг илдизлари унча яхши ривожланмаган, лекин юқори концентрацияли озиқ моддаларга муҳтоҷ бўлади, шунинг учун ҳам кўшимча ўғитланиб турилса яхши ривожланади.

Кузги галлаларни эрта баҳорда азот билан озиқлантириш донлардаги оқсил миқдорини 0,5-1 фоизга кўпайтиради. Бундай далаларда фос-

фор ва калий ўғитларини ҳар 2-3 йилда бир марта 2-3 меъёрни бирданига солиш мумкин. Лекин пахтачиликда бундай қилиб бўлмайди. Тажри-баларга суянган ҳолда кўриш мумкинки, фўза униши фазаларида элементларга бўлған талабни ҳисобга олиб ўғитлаш юқори самарадорликка сабаб бўлади.

Ўғитлар ўсимликтарни талабидан ошиқча солинса, ҳосилдорлик купаймайди, аксинча камайиши ва ҳатто сифати ҳам пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳам сабзавотлар таркибида нитратларнинг миқдори қуйидаги меъёрдан ошмаслигига эътибор берилади : картошкада ҳул оғирлик ҳисобига 86 мг/кг, карам, бодринг ва помидорда – 150 мг/кг.

Умуман, минерал ўғитлар ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишнинг ва ҳосил сифатини белгилашнинг муҳим омилларидан биридир. Ҳисобларга кура, умумий ҳосилнинг 50 фоизи ўғитлар ҳисобига таъминланади. Лекин улардан нотўғри фойдаланиш (талабдан ошиқча, нотўғри қуллаш ва бошқалар) тупроқ унумдорлигини пасайтириши, ўсимликларнинг қуриб қолиши ва табиатнинг ифлосланишига сабаб булиши мумкин.

## VII БОБ

### ЎСИМЛИКЛАРДА МОДДАЛАР ТРАНСПОРТИ

Ўсимликлар танасида содир булаётган ҳаётий жараёнларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири моддаларнинг ҳаракатидир (транспорти). Айрим органларда ҳосил булган ёки шимиб олинган бирикмаларнинг бошқа органларга силжиши, ўтиши ва тақсимланиши натижасида барча физиологик жараёнларнинг ўзаро бирлиги таъминланади. Бундай транспорт ўз навбатида ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик даражасини тавсифлайди.

Ўсимликларда моддалар транспорти асосан икки йўналишда содир бўлади: пастдан юқорига ва юқоридан пастга йўналадиган оқимлар мавжуд. Ўсимликлар илдиши орқали қабул қилган сув ва унда эриган минерал моддаларнинг пастдан юқорига қараб ҳаракати танадаги ксилема найлари бўйлаб содир бўлади (2.2.-ва 5.5.- булимларга қаранг). Баргларда фотосинтез жараёнида ҳосил булган органик моддалар флоэма найлари бўйлаб пастга йўналади (66-чиизма).

Оқим йўналишлари икки хил: яқин ва узоқ масофали хусусиятга эга. Яқин масофали транспорт ҳужайра ва тўқималарда бўлиб, асосан уч йўл орқали амалга ошади. Симпласт оқим цитоплазма ва плазмодесмалар воситасида ҳаракатланади. Апопласт оқим ҳужайраларининг девори орқали ҳаракатланади ва учинчи йўл – вакуолалар тизими орқали амалга ошади. Яқин масофали транспорт жуда қисқа, ҳатто миллиметрлар билан ўлчаниб, моддаларнинг барг мезофилидаги, илдиз ва поядаги радиал транспортини ўз ичига олади. Узоқ масофали оқим ксилема ва флоэма найлари орқали содир бўлади. Одатда бу найлар ўсимлик танасидаги ҳамма қисмларни туаштиради, натижада органик моддалар бир неча ўнлаб сантиметрдан то ўнлаб метрларгача ҳаракат қиласи (айниқса, дараҳтларда).


Яқин ва узоқ масофали транспортларда вақт, энергия сарфланади. А.Л. Курсановнинг (1976) кўрсатишича, органик моддаларнинг ҳаракатланиши бир неча босқичлардан ташкил топган. Даствлабки босқичда хлоропластларда фотосинтез жараёнида ҳосил булган органик моддалар – содда бирикмалар фосфоглицерин кислотаси (ФГК), фосфоглицерин алдегиди (ФГА), фосфодиоксиацетони (ФДА) ёки сувда эрийдиган шакарлар хлоропласти мембранныни орқали цитоплазмага ўтиши ҳужайра ичидаги йўл бўлиб, яқин масофали ҳаракатдир (67-чиизма).

Иккинчи босқичда цитоплазмага ўтган содда углеводлардан фруктоза-дифосфат ва фруктозафосфат-глюкоза-фосфат ҳосил бўлади. Бу моддаларнинг бир қисми ҳужайра метаболизми (нафас олиш ва бошқа жараёнилар) учун сарфланади. Қолган асосий қисми сувда яхши эрийдиган глюкозагача ўзгаради ва ёнма-ён жойлашган ҳужайраларга симпласт, апопласт оқимлар орқали ўтади. Бу оқимлар оралиқ ҳужайраларгача етиб боради. Оралиқ ҳужайралар мезофилл ҳужайралари билан элаксимон ҳужайралар ўртасида жойлашган.


Учинчи босқичда оралиқ ҳужайралар органик моддаларни қабул қилиб, уларни флоэма найларига ўтказади. Бу жараёнда оралиқ ҳужайралар насос функциясини бажаради ва АТФ молекуласининг энергияси сарфланади.

Якуний босқичда (туртинчи босқич) флоэма элементларига ўтган органик моддалар узоқ масофали транспорт воситасида ўсимликнинг ҳамма тирик тўқималари ва органларига йўналади. Элаксимон найларнинг атрофида жойлашган, оралиқ ҳужайраларгача глюкоза ҳолатида етиб келган моддалар сахарозага ўзгаради. Элаксимон найларда органик моддалар асосан сахароза ҳолатида ҳаракат қиласи. Ассимилятор талаб қилинадиган ёки захири сифатида тўғланадиган жойларга етиб келгандан кейин элаксимон найлардан чиқиб яна глюкоза кўринишида, симпласт йўли билан маълум жойларга етказилади.

Ўсимликнинг фаол ўсуви тўқима ва органлари барглар, илдиз ва пояларнинг меристема тўқималари, ёш генератив органлар органик моддаларни фаол равишда ўзига тортади. Бу органлар захираидаги ва вояга етган, ўсишдан тұхтаган барглардан ҳам ассимиляторларни сўриб олади. Моддаларнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳарорат, сув режими, минерал озиқланиш, фотосинтез, нафас олиш ва бошқаларга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ҳароратнинг пасайиши, тўқималарда сув тақчиллигининг рүёбга келиши, нафас олиш жадаллигининг (кислород етмаслик, заҳарли моддалар таъсирида) пасайиши натижасида энергиянинг камайиши, фотосинтез жадаллигининг пастлиги натижасида органик моддаларнинг кам ҳосил бўлиши кабиларнинг таъсиридан органик моддаларнинг ҳаракатла-



66-чизма. Моддаларнинг пастдан юқорига (рангсиз стрелкалар) ва юқоридан пастга (қора стрелкалар) ҳаракат шаклий равишда тасвирланган:  
1-илдиз; 2-поя; 3-элаксимон  
найлар; 4-ўтказувчи бойлам;  
5-барг; 6-мева; 7-най;  
8-флоэма; 9-ксилема.



67-чизма. Углеводларнинг хлоропластларда ҳосил бўлиши ва ҳужайра цитоплазмасига чиқиши (Курсанов, 1973): Рибул-1,5-диф-рибулозо-1,5 дифосфат; ФГК-фотоглицерин кислотаси; ФГА-фосфоглицерин алдегиди; ФДА-фосфодиоксиацетон; АДФГ-аденозиндифосфатглюкоза; УДФГ-уридин-дифосфатглюкоза; Г-1-Ф-глюкозо-1-фосфат; Г-6-Ф-глюкозо-6-фосфат; Фр-1,6-диф-фруктозо-1,6-дифосфат; зо-6-фосфат; Фр-1,6-диф-фруктозо-1,6-дифосфат; ФР-6-фруктозо-фосфат; Сах-Ф-сахарозафосфат; Сах-сахароза; Фр-фруктоза; Гл-глюкоза; Фи-анорганик фосфор.

ниши ҳам сустлашади. Ўз навбатида, ўсимлик функцияларининг интеграциясида ва физиологик жараёнларнинг фаоллигини белгилашда моддалар транспортининг ҳам роли катта.

А.Л. Курсанов (1976) ўз шогирдлари билан аниқлашича, органик моддалар вояга етган барглардан ёш баргларга ўтади. Генератив органларнинг (гул ва мева) ҳосил бўлиш даврида уларга яқин жойлашган барглар органик моддаларни генератив органларни таъминлашга йўналтиради. Айниқса, физиологик фаол (устирув) моддалари кўп бўлган генератив органлар органик моддаларни кўпроқ ўзига тортади ва яхшироқ ривожланади. Органик моддалар етишмай қолган органларнинг ривожланиши сустлашади, айниқса, ёш генератив органлар (ғунча ва гуллар) кўпроқ тўкилади. Ўсимликларда содир бўладиган бу жараёнларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш билан ҳосилдорликни кескин ошириш мумкин.

## VIII БОБ

### ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўсимликлар онтогенезини тавсифловчи энг муҳим жараёнлар ўсиш ва ривожланишдир. Улар ўсимлик танасидаги барча ҳаётий реакцияларнинг натижаси ҳисобланади, бу жараёнлар бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, фақат ўсиш асосида ривожланиш ва ривожланиш асосида ўсиш тавсифланади. Натижада иккаласи ўсимликнинг ҳаётий циклини белгилайди. Бироқ айни вақтда ўсиш ва ривожланиш бир-биридан фарқ ҳам қиласди.

Ўсиш – бу ўсимликлар бўйи ва эни тобора ортиб, умумий массанинг ошишидир. Бундай ўсиш орқасига қайтмайди. Чунки янгидан-янги ҳужайралар, тўқималар ва органлар вужудга келиб, протоглазма ва ундаги органоидлар (хлоропластлар, митохондриялар ва бошқалар) тўхтovсиз шаклланиб туради.

Ривожланиш – ўсимликнинг ҳаётий циклини (онтогенезини) тавсифловчи ёшлиқ, вояга етиш, кўпайиш, қариш ва ўлиш арафаларидаги сифатий морфологик ва физиологик ўзгаришларни ўз ичига олади.

Бу жараёнларнинг ўзаро нисбати ўзгариб туриши мумкин. Масалан, айrim ўсимликларда ўсиш анча фаол, ривожланиш эса жуда секин бориши, бошқаларида аксинча бўлиши мумкин.

Ўсиш жуда фаол кечадиган ўсимликлар танаси одатда йирик, ўсиш секин ва ривожланиш фаол бўлган ўсимликлар, аксинча карлик (кичик) бўлади. Бундай ўзгаришлар ўсимлик турларига, навларнинг хусусиятларига, ички ва ташқи омилларнинг таъсирига боғлиқ.

Ўсиш ва ривожланиш умумий бир яхлитликни ташкил этиб, ўсимлик танасида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга, ўсимликнинг илдиз орқали ва ҳаводан озиқланишига, энергия билан таъминланишига, умуман, ассимиляция ва диссимилияция иштирок этувчи барча жараёнлар йигиндисига боғлиқ бўлади.

#### 8.1. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИ

Ўсиш – ўсимлик ҳаётининг фаоллик даражасини курсатувчи энг муҳим жараёнлардан биридир. Чунки бу жараён ўсимлик танасидаги барча физиологик ва биокимёвий реакциялар натижасида содир бўлиб, янгидан-янги ҳужайраларнинг, органларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг умумий куруқ массасининг ортиб бориши билан тавсифланади.


Ўсимликларнинг ўсиши ҳайвонлардан фарқли равишда бутун онтогенезида давом қиласди ва янгидан-янги органлар ҳосил бўлади. Шунинг учун юз йиллик ва минг йиллик дараҳтларда ҳам ёш, бир неча кунлик органларнинг борлигини кўриш мумкин.

**УРУГЛАРНИНГ УНИШИ.** Ўсиш асосан уруғларнинг униш жараёнида бошланади. Уругда асосан учта мұхим қисм мавжуд:

- 1) уругни қоллаб туратын гормондардың өздерінен сақтайдырылған қобиқ;
- 2) бошланғич муртакдан иборат эмбрионал қисм (баргча, илдизча ва поянинг дастлабки қисми);
- 3) ғамлаб құйиладырылған моддаларнинг түпланиш жойи.


Ғамлаб құйиладырылған моддаларнинг түпланиш жойи үсімлік турига қараб ҳар хил булиши мүмкін. Құпчилик иккі паллали үсімліктарда бұзғалы муртакдагы уруғбаргчалар бажаради. Моддалар түпланиши натижасыда уларнинг ұажми жуда күтталашиб, уругни деярлы тұлдиради. Уругдагы муртакнинг бошқа қисмлари бу вактда уруғ барглары билан қобиқ уртасыда жойлашган бұлади. Буни ловия уругидегі күзатыш мүмкін (68-чизма). Бир паллали үсімліктарнинг уругидегі ғамлаб құйиладырылған моддалар асосан эндосперміде жойлашган бұлади. Эндосперм уругнинг деярли ұаммасини тұлдириб туратын бир турдагы паренхиматик тұқымдан иборат, муртак эса бир четте сурғылған бұлади. Масалан, бұғдой донидә буни яхши күриш мүмкін (69-чизма).

Уругнинг униши, сувни шимиб олиб бүртиши, эмбрионал тұқымаларнинг үса бошлаши қобиқ ёрилишига боғлиқ. Үсиш жараёнида ферментлер иштирокидегі мураккаб органик моддаларнинг (оксиллар, полисахаридлар, ёғлар) оддий моддаларга (аминокислоталар, моносахаридлар, ёғ кислоталар ва бошқалар) парчаланыши содир бұлади. Бунинг ұсқыншылығы муртакнинг үсиши бошланади. Ғамлаб құйилған моддалардан бұшаган уруглар аста-секін буришиб қуриб қолади. Муртакдан үсіб чиққан уруғбаргчалар ва илдизчалар мустақил озиқланана бошлайды. Уругбарглар ер үстига чиққандан кейин яшил тусга киради (чунки хлорофилл ұсқыншылығы болады) ва ұаводан озиқланыши бошланади. Илдизчалар эса тупроқдан озиқланана бошлайды. Кейинчалик чин барглар шаклланғандан сүнг, уругбаргчаларнинг ұаводан озиқланыши тұхтаб, улар тұқилемесі мүмкін.



68-чизма. Ловия уруги:  
A—устки томонидан күриниши;  
B—уруг баргининг ички томонидан күриниши;  
C—эмбрионал қисмларнинг үсиши.

Шундай қилиб, муртакнинг ўсиши янги органларнинг ҳосил булиши ва бошланғич органлар (илдизчалар ва уруғбаргчалар) ҳажмининг ошишига боелиқ. Бу жараённинг асосини ҳужайраларнинг булиниши ва меристема тұқималарининг күпайиши ташкил этади.



69-чизма. Бұғдой донининг бұйига кесилган томонидан күриниши:  
A—унишга қадар күриниши; B—униб чиқа бөшлаган пайтдаги  
күриниши; 1—муртак; 2—эндосперм.

**ХУЖАЙРАЛарНИНГ ЎСИШ ФАЗАЛАРИ.** Ўсимликнинг ўсиши уни ташкил қыладыган хужайраларнинг күпайиши ва ўсишидан иборат.

Ўсимликтарнинг вегетатив орган хужайралари ва гамета ҳосил қилувчи хужайралар митоз йүли билан булиниш натижасыда ҳар бир хужайрадан иккита хужайра ҳосил булади. Митоз меристема хужайраси ҳаёт циклининг асосий босқичи булиб, булинишига қобиляйтли барча хужайралар учун хос хусусиятдир. Бундай хужайралар кетма-кет интерфаза, профаза, метафаза, анафаза ва телофаза босқичларини үтайды (70-чизма).

Интерфазада ядро тинч турса-да, унда мураккаб биокимёвий тай-әргарлик боради. Хромосомалар таркибиға кирудын нуклеин кислоталари, гистонлар икки баробар ортади. Митоз учун зарур энергия материаллари тұпланади. Интерфазада муҳим жараён – хромосомаларнинг қайта жуфтланиши боради.

Митознинг бириңчи фазаси профаза булиб, унда ядро иириклашади. Хужайрадаги органоидлар ядродан узоклашади. Интерфазадаги ёзилған холатдагы хромосома иплари спиралланиб йүгөнлашади. Профаза охирида ядро мембранның асосий плазмага күшилиб кетади, ядроча сақланиб қолади. Нуклеоплазма хужайра цитоплазмасына күшилади. Профаза охирида хромосома иплари аниқ ва құшқават булиб күринади. Центриоллар

хужайранинг икки қутбига томон кетади. Лекин үсимлик хужайрасида центриоллар (хайвон хужайрасидан фарқли) бўлмайди. Уларниң вазифасини хужайра қутбларида тўпланган эндоплазматик тур мембраналари бажаради.




70-чизма. Хужайраларнинг митоз йўли билан бўлиниши (ниёз илдизининг учки қисми):

1—тинч ҳолатдаги ядро; 2, 3—профаза; 4—метафаза; 5—анафаза; 6—тенофаза;  
7—хужайрада ҳосил бўлган иккита ёш ядро; 8—иккита ёш хужайра.

Митознинг кейинги фазаси – метафазада хромосомаларнинг спираллашиши энг юқори даражага етади ва анча қисқаради. Улар хужайранинг ўрта қисмida бир текисликда жойлашади ва митоз дуки (ахроматин дуки) ҳосил бўлади. Дук иплари микронайчалардан иборат бўлади. Ҳар бир хромосома митоз дукига беркитилган ҳолда иккита бўлиб спираллашган, бир-бирига параллел жойлашган хроматидлардан иборат бўлади. Центросомада микронайчалардан ташқари ҳеч қандай органоид йўқ.

Анафаза қисқа давом этадиган фаза бўлиб, хроматиллар хужайранинг икки қутбига тортилади. Хромосомалар хужайра қутбига тортилгандан сўнг хужайранинг ўртасида аниқ шаклланган плазматик тузилма ҳосил бўлади.

Тенофаза хромосомалар қутбларга ажралгандан сўнг бошланади. Голжи пуфакчалари иштирокида ажратгич парда ҳосил бўла бошлайди. Голжи пуфакчаларининг мембраналари эса янги ҳосил бўладиган пустнинг асосини ташкил қиласидан хужайра пластинкасининг икки томонидаги плазмолеммаси билан тугашиб кетади. Бўлинишдан вужудга келган икки ёш хужайра орасида шундай пуст ҳосил булиши цитокенез дейилади. Тенофазада хромосома спираллари тўла ёзилиб, оптик микроскопда кўриб бўлмайдиган даражада ингичкалашиб қолади. Ядро мембранныси ҳосил бўлади. Ядрочалар кўринади. Бу ерда хромосомалар бир донадан хроматидга эга бўлади. Дастробки ядро тикланади. Умуман, митоз циклида ҳосил бўлган икки ёш хужайраларда она хужайранинг барча моддалари тўғри тақсимланган бўлади.



71-чизма. Ҳужайраларнинг ўсиш цикли (онтогенези).

Бўлиниш натижасида вужудга келган ёш ҳужайралар цитоплазма компонентларининг синтези асосида ўса бошлайди. Ҳужайраларнинг ўсиш цикли (онтогенези) ҳам бир қанча фазалардан иборат:

1) эмбрионал; 2) чўзилиш; 3) дифференциалланиш; 4) қариш ва ўлиш (71-чизма).

Эмбрионал – ўсишнинг бошланғич фазаси ҳисобланади. Ўсимликларнинг ўсиш нуқталарида (илдизнинг ўсиш нуқтаси – 1,0 см, поясининг ўсиш нуқтаси – 4-30 см) бирламчи меристема – эмбрионал тўқима жойлашган. Бу тўқимани ҳосил қилувчи ҳужайралар анча майда, пўстлари жуда юпқа булиб, ўртасида йирик ядрога эга протоплазма билан тўлган бўлади. Вакуолалари бўлмайди. Ҳужайранинг эмбрионал фазасида массанинг кўпайиши асосий жараён ҳисобланади. Лекин ҳужайранинг катталиги деярли ўзгармайди, чунки янги ҳужайра она ҳужайра ҳажмига етганда дарҳол бўлина бошлайди. Эмбрионал фазага ўсиш конусларидан ташқари, ҳосил қилувчи тўқималар, поя ва илдизнинг энiga ўсишини таъминловчи меристема тўқимасининг ҳужайралари ҳам киради. Чунки бу меристема ҳужайралари ҳам тўхтовсиз бўлиниш ва ёш ҳужайралар ҳосил қилиш қобилиятига эга. Бу ёш ҳужайраларнинг биттаси меристема ҳолида сақланади, иккинчиси эса дифференциалланиш босқичига ўтади.

Бетўхтов ўсадиган органларда эмбрионал тўқима ҳужайраларининг бўлиниб туришига қарамасдан, унинг умумий сони ўзгармайди. Бундай бўлинишнинг сабаби шундаки, ўсиш нуқтасининг остиқ қисмидаги эмбрионал ҳужайралар чўзилиш фазаси деб аталадиган ўсишнинг навбатдаги босқичига ўтади. Бу даврда протоплазмада вакуолалар ҳосил бўлади ва улар қўшила бориб, ҳужайраларнинг ичидаги марказий вакуола ҳосил қиласди. Ҳужайранинг умумий ҳажми жуда катталашади. Ҳужайрадаги протоплазманинг миқдори ҳамда қуруқ модданинг оғирлиги ҳам ортади. Ҳужайра пўстида целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин моддаларининг кўпайиши натижасида пўсти йирикли-

шади. Умуман, бу фазада ҳужайраларнинг ҳажми ўсиш натижасида, бир неча юз марта ошади. Бу фаза фақат ўсимлик ҳужайраларида мавжуд ва у ўсимликнинг ва органларининг йириклишига асосий сабабчидир. Ҳужайраларнинг бундай катталашиши уларда синтез қилинадиган ауксинларнинг (айниқса, гетероауксин –  $C_{10}H_9O_2N$ ) кўпайишига боғлиқ. Ауксинларнинг таъсири билан оқсиллар, целлюлозалар, РНК ва бошқа органик моддаларнинг синтези фаоллашади.


Чўзилиш фазасининг охирида ҳужайра пўстида лигнин моддасининг тўпланиши кучаяди, фенол бирикмалари каби ингибиторлар ва абсиз кислотаси тўпланади, пероксидаза ва ИСК оксидазалар фаоллиги ортади, ауксинлар миқдори камаяди.

Ҳужайраларнинг дифференциалланиши улар ўртасидаги сифатий янги белгиларнинг ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Ҳар бир ҳужайра махсус вазифани бажарувчи тўқималар гуруҳига ажralади: асосий паренхима, ўтказувчи, механик, қопловчи ва бошқалар. Натижада ҳар бир вояга етган ҳужайра ўсимлик танасида маълум физиологик ёки бошқа функцияларни бажаради.

Ҳужайраларнинг қариши ва ўлиши дифференциялашган ҳужайралар онтогенезининг охирги босқичи ҳисобланади. Бу жараён ўсимликларнинг қариётган баргларида ва гул япроқларида яхши ўрганилган. Қариётган ҳужайралар учун синтетик жараёнларнинг сусайиши ва гидролитик жараёнларнинг фаолланиши ўзига хос хусусият ҳисобланади. Натижада оқсиллар ва РНК миқдорининг камайиши, гидролитик ферментларнинг фаолланиши, мембрана липидлари оксидлашишининг кучайиши, цитоплазмада липид томчиларининг кўпайиши, бошқа деструктив жараёнлар кузатилади. Қаришнинг охирги босқичларида ҳужайрадаги хлоропластлар ва хлорофилл молекулалари парчаланади, митохондриялар, ядро ва ядрочалар ҳам ўзларининг тузилмавий шаклини сақлаб қололмайди. Ҳужайраларга фитогормонлар (ауксинлар, цитокинилар, гиббереллинлар), органик моддалар киришининг секинланиши ва этилен, абсиз кислотанинг тўпланиши қариш жараёнини янада тезлаширади.

Мембраналарнинг танлаб ўтказувчанлик қобилиятининг йўқолиши, ҳужайранинг моддаларни ютиш ва сақлаб қолиш хусусиятининг тамом бўлиши ўлиш билан якунланади.

**ЎСИШ ХИЛЛАРИ.** Ўсимликларнинг ҳайвонлардан энг муҳим фарқи шундаки, улар бутун онтогенези давомида ўсади. Олий, кўп ҳужайрали ўсимликларнинг ўсиши ҳужайраларнинг бўлиниши ва ўсиши, янги органлар ва тўқималар ҳосил бўлиш жараёнларининг йигиндисидан иборат. Ўсимликларнинг ўсиши эмбрионал тўқималарда – меристемада содир бўлади, чунки у ерда ҳамма ҳужайра бўлиниш хусусиятига эга. Поя ва илдизларнинг бўйига ўсишини таъминловчи, меристема уларнинг учки қисмларида жойлашган бўлади (72-чизма). Илдизларнинг ўсиши уларнинг учиди, 1 см




72-чизма. Пиёз илдизининг учки қисми:  
A—умумий күриниши; B—меристематик ҳужайралар; 1—илдиз қини;  
2—булиниш ҳудуди; 3—вакуола; 4—хондриосомалар.


дан ошмайдиган жуда калта қисмидаги содир бўлади. Бу қисми одатда, илдиз қини билан муҳофаза қилинади. Пояларнинг ўсуви қисми илдизга нисбатан анча узун, 2-30 см.гача бўлади. Поя ва илдизлар бутун онтогенези давомида ўсади. Масалан, дараҳтлар бир неча юз ва минг йилларгача ҳам ўсади.

Поя, новда ва илдизларнинг ўсиши апикал ўсиш дейилади. Чунки бу апикал меристема (апекс - ўсиш нуқтаси) ҳисобига содир бўлади. Ўсимликларнинг энига ўсиши латерал (ён) меристема ҳисобига содир бўлади. Бунга камбий, перицикл ва ферроген киради.

Камбий ҳужайраларининг бўлиниши ва ўсиши натижасида ксилема ва флоэма элементлари пайдо бўлади. Ксилема элементлари флоэмага нисбатан анча кўп бўлади. Аксарият бир паллали ўсимликларнинг баргидаги ўсиш ҳудуди баргаларнинг тубида жойлашган бўлади ва шу асосда уса бошлайди. Лекин кўпчилик икки паллали ўсимликлар баргининг ўсиши бундан фарқ қиласи. Бу баргларнинг бутун юзасидаги ҳужайралар маълум давргача ўсиш қобилиятига эга бўладилар (73-чизма). Баргларнинг ўсиши доимий хусусиятга эга эмас, яъни улар тез вақтда муайян катталика етиб, ўсишдан тўхтайдилар.



73-чизма. Тамаки баргининг ўсиш шакли.




74-чизма. Ауксанограф.

Шундай қилиб, морфогенез ўсимликларнинг шаклланиши, эмбрионал ҳужайралар (цитогенез), тўқималар (гистогенез) ва органлар (органогенез)нинг ҳосил бўлиши, ўсиш ва ривожланишни ўз ичига олади.

**ЎСИШНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ.** Ўсимликларнинг ўсиш тезлигини уларнинг узунлигини, ҳажмини, ҳўл ва қуруқ массаларини аниқлаш йўли билан тавсифлаш мумкин. Бунинг учун ўсимликнинг узунлиги вақти-вақти билан линейка ёрдамида ўлчаб турилади. Кўпчилик ўсимликларнинг ўсиши умуман анча секин борганлиги учун бу усулдан бир кеча-кундузда бир марта фойдаланиш мумкин. Қисқа вақт ичидаги ўсишни аниқлаш зарур бўлиб қолган ҳолда горизонтал микроскоплардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун горизонтал микроскоп ўсувчи органднинг учига (поя ёки илдиз) тўғрилаб қўйилади ва унинг узунлиги ёки қалинлиги окуляр микрометр ёрдамида (0,01 мм аниқлик билан) аниқланади. Олинган натижалар асосида ўсимликнинг қанча ўсганлиги ёки йўғонлашганлиги ҳисоблаб чиқилади.

Ўсишнинг тезлигини маҳсус асбоб – ауксанографдан фойдаланиб аниқлаш ҳам яхши натижа беради (74-чизма). Бу асбоб ёрдамида ўсимликнинг ўсиш тезлиги курум босган қоғозга чизиб борилади.

Ауксанограф ёрдамида ўсиш тезлигини ҳар ярим ёки бир соат ичидаги аниқлаб бориш мумкин. Лекин бу усул кам фойдаланилади. Чунки ўсимликнинг ўсиш нуқтасига бойланган ип бироз чўзилиши натижасида ўсиш тезлигини анча нотўғри кўрсатиши ва ўсиш нуқ-



75-чизма. Ошқовоқ илдизининг ўсиши.

асини заарлаши мумкин. Кейинги йилларда ўсишнинг боришини аниқлашда тобора күпроқ фотография усулидан фойдаланилмоқда. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўсуви аъзога мутлақо тегмасдан ва заралантирасдан ўлчаш мумкин.

Ўсимликнинг ўсишини унинг оғирлиги ошиб боришига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун ўсимлик тупроқдан ажратиб олиниб, 105°С да маҳсус шкафларда қуритилгач, оғирлиги аниқланади. Ўсимликлардаги айрим физиологик жараёнларнинг натижасини аниқлашда бу усулдан фойдаланиб турилади. Баъзи вақтда ўсимликнинг маълум қисмларининг ўсиш тезлигини (масалан, илдизларнинг) аниқлаш керак бўлади. Бунинг учун ўсуви органларга ингичка ип ёки мўйқаламдан фойдаланиб туш билан белги қўйиб чиқилади. Белгилар бир-биридан маълум масофага чизилади, сўнгра шу масофанинг ортиши маълум вақт ўтиши билан ўлчаб турилади. Натижада умумий холоса қилинади (75-чизма).

Ўсимликларнинг вегетацияси давомида ҳамма вақт ҳам ўсиш тезлиги бир меъёрда бўлмайди. У кўп ўсимликларда (айниқса, бир паллалиларда) уруғнинг униб чиқишидан бошлаб шоналаш ва гуллаш фазасигача ортиб боради ва кейинги фазаларида сеқинлашади.

Умуман, ўсиш тезлиги ўсимликларга ички ва ташқи шароит омилларининг таъсири натижасида ўзгариб туради. Ўсимликларнинг маълум вақт ичидаги ўсиш тезлигини ( $K$ ) қўйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$K = \frac{W_2 - W_1}{t_2 - t_1},$$

бу ерда,  $K$  – ўсиш тезлиги, см, кеча-кундуз ёки соат ҳисобида,  $W_1$  ва  $W_2$  – маълум вақт ичидаги ўсимликнинг дастлабки ва охирги узунлиги,  $t_1$  ва  $t_2$  – ўсимликнинг буйини ўлчаш вақти (соат ёки сутка ҳисобида). Ўсиш тезлигини фоизлар билан ифодалаш мумкин:

$$R = \frac{(W_2 - W_0) \cdot 100}{W_0},$$

бу ерда,  $R$  – ўсиш тезлиги, фоиз ҳисобида,  $W_0$  – ўсимликнинг дастлабки узунлиги.

## 8.2. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИГА ТАШҚИ ШАРОИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ўсимликларнинг ўсишига ташқи шароитнинг жуда кўп омиллари таъсир этади. Чунки ўсимликларнинг яхши ўсиши учун етарли даражада ҳарорат, ёруғлик, намлик, газлар таркиби, минерал озиқланиш ва бошқалар талаб этилади.

**ҲАРОРАТ.** Ўсимликларнинг ўсишига энг фаол таъсир этадиган омиллардан бири ҳароратдир. Кўпчилик ўсимликларнинг ўсиш тезлиги ҳарорат О дан 35° гача ўзгарганда Вант-Гофф қонунига бўйсунади. Лекин ҳарорат 35-40° С дан ошгандан кейин ўсиш тезлиги ҳам пасаяди. Умуман,

Усишга нисбатан ҳам ҳароратнинг учта кардинал нуқтаси бор: минимал (энг паст), оптималь мақбул, максимал (энг юқори). Бу нуқталар дарајаси ўсимликларнинг турларига боғлиқ.

Куйидаги жадвалда айрим ўсимликлар уруғларининг униб чиқиши учун ҳарорат даражалари келтирилган ( $0^{\circ}\text{C}$ ):

Ўсимликларнинг номи	Минимал	Оптималь	Максимал
Арпа, сули, бутдої	0 - 5	25 - 31	31 - 37
Кунгабоқар	5 - 10	31 - 37	37 - 44
Маккажұхори	5 - 10	37 - 44	44 - 50
Ошқовоқ	10 - 15	37 - 44	44 - 50
Қовун,	15 - 18	31 - 37	45 - 50
Бодринг	10 - 12	25 - 35	40 - 46
Ғұза			


Ҳароратнинг минимал ва максимал нуқталарida ўсиш энг паст дарајада бұлады ёки тұхтайди, лекин нобуд бұлмайди. Ўсишнинг тұхтаб қолиши узоққа өзүлгандан ўсимлик касаллікка чалиниши ёки астасекін нобуд бұлиши мүмкін. Мақбул ҳарорат даражаси ўсишнинг энг фаол бұлишини таъминлайды.

Ўсимликлар ҳароратга бұлған муносабатлари асосида бир неча гурұға бүлинади: 1) иссиқсевар ўсимликлар – минимал ҳарорат даражаси  $10^{\circ}\text{C}$  дан юқори, мақбул  $30\text{-}40^{\circ}\text{C}$  атрофіда; 2) совуққа чидамли ўсимликлар – минимал ҳарорат 0 дан то  $5^{\circ}\text{C}$  ва мақбул  $25\text{-}31^{\circ}\text{C}$ .

Лекин айтиш лозимки, ўсишни энг фаол таъминлайдиган физиологик мақбул ҳарорат ҳамма вақт ҳам самарадор бұлмайди. Чунки ўсишнинг энг тез бориши доим ҳам соғлом ва бақувват ўсимлик олиш деган гап әмас. Аксинча, күп органик моддалар сарф қилиниши натижасыда ўсимликлар күчсіз бўлиб қолиши мүмкін. Шунинг учун ҳам ўсишни таъминловчи соғ физиологик оптимум ўсимликтин ўсиш ва ривожланишини энг бақувват ўсимлик олинишини таъминловчи гармоник оптимумдан фарқ қиласи. Бу ҳарорат даражаси физиологик жараёнларнинг бир текисда фаолланиши учун шароит яратади.

**ЁРУГЛИК.** Ўсимликлар ёргулікда ҳам, қоронғида ҳам ўсади. Лекин қоронғида ўсан ўсимликлар ўзларининг мөйөрий шаклларини анча ўзгартирадилар. Яшил ранг йўқолади. Булар этиолланган ўсимликлар дейилади. Этиолланган ўсимликлар мөйөрий ўсимликлардан асосан, пояларининг ҳаддан ташқари қўзилиши ва барг пластинкаларининг эса аксинча, ривожланмай қолиши билан фарқ қиласи. Этиолланган ўсимликларнинг бўғин оралиқлари узун бўлади. Механик тұқымалари яхши ривожланмайди, хужайралараро бўшлиқлар катта бўлади, барглар ривожланмай қолади (76-чизма).

Ёргулікда ўсан ўсимликлар қоронғида ўсан ўсимликларга нисбатан паст бўйли ҳам ихчам тузилишга эга. Ҳамма физиологик жараёнлари бир мөйёрда содир бўлади. Ёргулік таъсирида хужайраларнинг қўзилиш фазаси тезлашади ва қисқа муддат ичиде хужайраларнинг дифференцияланиш фазаси бошланади. Органик моддаларнинг син-



76-чизма. Ёруғликда ва қоронгиликда ўсган горчица (чапда) ва картошка (үнгә) ўсимликлари.

тез жараёни фаоллашади, натижада янги ҳужайралар, түқималар ва органларнинг ҳосил бўлиши учун шароит яратилади. Бундай ўсимликларда генератив органларнинг ҳосил бўлиши тезлашади.

Ўсимликлар қоронгидаги ўстирилганда органик моддалар тўпланмайди. Синтезга қараганда гидролиз жараёни устунлик қиласди ва модда алмашинув жараёни бузилади. Бундай ўсимликларда янги аъзолар ва түқималар ҳосил бўлмайди.


Ўсимликларнинг ўсишига ёруғликнинг спектрал таркиби ҳам фаол таъсир этади. Масалан, қизил нурлар (730-800 нм) таъсирида ҳужайраларнинг булинини секинлашади. Лекин чўзилиш жараёни фаолланиши натижасида ўсимликтин ўсиши тезлашади. Кўк-бинафша (яъни қисқа тўлқинли) нурлар таъсир этганда ҳужайраларнинг булинини жараёни анча фаоллашади, лекин иккинчи фазада чўзилиши секинлашади. Натижада ўсимликлар паст бўйли бўлиб қолади. Тоглик районларда ўсимликларнинг паст бўйли бўлишининг сабаби ҳам кўпроқ қисқа тўлқинли нурлар билан таъминланишига боғлиқ.

**ГАЗЛАРНИНГ МИҚДОРИ.** Ҳаво таркиби, айниқса, кислород ва карбонат ангидриднинг миқдори ҳам ўсишига таъсир этади. Аммо ҳаво таркибидаги кислород икки мартагача камайтирилса ҳам ўсимликларнинг ўсишига таъсир этмайди. Тупроқ таркибидаги кислороднинг камайиб кетиши эса илдизларнинг ўсишига таъсир этиши мумкин.

Бу албатта, ўсимлик турларига ҳам боғлиқ. Тупроқда илдизларнинг фаол ўсиши учун помидорга – 16, сулига – 8, сояга – 6 ва шолига – 3 кислород кераклиги аниқланган.

Ўсиш тезлигига сезиларли даражада карбонат ангидрид миқдори ҳам таъсир этади. Ҳаво таркибидаги  $\text{CO}_2$  күпайганда хужайра пўстининг чўзилувчанлиги ортади ва қисқа муддатга тўқималарнинг ўсиши тезлашади. Бу хужайра пўстида рНнинг пасайиши билан боғлиқ деб тушунтирилади. Экинзорларда гуп сони жуда қалин бўлганда ўсимликларнинг ўсиб кетиши ҳам шунга боғлиқ деган тушунчалар бор.

**СУВ МИҚДОРИ.** Тупроқ ва ҳаво таркибидаги нам миқдори ўсимликка ҳам таъсир этади. Ҳужайранинг, айниқса, цитоплазманинг меъёрий тузилмаси ва фаолияти, демак, ўсиш ҳам сув билан таъминланниш даражасига боғлиқ. Буни уруғ мисолида қўриш мумкин. Таркибida 10-12 суви бўлган уруғлар кўп йиллар давомида унмасдан сақланиш қобилиятига



77-чизма. Эритмада озиқ моддаларнинг ҳаммаси булган ва айрим элементлари бўлмаган сув культурасида маккажӯхори ўсимликларнинг устирилиши:

1—озиқ моддаларининг ҳаммаси булган эритма; 2—темирсиз;  
3—калийсиз; 4—азотсиз.

эга. Уруғлар экиш олдидан намланганда, ўз оғирлигининг 50 гача сувни шимиб олади ва фаол ўсиш бошланади.

Ўсимликларнинг илдиз тизими ҳам намлик шароитида яхши ўсади. Яъни тупроқ эритмасининг осмотик босими 1-1,5 МПа.дан юқори бўлмаганданда илдизлар сув билан яхши таъминланади. Тупроқда сув миқдори жуда кам бўлганда хужайраларнинг чўзилиш фазаси тез ўтади ва натижада хужайралар кичик бўлади, поя ва илдизлар қисқаради, баргларнинг ҳажми ҳам камаёди. Сувнинг кам бўлиши ҳосилдорликнинг ҳам кескин пасайишига олиб келади.


**МИНЕРАЛ ОЗИҚЛАНИШ.** Ўсимликларнинг минерал озиқланиши ҳам ўсиш жараённада катта аҳамиятга эга. Зарур элементларнинг биронтасини чиқариб ташлаш, аввало ўсишнинг тўхташига, кейинчалик эса нобуд булишига олиб келади (77-чизма). Аммо минерал элементларнинг кўп бўлиши

ҳам үсиш самарадорлигини анча пасайтириши мүмкін. Айниқса, азот миқдори күп бўлиши үсимликнинг ер устки қисмларининг үсишини жуда тезлаштириб юборади, бу эса вегетация даврининг чўзишишига ва уруғлар пишицининг кечикишига олиб келади. Азотнинг юқори концентрацияси ҳужайраларнинг дифференциация фазасини кечикитиради ва натижада гулларнинг ҳосил бўлиши ҳам анча кеч бошланади.

Шунинг учун ҳам ўғитлардан фойдаланиш жараёнида вегетатив аъзоларнинг бир ёқлама үсиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

### 8.3. ЎСИМЛИК ГОРМОНЛАРИ

Ўсимлик гормонлари ёки фитогормонлар – ўсимлик танасида жуда оз миқдорда (10-13 – 10-5 мол/л) ҳосил бўладиган фаол моддалар бўлиб, физиологик жараёнларнинг бошқарилишида иштирок этади. Бу моддалар ёрдамида ҳужайралар, тўқималар ва органлар ўргасидаги ўзаро алоқа амалга ошади ҳамда ўсимликларнинг үсиш жараёни тартибга солинади.



78-чизма. Ч.Дарвин тажрибаси.

а—қоронғида ўсан майсалар; б—сруглик бир томондан таъсир этган масофайлар.

Фитогормонлар ҳақидаги таълимот XX асрнинг 30-йилларида Н.Г.Холодний ва В.В.Вент томонидан яратилади. Улар ўсимликлар үсишининг гормонал назариясини таклиф этдилар.

Кейинги йилларда ауксинлар, гиббереллинлар, цитокининлар, абсцизинлар, этилен ва бошқалар мавжудлиги аниқланди. Фитогормонларни 1938 йилда Бойсен-Йенсен ва 1963 йилда Э.Синнот “ўстирувчи модда-


лар” деб аташни таклиф этадилар. Кейинги йилларда улар күпроқ “ұсимлик гормонлари”, “фитогормонлар” деб юритила бошланди.

Бу бирикмалар ұсимликларнинг ёш баргларида, поя ва илдизларнинг ұсувчи қисмларида ҳосил бўлади ва кейин ұсиш жараёнлари фаол жойларга кўчирилади. Улар ўз таъсирларини жуда оз миқдорда амалга оширади, яъни ұсимлик танасидаги бир қанча реакцияларда иштирок этади ва уларни бошқаради.

**АУКСИНЛАР.** Ұсимликлар пояси ва илдизнинг учки (апикал) қисмидаги ҳосил бўладиган бир гурӯҳ моддалар ауксинлар дейилади. Улар асосан индол табиатли кимёвий моддалар ҳисобланади. Бундай моддаларнинг мавжудлиги тўғрисида биринчи марта 1880 йилда Ч.Дарвин фикр юритган.


У ұсимликлар ҳаракатининг (тропизмлар) механизмини ўрганиш мақсадида этиолланган майсаларга бир томондан ёруғлик таъсир эттиради (78-чизма). Майсалар поясининг учки қисми ёруғликка томон эгилади. Поянинг учки қисми (3-4 мм) ёруғлик ўтказмайдиган қора қоғоз билан ўраб кўйилганда эса майсалар эгилмайди ва тўғри ўса бошлайди. Майсаларнинг учки қисмини очиқ қолдириб, бошқа ҳамма қисмини қора қофоз билан ўраганда ҳам улар ёруғликка томон эгилади. Шунинг учун Ч.Дарвин майсаларнинг учки қисми ёруғликни фаол сезувчи ва сенсорлик функциясини бажаради, чунки ұсимликларнинг ұсиш нұқталарида қандайлир моддалар ҳосил бўлади ва уларга ёруғлик таъсир этади, деган холосага келади.

Ұсимликларнинг ұсиш нұқталарида ўстирувчи моддалар ҳосил бўлишини XX асрнинг бошларида голландиялик олим В.В.Вент аниқ тажрибада исботлаб берди (79-чизма). Поянинг учки қисмидан олинган кесма агар-агар пластинкасига кўйилади ва бироз вақт ўтгач пластинка учи кесилган асосий пояга ўрнатилади. Бунда ұсиш яна тикланғанлигини кузатиш мумкин. Чунки кесмадаги ўстирув моддалар агар-агар пластинкасига шимилган бўлиб, пластинка асосий пояга кўйилганда бу моддалар тирик хужайраларга ўтади.



79 - чизма. Вент тажрибаси.

бурчак



Ауксин  
концентрацияси




$\text{CH}_3\text{COOH}$  илдизларнинг учки ұсувчи қисмларда ҳосил бўлади ва бошқа органларга кўчира олади.

1935 йилда Ф.Кегел бу ўсимликларда (кенг тарқалган) модда индолил -3-сирка кислота эканлигини аниқлади ва бу гурух бирикмаларига ауксинлар деб ном берди.

Ауксин юонча “auxano” – ўсиш маъносини билдиради. Бирикма кўпинча гетероауксин ( $C_{10}H_8O_2$ ) деб аталади. Ўсимликлар пояси ва кислота ўсишига фақат эркин ҳолдаги ауксинлар таъсир этади. Боғланган ауксинларнинг физиологик табиати аниқланган эмас.

Ауксинлар ўсимликлардаги муҳим физиологик жараёнларда иштирок этади. Улар ҳужайраларнинг бўлиниш ва ҷузилиш жараёнларини, нафас олиш, оқсиллар, углеводлар ҳамда нуклеин кислоталарнинг синтезини фаоллаштиради. Умуман, ауксинлар ҳужайранинг функционал фаолиятини кучайтиради (80-чизма). Ўсимликларнинг ауксинлар тўплаган органлари ўзларига (бошқа органлардан) озиқа моддаларни тортиб олиш, қариш жараёнларини кечикитириш, мембрана-



80-чизма. Ҳужайра фаолиятига ауксинлар таъсирининг шаклий тасвири  
(В.В.Полевоӣ, 1986).

ларнинг фаоллигига таъсир этиш ва умуман, ҳужайраларнинг сўриш қобилиятини ошириш каби хусусиятларга эта.

Ўсиш нуқталарида ауксинлар пояларнинг, илдизларнинг ва баргларнинг ўсишини фаоллаштиради. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда гетероауксин қишлоқ ҳужалигига бир хил ўсимликлар қаламчаларининг илдиз олишини тезлаштиришда қўлланилмоқда.

**ГИББЕРЕЛЛИНЛАР.** Бу бирикмалар ҳам юқори биологик фаолликка эга бўлиб, ўсимликларнинг ўсишида муҳим рол йўнайди.


1926 йилда япон олимни Е.Курасава шолининг ҳаддан ташқари тез ўсиб кетишига шолида паразит ҳолда яшайдиган гибберелла замбуругининг танасидан ажраладиган моддалар сабабчи эканлигини аниқлади.

1938 йилда эса Т.Ябута ва Сумикилар биринчи марта гибберелла замбуругидан гиббереллинни соф кристалл ҳолида ажратиб олдилар ва гиббереллин (ГА) деб ном бердилар.

Гиббереллин кислотанинг тузилмавий формуласини 1954 йилда инглиз олимни Б.Кросс аниқлади. Шу йилдан бошлаб, аввало, АҚШ ва Англияда, кейинчалик бошқа мамлакатларда гиббереллинлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланила бошланди. Ҳозирги вақтда гиббереллинларнинг 60 дан ошиқ хили борлиги аниқланган. Буларнинг ичида энг кўп ўрганилганлари:



81-чизма. Ўсимлик танасида фитогормонлар ҳосил бўладиган асосий жойлар.




$A_3$  – гиббереллин кислотаси бошқаларига нисбатан фаол хусусиятга эга бўлганлиги учун кўпроқ ишлатилади. Гиббереллинлар асосан баргларда синтезланади (81-чизма).

Ёргулик уларнинг синтез жараёнини кучайтиради. Ҳосил бўлган гиббереллинлар флоэма ва ксилема оқими билан ўсимлик танасининг бошқа қисмларига тарқалади. Улар асосан ўсимликларнинг ер устки қисмидаги меристема ҳужайраларида тўпланади ва ҳужайраларнинг бўлиниш, чўзилиш фазаларида фаол иштирок этади. Гиббереллинлар, айниқса, ўсимликлар поясининг (паст бўйли шаклларини ҳам) бўйига ўсишини, гуллаш ва мева туғиш жараёнларини тезлаштиради (82-чизма). Лекин илдизларнинг ўсишига деярли таъсир этмайди.

Гиббереллинларнинг ўсимликларнинг ўшиш ва ривожланишига таъсири уларнинг ўсимликлар организмида содир бўладиган модда алмашинувига таъсири билан узвий боғлиқдир. Улар таъсиридан фотосинтез жараёни жадаллашади. Нуклеин кислоталари, оқсиллар ва мемброналар таркибида кирувчи фосфолипидларнинг синтези фаоллашади. Бу жараёнларда иштирок этадиган ферментларнинг фаолиги ҳам ошади. Умуман, гиббереллин кучли физиологик фаолиятга эга бўлган бирикмалар ҳисобланади.

**ЦИТОКИНИНЛАР.** Бу гурухга кирувчи фитогормонлар асосан ҳужайраларнинг бўлинишини фаоллаштиради. Шунинг учун ҳам улар цитокинилар деб ном олди. Уларни 1955 йилда биринчи марта К.Миллер ва Ф.Скуг селл спермасидан ажратиб олдилар. Бу бирикмалар кристалл ҳолда ажратиб олин-


гандан кейин улар 6-фурфуриламинопурин (кетин) эканлиги аниқланды ( $C_{10}H_9N_5O$ ). Кейинчалик кинетин табиий цитонинлар гурухига кирмаслиги аниқланды. 1964 йилда Летам макка-жўхорининг хом донидан табиий цитокинин – зеатинни ажратиб олди:



зеатин

Табиий цитокинилар илдизда ҳосил бўлиб, ўсимлик ксилема ширасининг оқими билан юқорига кўтарилади. Цитокинилар ўсимликлар хужайрасининг бўлинишини жадаллаштириш билан бир қаторда бошқа жараёнларда ҳам фаол иштирок этади. Улар ўсишдан тұхтаган ва қари баргларда модда алмашинув жараёнини фаоллаштиради, яъни тез қаришдан сақлайди, сарфайиб қолган баргларни қайтадан яшил ранга киритиш хусусиятига эга (А.Л.Курсанов, О.Н.Кулаева). Буларнинг таъсирида баргларда оқсил, нуклеин кислоталари ва хлорофиллининг миқдори ортади. О.Н.Кулаеванинг (1982) кўрсатишича, цитокинин таъсиридан ҳамма шаклдаги РНКларнинг синтези тезлашади. Айниқса, цитокининнинг специфик оқсиллар (рецептор-оқсиллар) билан ҳосил қилган комплекси таъсиридан РНК-полимеразалар ва ядродаги хроматинларнинг фаоллиги ошади. Ўсимликнинг кинетин түплаган жойларига бошқа органдардан органик моддаларнинг оқиб келиши тезлашади. Цитокиниларнинг таъсири бошқа фитогормонлар билан биргаликда кучлироқ бўлади.

Масалан, цитокинилар иштирокида дифференциаллашган ҳужайралар яна қайтадан бўлиниши мумкин. Цитокиниларнинг  $K^+$ ,  $Ca^+$  ва  $H^+$  ионлар транспортини фаоллаштиради, деган маълумотлар ҳам бор.




Назорат


82-чизма. Нашанинг ўсишига гиббереллинларнинг таъсири.

**АБСЦИЗИНЛАР.** Бу бирикмалар биринчи марта 1961 йилда В.Люва Х. Карнс томонидан ғузанинг пишган кусакларидан кристалл ҳолда ажратиб олинган. Унга абсцизин (инглизча – abscissoн – ажралиш, түкилиш) деб ном берганлар, чунки бу моддалар баргларнинг түкилишини тезлаштиради.

1963 йилда Францияда ўстирувчи моддалар буйича ўтказилган Халқаро конференцияда абсцизинларнинг мавжудлиги тұла тасдиқланды ва шу йилнинг үзида абсциз кислотанинг (АБК) молекулар тузилмаси аниқланды:



Абсциз кислота (АБК) ўсишни тұхтатувчи табиий бирикма бўлиб, бошқа ўсишни бошқарувчи фитогормонлар (ауксинлар, гиббереллинлар ва цитокининлар) каби ўсимликда ҳосил бўлади. Бутун танага тарқалади ва жуда оз миқдорда таъсир этади. Шунинг учун ҳам абсциз кислотаси ўсишни тұхтатувчи гормонлар деб аталган ( $C_{15}H_{20}O_4$ ).



83-чизма. Цитокининнинг ҳужайра метаболизмига таъсирі.

Абсцизинлар фенолли ингибиторларга нисбатан жуда күчсиз концентрацияларда ҳам таъсир этади. Улар ўсимликнинг ўсишини сусайтиришда, уругларнинг унишини тұхтатиша, хом мева ва баргларнинг тұқилишида, гулларнинг кеч ҳосил булишида иштирок этади. Абсцизинлар, айниқса, ўсимликларнинг қариётган органларда (баргларда, меваларда, уругларда) күп миқдорда тұпланади. Улар нуклеин кислоталар, айниқса, ДНК, оқсиллар, хлорофиллнинг синтезини сусайтиради. Меваларнинг пишишини, баргларнинг қаришини тезлаштиради.

Ўсимликларга нокулай шароит омиллари (айниқса, сув етмаганда) таъсир этганда АБК тез тұпланади ва оғизчаларнинг ёпилиши, транспирация тезлигининг пасайишига сабаб булади. Умуман, бу гормонлар (АБК) ўстирувчи моддаларнинг (ауксинлар, цитокинилар ва гиббереллинлар) антагонистлари ҳисобланади.

**ЭТИЛЕН.** Этилен ҳам ўсимликларда ҳосил буладиган табиий бирикмадир. Этиленнинг ( $\text{CH}_2 = \text{CH}_2$ ) физиологик таъсирини биринчи марта 1901 йилда Д.Н. Нелюбов ёзған эди. Кейинчалик Ю.В. Ракитин табиий этиленнинг ўсимликлардагы физиологик аҳамиятини ҳартомонлама үрганиб, у меваларнинг пишишида иштирок этадиган гормон, деган фикрни илгари сурди.

Этилен меваларнинг пишишини, мева, баргларнинг тұқилишини тезлаштиради, поя ҳамда илдизларнинг ўсишини тұхтатади. Ҳужайраларнинг булиниш ва құзилиш фазаларини сусайтиради, умуман қариш жараёнини жадаллаштиради. Чунки у асосан қариётган баргларда ва меваларда күп синтезланади.

#### 8.4. ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ СУНЬЙИ МОДДАЛАР

Қишлоқ ҳұжалигіда физиологик фаол моддаларнинг сунъий шақллардан фойдаланиш йилдан-йилга ошмоқда. Улар асосан бир неча йұналишда: ўыш ва ривожланишни тезлаштириш; ўышни тұхтатиш ва пишишни тезлатиш; бегона үтларга қарши курашишда ишлатилади.

Ўыш ва ривожланишни тезлаштириш жараёнида құлланиладиган моддалардан бири гетероауксинdir ( $\text{C}_{10}\text{H}_8\text{O}_2\text{N}$ ). У қаламчаларнинг илдиз чиқарылған қобилятини кучайтиради. Мевали дарахтлар күчатларини гетероауксиннинг паст концентрациялы әритмасида бир неча соат давомида ивтииш уларнинг ҳаётчанлигини оширади. Бұлдан-дала күчатлар тез илдиз чиқарып, фаол үса бошлайды. Бунинг учун қаламчалар ёки әкилладиган мева дарахтлари күчатларининг морфологик пастки қисми 12-24 соат давомида гетероауксиннинг 0,005-0,02 фоиз әритмасига ботирилиб қойылади.

Гиббереллинлар қишлоқ ҳұжалигіда асосан 0,0001-0,1 фоиз әритма ҳолида ишлатилади. Улар сувда ёмон эриганлиги учун аввал этил спиртида әртіліб, кейин сув билан аралаштирилади. Сұнgra ўсимликларга пуркалади.

Асримизнинг 70-йилларда собиқ СССР ФА Сибир бұлымидағы цитология ва генетика институтида гиббереллинларнинг янги бирикмаси

ишлиб чиқилди ва унга “гипертериб” деб ном берилди. Бу бирикманинг таркиби анча мураккаб бўлиб, унга барча табиий гипертереллинлар киради. Гипертереллин кислотасидан ( $A_1$ ) анча фаол ва олиниши арzon ҳисобланади. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштиради. Самарадорлиги гипертереллин кислотасидан юқори туради. Масалан, помидорларга гуллаш фазасининг бошланишида гипертереллиннинг 0,005-0,0075 эритмаси пуркалганда ҳосилдорлик 15-20 ц.га ошган.

Гипертереллинларнинг самарадорлиги, айниқса, уруғиз меваларда, узумчиликда, каноп, тамаки, помидор ва бошқаларда анча юқори бўлади.

Гипертереллин кислотаси таъсир эттирилган узумнинг кичик шингиллари жуда йириклишиб кетади. Бу асосан майдага меваларнинг ўсиши фаоллашиши натижасида содир бўлади.

Энди йигиштирилиб олинган картошка туганакларига гипертереллин кислотасининг паст концентрацияли эритмаси (1-2 мг/л) таъсир эттирилганда уларнинг ўсиши тезлашади. Бу усулдан картошка иккинчи марта экиладиган жанубий ҳудудларда фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Физиологик фаол сунъий мөддалар сабзавотчиликда ва меваликда ёш мева тугунларининг ва хом меваларнинг тўкилиб кетишига қарши ҳам ишлатилади.

Ўсишни тұхтатиши ва хом меваларнинг пишишини тезлатиши мақсадида этилендан фойдаланиш мумкин. Ўсимликларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетишига (натижада ётиб қолиши) қарши ретардантлардан (хлорхолин-хлорил, тур, алар ва бошқалар) фойдаланилади. Буларнинг асосий таъсир этиш механизми ўстиришни тезлатувчи мөддаларнинг фаоллигини пасайтиришдан иборат. Ретардантлар ғаллаларнинг ётиб қолишига, сабзавотларнинг ўсиб кетишига қарши күпроқ ишлатилади.

## 8.5 ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТИНИМ ҲОЛАТЛАРИ

Юксак ўсимликларнинг ўсиш жараёни маълум даврийлик хусусиятига яга. Энг фаол ўсиш, секин ўсиш ва тиним даврлари ритмик равища да павбатлашиб туради. Бундай ритмик даврийлик йил фаслларининг алмаштириб туриши билан бөглиқ. Фақат доим нам ва ҳаво ҳарорати кам ўзгарадиган тропик ерларда ўсимликлар бутун йил давомида тұхтосыз ўса олади. Фасллар асосида иқлим шароити ўзгарадиган барча ерларда ўсимликлар куздан бошлаб, асосан қиша ўсишдан тұхтайди, баргларни тұқади, ҳатто ёш ғовдаларидан ҳам ажралади, яни тиним ҳолатига үтади. Тиним ҳолати барча ҳаёттің жараёнлар тұла тұхтамайди, балки фаол мөдда алмашинув караёни жуда секинлашади. Тиним ҳолатига үтган дарахтлар, буталар, күп тиллик үтлар, туганаклар, илдизпоялар, уруғлар ва умуман тирик үзайыраларга эга бўлган ўсимлик органдлари ва бутун ўсимликда нафас лиши тұхтамайди. Фақат нафас олиш жадаилиги жула паст булади.

Ўсимликлардаги икки хил тинимлик яхши ўрганилган: мажбурий тинимлик; физиологик тинимлик.

Мажбурий тинимликнинг асосий сабабчиси ташқи шароит омиллари дидир. Яъни ўсиш учун зарур шароитнинг йўқлиги сабабли ўсимлик тинимлик ҳолатига ўтишга мажбур бўлади. Мажбурий тинимлик даврийлиги айниқса, дараҳтлар, мевали дараҳтларда ва кўп йиллик ўсимликларда ҳар йили такрорланиб туради. Бу ўсимликларда ташқи ўзгаришлардан ташқари, ички захира моддаларнинг кимёвий ўзгаришлари ҳам юз беради. Кузда ва қишиш бошларида дараҳтларнинг новдалари ва куртакларида тўплланган краҳмал захиралари аста-секин шакарларга айланади. Тўқималарда сувнинг миқдори ҳам камаяди. Бунинг натижасида уларнинг совуққа чидамлилиги ошади. Баҳорга келиб, бунинг аксича ўзгаришлар бўлади ва фаол ўсиш бошланади. Кўпчилик ўсимликлар тинимлик ҳолатини маҳсус органлари – илдиз туганаклар, пиёзбошлар, илдиз поялар ҳолатида ўтказадилар. Ёзниг жазира маисиқларини ҳам шу ҳолатда ўтказишлари мумкин. Уруғлар ҳам сувнинг миқдори кам бўлганда ўзгаришнинг тинчлик ҳолатини сақлайди. Агар улар етарли сув билан таъминланса, фаол ўсиш бошланади.

Физиологик тинимлик ўсимликтининг ички сабаблари асосида содир бўлади. Масалан, ички муртак ва ташқи қобиқнинг хусусиятлари туфайли унмаслиги мумкин. Бунга муртакнинг физиологик ва морфологик тўла етилмагани ёки бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Маълум даражада фигогормонларнинг баланси (ИАК, цитокинилар, гиббереллинлар ва АБК) орқали тинимлик бошқарилади. Тинимлик ҳолатида АБКнинг миқдори кўп, аксинча тинимликдан чиққандан эса гиббереллин ва цитокиниларнинг миқдори кўпаяди. Ёзги куртаклар ҳам ички омиллар таъсири натижасида тинимлик ҳолатида бўлади.

Янги қазиб олинган картошқа иссиқ жойда ва нам тупроқда ҳам униб чиқмайди. Бир неча ойдан кейин эса унинг униб чиқишини қуруқ ҳаво ва совуқ жойда ҳам тўхтатиб бўлмайди. Кўп ўсимликларнинг янги йигиштириб олинган уруғлари маълум вақт ўтмагунча унмайди. Буни уларнинг йигиштириб олингандан кейинги тинимлик даври ёки пишиб етилиш муддати билан изоҳлаш мумкин. Бу давр ўсимликлар турларига боғлиқ. Масалан, бугдой донларида 2 ҳафтадан 2 ойгача, чигитда бир ой, гилосларда 150-160 кун ва ҳоказо бўлади.

Тинимлик ҳолатининг хусусиятларини ўрганиш натижасида уларни бошқариш усусларини ишлаб чиқиш ва бундан самарали фойдаланиш мумкин. Уруғларни экиш олдидан қиздириш усули билан тинимлик даврини қисқартирса бўлади. Эфиризация ва иссиқ ванналар усули ҳам яхши натижада беради. Масалан, сирен бутгалари ёпиқ идишда бир-икки кеча-кундуз давомида эфир буғларида сақланса, тинимликдан чиқиб, тез ўса бошлайди ва гуллаиди. Ўсимликтининг ер усти қисми 30-350 мм. гача иситилган сувга туширилиб, 9-12 соат тутилади. Шундан сунг ўсимлик ўсиш учун қулай

шароитга күчирилади. Эндигина йигиштириб олинган картошка туганакларини қайта экиш учун уларни 30 минут мобайнода 0,00025-0,0005 фоизли гиббереллин ва 2 тиомочевина эритмаларида ивитиш етарли.

Мевали дараҳтларнинг уруғларини тезроқ тинимликдан чиқариш учун старификация усулидан фойдаланилди. Бунда олма, нок, шафтоти, ўрик каби боғдорчилик дараҳтларининг уруғлари нам қумга кўмилиб, совукроқ жойда (+ 5° га яқин) сақланади. Натижада уруғларнинг тинимлик даври баҳорга чиқиш билан тамом бўлади ва улар бир текис униб чиқади.

Уруғлар таркибидаги табиий ингибитор абсизин кислотанинг (АБК) миқдорини ўзгартириш усули билан ҳам тинимликни бошқариш мумкин. Масалан, тисса дараҳтининг тинимликлаги уруғи АБК ни ювиб чиқарадиган озиқа эритмасида ивтилса, уруғлар уна бошлайди. Аксинча, ювилган уруғлар АБК эритмасида ивтилса, улар яна тинимликка утади ва унмайди.

Айрим вақтларда ҳосил сифатини яхши сақлаш учун тинимликни ўзайтириш ҳам зарур булиб қолади. Қишида сақланадиган картошка эрта баҳордан уна бошлайди ва захира озиқа моддаларни кўп сарфлайди. Бунинг олдини олиш учун 0,5 фоиз гидрел эритмасини пуркаш тавсия этилади. Бундай картошкалар 5 ойгача яхши сақланади.


Шундай қилиб, маҳсус усуллардан фойдаланиб, уруғлар ва ўсимлик органларининг тинимлик даврини бошқариш мумкин. Бу жараёнларнинг физиологик асосларини ўрганиш қишлоқ хўжалигига катта аҳамиятга эга.

## 8.6. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Ўсимликларнинг ўсувчи органлари ташқи таъсир натижасида эгилиши, ётиб қолиши ва янгидан яна тик бўлиб ўсиши мумкин. Бу улардаги ҳаракатлар натижасидадир. Ўшиш ҳаракатлари бир неча хил бўлади: тропизмлар, настик ҳаракатлар, нутация ҳаракатлари ва бошқалар.

**ТРОПИЗМЛАР.** Тропизм ҳаракатини ўсимликларга бир томонлама таъсир қиласидиган ташқи шароит омиллари вужудга келтиради. Тропизм юононча сўз булиб, “tropos” – бурилиш маъносини билдиради. Табиатда тропизм ҳаракатларига кўплаб мисол келтириш мумкин. Уларнинг асосий сабаби шундаки, поя, иллиз ва барг ўсувчи қисмларининг бир томонидаги ҳужайралар тезроқ чўзилади ва ўсади. Ҳужайраларнинг бундай тез ўсишига фитогормонлар (ИСК, АБК) сабаб бўлади. Бу ўстирувчи моддалар иштирокида ўсувчи органнинг тезроқ ўсан томони ташқарига қараб қуббасимон бўлиб чиқади, ўшиш секинлашган томони ичига қараб букилади ва ўсимлик органи ўшиш секинлашган томонга эгилади. Тропизмлар мусбат ва манфий бўлади. Таъсир этувчи манбага қараб йўналган ҳаракатга мусбат, манбадан қочувчи ҳаракатга манфий дейилади.

Геотропизм – ўсимликларнинг ернинг тортиш кучига асосан ўсиш ҳаракатидир. Яъни уруғ ерга қандай тушишидан қатъи назар унинг пояси ер устига, илдизи эса пастга қараб ўсади. Бунда пастга қараб ўсадиган илдизларда мусбат геотропизм, юқорига қараб ўсадиган пояда манфий геотропизм мавжуд (84-чизма). Шу туфайли илдиз тупроқ ичиға кириб, ундан сув ва озиқа моддаларни сўради, пояси эса ер устига чиқади ва барглари ёрдамида ёруғлик энергиясидан фойдаланади. Органларнинг горизонтга нисбатан ўсиши муҳим биологик мослашув булиб, ўсимликнинг бутун ҳаёти давомида сақланади. Агар ўсимликлар бирор ташқи таъсирдан эгилса ёки ётиб қолса, уларнинг ёш ўсуви органлари яна тик бўлиб ўсади. Бу уларнинг ўсиш жараёнининг хусу-



84-чизма. Манфий (А-Б) ва мусбат геотропизм эгилишлар.  
а—бурчоқ; б—галладошлар пояси; в—пиеённинг ёш пояси; г—нұхат майсасининг илдизи.

сиятларидан келиб чиқади. Масалан, нұхат ўсимтасини олиб горизонтал ҳолатга қўйсак, бир неча соатдан сунг унинг пояси юқорига, илдизи пастга қараб эгилади. Агар илдизчаларнинг устига туш билан бир-биридан маълум узоқликда белгилар қўйсак, у ҳолда илдизнинг қайси жойи энг кўп чўзилса, шу жойнинг энг кўп пастга томон эгилганлигини кўрамиз. Тўла ўсан жойларда эса ҳеч қандай эгилиш бўлмайди

(85-чизма). Демак, эгилиш күпайиш хусусиятига эга бўлган мериистема тўқималарида содир бўлади.

Бошоқли ўсимликларнинг пояси ётиб қолганда илдизга яқинроқ қисмидан эгилиб, бутун гавдаси билан қайтадан кўтарилиш қобилиятига эга. Чунки бошоқли ўсимликларнинг бўғимлари ўсиш қобилиятини жуда узоқ сақлади. Шунинг учун ҳам улар горизонтал ҳолатга тушиши билан бўғимнинг пастки томони юқориги томонидан тезроқ ўса бошлайди ва поя юқорига кўтарилади (84-чизма, б-шакли).

Илдизларнинг эса аксинча, юқори томони пастига нисбатан тезроқ ўса бошлайди. Илдизнинг геотропик сезгирилиги унинг энг учидаги 1-2 мм жойида тўпланади. Ч.Дарвин (1880) ўз тажрибаларида учи кесилган илдизнинг горизонтал ўсиб, ернинг тортиш кучини сезиш қобилиятини йўқотганлигини аниқлаган.


Ўсимлик ернинг тортиш кучи йўналишини қандай сезганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда бу жараён механизмини ўрганиш соҳасида бир қанча ишлар қилинди. Айниқса, ўсиш гормонлари ҳақидаги таълимот бу масалани ҳал қилишда анча ёрдам берди. Бунда турли органларнинг геотропик сезиш худудийнинг ўсиш гормони тайёрловчи худуди билан тўғри келиш факти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Тажрибаларда – индолил сирка кислотасининг (ИСК) ҳаракатини ўрганиш натижасида унинг геотропизмга ҳам алоқаси борлиги аниқланди. Бу гормон қаерда кўп тўпланса, ўша ердаги ҳужайраларнинг ўсиши тезлашади.

Илдизларда синтезланадиган абсцизин кислота (АБК) – ингибиторнинг миқдори ҳам катта аҳамиятга эга. Бу бирикмалар тўпланган ҳужайраларнинг ўсиши жуда секинлашади. Илдизлар горизонтал жойлаштирилганда, АБК ўсувчи қисмининг пастки ҳужайраларида тўпланади ва уларнинг ўсишини сусайтиради. Натижада ўсувчи қисмининг юқори ҳужайралари ИСК иштирокида тез ўсади ва пастки ҳужайраларнинг ўсиши эса АБК иштирокида сусаяди. Бундай жараёнлар натижасида илдиз пастга қараб эгилади.

Кейинги йилларда илдизнинг геотропизм ҳаракати статолитларга боғлиқ деб тушунтирилмоқда. Цитоплазмадаги статолит крахмали жойлашган таначалар амилопластлар дейилади. Статолитларга эга бўлган ҳужайралар статоцитлар дейилади. Илдизларда статоцитлар вазифасини илдиз қинининг марказий ҳужайралари бажаради (85-чизма).

Фототропизм деб ўсимликларнинг ёруғлик энергиясининг йуналишига қараб бурилиш қобилиятига айтилади. Ёш ўсимликлар ва уларнинг ўсиш қисмлари ёруғлик манбаи томонга қараб бурилади. Бундай ҳаракат мусбат фототропизм дейилади. Бундай фототропизмни уйларда ўстирилувчи ўсимликларда яққол кузатиш мумкин. Ўсимлик ўстирилган туваклар деразага яқинроқ жойда сақланса, ўсимликлар ёруғлик тушган томонга эгилади. Ёруғлик манбаидан тескари томонга қараб эгилиш манфий фототропизм дейилади. Барг пластинкасининг қуёш нурларига пер-

пендикуляр равишида жойланиш қобилияти диафототропизм дейилади. Умуман, дарзовентрал тузилишга эга бүлгән органлар, яъни устки ва ости томонларининг тузилиши фарқ қиласидиган (барглар) органлар – диафототропизмга, радиал тузилишдаги ўқ органлар эса мусбат ёки манфий фототропизмга эга бўладилар.



85-чизма. Илдизнинг геотропик реакцияси:

*А*–илдиз қинидаги статоцитлар;

*Б*–статоцитларнинг тузилиши; *В*–илдизларнинг геотропик эгилиши; 1–илдизнинг бошлангич горизонтал ҳолати; 2–икки соатдан кейин; 3–7 соатдан кейин; 4–23 соатдан кейин; 5–ядро; 6–статолитлар (амилопластлар).

Фототропизм қобилияти асосан ўсимликнинг ер устки органларига хос. Мусбат ва манфий фототропизм доимий бўлмай, ёруғлик кучига ҳам боғлиқ. Масалан, кучсиз ёки меъёридаги ёруғликда мусбат хусусиятга эга бўлса, мусбат эгилишлар манфий эгилишларга айланади.

Ўсимлик ҳаётида фототропизм катта аҳамиятга эга. Чунки ўсимликлар ва уларнинг барглари ёруғлик энергиясидан яхшироқ фойдаланиш учун энг қулай ҳолатда жойлашади. Фототропик ҳаракатлар умуман дарахтларнинг соясида, уй ичида ва ёруғлик сийрак бўлган жойларда очик жойларга нисбатан яхшироқ сезилади. Фототропизм хлорофиллнинг бўлишига боғлиқ эмас. Аксинча, хлорофилли ўсимликлар (қоронгида ўстирилган) яшил ўсимликка нисбатан кўпроқ сезгир бўладилар. Шунинг учун ҳам, одатда аниқ фототропик тажрибалар учун қоронгида ўсан ўсимликлар ишлатилади. Бундай тажрибалар қоронги қутиларда ва хо-

наларда олиб борилади. Еруглик бир томондаги кичкина тешик орқали киради. Бундай тажрибаларда ўсган ўсимликлар ёргулук тушадиган тешик томонга эгилади. Агар ўсимликнинг ўсиш нуқтасини қора қофоз билан ёки бошқа қалпоқча билан ёпиб, клеоптил қисмини бутунлай қопласак, пояда ёргулук томонга эгилиш бўлмайди. Аксинча, поянинг пастки қисмини очиқ қолдирсак, ўсимлик бутунлай ёритилгандек эгилади. Демак, ёргулукни фақат ўсимликларнинг апикал қисмидаги меристема тўқималари сезади ва унга жавоб қайтаради.

Мусбат фототропизм механизми шундан иборатки, поянинг ёритилган томонидаги ўстирувчи гормонлар (ИСК) қарама-қарши (ёритилмаган) томонига кўпроқ силжийди. Натижада поянинг ёритилган томонидаги ҳужайраларнинг ўсишидан ёритилмаган томонидаги ҳужайраларнинг ўсиши жадалроқ бўлади ва поя эгилади.

Ёргулук спектрининг ҳамма нурлари ҳам бир хил фототропик таъсир қиласвермайди. Унинг қизил нурлари энг оз таъсир этади ва қисқа тўлқинли нурлар томонига ортиб боради. Спектрининг кўк рангли (465 нм) қисмida энг юқори фототропик сезгирилик бўлади, кейин спектрининг кўк-бинафша рангли қисмida пасая бошлайди.

Ўсимликларда кимёвий моддаларнинг таъсири натижасида содир буладиган ҳаракат ҳемотропизм дейилади. Бу ҳодиса организмларга ўзларининг илдиз, гиф ва сўргичларини озиқа манбаига йўналтиришга ёрдам беради. Ҳемотропизм мусбат ва манфий бўлиши мумкин. Мусбат ҳемотропизм асосан турли озиқа моддалари таъсирида вужудга келади. Чунки илдизлар улар томонга ўсади. Манфий ҳемотропизм кислоталар, ишқорлар ва бошқа ҳар хил заҳарли моддалар таъсирида вужудга келади. Бу хусусиятлар илдизлар учун катта аҳамиятга эга. Ҳемотропизм туфайли илдизлар тупроқдаги органик ва анорганик ўчитларга томон ўсади ва улардан яхши фойдаланади. Илдизлар ноқулай кимёвий таркибга эга бўлган тупроқ қатламидан қочади.

Ўсимликларда муҳитнинг намлиги таъсир қилиши натижасида содир бўлган ҳаракати гидротропизм дейилади. Бу ҳаракат кўпроқ илдизтарда бўлади. Нам тупроқ ичидаги нотекис тарқалган вақтда илдизлар чамлироқ жойларга йўналади. Ҳатто очиқ ҳавода ҳам илдизларнинг чамланган сатҳлар томонга қараб эгилгандикларини кузатиш мумкин. Гидротропик сезгирилик ҳам илдизнинг ичидаги бўлади.

Ўсимликларда ҳарорат таъсири натижасида содир буладиган ҳаракат термотропизм дейилади. Бунда ҳароратнинг нотекис тарқалиши натижасида илдизларнинг ва пояларнинг эгилиши юзага келади. Бу қолда мусбат ва манфий термотропизмлар мавжуд. Оптимумдан пастюқ нисбий ҳароратда ўсимликлар иссиқроқ томонга эгилади (мусбат термотропизм), оптимумдан юқори ҳароратда улар аксинча союқроқ томонга эгилади (манфий термотропизм). Ҳарорат даражалари ўсимлик турларига боғлиқ. Масалан, ҳарорат нўхатлар учун  $32^{\circ}\text{C}$

ва маккажұхори учун 38°С дан кам бұлғанда мусбат әгилишлар, ундан ошганды манфий әгилишлар содир бұлади.

**НАСТИК ҲАРАКАТЛАР.** Бутун үсимликка баравар таъсир қиладиган құзғатувчилар (ҳарорат, ёргулік ва бошқалар) воситаси билан бұладиган ҳаракатлар – настик ҳаракатлар дейилади.

Күн билан түннинг алмашиниши сабаб бўладиган ҳаракат – никтинастик ҳаракат энг кўп тарқалган. Жуда кўп гуллар эрталаб очилади, кечаси эса ёпилади. Бошқалари эса кечаси очилади (намозшомгул), кундузи ёпилади. Кўп үсимликларнинг барглари ҳам күн билан кечанинг алмашиб туришига қараб ўз ҳолатларини үзгартириб туради. К.Линней бундай ҳаракатларга асосланиб “флора соатларини” тузишга ҳаракат қилган. Бунинг учун у эрталаб ва кечқурун турли соатларда очиладиган ва ёпиладиган үсимликларни бир жойга тұплаб үстирган.



Х6-чизма. *Lovnia bargii*: а – кундузи; б – кечаси.

Никтинастик ҳаракатнинг содир бўлишига ёргулік ёки ҳароратнинг үзгариб туриши сабаб бўлади (фотонастия ёки термонастия). Термонастик ҳаракатта лола гулининг очилишини мисол қилиш мумкин. Яъни ёпик ҳолдаги гулларни иссиқ жойга киргазиш билан тезда очила бошлайди.

Баъзи гуллар (нилуфар, қоқи ва бошқалар) факт ёргулікли очилади. Булар фотонастияга мисол бўлади. Кўп үсимликларнинг барглари ҳам кечаси осилиб, вертикаль ҳолатга, кундузи эса горизонтал ҳолатга утади (86-чизма).

Үсимликлар ҳар хил тебранишларга ҳам жавоб қайтаришади. Бунга сейсмонастик ҳаракатлар дейилади. Буни бұтакұз гулида қуриш мумкин. Гулининг оталик ипларига тегиш билан улар дарҳол қисқаради. Натижада оналикни ўраб олган чангдонлар пастға қараб әгилади. Зирк үсимлигининг оталик иплари алоҳида ёстиқчаларга тегиб қолған вактда уларнинг асослари тез әгилаб, чангдоңлар оналик түмшүқчасыга урилади. Бу ҳаракатлар үсимликларнинг чангланиш жараёнига bogliq.

Сейсмонастик ҳаракатларга уятчан мимоза (*Mimosa pudica*) жуда яхши мисол бўлади. Агар мимозанинг барғига озгина тегилса у дарҳол осилиб қолади (87-чизма). Бу ҳаракатланиш механизми бўғинларнинг устки ва пастки ярмида тургор ҳолатининг ўзгариб туриши натижасида содир бўлади. Титраш вақтида бўғинларнинг пастки ярмида протоплазманинг ўтказувчанлиги бирданнiga ортади ва шунгача тарағи булиб турған ҳужайра пўсти протоплазманинг қаршилигига учрамаганлиги сабабли қисқариб, ҳужайра шираси сувнинг бир қисмини ҳужайра оралиқларига чиқаради. Натижада тургор ҳолати пасаяди, аммо бўғинларнинг устки ҳужайралари тургор ҳолатида қолганлигидан, у бўғинни пастга қараб эгади ва шу сабабли барглар ҳам пастга эгилади. Бироз вақт ўтгандан кейин суюқлик қайтадан шимилади ва бўғин тўғриланаб қолади.

Умуман, ўсимликларда бундай ҳаракатнинг мавжудлиги ҳимоя вазифасини бажаради. Тропик ўрмонлардэ бўладиган тўхтовесиз бир неча кеча-кундуз давомидаги ёғингарчиликдан зарфарланмасдан сақланиши мумкин. Сейсмонастик ҳаракатлар ҳашаротхур ўсимликларла ҳам кузатилади. Уларнинг ҳам ҳаракат механизми ҳужайраларнинг ташқи таъсириг натижасида ўз тургор ҳолатларини ўзgartириш қобилиятига асосланган.

**НУТАЦИЯ ҲАРАКАТЛАРИ.** Табиатда бошқа ўсимликларнинг танасига ўралиб ёки чирмашиб ўсуви үтсимон ўсимликлар мавжуд. Бундай ҳаракатга нутация ҳаракати дейилади. Бу гуруҳга киравчи ўсимликларнинг ўсиш нуқталаридаги доиравий ҳаракат поя ички ва ташқи томонларининг бир меъёrlа ўスマганлиги натижасида содир бўлади. Айниқса, доиравий нутация чирмашиб ўсуви үсимликларнинг (печак ўтлар, зарпекак, лианалар ва бошқалар) пояларида яхши ҳаракатланали. Бу ўсимликларнинг бир марта айланиш узунлиги 2 дан то 12 соатгача давом этиши мумкин. Кўпчилик лианалар чапга, яъни ўсиш нуқталари соат стрелкасига қарама-қарши ўсади. Бошқа гуруҳлари эса ўнгга – соат стрелкасининг йўналиши буйича ўралиб ўсади. Нутацийон ҳаракат қилувчи ўсимликларнинг кўпчилиги ёргулук энергиясидан самарали фойдаланадилар. Чунки бу ҳаракат натижасида улар бошқа энг баланд ўсимликларнинг танасига чирмашиб, энг юқори қисмiga кутариладилар.




87-чизма. Мимозанинг шохи:  
чап томонда – иккита очиқ барг; унг  
томонда – ўзгатлиш натижасида  
осилган ва ёнилган барг.

## 8.7. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўсимликларнинг ҳаётий цикли (онтогенези) тухум ҳужайранинг ургланиши ва зиготанинг ҳосил бўлишидан бошланади ва то табиий ўлишигача давом этиб, мустақил ривожланиш жараёнларини ўз ичига олади. Ҳаёт циклининг бошланиши асосан вегетатив органларнинг ўсиш жараёнлари билан тавсифланади. Кейин вояга етиш, кўпайиш, охирида қариш ва ўлиш билан якунланади. Умуман, бу циклнинг асосини ўсиш ва ривожланиш ташкил этади. Ўсимликтарнинг ўсиши асосан унинг массаси ошишидан ва поя, барг, илдиз каби вегетатив органларнинг такрор вужудга келишидан иборат бўлади. Бу органларнинг асосий вазифаси ўсимликларда органик моддалар тўплаш ва репродуктив органлар ҳосил бўлиши учун шароит яратишдир. Ривожланиш жараёнида эса ўсимликлар танасида биринкетин кечадиган сифатий ўзгаришлар содир бўлади.

Олий ўсимликларнинг ҳаёт циклини тўрт босқичга булиш мумкин:

1) эмбрионал; 2) ювенил (ёшлик); 3) репродуктив (вояга етиш ва кўпайиш); 4) қариллик (ёки табиий ўлим).




88-чизма. Ёпиқурғали ўсимликлар онтогенезининг босқичлари:

A-эмбрионал; B-ювенил; C-вояга етиш ва кўпайиш; D-қариш; 1-гул; 2-чанглагич; 3-микроспора (чанг)нинг оналик ҳужайраланган чангдони; 4-микроспоралар тетрадаси (тўртлиги); 5-чанг доначалари; 6-етилган мевачи (уругчи); 7-чангланиш; 8-муртак халтаси; 9-ёш муртак; 10-майса; 11-стилмаган мевачи; 12-тўрт мегаспорали (макроспоралар) уруг муртак; 13-бир мегаспорали уруг муртак; 14-муртак халтасининг ривожланиши.

**ЭМБРИОНАЛ БОСҚИЧ.** Онтогенезнинг эмбрионал босқичи зиготадан бошлаб то уурганинг пишишигача булган даврда муртакнинг ривожланиш жараёнларини ўз ичига олади (88-чизма).

Барча ёпиқуруғли үсімліктарда уургланиш жараёни олдидан чангланиш бұлади. Яъни чанлар оналик түмшүқчасыга түшади ва түмшүқчадан ажралып чиққан томчи эритмада бұртган чангнинг үсиши бошланади. Бу вақтда чангнинг сиртқи пүсти (эхзина) ёрилади. Ички пүсти (интина) эса узун найчага айланиб пастта қараб чөзилади ва устунча буйлаб түгунчага бориб етади. Чанг найчаси уруг куртакчасы ёки муртак халтасында етгач



88-чизма. Ёпиқуруғли үсімліктар гүлдининг тузишші:

1—түмшүқча; 2—устунча; 3—түгунча;  
4—уруг куртак; 5—муртак қончасы; 6—  
тухум ұжайра; 7—антіпардалар; 8—  
иккита күтбій магистралар; 9—түмшүқчада  
унасттан чанг доналасы; 10—чан  
найи; 11—чангдон; 12—чангчи или;  
13—гүлтоғ; 14—гүлкоса.

очилади ва ундағы иккита сперманинг бигтаси тухум ұжайра ядрою билан, иккінчиси муртак халтасынинг иккіламчы ядрою билан құшилып уургланиади (бу ҳодиса йирик цитолог олим С.Т.Навашин томонидан очылған). Уургланған ұжайраларнинг булиниш жараёни бошланади. Айни вақтда уруг куртакчасыла ва гүлнинг бошқа бұлакчаларыда бир қанча бошқа үшаришлар ҳам іуз беради. Уруг куртак пардалари үсіб уруг қобиғини, түгунча деворчалари эса үсіб мева қаватини ҳосил қылады. Мева қаватини ҳосил қылышда күпшілік гүл тәғлиғи ҳам қысман иштирек этади. Гүлнинг бошқа қисмлари түкилиб кетади (89-чизма).

Уургланиш жараёни тугагандан кейин зиготада РНКнинг синтези тезлашади ва тұғлана бошлайды. Эндоспермнинг ривожланиши учун ИСК ва цитокинин керак булади. Улар уурганинг нүсслелүс қисмидан оқиб келади. Бу оқим доимий хусусиятта эга. Муртакнинг ривожланиши би-

лан бир қаторда ҳужайраларда ИСКнинг концентрацияси ҳам ошиб боради ва цитокинилар тұхтосиз оқиб келаверади.

Уруғ муртагининг ривожланиши ва дифференциацияси бирин-кетин бориб, бир неча гурух дастлабки органларни ҳосил қилувчи ҳужайралар шаклланади (поя, илдиз, уруғбаргчалар) ва прокамбий пайдо бұлади. Шу билан бир вақтда уруғда захира моддалар ҳам тұплана бошлайди. Бу моддалар уруғга асосан сувда яхши эрийдиган бирикмалар (шакарлар, аминокислоталар, ёғ кислоталари) ҳолида оқиб келади ва у ерда сувда бутунлай эримайдиган бирикмалар (крахмал, ёғлар, оқсиллар) ҳолатида тұпланади.

Уруғлар ривожланишининг бу босқичи жуда фаол хусусиятга әга бўлиб, ИСК цитокинилар ва гиббереллинларга бўлган талаб ҳам ошади. Шунинг учун бу тұқымаларнинг ўзларида ҳам фитогормонлар кўп миқдорда синтезланади.

Пиша бошлаган уруғларнинг куруқ оғирлиги тез кўпаяди, сувнинг миқдори аксинча камая бошлайди. Тұла пишган уруғларда сувнинг миқдори жуда кам бұлади. Шу билан биргаликда ауксинлар, цитокинилар, гиббереллинларнинг ҳам миқдори камаяди. Абсиз кислотанинг миқдори эса аксинча кўпаяди.

Шундай қилиб, уруғда муртакнинг ривожланиш жараёнлари фитогормонлар иштирокида содир бұлади. Дастлаб фитогормонлар эндосперм ва башқа тұқымалардан оқиб кела бошлайди, кейинчалик улар ўзлари фитогормонларни синтезлайди ва ҳатто ауксинларни атрофга ҳам чиқаради. Пишган уруғларда эса бу жараён тұхтайди.

**ЮВЕНИЛ БОСҚИЧ.** Бу ўсимликларнинг ёшлик босқичи ҳисобланади. Уруғларнинг унишидан бошлаб то ўсимликларда репродуктив органлар ҳосил қилиш қобилиятининг пайдо бўлишигача давом этади. Ювенил босқичда ўсимликларнинг вегетатив органлари (поя, новдалар, илдиз тизими ва барглар) тұла шаклланади. Ўсимликлар асосан вегетатив масса тұплаш билан тавсифланади. Бу босқичда ўсимликларда жинсий кўпайиш қобилияти бўлмайди.

Уруғларнинг униш жараёнлари юқорида кўрсатилған эди. Уруғ муртагидан ўсиб чиқкан илдизчаларда фитогормонларнинг (гибберелин, цитокинилар) синтези бошланади. Синтезланған фитогормонларнинг бир қисми пояга үтказила бошланади. Натижада ёш илдизлар тупроқдан озиқдана бошлайдилар. Фитогормонлар билан таъминланған гипокотилнинг (асосан иккى паллалиларнинг уруғида) ёки мезокотилнинг (фаллаларда) چүзилиши натижасыда поя ўсади. Ер устигача чиқкан, этиолланған поячада эпикотил (биринчи ҳақиқий бўғим оралиғи) ва баргларнинг ўсиши жадаллашади. Ёш ўсимликлар хлорофиллнинг ҳосил бўлиши натижасыда яшил рангга киради ва автотроф озиқланишга үтади. Ўсимликларнинг атмосферадан ва тупроқдан озиқланиши ва ўсиш жараёнларининг фаолланиши натижасыда ўсимликлар тұла шаклланади ва вегетатив масса кўп миқдорда тұпланади.

Ювенил даврнинг давоми ўсимлик турларига боғлиқ. Бу одатда бир неча ҳафтадан (бир йиллик ўсимликлар) то ўнлаб йилларгача (дарахтлар) давом этиши мумкин. Бу даврда ўсимликларнинг илдиз ҳосил қилиш қобилияти кучли бўлади ва ундан боғдорчиликда фойдаланилади. Чунки қаламчаларда ауксинларнинг миқдори кўп бўлади. Бу даврнинг охирига келиб, ўсимликларда репродуктив органлар ҳосил қилиш қобилияти вужудга келади.

**ВОЯГА ЕТИЛИШ ВА КЎПАЙИШ БОСҚИЧИ.** Бу босқичда ўсимликлар энг ҳаётий даражада бўлиб, шоналар, гуллар, уруғлар ва мевалар ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлади. Ўсимликлар ривожланиш хусусиятлари асосида бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик гуруҳларга бўлинади. Уларнинг онтогенезлари бир-биридан кескин фарқ қиласиди.

Ҳаётида бир марта гуллаб мева тугувчи ўсимликлар монокарпик дейилади. Буларга барча бир йиллик ўсимликлар, айрим икки йилликлар (сабзи, карам, пиёз) киради. Кўп йиллик ўсимликларнинг ичидаги ҳам монокарпиклар бор. Масалан, бамбук 20-30 йил яшаб, бир марта гуллайди ва меваси етилгандан кейин қурийди. Мексика агаваси ватанида 8-10 йилда ва Европада 50 йилда бир марта гуллайди (гул түпламининг баландлиги 10 м бўлиб, 1,5 млн.га яқин гулчадан иборат). Ўрта Осиё чўлларида яшайдиган Ферула ўсимлиги кўп йил яшайди, ҳаётида бир марта гуллайди ва ӯлади.

Ҳаётида кўп марта гуллаб мева тугадиган ўсимликлар поликарпик ўсимликлар дейилади. Буларга барча кўп йиллик ўсимликларни мисол қилиб қўрсашиб мумкин. Барча мевали дараҳтлар ҳам шулар жумласига киради.

Ўсимликларнинг гуллаш босқичига ўтиши мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Экологик омиллардан ҳарорат (яровизация), кеча-кундуз, ёруғлик ва қоронгилик даврларининг алмашиб таъсир этиши (фотопериодизм) ёки эндоген омиллар ўсимликларнинг гуллаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Яровизация, яъни паст ҳароратнинг таъсирни асосан кузги ўсимликлар учун зарур ҳисобланади. Бундай зарурат бўлмаган ўсимликлар баҳорилар дейилади. Яровизация, одатда 1-3 ойгача давом этиб, энг самарадор ҳарорат  $5^{\circ}$  дан  $7^{\circ}\text{C}$  гача ҳисобланади. Иссиқсевар ўсимликларда эса  $10-13^{\circ}\text{C}$  бўлиши мумкин. Шу омилнинг таъсирни асосан бўлинниб кўпайиш жараёнидаги фаол ҳужайраларда содир бўлади (муртакда, пояди ва барглардаги апикал меристемаларда). Бу жараёнларнинг физиологик табиати ҳозиргача тўла ўрганилмаган. Лекин айрим ўсимликларнинг тўқималарида яровизация натижасида кўпайиш аниқланган. Айрим ўсимликлар яровизациясиз гуллайди, бошқаларининг эса гуллаш вақти паст ҳарорат таъсир этганда анча тезлашади.

Биринчи марта фотопериодизм тушунчасини америкалик олимлар У.Гарнер ва Г.А.Аллард (1920-1923) киритдилар. Кеча-кундуз ёруғлик даврининг узун ёки қисқа бўлиши ҳам ўсимликларнинг гуллаш тезлигига фаол таъсир этади. Бу таъсир ўсимлик турларига боғлиқ бўлиб, улар узун кунлик (ДД), қисқа кунлик (КД) ва нейтрал гуруҳларга бўлинади. Узун

кунлик (яни кеча-кундузнинг ёруглиқ даври қоронгиликка нисбатан узун бўлади) ўсимликларга асосан ғаллалар, кунгабоқар, лавлаги ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Бу ўсимликлар кечакундузнинг ёруглиқ даври қанча узун бўлса, шунча тез гуллаш босқичига ўтади (90-чизма). Қисқа кунлик ўсимликларга – шоли, каноп, маккажухори, гўза, тамаки ва бошқалар киради. Бу ўсимликлар кечакундузнинг ёруглиқ даври 12 соатдан камроқ бўлганда тезроқ гуллайди. Айрим ўсимликлар – гречиха, нұхат ва бошқаларнинг гуллаш тезлигига куннинг узунлиги таъсир этмайди.

Ўсимликлар фотопериодик таъсирни асосан барглари орқали қабул қиласиди. Чунки баргларда фитогормонлар учрайди ва улар тўлқин узунлиги 660 нм ва 730 нм бўлган қизил нурларни ўзлаштиради.

Шундай қилиб, ўсимликлардаги фотопериодик хусусиятлар асосан барглари орқали содир булиши аниқлангандан сўнг олимлар уларнинг сабабларини ўргана бошладилар. 1937 йилда М.Х. Чайлахян “ўсимликлар ривожланишининг гормонал назарияси”ни таклиф этди. Бу назарияда қулаги фотопериодизмда ўсимликларнинг баргларида гуллаш гормони – флориген ҳосил бўлади ва у гуллашга ўтишни таъминлайди, деб тушунтирилади.




90-чизма. Узун кунлик тамаки (1) ва қисқа кунлик тарик (2)  
ўсимликларига узун кун (ДД) ва қисқа куннинг (КД) таъсир.

Кейинчалик узун кунлик ўсимликларга гиббереллин эритмаси пуркалганда уларнинг гуллаши анча тезлашгани аниқланди (А.Ланг, 1956). 1958 йилда М.Х. Чайлахян флориген биокомпонентлардан иборат деган гипотезасини илгари сурди. Бу гипотеза бўйича гуллаш гормонлари гиббереллин ва антезинлардан иборат деб тушунтирилади. Кейинчалик М.Х. Чайлахян (1978) бу гипотезани тажриба орқали исботлади (91-чизма). Ўсимликларнинг гуллаш жараёни бошланиши учун баргларда маълум миқдорда гиббереллинлар ва антезинларнинг тўпланиши шарт эканлигини кўрсатди. Узун кунлик ўсимликларнинг баргига антезинлар кўп бўлиб, гиббериллинлар оз бўлади, шунинг учун ҳам улар узун кунлик ёруглика кўпроқ гиббереллинларни тўплайди. Қисқа кунлик ўсимликларда эса

гиббереллинлар күп булиб, қисқа кунлик таъсирда күпроқ антезинларни туплайди ва ўсимликларнинг гуллашини тезлаштиради. Нейтрал ўсимликларда эса гиббереллинлар ва антезинлар бир меъёрда тупланаб боради ва барг тўқималарида маълум миқдорда тұпланғандан сұнг гуллаш бошланади. Аммо антезинларнинг табиати ҳозир аникланмаган.

• Үсимликларнинг жинси хромосомаларда жойлашган генетик омиллар ва ташқи шароит омиллари таъсирида шакланади. Үсимликларнинг асосий жинсий органи – гул бир жинсли ва икки жинсли булиши мумкин. Улар бир үсимлика (бир уйлилар) ёки бошқа-бошқа үсимликларда (икки уйлилар) ривожланиши ҳам мумкин. Икки уйли турлар кам. Масалан, каноп, терак, тол ва бошқалар. Буларнинг эркак ва урғочи гуллари бошқа-бошқа үсимликларда ривожланади. Бир уйли үсимликлар эса жуда күп.



91-чизма. Узун күнлик рудбеки өсімдіктердегі қысқа күнлик тарық үсімділіктің гүллашыға әсерлеріниншің тәсіри (Чайлакян, 1988);

*a*—рудбеки қисқа күнда: *1*—гүббереллин пуркалган; *2*—назорат; *б*—тариқ узун күнда: *3*—гүббереллин пуркалган; *4*—назорат.

Үсимликларнинг жинсини белгиловчи генлари ички ва ташқи шароит омиллари таъсирида ва ҳужайраларнинг ўзгаришига қаршилик қилмайди. Шунинг учун ҳам үсимликлар жинсининг шаклланиши куннинг узунлиги, ёруғликнинг жадаллиги ва спектрал таркиби, ҳарорат, минерал озиқланиш, ҳаво таркиби ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Масалан, азот ўғитлари билан яхши озиқлантириш, тупроқ ва ҳаво намлигининг юқори булиши, ҳароратнинг бироз пастроқ булиши. ёруғликнинг тўлқин узунлиги қисқароқ бўлган нурларнинг таъсир этиши натижалари ургочи гуллар ва үсимликларнинг ривожланиши-

ни фаоллаштиради. Калий, юқори ҳарорат, намликтининг камроқ бўлиши, тўлқин узунлиги узун бўлган нурлар эркак гуллар ва ўсимликларнинг ривожланишини тезлаштиради.


Ички ва ташқи омилларнинг таъсири натижасида ўсимликлар жинсий хусусиятларининг бундай ўзгариши асосан фитогормонлар синтезига боғлиқ эканлиги кўрсатилмоқда. 1977-1982 йилларда М.Х. Чайлахян ўз ходимлари билан ўтказган тажрибаларида бу тушунчани тасдиқлади. Агар ўсимликнинг илдизлари кесиб ташланса, цитокинилар синтези тўхтайди (чунки цитокинилар илдизда синтезланади) ва кўпроқ гиббереллинлар тўпланади (чунки гиббереллинлар баргларда синтезланади). Бундай ўсимликларда эркаклик хусусиятлари ва гуллари кўп ҳосил бўлади (92-чизма). Баргларни кесиб ташлаш эса аксинча самарадорликка эга. Яъни урғочи гуллар кўпайди. Шунинг учун ҳам шаҳарларда ўсадиган эркак теракларнинг ҳар йили шоҳларини кесиш баргларининг камайишига, натижада урғочи гуллар ҳосил бўлишига ва парлар миқдорининг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Умуман, ўсимликларнинг илдиз тизими цитокиниларни синтез қилиб, ўсимликларнинг урғочилик хусусиятларини бошқаради. Барглари эса гиббереллинларни синтез қилиб, эркаклик хусусиятларини жадаллаштиради. Ташқи шароит омилларининг таъсири натижасида эса гормонлар синтези ва уларнинг бир-бирига бўлган нисбатлари ўзгариши мумкин. Натижада бу ўзгаришлар ўсимликларнинг жинсий ўзгаришларига сабаб бўлади.

Гулларнинг уруғланиши, уларда уруғ ва меваларнинг етилиш жараёнлари эмбрионал босқичда кўрсатилган.

**ҚАРИЛИК БОСҚИЧИ.** Ўсимликлар бу босқичда уруғ ва мева ҳосил қилишдан тўхтайди. Уларнинг ҳаётийлик даражаси тўхтовсиз пасая боради ва табиий үлим билан якунланади. Ўсимликларнинг ҳаётийлик давоми уларнинг турларига боғлиқ. Масалан, эфемер ўсимликлар 2-4 ҳафта, ток 80-100 йил, қарагайлар 500 йил, эман (дуб) 1500 йил ва чинорлар 1000-2000 йил, секвойялар 5000 йил ва ҳоказо яшайди.

Қариш ва ўлиш ўсимликлар онтогенезининг охирги босқичи булиб, у айрим органларга – барглар, новдалар, мевалар ва бошқа қисмларига ҳам тааллуқлидир. Қариш бир неча хил бўлади (93-чизма). Кўпинча бир йиллик ўсимликлар бирданига ўлади (1). Кўп йиллик ўтларнинг ҳар йили ер усти қисми нобуд бўлади, ер ости қисми эса ўзининг ҳаётийлиги




92-чизма. Ўсимлик аъзоларининг фитогормонлар синтези ва жинси шаклланишидаги роли (Чайлахян, Хрянин, 1982).

ни сақлаб қолади (2). Күпчилик дарахтларнинг барглари кузда қарыйди ва тўкилади (3). Қариш жараёнида баргларда хлорофиллар, оқсиллар ва нуклеин кислоталарининг миқдори кескин камаяди. Фотосинтез жадаллиги пасая боради ва тұхтайди. Ферментларнинг синтетик қобилияти тұхтайди ва гидролитик фаолияти жадаллашади. Тұкилиш олдидан барг ва мева бандларыда ажратгич қават ҳосил бўлади.

Агарда баргларга цитокинин пуркалса, уларнинг қариш жараёни секинлашади. Чунки баргларда нуклеин кислоталар (айниқса РНК) ва оқсиллар синтези фаоллашади. Ауксинлар ва гиббереллинлар ҳам қариш жараёнини тезлаштиради.

Айрим органларнинг қариши асосида бутун ўсимликнинг қариши ҳам содир бўлади. Бу жараёнда органлар ўртасидаги минособатлар бузила бошлиайди. Илдиз тизимининг кучи, ксилема оқимининг жадаллиги, органик моддалар билан таъминланиш жараёnlари пасаяди. Айниқса, илдиз ва поя ўртасидаги муносабат катта аҳамиятга эга. Фотосинтез жараёнининг секинлашиши ёки тұхтаб қолиши илдизларнинг заарланишига сабаб бўла-



93-чизма. Ўсимликларнинг қариш хиллари:

1—ўсимликлар тұла ўлади; 2—фақат ер устки қисми нобуд бўлади; 3—ҳамма барглар бир вақтда қарыйди ва тўкилади; 4—баргларнинг тўкилиши пастдан бошланади.

ди. Бу эса ўз навбатида минерал моддалар ва цитокиниларнинг ер усти қисми оқимини тұхтатиша олиб келади.

Н.П.Кренке (1940) ўсимликларнинг морфологик ва физиологик жараёнларини таққослаш натижасида “ўсимликларнинг онтогенезида циклик қариш ва ёшариш назарияси”ни яратди. Бу назариянинг асосий мазмуни шундан иборатки, ҳар бир индивид (ўсимлик ёки ҳайвон), албатта, қарыйди ва охирида ўлади. Ўсимликнинг бутун ривожланиш жараёни қариш жараёнидан иборат бўлиб, у циклик хусусиятга эга. Чунки қариш қарама-қарши ёшариш жараёни билан доим бўлиниб туради. Ёшариш ёш органларнинг янгидан ҳосил бўлиши ва ри-

вожланишидир. Яғни янги ұхжайралар, тұқымалар, органлар (поя, барглар, илдизлар) ҳосил булып туради. Аммо бу организмнің олдинги ұлататы тұла қайтиши әмас. Ұсимликтің мустақіл ривожланиши унинг циклик ёшаришига қарамасдан, орқага қайтмайдын жараёндір. Биологик қариш жараёни ұар бир тирик организмге хос хусусияттың. Ұхжайра ұар бир бүлиніш вақтида қисман ёшаради, лекин уларда ҳам ёшига доир үзлуксиз үзгаришлар булып туради ва натижада қаришнің дастлабки циклик хусусияти намоён булади. Қариш жадаллигига жуда құп омиллар таъсир этади. Тинч ұлататидаги ва фаол бүлиніш ұлататидаги ұхжайраларда қариш жадаллігі бир хил бұлмайды. Тинч ұлататидаги меристема ұхжайралары (тинчликдеги куртакларнің үсиш нүктесі, уруғ муртаги ва бошқалар) жуда ҳам секін қарыйди. Фаол бүлиніш ұлататидаги ұхжайраларнің қариш жараёни жадал хусусияттаға зерттеу. Шунинг учун ҳам дарахтларнің айрим шохлары қирқиб олинганда, тинч куртаклардан үсиб чиққан янги новдаларда ёшлик белгилари булади. Мева дарахтларнің шохларини қирқиши үйді билан ёшартириш усули ҳам шунга асосланған.

Ұсимликтарнің ұар бир органдың новдаси ёки баргиннің ёшини иккі – хусусий ва умумий маңнода тушуниш керак. Ұсимликтің хусусий ёши деб үша орган ҳосил бұлған вақтдан бошлаб күриб чиқылаётгандықтан дағырақта үтгандықтан мұддаттаға айтилади. Шу органдың умумий ёши унинг хусусий ёши билан шу органдың ҳосил булиш вақтігача үтгандықтан оның организмінің ёши ҳам құшиб белгиланады. Хусусий ёшлары бир хил бұлған пайтда улардан қайси бириңнің умумий ёши катта бұлса, шуниси қары ҳисобланады. Масалан, хусусий ёшлары бир ойдан иборат бұлған ёш ва қары тұлар баргиннің умумий ёши бир хил бұлмайды. Қариш тұдан олинган баргнің ёши катта булади.

Қариш ва ёшариш жараёнларнің тезлигі ташқи шароит омилларнің таъсирінде аңча боғлиқ. Бунда ёшаришни тезлаштирадын омиллар қаришни секинлаштирады ва аксинча. Масалан, азотли үғитлар қаришни секинлаштирады, аксинча, фосфорлы үғитлар қаришни тезләтады. Қанд лавлагига берилған азот үғитлары үсиш жараёни күчайтирады ва шакар тұплаш жараёныни кечикитирады. Агар қанд лавлагига фосфорлы үғитлар берилса, уларнің үсиши секинлашады ва шакарлар миқдори күпая бошлайды. Ұсимликтарға сув етмаганда қариш тезлашады. Аксинча, суғориш үйді билан ұсимликтің ёш ұлататада узоқроқ сақлаш мүмкін. Мевали дарахтларни ұар йили буташ ҳам шу мұхым ақамияттаға зерттеу.

## **IX БОБ**

### **ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ**

Дастлабки ҳаётнинг пайдо бўлишидан бошлаб организмларнинг ташқи муҳитни ноқулай омиллари таъсирига мослашуви ва чидамлилиги содир бўла бошлади. Чунки ноқулай омиллар организмларнинг, жумладан, ўсимликлар танасида кечаетган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг жадаллигига таъсир этади. Айниқса, сув етишмаслиги, ҳароратнинг минимумдан паст ёки максимумдан юқори бўлиши, ҳар хил тузларнинг түпланиши натижасида тупроқ эритмаси концентрациясининг кучли бўлиши, патоген микроорганизмларнинг кўпайиши, заарли газлар ва радиациянинг меъёрдан ортиб кетиши кабилар ўсимликларнинг ҳаётий жараёнларига салбий таъсир этмай қолмайди. Бундай омилларнинг юзага келиши ўсимликлар учун ноқулай шароит ҳисобланади. Ўсимликларнинг шундай ноқулай омиллар таъсирига нисбатан жавоб реакцияси уларнинг чидамлилигини белгилайди. Чидамлилик даражаси индивидуал хусусиятга эга бўлиб, у ўсимлик турига, яшаш шароитидаги бошқа омиллар таъсирига боғлиқ ҳолда ҳам ўзгаради. Ҳатто бир ўсимликнинг ҳар хил ҳужайралари, тўқималари ва органлари чидамлилик даражаси билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Ташқи муҳит ноқулай омилларининг таъсири қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Эволюция давомида бундай ноқулай омиллар таъсирига ўсимликлар мослаша боради. Ўсимлик тўқималарида ўзига хос физиологик-биокимёвий ўзгаришлар рўй беради, натижада ўсимлик шу шароитга мослаша боради ва келажак авлодларнинг ноқулай шароитга бўлган чидамлилиги орта боради, яъни ўзларини ҳимоялаш қобилияти пайдо бўлиб, улар ривожлана боради. Ўсимликларнинг аниқ бир яшаш муҳитига мослашуви — адаптацияланиш дейилади. Бундай функцияларнинг мавжудлиги барча физиологик жараёнлар каби зарурый ҳисобланади. Ноқулай омилларнинг қисқа ёки узоқ муддатли таъсирига мослашмаган ўсимликларнинг метаболитик жараёнлари кучли заарланади ва улар нобуд бўлишлари мумкин.

Ноқулай омиллар таъсирида организмда пайдо бўладиган носпецифик ўзгаришлар йиғиндиси стресс бўлиб, бу ўзгаришларни рўёбга келтирадиган кучли таъсир этувчи омиллар стрессорлар дейилади. Ўсимликлар танасида стрессни рўёбга келтирувчи омилларни учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Физик – сув етишмаслиги ёки ортиқлиги, ёргулук ва ҳароратларнинг узгариши, радиофаол нурлар ва механик таъсиirlар.

2. Кимёвий – ҳар хил тузлар, газлар, гербицидлар, фунгицидлар, саноат чиқиндилари ва бошқалар.

3. Биологик – шикастловчи ҳашаротлар, патоген микроорганизмлар, паразитлар, бошқа үсимликлар билан рақобат ва бошқалар.

Үсимликларнинг стрессорлар таъсирига чидамлилиги үсиш ва ривожланиш босқичларида ҳар хил бўлади. Тиним даврида уларнинг чидамлилиги энг юқори бўлади. Энг чидамсизлик – үсимликларнинг ёш майсаларида кузатилади. Кейинчалик үсимликларнинг үсиш ва ривожланиши билан бир қаторда уларнинг чидамлилик даражаси ҳам то пишиб етилиш босқичигача ортиб боради. Аммо үсимликларнинг гуллаш фазаси, айниқса, гаметаларнинг шаклланиш муддати ҳам критик саналади. Чунки бу муддатда үсимликлар стрессорлар таъсирида кучли зарарланиши ва ҳосилдорликни кескин камайтириши мумкин.

Кучли ва тез ортиб бораётган стрессорлар таъсиридан пайдо бўладиган носпектифик жараёнларга қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мемброналар ўтказувчалиги ортади ва мембрана потенциали узгариши натижасида ионлар алмашинуви ҳам бузилади.

2. Цитоплазмага  $\text{Ca}^{2+}$  кириши узгаради.

3. Цитоплазмага  $\text{pH}$  нордонлик томонга узгаради.

4. Протоплазманинг қовушқоқлиги ортади.

5. Кислороднинг ютилиши ва АТФ сарфланиши кучаяди.

6. Гидролитик жараёнлар тезлашади.

7. Стресс оқсилларнинг ҳосил булиши фаоллашади.

8. Плазмолеммадаги  $\text{H}^+$  - помпаларнинг фаоллиги ортади.

9. Этилен ва АБК синтези тезлашади, ҳужайраларнинг булининиши ва үсили секинлашади, физиологик ва метаболитик жараёнлар узгаради.

Юқорида санаб ўтилган стресс реакциялар исталган стрессорлар таъсирида содир булиши мумкин. Улар ҳужайра тузилмаларини ҳимоялашга ва нокулай узгаришлардан сақлашга қаратилган (Полевой, 1989). Уз навбатида, носпектифик узгаришлар билан бир қаторда специфик узгаришлар ҳам пайдо бўлади (улар ҳақида кейинги маълум бир омилларнинг таъсирини изоҳлашда тўхтамиз).

Стрессорлар таъсирида умумий оқсиллар синтезининг кучсизлашниши билан бир қаторда маҳсус стресс-оқсилларнинг синтезланиши қизиқарли саналади. Масалан, маккажӯхорида бундай оқсиллар ҳарорат  $45^\circ\text{C}$  бўлганда ҳосил бўлади ва улар иссиқлик шоки оқсиллари дейилади. Бу оқсилларнинг ҳаётийлиги 20 соатгача булиб, ҳужайралар чидамлигини бошқаради. Бундай оқсиллар цитоплазмада ҳам бўлиб, стресс шароитда фаоллашади. Улар ядро, ядроча, мембранадарда ҳимоя функцияларини бажаради.

Нокулай омиллар таъсирида ҳужайрада углеводлар ва айниқса, пролин (аминокислота) миқдори ҳам кўпаяди ва ҳимоя реакцияларида иштирок этади. Ўсимликларга сув етмаганида ҳужайра цитоглазмасида (арпа, шпинат, гўза) пролин концентрацияси 100 мартағача кўпайгани аниқланган. Пролин оқсилларни денатурациядан сақлайди. Пролин тўплланганда, осмотик фаол органик модда бўлганлиги учун ҳужайрада сувни сақлашда ҳам хизмат қилади.

Умуман, ўсимликлар нокулай муҳитда яшаганда уларнинг танасида этилен ва АБК миқдори кўпаяди, модда алмашинув жараёни пасаяди, ўзиш ва ривожланиш сустлашади, қариш жараёнлари тезлашади, тўқи-маларда ауксин, цитокинин ва гиббереллинлар миқдори камаяди ва тинимга ўтиш тезлашади.

## **9.1. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ВА ЮҚОРИ ҲАРОРАТ ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ**

### **9.1.1. Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги**

Сувнинг етишмаслиги кўп ўсимликларга энг кўп заарли таъсир этади. Сув етишмаслиги, яъни қурғоқчилик, даставвал, ўсимликларнинг сув алмашинув жараёнларига салбий таъсир этади ва ўсимликнинг бошқа физиологик жараёнларида (фотосинтез, нафас олиш, илдиз орқали минерал элементларнинг ўзлаштирилиши, ўсимликлар танасида моддалар транспорти ва бошқалар) ҳам намоён бўлади. Натижада ўсимликларнинг ўзиши ва ривожланиши секинлашади ёки тўхтаб қолади.

Қурғоқчилик уч хил, яъни тупроқ қурғоқчилиги, атмосфера қурғоқчилиги ва физиологик қурғоқчиликлар бўлади.

**ТУПРОҚ ҚУРҒОҚЧИЛИГИ** – асосан ёзнинг ўрталари ва охирида кузатилади. Бу вақтларда ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келиши натижасида тупроқдаги сув ер юзасидан ва ўсимликлардан тез бугланиб, тупроқнинг қуриб қолиши кузатилади. Натижада тупроқ қурғоқчилиги бошланади.

**АТМОСФЕРА ҚУРҒОҚЧИЛИГИ** – ҳароратнинг жуда юқори бўлиб, ҳавонинг нисбий намлиги кам (10-20 фоиз) бўлиши билан тавсифланади. Бу вақтда ўсимликда транспирация жараёни жуда жадал бўлади. Натижада ўсимликка сувнинг келиш тезлиги билан ундан сувнинг бугланиб чиқиши ўртасидаги мосланиш бузилади ва ўсимлик сўлий бошлайди. Иссиқ ва қуруқ шамол (гармсел) эсганда вужудга келадиган атмосфера қурғоқчилиги ўсимликлар учун янада ҳавфлироқ. Гармсел вақтида тупроқда сувнинг бўлишига қарамай, ўсимликнинг ер устки органларидаги сув кўплаб сарфланиб, қурғоқчиликка чидамсиз ўсимликлар нобуд бўлади.

**ФИЗИОЛОГИК ҚУРҒОҚЧИЛИК** – тупроқда ўсимликларни таъминлаш учун етарли миқдорда сув бўлса ҳам уни айрим сабабларга кўра ўсимликларнинг ўзлаштира олмаслиги билан тавсифланади. Бу-

ларга тупроқда тузларнинг тұпланиши (шұр тупроқлар), тупроқ ҳароратининг жуда паст бұлиши, күчли нордон реакцияға зәға бұлган тупроқлар (pH 3-5) ва бошқаларни күрсатиш мүмкін. Бундай тупроқларда күпчилик қишлоқ хұжалик экинларининг үса олмасликлари сабабларидан бири сувни үзлаштира олмаганлигидир.

Куруқ тупроқда үсимликтарнинг сув билан таъминланиш жараёни бузилади. Натижада үсимлиқда узоқ вақтгача сув танқислиги ва сулиш ҳолати давом этади. Сув балансининг узоқ вақтгача бузилиб қолиши үсимлиқда физиологик жараёнларнинг үзгаришига ҳам сабаб булади. Сувсизлик натижасыда протоплазманиң коллоид ва кимёвий хусусиятлари заарланади. Оқсиллар синтези кескин пасаяди. Чунки информацион РНҚ илларини узуучи аденоцитофосфатаза фаоллашади, полисомалар парчалана бошлади.

Үсимликтарнинг сұлиши меъёрий модда алмашинувининг, хужайраларда осмотик хусусиятнинг бузилиши, тургор ҳолатнинг йүқолиши, янги моддалар синтезининг тұхташи, гидролиз ва парчаланиш жараёнларининг кучайишига олиб келади. Күпчилик ҳолларда намнинг етишмаслиги фотосинтез жараёнига салбий таъсир этади. Фотосинтез жадаллигининг пасайишига қуйидагилар сабаб булади: 1) оғизчаларнинг ёпилиши натижасыда CO<sub>2</sub> нинг етишмаслиги; 2) хлоропластлар тузилмасининг бузилиши; 3) хлорофилл синтезининг тұхташи; 4) ёруғликда фосфорланиш жараённанда электронлар транспортынинг бузилиши; 5) фотокимёвий реакциялар ва CO<sub>2</sub> үзлаштирилишининг бузилиши; 6) ассимилятор транспортынинг тұхташи ва бошқалар. Шунинг учун қурғоқчилик үсимликтарнинг үсишига салбий таъсир этади ёки тұхтатади. Уларнинг умумий барг сатхини камайтиради, бу эса үсимликтарда органик модда ҳосил бұлишини сусайтиради ва ҳосилни камайтиради. Сувсизлик узоқ муддатлы булғанда, ҳатто үсимликтар нобуд булади.

Сулиш ёш үсимликтарга, үсимликтарнинг ёш органларига, айниқса, ёш генератив (фунча, гул) органларига күпроқ таъсир этади. Гул органларининг шаклланиши кечикади, генератив органларнинг түкилиши кучаяди ва ҳосилдорлик кескин камаяди. Үзбекистонда, одатда ҳароратнинг энг юқори, ҳаво намлигининг энг паст ва тупроқ қурғоқчилиги содир бұладиган вақттағы ғұзанинг гуллаш босқычи (сувға нисбатан критик) ҳам түгри келади. Бунга эътиборсизлик жуда күп ҳосил элементларининг түкилиб кетишига ва ҳосилдорлик паст бұлишига сабаб булади.

Сув тақчиллигининг заарлы таъсири ҳамма үсимликтарда бир хил әмас. Бунга чидамлилік үсимликтарнинг турларига бояғылған. Масалан, ёруғликсевар үсимликтар (кунгабоқар, картошка ва бошқалар) танасидаги сувнинг 25-30 фоизини йүқтөтгандан ҳам уларда сұлишнинг ташқы белгилари яхши сезилмайды. Сояға чидамли үсимликтар сувларини 13-15 фоиз йүқотиши билан сұлиб қоладилар. Ботқоқчиликда яшовчы үсимликтар энг чидамсиз бұлиб, сув тақчиллиги 7 фоиз булғанда қуриб қолади.

Үсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилик даражаси уларга яшаш мұхитининг таъсири натижасыда, эволюция давомида яратылған. Қурғоқчиликда яшовчи, қурғоқчиликка чидамлы үсимликларнинг морфологик, анатомик түзилиши ва физиологик - биокимёвий хусусиятлари сув билан яхши таъминланған үсимликлардан қескин фарқ қилади.

Суви кам шароитда ҳаёт кечирувчи ва қурғоқчилликка чидамли үсимликлар ксерофитлар дейилиб, уларнинг сув билан таъминланган шароитда яшовчи үсимликлардан фарқ қилувчи белгиларига ксерофитлик белгилари дейилади. Ксерофитларнинг барглари жуда кичик бўлиб, айримларида тикан (кактуслар, янтоқ) ва тангачаларга айланган. Уларнинг барг кутикуласи яхши ривожланган, қалин, оғизчалари барг тўқимасида чуқур жойлашган. Ксерофитларнинг мұҳим белгиларидан бири сув буғлатувчи сатҳларнинг кичиклигидир (9.7. га қаранг).

Маданий үсімліктернің курғоқчылықта булган чидамлилігінің ошириш долзарб мұаммо бұлиб, бу соҳада айрим ишлар мавжуд.

Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги ташқи шароит таъсирида ўзгаради. И.И.Тумановнинг изланишлари кўрсатишича, ўсимликларга қурғоқчилик билан таъсир этиш усули туфайли уларнинг чидамлилигини ошириш мумкин. Туманов текширишлари бир марта сувсизланган ўсимлик шундан кейинги сувсизланишга анча чидамли бўлиб, иккинчи марта сувсизланиш ва сўлиш уларга анча кучсиз таъсир қилганини кўрсатади. П.А.Генкел чиниқтиришни ургунинг унаётган пайтида ўтказишни тавсия этди. Бу усул бўйича уруғ энди-гина унаётган вақтда бир мартадан уч мартагача қуритилади. Унинг маълумотларига кўра, бундай экишдан олдин чиниқтириш қурғоқчилик вақтларида буғдой ҳосилини сезиларли даражада оширади. Генкелнинг тушунтириши бўйича, организм ривожланишининг дастлабки вақтларида кучлироқ чиниқади.

Ўсимликларнинг курғоқчиликка бўлган чидамлилигини оширишда ўғитларни қуллаш ҳам маълум аҳамиятга эга. Кейинги йилларда олиб борилган изланишларда калий, фосфор, қисман азот ва айрим микроэлементлар (бор, рух, мис, алюминий ва бошқалар) таъсиридан ўсимликларнинг курғоқчиликка чидамлилиги анча ошганлиги кўрсатилган. Аммо азот кўпроқ қулланилганда, аксинча, чидамлилик пасайғани таъкидланади.

Күргөччилик таъсирига нисбатан чидамли навларни танлаш ва улардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай навлар ферментларнинг синтетик қобилияти юқори, боғланган сув миқдори кўп, ҳужайра ширасининг концентрацияси нисбатан юқори, мустаҳкам пигментлар тизими, сувни сақлаш қобилияти кучли ва органик моддаларни тўплаш қобилияти юқорилиги билан фарқ қиласди. Бу кўрсаткичлар қурғоқчиликка чидамлиликнинг физиологик ва биокимёвий табиатини тавсифлайди.

### **9.1.2. Үсимликларга юқори ҳароратнинг таъсири ва уларнинг иссиқликка чидамлилиги**

Барча үсимликлар ҳарорат даражалари бўлган муносабатлари бўйича ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Баъзи сувутлари  $60\text{-}80^{\circ}\text{C}$  иссиқликка эга бўлган булоқларда тарқалган. Кўпчилик юксак үсимликлар учун максимал ҳарорат  $40\text{-}50^{\circ}\text{C}$  га тенг. Қишлоқ хўжалик экинлари учун эса максимал ҳарорат  $39\text{-}40^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлиб, ҳароратнинг бундан орта бориши уларни шикастлади.

Үсимликлар юқори ҳарорат таъсиридан шикастланганда, уларнинг ўлишдан олдин хўжайралари ичидаги бўладиган биокимёвий жараёнлар ўтасидаги мувофиқлик бузилиб, протоплазмани заҳарлайдиган кераксиз моддалар вужудга келади. В.Ф.Альтергот ва бошқа олимларнинг фикрича, юқори даражадаги ҳарорат таъсирида оқсиллар парчаланиши тезлашади, хўжайраларни заҳарлайдиган аммиак ҳосил бўлади ва тўпланади. Цитоплазманинг микроструктурасига салбий таъсир қилиб, ундаги оқсил-липоид бирикмалар ва пластидалар парчаланади. Нафас олишда ҳосил бўлган кимёвий энергия самарадорлиги кескин пасаяди ва унинг асосий қисми ташқи муҳитга иссиқлик шаклида тарқалади.

Иссиқликка чидамли үсимликлар протоплазмасининг қовушқоқлиги ва эластиклиги юқори бўлади. Боғланган сув миқдори кўп оқсиллари иссиқликка чидамли бўлиб, тезликда коагуляцияга учрамайди. Иссиқликка чидамли үсимликларнинг нафас олиш жараённада кўпроқ органик кислоталар ҳосил бўлади ва улар аммиак билан реакцияга киришиб, аспарагин, глутамин каби аминокислоталар ҳосил қиласди. Натижада эркин аммиак нейтралланиб, үсимликларга зарап етказмайди. РНК миқдори кўп бўлган үсимликлар ҳам иссиқликка чидамли бўлади. Кўпчилик сув билан яхши таъминланган мезофит үсимликлар транспирация жадаллигини ошириш орқали кучли иссиқлик таъсиридан сақланади. Бу үсимликларнинг барг ҳарорати ҳаво ҳароратига нисбатан  $4\text{-}6^{\circ}\text{C}$  гача паст бўлади.

Ю.Г.Молотковский ва И.М.Жестковаларнинг курсатишича, барг тўқималарига шакар эритмаларининг(глюкоза, галактоза, сахароза, лактоза, малтоза, рафиназа) инфильтрация қилиниши уларнинг иссиқликка чидамлилигини оширади.

П.А.Генкелнинг таклифларига асосан уругларга экишдан олдин калций хлор тузининг  $0,25$  фоизли эритмаси билан  $20$  соат давомида ишлов бериш ҳам үсимликларнинг иссиқликка чидамлилигини оширади.

Үсимликларнинг иссиқликка чидамлилигини ошириш мақсадида уларни микроэлементларнинг тузлари билан ишлаш ҳам тавсия этилади.

Самарқанд давлат университети үсимликлар физиологияси ва мікробиология кафедраси аъзоларининг (профессор Ж.Х.Хўжаев ва бошқалар) олган маълумотлари асосида, ғўзанинг гуллаш фазасида  $\text{H}_2\text{BO}_3$ , кис-

лотанинг 0,01 фоиз ва  $ZnSO_4$  тузининг 0,05 фоизли эритмаларини пуркаш (пуркаш кечки вақтларда ўтказилади) уларнинг иссиқликка ва курғоқчиликка чидамлилигини оширади. Натижада гулларнинг чангланниши кўпаяди ва ҳосилдорлик 10-12 фоизгача ортади. Тола ва чигит сифати яхшиланади.

## 9.2. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ПАСТ ҲАРОРАТ ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ

Ҳароратнинг ўсимликлар учун зарур бўлган минимал даражадан паст бўлиши уларнинг заарланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ўсимликларнинг яشاши уларнинг совуққа чидамли бўлишларига боғлиқ бўлади. Чидамлилик даражаси асосида барча ўсимликларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин: совуққа ва ўта совуққа чидамли ўсимликлар.

**СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАР.** Бу гуруҳга барча ўрта иқлими худудларда тарқалган иссиқсевар ўсимликларни киритиш мумкин (бодринг, помидор, ловия, қовун, ерёнгоқ ва бошқалар). Улар  $+3 +5^{\circ}\text{C}$  да қолдирилса, бир неча кундан кейин нобуд бўлади. Тропик ва субтропик ўсимликлар ҳам  $0^{\circ}\text{C}$  дан бироз юқори бўлган ҳароратда кучли шикастланади ва нобуд бўлади. Какао ўсимлиги  $+8^{\circ}\text{C}$  да, ғўза майсалари  $+1 + 3^{\circ}\text{C}$  да бир кеча-кундуз сақланганда нобуд бўлади. Иссиқсевар ўсимликларга совуқ ҳарорат ( $0^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳарорат даражалари) таъсир эттирилганда, улар аввал, сўлий бошлайди ва тургор ҳолатини йўқотади. Масалан, бодринг барглари  $+3^{\circ}\text{C}$  да учинчи куни сўлийди ва ўлади. Демак, сувнинг транспорт тезлиги ҳам бузилади. Аммо барглар сув билан етарли даражада таъминланганда ҳам совуқдан ўлади.

Иссиқсевар ўсимликларнинг совуқ таъсиридан нобуд бўлишининг асосий сабаблари: нуклеин кислоталари ва оқсил синтезининг бузилиши, протоплазма қовушқоқлигининг кўтарилиши ва натижада мемброналар ўтказувчанинг бузилиши, ассимилятор оқимининг тўхтаси, ферментлар фаолиятининг ўзгариши ва натижада диссимилияция жараёнларининг кучайиши, хужайрада заҳарли моддаларнинг тўпланиши ва бошқалар. Совуқ ҳарорат таъсирида фотосинтез жараёни тўхтаб қолади, синтез жараёнларига нисбатан гидролиз жараёнлари жадаллашади. Совуқ ҳароратда заифлашган илдиз бўғзида патоген микроорганизмлар ривожланиб, ўсимликни шикастлайди ва нобуд қиласи. Танасида бундай ўзгаришлар кучсиз бўладиган ёки бўлмайдиган ўсимликлар совуққа нисбатан чидамли бўлади.

Иссиқсевар ўсимликларнинг совуққа чидамлилигини нисбатан ошириш усуслари ҳам тавсия этилган.

Х.Х. Енилеев (1955) тавсияси бўйича, гуза майсаларининг совуққа чидамлилигини ошириш учун экишдан олдин чигит 20 соат давомида 0,25 фоизли аммоний нитрат эритмасида ивитилади. Ж.Х.Хўжаев (1985)

тавсияси бўйича, фўза майсаларининг совуққа чидамлилигини ошириш учун экишдан олдин 24 соат мобайнида микроэлементларни 0,001 фоиз мис сулфат ва 0,05 фоиз марганец сулфат тузлари эритмасида ивтилади. Бу чигитлардан униб чиқсан майсаларда ҳужайра цитоплазмасининг қовушқоқлик даражаси камаяди, ферментлар фаоллиги ошади, хлорофилл синтези ва фотосинтез жараёни жадаллашади, натижада моддалар алмашинуви жадаллашиб, майсалар меъёрд: ривожланади. Калий ўғитлари ҳам совуққа чидамлиликни оширади Иссиқсевар ўсимликларнинг нишлаган уруғларини совуққа чиниқтириш усуллари ҳам таклиф этилган. Масалан, бодринг, помидор қовун каби ўсимликларнинг нишланган уруғларига бир неча кечакундуз давомида 12 соатдан  $+1+5^{\circ}\text{C}$  ва  $+10+20^{\circ}\text{C}$  ҳарорат билан ишло берилганда уларнинг совуққа чидамлилиги сезиларли даражада ошади

**ЎТА СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАР.** Табиий шароитда О°<sup>0</sup> дан паст ҳарорат таъсирида шикастланмайдиган ўсимликларни ўта со вуққа чидамли ўсимликлар гуруҳига киритиш мумкин. Ўта совуқ асоса кузда ва қишида содир бўлади.

Кўпчилик ўсимликлар куз ва қиши ойларини уруғ туганак ва илдиз поя ҳолида ўтказади ва заарланмайди. Кузги экин ва дарахтлар куз ҳақиқи фаслларини очиқ жойда ўтказади. Шунинг учун улар ўта сову таъсирига учрайди, айримлари шикастланади ёки нобуд бўлади.

Совуқ урган ўсимликлар тургор ҳолатини йўқотади, барглари қўнғи тусга кириб, қуриб қолади. Ўта совуқ таъсиридан уларнинг шираси мулайди, натижада ҳужайра ва тўқималарида салбий ўзгаришлар бошланади. Тўқималарида бўладиган салбий ўзгаришларга қарши етарли даражада чидамли бўлмаган ўсимликлар кўп заарланади ва ҳатто нобуд бўлади.

Н.А.Максимов (1913) ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўта совуқ таъсирида муз кристаллари фақат ҳужайра оралиқларидағина эма балки цитоплазмада ҳам ҳосил бўлади. Муз кристаллари томонидан ситортиб олган цитоплазма биоколлоидлари сувсизланиб заарланади.

Сўнгги йилларда ўтказилган кўпчилик тадқиқотлар асосида, ўта сову таъсиридан ўсимлик тўқималарида муз ҳосил бўлиш жараёнларини гуруҳга бўлиш мумкин.

**БИРИНЧИ ГУРУҲ** – ўта совуқ шиддатли ва жуда паст бўлиб, ўсимликларга бирданига таъсир этади. Бундай таъсиридан цитоплазма суи музлайди. Ҳосил бўлган муз кристаллари оқсил мицеллаларни шикаслайди. Цитоплазма сувсизланиши натижасида микротузилмалар зарарлнади ва бундай ҳужайралар нобуд бўлади.

**ИККИНЧИ ГУРУҲ** – ўта совуқ жуда паст бўлиб, ўсимликларга таъсир этиши сабабли муз кристаллари ҳужайра девори билан плазмолем ўргасида ҳосил бўлади. Бундай таъсиридан ҳажми йирикроқ муз кристалла ҳосил бўлса, ҳужайра мемранаси заарланади ва танлаб ўтказувчанл қобилияти бузилади. Муз кристаллари қайта эригандан сунг ҳам ҳужай

сув ва моддаларни сақтайды олмайди. Бундай ҳужайралар нобуд бўлади. Агарда ҳосил бўлган муз кристаллари кичик бўлса, улар мембраналари зарарланмайди ва қайта эригандан кейин тириклигини сақлаб қолади.

**УЧИНЧИ ГУРУҲ** – ҳарорат аста-секин пасая бошласа ва узоқ муддатли бўлса, дастлаб ҳужайраларро бўшлиқдаги сув музлайди. Ўз навбатида бу музлар цитоплазмадаги сувни ҳам шимиб олиб йириклишади. Аммо ҳужайрага кучли салбий таъсир этмайди. Қайта эриш жараёнида сув яна цитоплазмага ўтади ва ҳужайралар тириклигини сақлаб қолади. Масалан, И.И.Туманов раҳбарлигига ўсимликлар физиологияси институтининг фитотрон совутгичларида оқ қайнин ва қарагай дараҳтларининг новдаларини аста-секин ва изчиллик билан – 195<sup>0</sup>Сача музлатиб, кейин эритилганда новда ҳужайралари тириклигини сақлаб қолган.

Жуда паст ҳарорат ( $-200^{\circ}\text{C}$  гача) бирданига тезлик билан таъсир этса, танадаги сув зудлик билан ойнасимон-аморф ҳолатга ўтади. Бу ҳодиса ветрификация дейилади. Бу жараёнда муз кристаллари ҳосил бўлмайди. Қайта суюлтириш жараёнида цитоплазмада муз кристаллари ҳосил булишига йўл қўйилмаса, ҳужайралар тириклигини сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам бу усулдан айрим органларни узоқ муддатга сақлаш учун фойдаланиш мумкин. Чунки ойнасимон-аморф ҳолда қотиб қолган тўқималар ўзининг ҳаётийлигини узоқ сақлайди.

**ҚИШЛАШ ВАҚТИДА ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ БОШ-ҚА НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАР.** Қиш пайтларида ўсимликларга совуқдан ташқари ҳам зарарли таъсир этувчи ноқулай омиллар мавжуд. Буларга димикиш, ҳўлланиш, қишки қурғоқчилик ва бошқаларни киритиш мумкин.

Димикиш бир неча ой давомида қалин қор остида қолган ўсимликларда кузатилади. Бундай шароитга кўпроқ кузда экилган фаллалар дучор бўлади. Ўсимликларнинг бундай димикишига сабаб, узоқ муддат қор остида ётган ўсимликларнинг оч қолишидир. Ҳарорат 0<sup>0</sup> га яқин бўлган шароитда қор остидаги ўсимликларнинг нафас олиши анча кучли бўлади. Натижада органик модда кўп сарфланади. Қор остида қоронгилик бўлгани учун фотосинтез бўлмайди. Узоқ муддатда фотосинтез ва янги органик моддаларнинг ҳосил бўлмаслиги, нафас олиш кучли бўлиб, захирадаги органик моддаларнинг тез сарфланиши натижасида ўсимликлар оч қолади ва шикастланади. Кучли шикастланган ўсимликлар нобуд бўла бошлайди. Бундай ноқулай шароит кўпроқ шимолий ҳудудларда содир бўлади. Айниқса, узоқ муддатда қор остида яшаб, оч қолган ўсимликлар совуққа бўлган чидамлилигини йўқотиб, қор кетиши билан эрта баҳорги совуқлар таъсиридан тез нобуд бўлади.

Ҳўлланиш кўпроқ баҳорда ёғингарчилик кўп бўладиган ҳудудларда ёки узоқ давом этадиган қишки илиқ вақтларда кузатилади. Чунки бундай вақтда ёғингарчилик ва эриган қор сувлари музлаган тупроққа синголмасдан ўсимликларни босади. Кислород етишмасдан анаэроб мұхит

содир булади. Аэроб нафас олиш ўрнига бижгиш жараёнлари кучаяди ва ўсимликларга заарли таъсир этувчи спиртлар ва бошқа оралиқ моддалар түпланади. Агар совуқлар қайтадан такрорланса, у ҳолда эриган сув яна музлаб, янги муз қавати ҳосил булади. Бундай ҳолатда муз остида қотиб қолган ўсимликларнинг нобуд булиши тезлашади. Бу аҳвол ҳам күпроқ қиши жуда қаттиқ келувчи шимолий ҳудудларда булиб туради.

Қишки курғоқчилик ўсимликларга, айниқса, мевали дараҳтларга күпроқ зарар етказади. Қиши пайтларида қисқа муддатли иссиқлик ва шамол таъсирида ўсимлик танасидан сув күп бугланади. Бу вақтларда, тупроқ ҳарорати паст бўлганлиги сабабли, илдиз орқали сув қабул қилиш тўхтаган булади. Шунинг учун ўсимликлар танасидан буғланиш жараёнининг кучайиши сув балансининг бузилишига олиб келади. Сув балансининг бузилиши ўз навбатида сув танқислигига сабаб булади. Сув танқислигининг узоқ давом этиши натижасида ўсимликлар заарланади ва ҳатто нобуд булади.

Қишида узоқ вақт қор ва ёғингарчилик бўлмаган районларда кузги донли экинлар ҳам қишки курғоқчиликка учрайди. Намликтин кам булиши уларнинг анча сулиб қолишига сабаб булади. Курғоқчиликнинг эрта кузда рўй бериши кузги экинларнинг ўсиш ва ривожланишига заарли таъсир этади. Натижада бу ўсимликларнинг илдиз тизими яхши ривожланмайди, меъёрида шоҳлана олмаган ер усти қисмida етарли даражада органик моддалар ҳам тўпланмайди.

Экинларни сиқиб чиқариш ҳам қишининг ноқулай омилларидан ҳисобланади. Тупроқ ичига синган сувнинг музлаши натижасида ҳосил бўлган муз қатлами аста-секин қалинлашади ва тупроқнинг устки қатламини ундан ўсимликлар билан биргаликда юқорига кўтаради. Натижада айрим чуқур жойлашган илдизлар узилади. Ҳаво исий бошласа муз қатлами эриб, кўтарилган тупроқ ўстирилгандан кейин илдизларнинг устки қисми очилиб қолади ва қайта совуқлар таъсирида заарланади. Совуқ ва иссиқликнинг бир неча бора такрорланиши натижасида эса илдизи узилган ўсимликлар тупроқ устидаги қолади ва нобуд булади.

Шундай қилиб, қишлоучи ўсимликларнинг қишида заарланиши ва нобуд булишига фақат совуқ таъсиригина эмас, балки бошқа ноқулай омиллар ҳам сабаб булади. Аммо совуқ, айниқса, ўта совуқ ўсимликларни кучли заарлантариши, бошқа ноқулай омиллар таъсирида уларнинг нобуд булишини тезлатиши мумкин. Шунингдек, қишки ноқулай омиллар таъсирида заарланган ўсимликларнинг совуқ таъсиридан ўсиши ҳам тезлашади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ўсимликларни совуқ таъсирига чиниқтириш катта аҳамиятга эга.

И.И.Туманов ишлаб чиқсан усуулга асосан, ўсимликларни чиниқтириш икки босқичдан иборат: биринчи босқичда кузги экинлар учун ҳарорат 0°C атрофига булиши ва ёруглик билан таъминла-

ниши зарур. Ҳарорат  $0,5 + 2^{\circ}\text{C}$  бўлганда чиниқиши 6-9 кунда ўтади. Дараҳтсимонларнинг чиниқиши учун эса 30 кун керак бўлади. Нолга яқин ҳароратда ўсиш тўхтайди, ҳужайраларни ҳимоя қилувчи бирималар (шакарлар, эрувчи оқсиллар ва бошқалар) тўпланади, мембраналарда айрим ёғ кислоталарнинг миқдори кўпаяди ва цитоплазманинг музлаш нуқтаси пасаяди. Бундай шароитда фотосинтез жараёни органик модда тўплаш давом этади ва қиш фасли учун зарурий озиқ моддалар тўпланади, айниқса, шакарлар кўп тўпланади. Чиниқтиришнинг иккинчи босқичида ёргулук бўлиши шарт эмас. Бу босқичда ҳарорат нолдан паст ва биринчи босқичнинг тухтовсиз давоми бўлиши керак. Иккинчи босқичда ҳужайралардаги эркин сув камаяди ва коллоид-боғланган сув миқдори нисбатан ошади. Ўсимликларнинг ўта совуқ таъсирига чидамлилиги ортади.

Иккинчи босқичда чиниқтирилган кузги фаллалар  $— 15-20^{\circ}\text{C}$ , ноксимон олма нави  $— 40^{\circ}\text{C}$ , арча  $— 50^{\circ}\text{C}$ , оқ қайнин  $— 65^{\circ}\text{C}$  ўта совуққа ҳам бардош берган.

Ўсимликларнинг яшаш муҳитидаги тупроқ ҳолати, агротехник тадбирлар, озиқланиш даражаси ва бошқалар ҳам уларнинг чидамлилигига таъсири этади.

Кузда экилган фаллаларнинг тўпланиш бўғинлари 1,5 см чуқурликка жойлашганда улар чидамсиз, агар 3-4 см чуқурликка жойлашса, чидамли эканлиги аниқланган.

Ўсимликларнинг совуққа чидамлилигига макроэлементлар ва мікроэлементлар ҳам таъсири этади. Рух микроэлементи ҳужайрада шакарлар боғланган сув миқдорини кўпайтиради. Молибден оқсиллар миқдорининг кўпайишига таъсири этади. Мис таъсиридан ҳам ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги ортади.

### 9.3. ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШИ ВА УНИНГ ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИРИ. ШЎРГА ЧИДАМЛИЛИК

Ўсимликларнинг ривожланишига шўрликнинг таъсири ва шўрга чидамлилик муаммоларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга, чунки Ер шаридаги қуруқликнинг 25 фоизи ва Ўзбекистон тупроқларининг 70 фоизга яқини маълум миқдорда шўрланган.

Шўрланган тупроқлар иқлими иссиқ ва куруқ бўлган минтақаларда кўпроқ бўлиб, натрий, калций ва магнийларнинг хлоридли, сулфат ва карбонатли тузлари шаклида учрайди. Шўр тупроқлар анионларнинг нисбатига кўра хлорид-сулфатли, сулфат-хлоридли, хлоридли, сулфатли карбонатли (садали) бўлиши мумкин. Бундай тупроқларда асосий катионлар натрий ва калций бўлиб, магний-карбонат ва магний-хлоридлар ҳам учраб туради. Бу тузлардан натрий-карбонат ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) ва натрий-гидрокарбонат ( $\text{NaHCO}_3$ ) ўсимликларга кўпроқ зарарли таъсири этади,

Б.П.Строганов (1958, 1962) таркибидаги тузнинг миқдори асосида тупроқларни бир неча гуруҳларга бўлади:

№	Тупроқнинг шўрланиш даражаси	100 тупроқ таркибидаги туз миқдори, (г ҳисобида)
1	Чучук тупроқ	0,1 дан кам
2	Жуда кам шўрланган	0,20 - 0,25
3	Оз шўрланган	0,25 - 0,50
4	Ртуча шўрланган	0,50 - 0,70
5	Кучли шўрланган	0,71 - 2 ва ундан кўп

Тўпланган тузнинг миқдори ва тарқалишига кўра, шўртоб ва шўрхок тупроқлар бўлади.

Шўртоб тупроқлар – туз тупроқнинг асосан пастки қатламларида ўтишади. Уларнинг устки қатламларида жуда оз ёки бўлмаслиги мумкин. Аммо устки қатлам тузилмасиз, ёпишқоқлиги кучли бўлганидан котиб қолган ва ёрилиб кетганлиги билан тавсифланади. Бу айниқса, нурӯқ дашт ва ярим чўлларда кўпроқ кузатилади.

Шўрхок тупроқлар – таркибида 1-3 фоизгача туз тўпланган тупроқлар ради. Бундай тупроқларда маданий ўсимликлар ривожлана олмайди.

Марказий Осиё ҳудудларида ёгингарчилик кам ва иссиқ кучли шўлганлиги учун ҳам шўрхок тупроқлар кўп бўлиб, уларнинг таркибида натрий хлор ( $\text{NaCl}$ ), натрий сульфат ( $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ), калций хлор ( $\text{CaCl}_2$ ), магний хлор ( $\text{MgCl}_2$ ), натрий карбонат ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) ва магний ( $\text{MgCO}_3$ ) тузлари кенг тарқалган.

Тупроқнинг ортиқча шўрланиши ўсимликлар учун (айниқса, қишибхўжалик экинлари) икки томонлама заарли ҳисобланади. Биринчи тузнинг кўпайиши тупроқ эритмасининг осмотик босимини оширава илдизларнинг сувни шимиш тезлигига салбий таъсир этади. Осмобосими паст бўлган ўсимликлар бундай тупроқлардан сувни ўзлаштиромайди. Иккинчидан, тупроқда эрувчи тузларнинг ортиқча тўпланиши ўсимликларга заарли таъсир этади. Кучсиз концентрацияларда салбий таъсир этмайдиган тузлар ҳам ҳужайрада тўпланиб, концентрацияси кекори бўлгандан кейин заҳарли бўлади. Буларга натрий хлор ( $\text{NaCl}$ ) ва натрий сульфат ( $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ) тузларини киритиш мумкин.

Табиатдаги ҳар хил ўсимликлар шўрликка турлича чидаш қобилиятига эгалид. Кўпчилик ўсимликлар учун шўр тупроқлар заарли бўлса ҳам, айrim ёввойи ўсимликлар бундай тупроқларда яхшироқ ҳаёт кечиради.

Асосда ўсимликлар икки гуруҳга ажралади: гликофитлар ва галофитлар.

Гликофитлар – шўрликка чидамсиз ўсимликлар. Уларга айrim ёвни ва кўпчилик қишлоқ ҳужалик экинлари киради. Маданий экинлар ўтасида шўрликка чинакам чидамлилар бўлмайди. Маданий экинлар шўрликка чидамсиз бўлиб, фақат уларнинг турлари ва навлари ўтасида сабий чидамлилик хусусиятлари мавжуд. Айrim кузатишларга қараганда,

ғұза, беда, лавлаги, кунғабоқар ва тарвузлар помидор, карам, бодринг, зифир, сули, гречиха ва бошқаларга нисбатан шұрга чидамлироқ бұладилар.

*Галофитлар* – табиий шароитда шұр тупроқларда (хатто юқори концентрацияда) яшашға мослашған үсимликлар. Юнонча “galos” – туз, “phyton” – үсимлик маъносини билдиради. Галофитлар тузларға бұлған муносабатига күра уч гурухға бўлинади: эвгалофитлар, криногалофитлар ва гликогалофитлар.


*Эвгалофитлар* – танасида туз тұпловчи, шүрлікка әнг чидамли үсимликлар бўлиб, улар ҳужайра ширасида күп миқдорда туз тұплаш қобилятига әгадир. Уларға қора шұра (*Salicornia herbacea*), шұра (*Suaedamaritima*), олабұта (*Atriplexconvertifolia*) ва бошқаларни күрсатиш мумкин. Уларнинг ҳужайларыда 7-10 фоизгача туз тұпланиши мумкин (Б.А.Келлер, 1940). Тұпланған туз ҳисобига ҳужайра ширасиңинг осмотик босими 100-200 атмосферағача күтарилади. Натижада уларнинг сүриш кучи жуда юқори бұлади ва шұрхок тупроқлар эритмасидан сувни бемалол шимиб олади. Бу гурухға кируди үсимликларнинг барги қалин, этил бўлиб, ксерофитлік белгилари күп бұлади.

*Криногалофитлар* – танасидан тузни ажратиб чиқарувчилар. Улар тузни шимиб олади, лекин тұқималар ичиде тұпламайды. Органларидаги ортиқча тузни баргларыда жойлашған маҳсус безчалар орқали ташқи мұхиттеги чиқарадилар. Тузларнинг чиқарилиши ион насослари ёрдамида амалға оширилади ва күп миқдорда сув транспорти иштирок этади. Күп миқдорда туз тұпланған баргларнинг тұқималари билан ҳам тузларнинг бир қисми ажралади. Бундай қобилятига эга бұлған үсимликларга кермек (*Statice umeligi*), жинфил (*Tamarix laxa*) ва жийда (*Elaegnus angustifolia*) мисол бұлади.

*Гликогалофитлар* – үртача ва кам шүрлікка эга бұлған тупроқларда яшашға мослашған. Уларнинг плазмолемма қавати тузни үтказмайды, натижада үсимлик танасида туз тұпланмайды. Улар ҳужайрасида юқори осмотик босимни фотосинтез маҳсулотлари (углеводлар) ҳисобига ҳосил қиласы да кучли сүриш қобилятига асосан шұр тупроқлар эритмасидан сувни үзлаштиради. Гликогалофитларга шувоқ (*Artemisia maritima*) ва ҳар хил кохиалар (*Kochia*) мисол бўлади.

Юқорида күрсатганимиздек, шұр тупроқлар таъсиридан маданий үсимликлар күпроқ заарланади. Аввало, уруғларнинг сувни шимиб олиб бўртишига, униб чиқишига, ёш майсаларда илдиз тизимининг үсишига тұсқинлик қиласы да. Ҳужайларда тузларнинг тұпланиши протоплазмани заҳарлаб, барча синтетик жараёнларни, фотосинтез жадаллигини ва оқсиллар синтезини секинлаштиради. Оқсилларнинг парчаланишидан аммиак ( $NH_3$ ) ажралып чиқади. Натижада тұқималарда аммиак тұпласынан, уларни заҳарлайды. Шұр тупроққа мослашған үсимликларда салбий таъсир даражаси бирмунча кам бўлади.

Шўрлик таъсирида гўза хужайралар биоколлоидларининг физик-кимёвий хусусиятлари, модда алмашиниш жараёнлари ўзгариб қолмай, ўсимликтарининг, айниқса, баргларнинг морфологик ва анатомик тузилишида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Шўр тупроқда ўсан гўза баргининг сатҳи камайиб, мезофилл қавати қалинлашган (94-чизма).



94-чизма. Тупроқнинг шўрланиш турига кўра гўза барги анатомик тузилишининг ўзгариши:

A—назорат; B—сулфатли; В—хлорофилл тупроқларда:  
1—юқориги эпидермис; 2—барг қалинлиги; 3—барг сатҳи.

Ўсимликларнинг шўрликка чидамлилиги ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида бир қанча усуслар таклиф этилган:

— экин майдонларидағи тупроқларни ювиш ва туздан тозалаш, бунинг учун дренаж ва зовурлардан кенг фойдаланиш, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш;

— экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, бунинг учун асосий ўғитлар билан бир қаторда микроўғитлардан фойдаланиш;

— ўсимликларнинг хлорли шўрликка чидамлилигини ошириш мақсадида экишдан олдин уруғларга ишлов бериш, бунинг учун уларни ош тузинини ( $\text{NaCl}$ ) 3-6 фоизли эритмасида бир соат сақлаб, кейин уларни 1,5 соат давомида ювиш ва экиш (П.А.Генкел ва ва бошқалар тавсия этган);

— шўрликка нисбатан чидамли навларни танлаш ва улардан фойдаланиш

— ўсимликларнинг сулфат шўрланишга чидамлилигини ошириш учун уруғларни экишдан олдин магний сулфат ( $\text{MgSO}_4$ ) тузининг 0,2 фоизли ёки марганец сулфат ( $\text{MnSO}_4$ ) тузининг 0,25 фоизли эритмасида бигече-кундуз ивтишиш ва бошқалар.

## **9.4. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ГАЗЛАР, РАДИАЦИЯ ВА КСЕНОБИОТИКЛАР ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ**

Фан-техника ва халқ ҳужалиги тараққиётининг ҳозирги даврида табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ бўлган муаммолар асосий ва мураккаб муаммолар бўлиб бормоқда. Шулардан табиий мұхитнинг зарарли газлар, радиофаол ва заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва уларнинг олдини олиш муаммоларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

### **9.4.1. Газлар таъсирига чидамлилик**

Саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларининг фаолияти натижасида атмосферага жуда күп чиқиндилар тарқалмоқда. Натижада ҳавога 200 дан ортиқ ҳар хил кимёвий компонентлар қўшилмоқда. Булардан газсимон бирикмалар : олтингугурт ( $\text{SO}_2$ ), азот оксидлари ( $\text{NO}$ ,  $\text{NO}_2$ ) иси гази ( $\text{CO}$ ), фторли бирикмалар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, сулфат, азот хлорид кислоталари, фенол буғлари ҳам ажralиб турди.

Саноати яхши тараққий этган мамлакатларда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг 52,6 фоизи транспорт фаолиятига, 18,1 фоизи иситиш тизимларига, 17,9 фоизи саноат чиқиндиларига, 1,9-9,5 фоизи чиқиндиларни кўйдириш ва бошқа жараёнларга туғри келади. Ўсимликларга заҳарли таъсир этиш қобилияти асосида, бу газларни қўйидаги тартибда жойлаштириш мумкин: 1)  $\text{F}_2 > \text{Ce}_2 > \text{SO}_2 > \text{NO} > \text{CO} > \text{CO}_2$ , ёки 2)  $\text{Ce}_2 > \text{SO}_2 > \text{NH}_3 > \text{HCN} > \text{H}_2\text{S}$  ( И.И.Полевой 1989)лик тўқималарига киради ва моддалар алмашинув жараённига салбий таъсир этади. Бундай салбий таъсир кўпроқ ўсимликларнинг энг фаол органи бўлган баргларда кузатилади. Барг тўқималарига ўтган заҳарли газлар сувда эрийди ва кислота ёки ишқорга айланади. Ҳосил бўлган заҳарли бирикмалар дастлаб ҳужайра девори ва мемранага таъсир этади. Мемрананинг ўтказувчаник ва транспорт жараёнлари заарланади. Улар цитоплазма биоколлоидларининг чидамлилигини пасайтиради, хлорофилл молекулаларини емиради, барг тўқималарининг рНни ўзгартиради. Натижада ҳужайралардаги модда алмашинув жараёнлари бузилади, фотосинтез жадаллиги пасаяди, нафас олиш суръати аввал кутарилади ва кейинчалик секинлашади. Ўсимликларнинг хлоропласт мемраналари ва пигментлар тизимига  $\text{SO}_2$  ва  $\text{Ce}_2$  газлари кўпроқ салбий таъсир этади.

Заҳарли газлар таъсирида ўсимликларнинг усиш ва ривожланиши секинлашади, қариш жараёнлари тезлашади. Биринчи навбатда айрим барг тўқималари кучли заҳарланади ва нобуд бўлади. Нордон газлар таъсирида кенгбаргли ўсимликларга нисбатан игна барглилар кўпроқ заарланади.

Газлар таъсирига чидамли ўсимликларнинг оғизчалари (айниқса,  $\text{SO}_2$ , ва  $\text{Ce}_2$  газлари) жуда сезгир бўлиб, улар оғизчаларини тез ёпиб олади

ва заҳарли газларнинг тұқымаларига үтишини чеклайди. Күпчилик изланишларнинг күрсатишича, шұр ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар газлар таъсирига ҳам чидамли бұлади.

Атмосферанинг нордон газлар билан ифлосланиши күпроқ йирик шаҳарлар ва саноат марказлари худудига тұғри келади. Шунинг учун ҳам уларда құқаламзорлар ҳосил қилиш жараёнига илмий ёндашиш, яғни газлар таъсирига чидамли ўсимликларни танлаш ва тавсия этиш катта ақамиятга эга. Чунки ўсимликлар атмосфера ҳавосини тозалаш қурбига эга бұлган йирик омилдир. Ўз навбатида ўсимликларнинг газлар таъсирига чидамлилигини ошириш усулларидан фойдаланиш ҳам мүмкін. Буларга уруғларни чиниқтириш, ўсимликларнинг минерал озиқланиш жараёнларини мұттадиллаштириш, сув билан таъминлашни тұғри йўлга қўйиш ва бошқалар киради. Ҳатто уруғларни экишдан олдин сулфат ва хлорид кислоталарининг суюқ эритмасида ивитиш ҳам ўсимликларнинг газларга чидамлилигини оширади.

#### 9.4.2. Ўсимликларнинг радиация таъсирига чидамлилиги

Табиий мұхиттінің энг хавфли вазиятларидан бири унинг радиофаол моддалар билан заҳарланишидір. Шунинг учун ҳам унинг олдини олишга жуда катта эътибор берілмоқда.

Ер шарыда маълум миқдордаги радиофаоллик табиий ва сунъий радиофаоллик натижасида ҳосил бұлади. Радиофаол элементлар: уран - 238, уран - 235, торий - 232, калий - 40, углерод - 14 ва бошқалар планетамизда маълум миқдорда тарқалған булиб, вақт үтиши билан улар доимо парчаланиб, ўзгариб туради. Уларнинг айрим емирилиш даври жуда узоқ мұддаттаға тенг булиб, уран - 238 нинг ярим емирилиш даври 4,51 млрд.йил, уран - 235 нинг ярим емирилиш даври 713 млн.йил ва торий - 232 нинг ярим емирилиш даври 14,4 млрд.йилга тенг.

Ерда радиофаол элементларнинг парчаланиши натижасида тупроқда, сув ва ҳавода табиий радиофаоллик вужудға келади. Таркибіда калий, уран, торий ва бошқа радиофаол изотоплар бұлған чанг шамол билан Ер юзидан атмосферага күтарилади ва вақт үтиши билан ҳаво орқали катта майдонларга тарқалади.

Кейинги вақтларда сунъий радиофаолликнинг түрли ядро реакциялари ёрдамида сунъий йўл билан содир қилинған радиофаоллик күпайиши асосида умумий радиофаоллик ортиб бормоқда. Мұхиттінің радиофаол ифлосланишининг асосий манбалари: радиофаол рудаларни қайта ишловчи завод ва корхоналар; ядро ёқилғисини қайта ишловчи корхоналар; атом электр станциялари; атом реакторлари ва бошқалардир. Бу манбалардаги айрим носозликлар, авариялар ва шунингдек, атом, водород ва бошқа ядро қуролларини портлатыш натижасида ташқи мұхит радиофаол моддалар билан ифлосланади. Бундай корхоналарнинг чиқындылари ҳисобига ҳам ифлосланиш күпаяди.

Айниқса, ядро қуролларини синаш учун портлатилганды жуда кучли радиофаол нурланиш вужудга келади. Үмуман, радиофаол моддалар тирик организмларни заҳарлайды. Тирик организмларда радиофаол моддалар концентрацияси күпайыб, организм учун хавфли булып қолади. Айрим планктонларда радиофаоллик сүндеги радиофаолликка нисбатан 1000 мартагача күп булади.

Радиациянинг биологик таъсири күп томонлама булып, молекулалардан то организм ва ҳатто популяция хусусиятга эга булади. Радиофаол нурларнинг таъсир механизми тирик организмга үхшашдир. Бу нурлар тұғридан-тұғри молекулаларни емиради. Ҳужайраларнинг мембранны, органоидлари ва айниқса, нуклеин кислоталар, ферментлар ва мембрана липидларини кучли заарлантыради.

#### 9.4.3. Үсимликларнинг ксенобиотиклар таъсирига чидамлилиги

Үсимликларни бегона бирикмалар – ксенобиотиклар таъсиридан ҳимоялаш тизими ҳам долзарб муаммо булып ҳисобланади. Ксенобиотик юонча *xenos* – бегона ва *biotos* – ҳәёт, янын организм учун бегона маъносини билдиради. Буларга кишиларнинг хұжалик фаолияти туфайли вужудга келган ва организмлар учун заҳарли химикатлар: пестицидлар, гербицидлар, дефолиантлар, десикантлар ва бошқалар киради.

Заҳарли химикатлар тупрөк, сув ва ҳавода тұпланса мұхитни ифлослайды, биологик тизимларни емиради. Шу билан бирга, үсимликлар дунёси атмосфераны тозалаша иштирок этади. Шунинг учун ҳам ксенобиотикларнинг биологик таъсири ва үсимликлар танасида детоксикацияланиш механизмларини үрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятта эга. Айниқса, уларнинг хусусиятлари, таъсир этиш доираси ва меъёрлари асосида метаболитик, ингибиторлық ҳамда нобуд булишига олиб келувчи даражаларини үрганиш ва улардан фойдаланиш мүмкін.

**ГЕРБИЦИДЛАР.** Гербицидлар үсимликлар үсишини тұхтатади ва бегона үтларға қарши курашда ишлатилади. Улар кимёвий моддаларнинг хилма-хил гурухларига мансуб бұлған бирикмалар ҳисобланади. Гербицидлар бир неча гурухтарға: үсимлиklärарға ёппасига таъсир этувчилар ва танлаб таъсир этувчиларға булинади.

Күпчилиги танлаб таъсир құрсатыш хусусиятига эга булып, фақат маълум оила ва турларға мансуб бўлған үсимликларни үлдиради. Гербицидларнинг таъсир этиш хусусияти уларни қўллаш усулларига ва концентрациясига ҳам боғлиқ булади. Масалан, битта гербициднинг ўзи кучсиз концентрацияда танлаб таъсир этса, унинг концентрацияси ортиб бориши билан ёппасига таъсир этиши мүмкін.

Гербицидлар ҳужайрага – цитоплазмага кириб ёғсимон моддаларда (липоидларда) эрийди ва меъёрдаги физиологик жараёнларни бузади. Бунинг натижасида үсимлик нобуд булади. Гербицидлардан, айниқса, 2,4 - дихлорфенилоксиацетат (2,4 Д)- ва 2-метил-4-хлорфеноксиацетат (2М - 4 Х) кенг ишлатилади. 2,4Д - ( $C_6H_{32}C_2$ ).O.CH<sub>2</sub>COOH ва 2 М - 4 Х

- ( $\text{CH}_3\text{C}_6\text{H}_5\text{C}_2\text{O}_4$ ). $\text{O}$ .  $\text{CH}_2\text{COOH}$  лар бир паллали зигир, арпа, бұғдой каби үсімліктарға зарап етказмаган ҳолда ёввойи үсімліктарни нобуд қилаади. Айниңса, 2,4 Д дан оз миқдорини (ұтто 1 мг дан кам) икки паллали үсімлік танасига киритилса, тезда физиологик жараёнлар бузилади, үсімлік үсишдан тұхтайди ва нобуд бұлади.

Ууман, 2,4 Д күпчилик бир паллали үсімліктарға таъсир этмайды. Икки паллалиларға эса күчли таъсир этади. Бунинг асосий сабаби улар-нинг кимёвий таркибининг ҳар хиллигидир. Улар модда алмашинув ху-сусияти билан ҳам фарқ қиласы.

Маккажұхори экилган далаларда бегона үтларға қарши симазин гербицидидан фойдаланиш мүмкін. Бу препарат үсімліктарға асосан илдиз орқали үтади, шунинг учун ҳам симазин тупроққа солинади. Симазин ҳужайраннинг митоз жараёнига, оддий углеводларнинг синтезига, Хилл реакциясыга ва бошқаларға заарлы таъсир этади. Маккажұхорининг ҳужай-ра таркибіда мавжуд айрим кимёвий моддалар симазинни нейтраллаш қобилиятыға эга. Шунинг учун ҳам у маккажұхорига таъсир этмайды.

Гербицидлардан ғұза майдонларидаги бегона үтларға қарши курашда ҳам фойдаланилади. Булардан әңг мұхымлари монуорон, диурон, которан ва бошқалар. Бу гербицидлар бегона үтларнинг фотосинтез ва нафас олиш жараёнларининг үзгаришига ҳам катта таъсир этади.

Ууман, ҳозирги вақтда қишлоқ ҳұжалигыда бегона үтларға қарши кураш мақсадида фойдаланиш мүмкін бұлған 200 дан ортиқ гербицид аникланған.

**ДЕФОЛИАНТЛАР ВА ДЕСИКАНТЛАР.** Сунъий ингибиторлар гурухига үсімліктарнинг баргини тұқиб юборадиган дефолиантлар ва үсімлік-ларни тезда құритиб юборадиган десикантлар ҳам киради.

Дефолиантлар кейинги йилларда пахталиқда кенг құлланилиб келмоқда, чунки ҳосилни үифишириб олиш жараёнини механизациялаш дефолиантларға бұлған әхтиёжни оширади. Дефоляция ғұзанинг барг бандида ажратувчи қатlam ҳосил қиласы да барларнинг тезда тұқилишини таъминлайды. Бундан ташқары дефоляция құсакларнинг пишиб етилишини ва очилишини тезлаштиради.

1940 йыда Ю.В. Ракитин барлар ва меваларнинг тұқилиши сабабларыни тушунтирувчи ауксин-этлен баланси гипотезасини яратди. Бу гипотезага күра, агар тұқымаларда этиленнинг миқдори ауксинларға нисбатан күпроқ тұпланса, синтетик жараёнлар сусайиб, гидролитик жараёнлар фоаллашади, натижада мева ёки барг бандларыда ажратувчи қатlam ҳосил булади ва улар тұқилади. Шу гипотезага асосан бирон йүл билан барлар таркибидаги этилен миқдорини күпайтириш ёки ауксин миқдорини камайтириш билан улар-нинг сунъий тұқилишини тезлаштириш мүмкін.

Хозирги вақтда ғұза баргини сунъий равишда тұкиш учун магний хлорат  $\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  күп ишлатилади. Бу рангсиз кристалл модда бўлиб, ута гигроскопик, сувда яхши эрийдиган бирикма. Бу бирикманнинг 10-12 кг ни 100-200 литр сувда эритиб, бир гектар майдондаги ғұзага пуркалса яхши натижада беради.

Кўп йиллар давомида ишлатилиб келинган гербицид – бутифос ҳозир ишлатилмайди, чунки табиатни кучли заҳарловчى асоратга эга.

Қанд лавлаги, картошка каби ўсимликларнинг ҳосилини машиналар ёрдамида йигиб-териб олиш учун десикациядан фойдаланилади. Бунда хлорат магнийнинг юқоририк концентрацияли эритмаси ишлатилади, яъни бир гектар ерга 25-30 кг гербицид эритмаси тайёрланиб пуркалади.

Дефолияция ва десикация усулларидан тўгри фойдаланиш натижасида ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосилни машиналар ёрдамида йигиб олиш мумкин.

## 9.5. КАСАЛ ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ

### 9.5.1. Ўсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлилиги

Ўсимликлар ҳам худди ноқулай омиллар сингари ҳосилга путур етказади. Касалланиш сабабли ҳосил камайибгина қолмасдан, балки унинг сифати ҳам ёмонлашади. Дунё миёсида қишлоқ ҳужалик экинларининг бир йилда касалликлар туфайли йўқотадиган ҳосил миқдори 25 миллиард доллар деб баҳоланади.

Ўсимликларнинг касалликлари икки гурухга бўлинади: юқумсиз (ноинфекцион) ва юқумли (инфекцион).

*Юқумсиз касалликларга* асосан ташқи муҳитнинг абиотик омиллари сабаб бўлади. Буларга ўсимликларнинг минерал озиқланиш жараёнларининг ҳамда сув режимининг бузилиши, ўсимликларга ўта совуқ ёки иссиқ ҳароратнинг таъсири кабиларни кўрсатиш мумкин (8.1-ва 8.2- бўлимларга қаранг). Шунингдек, ҳаво ва тупроқ таркибидаги заҳарли бирикмалар, тупроқда тўпланиб қолган гербициidlар, ноқулай ва кучли ёргулук манбалари, радиацион нурлар, айрим паразит ўсимликлар ва замбуруғлар томонидан ажратиладиган токсинлар бундай касалликларни туғдиради.

*Юқумли касалликларни* вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва бошқа биотик омиллар вужудга келтиради. Ўсимликлар ўзининг онтогенезида бундай организмлар таъсирига дучор бўлиб касалланади. Эволюция жараёнида кўпчилик ёввойи ўсимликларнинг бундай касалликларга нисбатан ҳар хил ҳимоя механизmlари яхши ривожланган. Аммо ҳимоя механизmlари маданий ўсимликларда жуда кам тарақкий этган. Шунинг учун ҳам юксак ўсимликларнинг патоген микроорганизмларга табиий чидамлилиги механизмини аниқлаш ва улардан фойдаланиш қишлоқ ҳужалик экинлари касалликларига қарши кураш усулларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Юқумли касалликларга учраган ўсимликларнинг меъёрий метаболитик жараёнлари бузилади. Фотосинтез, нафас олиш, минерал озиқланиш ва бошқа физиологик жараёнлар издан чиқади. Натижада ўсимликларнинг айрим органлари кучли шикастланади ёки ўсимликлар муддатидан олдин нобуд бўлади.

Чидамлилик – үсимлик организмининг инфекцияга жавоб мөъёри дир. Бу үсимликларнинг касалликни юқтирумаслиги, чегаралаб қўйиши ёки унинг ривожланишига тўсқинлик қилиш қобилияти била тавсифланади. Чунки тирик организмга тушган микроорганизм уни қаршилигига учрайди. Шунинг учун ҳам улар касаллик туғдиришда олдин ўзлари нобуд бўлишлари мумкин (агар организм шу микроғанизм турига нисбатан чидамли бўлса). Чидамсиз үсимликлар бундэ қаршилик кўрсата олмайди. Натижада улар касалланади ва ҳатто ну буд бўлиши ҳам мумкин. Чидамлилик носпецифик ёки бир турлар хос, специфик ёки навларга хос бўлиши мумкин.

Носпецифик – турларга хос чидамлилик асосида үсимликлар жукуп миқдордаги сапрофит микроорганизмлар таъсиридан ҳимоя қилниади. Чидамлиликнинг бу шакли фитоиммунитет дейилади (лотин免疫 – озод бўлиш). Бундай чидамлилик носпецифик бўлиб, фикат маълум турларга хос бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тур оз миқдордаги қўзғатувчилар билан заарланади.

Специфик – навларга хос чидамлилик, носпецифик чидамлилик – енгиб, үсимликларнинг касаллантириши мумкин бўлган паразитларга бўлиб муносабатидир. Бу чидамлилик айниқса, маданий үсимликлар учун муҳи аҳамиятга эга, чунки уларнинг 90 фоиздан ортиги специфик патогенлардан заарланади. Одатда навлар айрим патогенларга нисбатан чидамли бўли бошқа патогенлар билан заарланиши мумкин. Бу микроорганизмлар туригина уларнинг вирулентлик даражасига, үсимлик навининг шу микроорганистасирига чидамлилигига, иккала организмларнинг ривожланиши босқичларига, ўзаро таъсир шароити ва муддатларига боғлиқ бўлади.

Үсимликларнинг касалликларга чидамлилик даражаси турли ҳимояланиш механизmlарига асосланган. Булар асосан икки гуруҳдеборат: конституцион ва индукцияланган.

Конституцион механизmlар – үсимлик тўқималарида инфекция жараёнгача мавжуд бўлади: 1) үсимлик тўқималари ўзига хос тузилмави хусусиятларга эга бўлиб, инфекция киришига механик тўсиқни таъминлади; 2) антибиотик фаолликка эга бўлган моддаларни ажратади (фитонцидла феноллар ва бошқалар); 3) паразитларнинг озиқланиб, ўсиш ва ривожланиши таъминлайдиган моддаларнинг жуда кам ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Чидамлиликнинг индукцияланган механизми – инфекция таъсирига үсимликнинг реакцияси билан тавсифланади: 1) үсимликларнинг нафас олиши ва энергия алмашинув жараёнлари кучайди; 2) умумий носпецифик чидамлиликни оширишга йўналтирилган моддаларнинг тўпланишини таъминлайди (фитонцидлар, феноллар, хиноилар, ҳар хил танинлар ва бошқалар); 3) қўшимча механик ҳимётсиқлари ҳосил бўлади; 4) юқори таъсирчанлик реакциялари пайдабўлади; 5) фитоалексинлар синтезланади. Бундай чидамлиликка эбўлган үсимликлар ҳужайрасида паразитнинг ривожланиши қийинлешади ва ҳатто ривожлана олмай нобуд бўлиши мумкин.

Нектотроф ва биотроф паразитларга нисбатан чидамлилик механизмлари фарқ қиласи. Нектотроф патогенлар ўзлари ажратган гидролитик ферментлари ва токсинлари билан ўсимлик ҳужайрасига таъсир этади. Улар токсинлар ёрдамида ўсимлик ҳужайрасини ўлдиради ва ҳужайрада жойлашиб олади. Кейинчалик гидролитик ферментлар ёрдамида ҳужайра таркибидаги моддалар парчаланади. Нектотрофлар ажратган токсинлар – фитотоксинлар дейилади. Фитотоксинлар жуда кўп ўсимликларни заарлаши мумкин. Биотрофлар ўсимликлар учун заарли бўлган токсинларни ажратмайди. Улар асосан ҳужайралараро бўшлиқларга жойлашиб, ўзларининг гаустория-сургичлари ёрдамида ҳужайрадан озиқа моддаларни сўриб олади. Улар маълум муддатгача ўсимлик билан бирга яшайди. Аммо замбуруғларнинг споралар ҳосил қилишидан бошлаб ўсимликлар заарланади.

Биотроф паразитларга чидамлилик: паразитни аниқлаш, юқори таъсири-чанлик, некроз доирасини ҳосил қилиш ва патоген ҳаёти учун зарур бўлган озиқа компонентларидан маҳрум этиш, шу доирада фитоалексинларни синтез қилиб, паразитни нобуд этиш каби механизmlар билан тавсифланади.

Нектотроф патогенларга чидамлилик механизми асосан қўйидагилардан иборат: паразит токсинларини нейтраллаш ёки парчалаш, маҳсус патотоксинларга нисбатан ўсимликлар таъсиричанлигининг пасайиши; экзоферментлар фаоллигини носпештифик ингибиторлар (феноллар ва бошқалар) ёрдамида тўхтатиш; ўсимлик ферментлари (хитиназа, глюконаза ва бошқалар) ёрдамида паразит ҳужайрасининг деворларини заарлаш, паразитнинг гидролитик ферментларига қарши ўсимликлар оқсил-антиферментларини синтез қилиш ва бошқалар.

Патогенлар (замбуруғлар, бактериялар, вируслар) ўсимлик тўқималарига асосан икки йўл билан кириб олади: оғизчалар, чечевичкалар ва кутикула; ер усти ва илдизларнинг механик шикастланиши. Патогенлар биринчи навбатда ўсимликнинг устки қисмларига жойлашиб, кейинчалик ичкарига ўтиши муносабати билан қопловчи тўқималар механик тусиқгина бўлиб қолмай, токсик тусиқ вазифасини ҳам бажаради. Чунки уларда ҳар хил антибиотик (фитонцидлар ва феноллар) моддалар сақланади.

Асримизнинг 20-йилларида Б.П.Токин томонидан кашф этилган фитонцидлар – антибиотик моддалар (хинонлар, фенолли гликозидлар, спиртли гликозидлар ва бошқалар) патоген микроорганизмлар ривожланишини тўхтатади ёки уларни нобуд этади. Пиёз, саримсоқ кабиларнинг ёрилиши ёки кесилиши натижасида ажralиб чиққан учувчи фитонцидлар таъсиридан патогенлар заарланади.

Инфекция таъсирида шикастланган ҳужайраларда полифенолоксида-за ферменти фаоллашади ва фенолларни юқори токсик хинонларгача парчалайди. Ҳосил бўлган фенол бирикмалари патогенлар ҳосил қилган экзоферментларни нейтраллайди (яъни фаоллигини пасайтиради).

Биотроф паразитларга чидамли нав ҳужайраларига (масалан, фаллалардаги занг замбуруғи) патоген кириши билан улар нобуд бўлади, яъни некроз ҳосил бўлади. Ўсимликларнинг бундай реакцияси юқори таъсири-

чанлик номини олди. Чидамсиз навларнинг ҳужайралари эса тирик қолади ва паразит ҳамма тўқималарга тарқалади. Чидамли навлар некроз ҳосил қилиш усули билан паразитнинг ривожланишига йўл қўймайди. Юқори таъсиричанликнинг асосий функцияси паразитларнинг спора ҳосил қилишига йўл қўймаслиkdir. Чунки улар фақат тирик ҳужайра билан муносабатда бўлгандағина спора ҳосил қилиш қобилиятига эга.

Ўсимлик танасининг некрозлар ҳосил бўлган қисмларида фитопатогенларга жавоб сифатида маҳсус антибиотик моддалар ҳосил бўлади ва ҳимоя функцияларини бажаради. Бу моддалар фитоалексинлар номини олди (К.Мюллер, Г.Бёргер, 1940). Соғлом тўқималарда фитоалексинлар ҳосил бўлмайди. Улар антибактериал, фунгитоксик ва антинематодлик хусусиятларига эга. Фитоалексинлар ҳар хил бўлиб (дуккакли ўсимликларда – изофлавонойдлар, мураккаб гуллиларда – полиацетилинлар ва бошқалар), ўлик ҳужайралар атрофида жойлашган тирик ҳужайраларда синтезланади. Кейин паразит жойлашган некроз ҳужайраларига утади. Уларнинг ҳужайраларга транспорти апопласт усули орқали содир бўлади. Фитоалексинлар фитопатогенларнинг ўсишини барбод қиласида ва уларнинг экзоферментларини фаолсизлантиради.

Умуман, ўсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлилиги учтурга ажратилади:

1. Морфологик ва анатомик чидамлилик. Бунга ўсимлик тўқималари тузилмасининг мустаҳкамлиги, қопловчи тўқима ҳужайралари деворларининг ва кутикуланинг қалинлиги, тиканлар ва тукларнинг мавжудлиги, ҳужайраларнинг кичик бўлиши ва ҳужайраларро бўшлиқларнинг камлиги ва бошқалар киради.

2. Физиологик чидамлилик. Бундай чидамлиликни оғизчалар ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, САМ-метаболизм, ҳужайра ширасининг нордонлиги ва осмотик босим миқдори кабилар таъминлайди.

3. Кимёвий чидамлилик. Тўқима ҳужайраларида ҳар хил ҳимоя моддаларининг (ҳимоя оқсиллари, углеводлар, пролин, фитонцидлар, алкалоидлар, фенол бирикмалари, фитоалексинлар ва бошқалар) тўплашиши билан тавсифланади.

Ўсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлилигини ошириш мақсадида ташқи муҳит омилларини (ҳарорат, ёруғлик, тупроқ намлиги ва унумдорлиги) мұтадил даражага йўналтириш катта аҳамиятга эга. Айниқса, ўсимликларнинг минерал озиқланишига кўпроқ эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда фосфор, калий ва микроэлементлар таъсирида ўсимликларнинг патоген микроорганизмларга чидамлилиги ошганлиги аниқланди. Озиқ Элементларининг миқдори, нисбати ва қўллаш муддатларидан тўғри фойдаланиш метаболитик жараёнларни фаодлаштиради ва натижада ўсимликларнинг касалликка чидамлилиги ҳам мустаҳкамланади.

## ҚИСҚАРТИЛГАН СҮЗЛАР

АБК	-	абсцис кислота
АГ	-	Голжи аппарати
АДФ	-	аденозиндифосфат
АДФГ	-	аденозиндифосфатглюкоза
АМФ	-	аденозинмонофосфат
АТФ	-	аденозинтрифосфат
ГА	-	гиббереллинлар
ГАЗ	-	гиббереллин кислота
ГДГ	-	глутаматдегидрогеназа
ГС	-	глутаминсинтетаза
ГТС	-	глутаматсингтаза
ГДФ	-	гуанозиндифосфат
ГТФ	-	гуанозинтрифосфат
2, 4, -Д-2, 4	-	дифхлорфеноксисирка
ДНК	-	дезоксирибонуклеин кислота
ИМК	-	индолилёг кислота
ИСК	-	индолил-3-сирка кислота
МДГ	-	малатдегидрогеназа
МП	-	мембрана потенциали
НАД	-	никотинамидаадениндинуклеотид
НАДН	-	никотинамидаадениндинуклеотид (қайтарылган)
НАДФ	-	никотинамидаадениндинуклеотидфосфат
НАДФН <sub>2</sub>	-	дигидроникотинамиаденин
(НАДФН)	-	динуклеотидфосфат
НК	-	нафас олиш коэффициенти
ПВК	-	пироузум кислота
ПД	-	таъсир потенциали
ПФП	-	нафас олишнинг пентозафосфат йули
ПЦ	-	пластицанин
РДФ	-	рибулозо-1, 5- дифосфат
РНК	-	рибонуклеин кислота
иРНК	-	информациян РНК
рРНК	-	рибосомал РНК
тРНК	-	транспорт РНК
СоA	-	коэнзим А
ТПФ	-	тиаминпирофосфат
УДФ	-	уридиндифосфат
УДФГ	-	уридиндифосфатглюкоза
УТФ	-	уридинтрифосфат
Ф <sub>1</sub> (Р <sub>1</sub> )	-	анорганик фосфат
ФАД	-	флавинадениндинуклеотид
ФГА	-	фосфоглицерин алдегиди
Фд	-	ферродоксин
ФДА	-	фосфодиоксиацетон
ФГК	-	фосфоглицерин кислота
ФЕП	-	фосфоенолпироузум кислота
ФМН	-	флавинмононуклеотид
ФТИ	-	биринчи фототизим
ФТИI	-	иккинчи фототизим
Цк	-	цитокинин
ЭР	-	эндоплазматик түр (ретикулум)
ЭТЦ	-	электронтранспорт занжири.

## АДАБИЁТЛАР

- Белоусов М.А. Физиологические основы корневого питания хлопчатника. Т., 1975.
- Имомалиев А., Зикриёев А. Ўсимликлар биохимияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1978.
- Самиев Х.С. Водный режим и продуктивность хлопчатника. Т.: “Фан”, 1979.
- Соттибоев И.К., Құчқоров Қ. Ўсимлик ҳужайраси. Т.: “Ўқитувчи”, 1978.
- Шайхов Э.Т., Нормуҳамадов Н., Шлейхер А.И., Азизов Ш.Г., Лев В.Т., Абдурашидова Л.Х. Пахтацилик. Т.: “Меҳнат”, 1990.
- Гэлстон А., Девис П., Сэттер Р. Жизнь зеленого растения. М., 1983.
- Дёрфлинг К. Гормоны растений. М., “Мир”, 1985.
- Кретович В.Л. Биохимия растений. М., 1986.
- Курсанов А.Л. Транспорт ассимилятов растений. М., 1976.
- Лебедев С.И. Физиология растений. М.: “Колос”, 1982.
- Либерт Э. Физиология растений. М.: “Мир”, 1976.
- Полевой В.В. Физиология растений. М.: “Высшая школа”, 1989.
- Полевой В.В., Саламатова Т.С. Физиология роста и развития растений. Л., 1991.
- Рубин Б.А. Курс физиологии растений. М.: “Высшая школа”, 1976.
- Скулачев В.П. Энергетика биологических мембран. М.: “Наука”, 1989.
- Тарчевский И.А. Основы фотосинтеза. М.: “Высшая школа”, 1977.
- Шевелуха В.С. Периодичность роста сельскохозяйственных растений и пути ее регуляции. М., 1980.
- Школьник М.Я. Микроэлементы в жизни растений. Л., 1974.
- Чайлахян М.Х. Регуляция цветения высших растений. М., 1988.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЎСИМЛИК ҲУЖАЙРАСИННИГ ФИЗИОЛОГИЯСИ</b>	
1.1. Ҳужайравий таълимотнинг ривожланиш тарихи .....	7
1.2. Ҳужайра тузилмаси ва функциялари .....	8
1.3 Ҳужайранинг кимёвий таркиби .....	21
1.4 Ӯсимлик ҳужайрасининг осмотик хусусиятлари .....	31
<b>II БОБ. БИОЭНЕРГЕТИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ</b>	
2.1 Биологик тизимлардаги энергия манбалари .....	35
2.2. Фосфорланиш .....	39
2.3 Донор-акцептор тизими .....	41
2.4 Биомембраналарнинг роли .....	42
<b>III БОБ. ФОТОСИНТЕЗ</b>	
3.1. Фотосинтез ва унинг аҳамияти .....	45
3.2. Фотосинтезни ўрганиш тарихи .....	45
3.3. Барг – фотосинтетик орган .....	47
3.4. Фотосинтез реакциялари .....	58
3.4.1. Ёруғликда борадиган реакциялар .....	58
3.4.2. Фотосинтезда карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши .....	66
3.5 Фотосинтезнинг САМ йўли .....	70
3.6. Ёруғликда нафас олиш .....	70
3.7 Фотосинтез экологияси .....	72
3.8 Фотосинтезнинг кунлик ва мавсумий жадаллиги .....	77
3.9 Фотосинтез ва ҳосилдорлик .....	79
<b>IV БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НАФАС ОЛИШИ</b>	
4.1. Ӯсимликлар ҳаётида нафас олишнинг аҳамияти.....	81
4.2. Нафас олиш коэффициенти .....	82
4.3. Нафас олиш химизми .....	84
4.4. Нафас олишнинг ички ва ташқи шароит омилларига боғлиқлиги..	94
4.5. Дон, мева ва сабзавотларни сақлашда нафас олишнинг аҳамияти..	97
<b>V БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СУВ РЕЖИМИ</b>	
5.1. Ӯсимликлар ҳаётида сувнинг аҳамияти .....	99
5.2. Сувнинг шимилиши ва ҳаракати .....	100
5.3. Транспирация .....	107
5.4. Ӯсимликларнинг сув мувозанати .....	110
5.5. Антитранспирантлар .....	111
5.6. Ӯсимликларни сугоришнинг физиологик асослари .....	112

<b>5.7. Ўсимликларнинг сувга бўлган муносабатига қўра экологик гуруҳлари.</b>	11
<b>ІІ БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИЛДИЗ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛАНИШИ</b>	
6.1 Ўсимликларнинг илдиз орқали озиқланиши ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши .....	11
6.2. Минерал элементларнинг ўсимликлар танасидаги миқдори .....	12
6.3. Минерал элементларнинг физиологик аҳамияти .....	12
6.4. Микроэлементларнинг аҳамияти .....	13
6.5. Минерал элементларнинг ютилиш механизми .....	14
6.6. Ионлар антагонизми ва тенглаштирилган эритмалар .....	14
6.7. Ўсимликларнинг табиий тупроқдан озиқланиши .....	14
6.8. Ўсимликлар онтогенезида минерал озиқланиш .....	14
6.9. Ўғитлашнинг физиологик асослари .....	14
6.10. Ўғитлаш усуллари ва муддатлари .....	15
<b>ІІІ БОБ. ЎСИМЛИКЛАРДА МОДДАЛАР ТРАНСПОРТИ.....</b>	15
<b>ІV БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ .....</b>	16
8.1. Ўсимликларнинг ўсиши .....	16
8.2. Ўсимликларнинг ўсишига ташқи шароит омилларининг таъсири .....	16
8.3. Ўсимлик гормонлари .....	17
8.4. Физиологик фаол сунъий моддалар .....	17
8.5. Ўсимликларнинг тиним ҳолатлари .....	18
8.6. Ўсимликларнинг ҳаракатлари .....	18
8.7. Ўсимликларнинг ривожланиш босқичлари .....	18
<b>ІХ БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ</b>	
9.1. Ўсимликларнинг қурғоқчиликка ва юқори ҳарорат таъсирига чидамлилиги .....	20
9.1.1. Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги .....	20
9.1.2. Ўсимликларга юқори ҳароратнинг таъсири ва уларнинг иссиқликка чидамлилиги .....	20
9.2. Ўсимликларнинг паст ҳарорат таъсирига чидамлилиги .....	20
9.3. Тупроқ шўрланиши ва унинг ўсимликларга таъсири, шурга чидамлилик .....	20
9.4. Ўсимликларнинг зарарли газлар, радиация ва ксенобиотиклар таъсирига чидамлилиги .....	21
9.4.1. Газлар таъсирига чидамлилик .....	21
9.4.2. Ўсимликларнинг радиация таъсирига чидамлилиги .....	21
9.4.3. Ўсимликларнинг ксенобиотиклар таъсирига чидамлилиги .....	21
9.5. Касал ўсимликлар физиологияси .....	21
9.5.1. Ўсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлилиги .....	21
Кисқартирилган сўзлар .....	220
Адабиётлар .....	221

**Ж.Х.ХЎЖАЕВ**

**ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ**  
**(Дарслик)**

**Тошкент — «Mehnat» — 2004**

Нашр учун масъул  
Таҳририят мудири  
Муҳаррир  
Мусахҳих  
Компьютерда саҳифаловчи

*Н.Халилов*  
*М.Миркомилов*  
*М.Тожибоева*  
*Қ.Авесбоеев*  
*А.Рўзиев*

2004 йил 27 июлда чоп этишга рухсат берилди. Бичими  
60x90  $\frac{1}{16}$ , Офсет қофози. Шартли босма табоғи 14,2.  
Нашр табоғи 14,0. Адади 1500 нусха. Буюртма №287.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Mehnat» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-уй  
Шартнома №23-2004

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги «ЎАЖБНТ» Марказининг компьютер  
булимида тайёрланди

Х.Ф. “NISIM” босмахонасида чоп этилди.  
Ш.Рашидов кӯчаси, 71